



# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ



# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

*Иншолар тўплами*



Тошкент  
“Turon zamin ziyo”  
2016

**УЎК 37.01(575.1)**

**КБК 74.200**

**И-83**

Истиклол шукуҳи [Магн]: / Таҳрир ҳайъати: А.Раҳмонов ва бошқ. – Т.: “Turon zamin ziyo” нашриёти. 2016. – 320 б.

ISBN 978-9943-4721-8-1

*Инсон учун киндик қони тўкилган маскандан-да ортиқроқ муқаддас макон йўқ. Шунинг учун буюк сўз соҳиблари ҳам энг сара асарларини Ватан қадри, эл-юрт шарафига бағишлаганлар. Аслида, Ватанни куйлаш, унинг муҳаббатини тараннум этиши ва, энг асосийси, уни чин дилдан суйиши олий саодатдир. Қўлингиздаги ушбу тўпلامдан юртимиз ёшларининг ана шу муқаддас туйғу – Ватан ҳақидаги кечинмалари, ўй-фикрлари, истиклол шукуҳи ўрин олган.*

**УЎК 37.01(575.1)**

**КБК 74.200**

*Таҳрир ҳайъати:*

**Абдукамол Раҳмонов, Ислоҳ Ҳамроев, Сирожиддин Раупов,  
Райхона Ўрмонова, Саодат Содиқова**

*Тақризчи:*

**Абдуқайом Йўлдошев,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

ISBN 978-9943-4721-8-1

© O‘zbekiston Adolat  
sotsial-demokratik  
partiyasi,  
“Turon zamin ziyo”,  
Тошкент, 2016 й.

271348

## ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Мамлакатимиз таянчи, халқимиз бахту саодати бўлган ёшларимизнинг соғлом ва баркамол, буюк аждодларимизга муносиб бўлиб вояга етиши, илм-фан сирларини, замонавий билимларни чуқур эгаллаши учун барча шароитлар яратилган. Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ёшларга алоҳида эътибор қаратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланиб, бу борада ҳуқуқий асослар яратишга киришилди.

Хусусан, 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ўтган йилларда бу борадаги миллий қонунчилик асослари мустаҳкамланиб, қонун ҳужжатлари давр талабига мос равишда такомиллашиб бормоқда. Зеро, бундай юксак эътибор замирида миллат давомийлигини асраб-авайлаш, юрт равнақи, ёрқин истиқболи учун мустаҳкам пойдевор яратиш мақсади мужассам.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам келажагимиз эгаларининг ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор лойиҳалар ва чора-тадбирларни изчил амалга ошириб келмоқда. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, Ватан келажагига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш партия ташкилотлари ва фаолларининг муҳим вазифаларидан саналади. Партияимизнинг Сайловолди дастурида таъкидланганидек, “Адолат” СДП мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Дунёнинг

турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз зарурлигини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунда партияннинг ёшлар сиёсатини, дастурий вазифаларимизни рўёбга чиқаришда “Ватан келажаги ёшлар қўлида”, “Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик”, “Яхши касб – етук мутахассис – муносиб иш ҳақи”, “Талабаларнинг кичик инновацион корхонаси”, “Фикр – ғоя – ҳаракат”, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”, “Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик”, “Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари” каби лойиҳалар доирасида амалга ошириб келинаётган ишлар, муҳим тадбирлар ўзининг ижобий самараларини бераётгани бизни қувонтиради.

Жорий йилда партия Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб, олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилган “Иншолар танлови”да ёшлар фаол қатнашиб, ҳар бири қалб сўзини айтишга астойдил интилганлиги эътиборга молик. Партияимизнинг “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур танловнинг бош мақсади – иқтидорли ёшларни аниқлаш, партияимизнинг дастурий вазифаларини амалиётга татбиқ этиш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Истиқлол ёшлари ёзган иншоларида она юртга меҳр-муҳаббати, озод ва обод Ватанимиз мадҳи, шаҳару қишлоқлардаги беқиёс янгиланишлар, фарзандларимиз камолоти учун яратилган шарт-шароитлар, огоҳлик, тинчликнинг қадр-қиммати, ўз орзу-мақсадларини самимий акс эттиришди. Ишти-

рокчиларнинг ушбу ижодий ишлари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри партия кенгашларида тузилган танлов ҳайъатлари, партия Сиёсий Кенгашида фаолият олиб борган танлов комиссияси томонидан холис баҳоланди.

Иншоларнинг ҳар бирини ўқир эканмиз, юксак маънавиятли, орзу-мақсадлари сари дадил интилаётган, ёшларнинг шижоатли қалбида фахр-ифтихор, қатъият ва ирода, Ватанга меҳру садоқат, истиқлол берган бебаҳо имконларни қадрлаш, шу азиз юрт фарзанди эканидан чексиз бахтиёрлик туйғулари мужассам эканининг шоҳиди бўлдик.

Танловда иштирок этган ўн мингдан ортиқ ватанпарвар ёшларнинг иншоларидан саралаб олинган ва ушбу тўпламга киритилган ижодий ишлар билан танишган китобхонлар ҳам бунга амин бўлишига ишончимиз комил.

Ушбу иншолар тўпамидан ёшларни истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларни ўз олдиларига юксак мақсадлар қўйиб, олға интилишларига руҳлантиришда фойдаланиш учун тавсия этилади.

**Наримон УМАРОВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Сиёсий кенгаши раиси**

## МЕН “АДОЛАТ”ГА АЪЗОМАН

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ёш авлод тарбиясига боғлиқ ислохотлар, “Кадрлар таёрлаш миллий дастури” ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларининг қабул қилиниши билан таълим соҳасидаги қилинган бунёдкорлик ва фидокорона меҳнатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон ёшлари дунёнинг ривожланган давлатларидаги тенгдошлари билан бемалол баҳслаша оладиган, жаҳон аренасида мамлакатимиз байроғини баланд кўтариб, юрт ғурурини ҳимоя қиладиган ҳақиқий келажак эгалари бўлиб улғаймоқда.

Ҳар бир ёш авлод қалбида куртак ёзган истеъдод ғунчаларининг гул очиб, баланд парвозларга қанот ёзиши учун юртимизда барча имконият эшиклари очиқ. Мана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўзларининг Ватан олдидаги фарзандлик бурчларини теран ҳис этган юртимиз ёшлари бугунги кунда илм-фан, спорт, маданият ва адабиёт каби ҳаётнинг турли соҳаларида юксак ғалабаларга эришиб келмоқда.

Республикамизнинг барча ҳудудларида ёшлар тарбияси, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, интеллектуал қобилиятга эга, инновацион фикрлайдиган ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси диққат марказида эканлиги биз ёшларни бефарқ қолдирмади, албатта.

Мен ҳам “Ёш адолатчилар” қанотининг турли тадбир ва семинарларида иштирок этиб, ўз истаги билан партия сафига қўшилган кўп сонли иқтидорли талабаларнинг бириман ва бундан доимо ғурурланаман.

Ўтган йиллар давомида ўқишдаги ва жамоат ишларидаги фаоллигим, илм-фанни чуқур эгаллаш йўлидаги изланишларим туфайли Беруний номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлдим.

Ўқиш билан биргаликда партия ҳаётига доир фикр ва мулоҳазаларим акс этган мақолаларим билан республика ва маҳаллий ОАВда ҳам чиқишлар қилиб тураман.

Партиямизнинг Нукус шаҳар кенгаши фаоллари мени 2014 йилда партия тадбирларидаги фаол иштироким, ёшлар ўртасида “Адолат” СДПнинг дастурий ғояларини тарғибот қилишдаги ташаббускорлигимни ҳисобга олиб, Нукус шаҳар кенгашининг “Ёш адолатчилар” қаноти етакчилигига тавсия қилди. Кўп сонли партиядош тенгдошларимнинг қўллаб-қувватлаши билан шаҳарлик партиядош ёшларнинг етакчиси бўлиб сайландим.

Айни кунда Ўзбекистон “Адолат” СДП Нукус шаҳар кенгашининг “Ёш адолатчилар” қаноти сафида 600 га яқин аъзолар бор, улар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида тиббиёт ва таълим, ишлаб чиқариш ва маданият соҳаларида меҳнат қилаётган, олий ва ўрта махсус таълим даргоҳлари илм сирларини пухта эгаллаётган навқирон авлод вакиллари ҳисобланади.

Мустақиллик биз, ёшларга ўз тарихимиз ва миллий қадриятларимизни эмин-эркин ўрганиш, эркин фикрлаш ва ижод қилиш бахтини ҳадея этганлиги билан аҳамиятли. Юртимизнинг кўп сонли ёшлари қаторида давлатимиз томонидан яратилаётган қатор имконият ва ғамхўрликлардан самарали фойдаланиб, таълим ва тарбия олаётганлигимдан шаксиз бахтиёрман.

Келажакда азиз Ватанимиз довуғини илм-фандаги изланишларим билан бутун дунёга тараннум этиш орқали ўз фарзандлик бурчимни бажаришим даркор.

Сабаби, биз жаҳон илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Бердақ



ва Ажиниёз каби юзлаб алломаларни дунёга келтирган муқаддас замин ёшларимиз.

Президентимизнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Мен чет эллик сиёсий арбоблар, катта ишбилармонлар билан учрашганда, улар бизнинг фарзандларимиз ҳақида ҳавас билан “Ёшларингизнинг кўзи ёниб туради” деган фикрни кўп эшитаман. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда Ватани, халқи учун курашга бел боғлаган, софдил, иродаси мустаҳкам ёшларнинг кўзлари ёниб туради” деб таъкидлаган эди. Бу пурмаъно, ғурурбахш сўзларни ҳар гал ўқир эканман, ана шундай ёшлар сафи кенг эканини чуқур ҳис этишдан қувонаман, ўзим ҳам шу сафда шижоат, билим ва салоҳиятимни намоён этишга астойдил интиламан.

Айни кунда Қорақалпоғистон ёшлари ҳам мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини таъминлашда иштирок этиб, ушбу жараёнда ўзларининг бефарқ эмаслиги, ҳар жабҳада фаоллигини кўрсатиб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир йигит-қизнинг сиёсий ислохотлардан хабардор бўлиб, ўзи дастурий ғояларини маъқул деб билган сиёсий партияга бирлашиш орқали мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиши, мамлакатнинг бугуни, келгусидаги ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса ҳисобланади.

Шундай экан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашни асосий мақсад деб билган, Ўзбекистоннинг келажаги инновацион фикрлайдиган ёшлар қўлида деб ҳисоблайдиган Ўзбекистон “Адолат” СДПга аъзо бўлганимдан фахрланаман.

## **МЕҲРИМИЗ БОШЛАНГАН МАКОН**

Ватан... Шу бир сўз замирида чуқур маънолар жамланган, бу сўзни тилга олганда уни юракдан ҳис қилган ҳар бир инсоннинг кўнгил торлари титрайди.

Тупроқлари, тиниқ сувлари, кенгликлари, мусаффо осмонга туташган тоғлари дилга яқин. Мустақиллик ифори барқ уриб турган қирмизи лолалар, алвон-алвон қизғалдоқлари, турфа гўзалликлар ошиёнига айланган маҳобатли тоғларнинг макони.

Серкуёш диёримизнинг инсонлари меҳрли, саховатли, меҳмондўст. Болажон халқимизнинг инсоний фазилатлари бебаҳо. Авваламбор она Ватанни, халқни, оилани, ота-онани севиш уларга фидойилик қилиш, муносиб бўлишдан бошланади. Дунёда инсон учун энг муқаддас туйғу, энг буюк фазилат Ватанни севишдир.

Ҳар бир инсоннинг киндик қони томган маконни қадрлашга ундайдиган ҳар биримизнинг ўз уйимиз бор. Одамнинг яшайдиган манзили, ҳаёт тарзи ўзгариши мумкин. Шунда ҳам инсон болалик туйғулари шакланган уйига доим талпинади. Болалик даврини, болаликдаги дўстларини, туғилган ерини хотирламайдиган, эслаб интиқмайдиган одам бўлмаса керак. Ватанга меҳримиз бошланган макон муҳаббатимизни янада улғайтираверади. Яхши инсон, Ватанга, юртга содиқ фарзанд бўлиб вояга етишда бу беғубор туйғулар доим таъсир қилади, ёрдам беради.

Ватанни суймоқ имондандир, деб бежиз айтилмаган. Ватан туйғуси она сути билан киради. Инсон тирик экан, бу меҳр, бу туйғу унинг қалбида умрбод яшайди.

Агар инсон шу муқаддас туйғуларга содиқ бўлса, демак, у оилага, ота-онасига, халқига содиқ бўлиб қолади.

Фидойилик ва инсонпарварлик худди шу туйғу орқали ҳис этилади.

Она юртимиз Ўзбекистон 25 йилдирки, мустақил мамлакат. Унинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир ўғил-қизи Ватанга содиқ, фидойи бўлишни инсонийлик бурчи деб билади.

Ўзбекистон Республикаси бугун ўз байроғи, мадҳияси, Конституциясига эга. Бу, албатта, мустақиллигимизнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Қувонарлиси, бизнинг Ўзбекистонимиз мустақил мамлакат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси сифатида ўз сўзини айтиб келмоқда, жаҳонда ўз муносиб ўрнига эга ва жадал ривожланмоқда.

Истиқлол фарзандлари илм-фан, спорт ва бошқа соҳалардаги ютуқлари билан жаҳон ареналаридан ўрин олиб, мамлакатимиз байроғини юксакларда ҳилпиратиб, уни дунёга тараннум этмоқда.

Ўзбекистон бағрида обод ва гўзал Қорақалпоқистон Республикаси ҳам кун сайин ҳар томонлама ривожланиб, чирой очмоқда. Айниқса, Нукус шаҳрининг кўчалари таниб бўлмас даражада ўзгарган. Бир-биридан ўзгача чирой, ўзгача услубдаги иморатлар бунёд этилиб, шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Биз ёшлар учун касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, кутубхоналар қурилиб, халқимизнинг обод яшаши учун кўп қаватли турар жойлар бўй чўзмоқда. Қишлоқларимиз ҳам шаҳарларимиздан қолишмай ривожланиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг донолиги, зийраклиги, меҳнаткашлиги, ҳамжиҳатлигининг мевасидир.

Бир сўз билан айтганда, Ватан туйғуси ҳар биримизнинг қонимизда, жон-танзимизда, кўз нурумизда тасвирланиши керак. Унга содиқ бўлиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ҳа, ёруғ келажак умиди билан яшаётган халқнинг бир фарзанди сифатида маънавий дунёси бой, қалби

кенг, мард халқим билан ғурурланаман. Юртимизнинг буюк келажигига мустақкам пойдевор қўйишда ўз фарзандлик ҳиссамни қўшаман.

Мустақилликнинг ҳар бир йили тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан муҳрланмоқда, уларнинг ҳар бири биз учун энг қадрли, қувончимиз ва ифтихоримиздир. Барчамизга ўзликимизни англаш, инсонийлик туйғуларимизни қадрлаш, ўз юртимизга эгалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни қайтариб берган мустақиллик буюк тарихий воқеадир.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, меҳроқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғимиздай асраш, Ватанимиз равнақи учун астойдил ҳисса қўшиш биз, ёшлар учун шарафли ва энг катта вазифамиздир.

*Бийбихадиша ЖОЛДАСБАЕВА,  
Нукус давлат педагогика институти қошидаги  
I-сонли Нукус академик лицей ўқувчиси*

## **ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИ**

Ватан қандай гўзал ва табаррук сўз. Шу биргина сўз дунёдаги барча бойликлардан кадрлидир.

Она қандай ёқимли сўз. Даставвал, миттигина гўдакнинг тилидан янграб, шу меҳрибон инсон томон талпинтирган сўз.

Ўз иншоимни бу икки сўздан бошлаганим боиси бор. Чунки туғилган жой ҳақида гап кетганда, бу икки сўзни айро тасаввур қилиб бўлмайди.

Ватан – киндик қонимиз томган тупроқ, онамизнинг майин овозидан янграган аллани эшитиб ухлаган олтин бешигимиз, отамизнинг олтинга тенг ўғитлари, бобо-бувиларимиз айтиб берган эртақлар, билим эгаллаш йўлида қадам босган мактабимиз.

Бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистон. Бу юртни таърифлаш учун шоир ва рассомларга қалам ожизлик қилади.

Ҳақиқатан ҳам, бундай юрт яна қайда бор? Яна қайси давлатда Регистондек чиройли обидаларни, Самарқанднинг ширмой нонларини, Мирзачўлнинг есанг тил ёрадиган қовунларини, ўзбегимнинг миллий атлас-у адрасларини учратгансиз? Ахир, Ҳамид Олимжон ҳам:

*Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,  
Достонларда битган гулистон.  
Ўзбекистон дея аталур,*

*Уни севиб эл тилга олур, – деб бежиз ёзмаган.  
Ривоят қилишларича, Чингизхон она тупроғимизга*

бостириб кириш олдидан шу ердаги бир кичкина қишлоқни кузатиш учун ўз одамани юборади.

Хон ясовулига:

– Сен ҳозир бориб бу қишлоқда нечта тандир борлигини кўриб кел, – деб буйруқ беради.

Ясовул буйруқни бажариб келади.

– Қишлоқда биттагина тандир бор экан, – дейди у.

– Ундай бўлса, бу халқни енгиласан деб бўлмади. Агар шу кичкингина қишлоқнинг аҳиллиги бошқаларида ҳам бўлса, унда бизнинг аҳволимиз чатоқ, – дейди хон.

Бундан кўриниб турибдики, аҳил элнинг оти ҳамаша пойгада биринчи бўлади. Ҳамма гап бахтли дамларимизнинг қадрига етиб аҳилликни қўлдан бермасликда.

Ҳозирги тараққий этган асрда ҳар хил хавф-хатарлар кучаймоқда. Уларнинг олдини олиш учун огоҳ бўлишимиз, жон-танзимиз билан ҳаракат қилишимиз лозим. Сергакликни қўлдан бой бермай, бепарволикка йўл қўймасдан, ҳар биримиз осойишталигимиз учун қайғурсак, тинчлигимиз барқарор бўлаверади.

Буларнинг ҳаммаси бугунги интеллектуал билим ва кўникмаларга эга биз, ёшларга боғлиқ эканини алоҳида айтмоқчиман.

Сабаби, эртанги кун, ойдин келажак эгалари, бугунги фаровон турмушни келажак авлодларга етказувчилар ҳам биз бўламиз. Бунинг учун мустақиллигимиз берган имкониятлардан фойдаланиб, кўп ўқиб-изланишимиз зарур.

Зеро, мустақиллик қанчадан-қанча имкониятлар эшигини очди. Айниқса, ёшларнинг қобилияти ва билимини ошириш, уларни эркин фикрли маънавияти юксак инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда 1991 йилда “Ёшларга оид давлат сиёсати” дастури қабул қилинди. 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши таълим соҳасида катта бурилиш ясади.

Ҳар йилги давлат дастури асосида бир қатор академик лицей, касб-ҳунар коллежлари реконструкция қилиниб, айримлари бутунлай янгидан қад ростламоқда. Бундай кўркем иморатларда юрт эртасининг давомчилари замонавий билимларни пухта эгаллаб, янгича фикрлайдиган ёшлар бўлиб етишиб чиқади.

Мустақилликнинг яна катта имкониятларидан бири – 2001 йилда тузилган “Камолот” ЁИХ ҳисобланади. Мана, бу ташкилотнинг тузилганлигига ҳам ўн беш йил бўлди. Ҳаракат доирасида ўтказилиб келинаётган ҳар бир кўрик-танлов, фестиваль ва мусобақалар келажак қурувчиларининг қобилияти ва билимларини кўрсатишига катта имкон яратмоқда. Ҳаттоки менинг ҳали ўн саккизга чиқмаган дўстим яқинда банкдан 36 миллион сўм кредит олиб, хусусий ишбилармонга айланди. Яна бири Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Ушбу ташкилотнинг энг фаол аъзоларига “Камолот” уйлари тақдим этилмоқда. Ўз келажигига элимизнинг ишончи бу, албатта. Республикамиздаги ҳар бир ёшга бугун ҳавас қилсак арзийди. Чунки улар дунёдаги энг бахтли юртнинг энг бахтли фарзандларидир.

Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажиги йўқ”, – деб таъкидлаган.

Мустақилликка эришгандан кейин тарихий ёдгорликлар қайта тикланиб, она Ватанимиз тинчлиги ва ривожини йўлида меҳнат қилган буюк инсонларнинг номи абадийлаштирилди. Бу бизга чексиз ғурур бағишлайди ва аждодларимизга муносиб издош бўлишга ундайди.

1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик юбилеи кенг нишонланди. Темурийлар тарихи давлат музейи очилди. Бобомизнинг ҳайкали Франция давлатида ҳам қад ростлаган. Улуғ астроном Мирзо Улуғбек ва ал-Фарғоний, ал-Хоразмий каби бобокалонларимизнинг буюк номлари ойдаги кратерларга қўйилган. Юртимиздаги ўнлаб қадамжолар янгича чирой касб этди.

Тарихий обидаларни тиклаш билан бир қаторда замонавий иншоотлар ҳам қад кўтармоқда. Улардан Нукус шаҳрида жойлашган “Дўстлик” каналининг икки тарафидаги қурилиш ишлари бунинг яққол мисолидир.

Ватанни ҳақиқий ватанпарвар, тафаккури бой, дунёқараши кенг, чин азаматларгина жаҳонга машхур қила олади. Ҳар бир инсон она юртига бўлган муҳаббати билан содиқлигини турлича билдиради. Кимдир чин кўнгилдан меҳнат этиб, Ватаннинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Яна кимдир қобилияти билан моҳирлигини муқаддас диёрининг равнақи йўлида сафарбар этади. Яна кимдир Ватан чегараларида кеча-ю кундуз сергак туриб, унинг ҳар қарич ерини кўз қорачиғидек асрайди. Буларнинг барчаси – ватанпарварлик деб номланган азиз ва муқаддас туйғунинг иш юзасидаги кўриниши. Бундай юқори инсоний фазилатга эга фидойи, жонкуяр одамлар кўплаб топилади. Улардан бири Ўзбекистон Қаҳрамони Алланияз Утениязовдир. Унинг мардона ишлари, ўз қўллари билан бунёд этган иншоотлари, айниқса, ёшларнинг ҳавасини уйғотади. “Меҳнатнинг таги – роҳат” деган шиорга амал қилган бу инсон қурган мактаб, турар жойлар, болалар боғчалари – буларнинг ҳаммаси унинг ватанпарварлигининг ифодасига айланиб турибди. Бугун бу инсон қурган мактабларда минглаб болалар замонавий билимларга эга бўлмоқда.

Ҳа, Ватан менга нима берди, деб эмас, мен Ватанга нима бера оламан, деган фикр билан яшашимиз керак. Бу муқаддас Ватан барчамизники. Унинг ривож ва ойдин келажаги биз ёшларнинг қўлида. Ушбу йил мустақиллигимизга 25 йил тўлмоқда. Юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ҳар биримизга ғурур бағишлайди: “Маррани доим баланд олиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники”. Бу ёрқин сўзлар ёшларнинг қалб амри бўлиб, орзу-мақсадларимиз, ютуқларимизда акс этмоқда.



*Дилуар ДИЛИМБЕТОВА,  
Нукус давлат педагогика институти қошидаги  
2-сонли академик лицей ўқувчиси*

## **БАХТИЁР КУНЛАР ШУКРОНАСИ**

Тинч-осойишта юртимизда отаётган ҳар бир тонг бизни, биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик қутлуғ тўйига яқинлаштирамоқда.

Мустақиллик йилларида туғилиб, тинч ва фаровон юртда ота-она бағрида, устозлар меҳнати, яқинларимиз меҳри билан она Ватан қучоғида ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўсиб-улғаяётганимиздан бахтиёрмиз. Бугунги кунда биз, ёшларга ҳар соҳада изланишлар олиб боришимиз учун яратилаётган имкониятлар қалбимизни фахр ва ифтихорга тўлдириб, шу Ватанга муносиб садоқатли фарзанд бўлишга ундайди.

Биз кекса оталаримиз билан момоларимизнинг сўзлаб бераётган гурунглари, насиҳатларидан яхши англаймизки, мустақилликнинг қадр-қиммати бекиёс. Истиқлол туфайли ўзлигимиз қайта тикланиб, халқимизнинг асрий орзулари ушалди. Буюк боболаримиз ижодини тўлақонли ўрганиш ва улардан завқшавқ ва илҳом олиш бахтига муяссар бўлдик.

Мустақиллик туфайли ўз Конституциямизга эга бўлишимиз, тилимизга давлат тили мақомининг берилиши, асрлар давомида халқимиз қалбида асраб келган миллий қадриятларимизнинг тикланиши, “Наврўз”, “Рамазон ҳайити”, “Қурбон ҳайити” каби байрамларнинг юртимизда кенг нишонланаётганлиги, қайта жонланган минг йиллик қадриятларимиз биз учун доимо истиқлол қадр-қимматини белгиловчи омил сифатида мукаддасдир.

Тарихда яшаб ўтган боболаримиз сиймоси ва меросига чуқур ҳурмат билан қараш, ўқиб-ўрганиб, доимо эъзозлаб, ўзимизга ҳаёт дарси сифатида қабул қилиш, биз келажак эгалари учун бугунгидек тинчлик ва тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимизда, илмфан чўққиларига чиқишимизда қанот бағишлайди.

Истиқлол куёши йўлларимизни ёритган давлатимизнинг, мустақиллик йилларида халқимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига, иқтисодиёти ҳар томонлама юксалиб бораётган қудратли мамлакатга айланганини, бугун бутун жаҳон кенг жамоатчилиги тан олаётганлиги бор ҳақиқат, буни бутун дунё аҳли ОАВ орқали кўриб турибди, юртимизга келган хорижлик меҳмонлар ҳар гал гувоҳ бўлмоқда.

Айниқса, автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг биз учун мутлақо янги эканлигини ва ушбу соҳаларнинг, бугун биз яшаётган Ўзбекистон заминиде гуркираб ривожланаётганлигини кўриб, эшитиб ғурур-ифтихор билан “биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз” деган сўзлар қалб тўримизда ўз-ўзидан янграйди.

Қишлоқ жойларида замонавий уй-жойларнинг қурилиши, овул ва маҳаллалардаги ободлик, бугунги кунда олис қишлоқларда яшаб, Ватанимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилаётган кўп минглаб деҳқон ва фермер ота-оналаримизни, ҳар доим бахтиёр кунларга шукроналик қилишга ва янада изланишга чорламоқда.

Куну тун далада меҳнат қилиб, буғдой экиб, дастурхонларимизни нонга тўлдираётган, пахта экиб, устимизни бут қилаётган, оддий деҳқон оилалари ўз меҳнатлари эвазига бугун юртимизда ишлаб чиқарилган замонавий енгил автомашиналар миниш бахтига муяссар бўлмоқда. Меҳнатининг роҳатини кўриб фаровон яшамоқда.

Сўзласак, қалбимизни чуқур ҳаёжонга тўлдирадиган, мустақиллик берган нозу неъматлар саноқсиз. Истиқлол йилларида барпо бўлган бир-биридан чиройли иншоотларни ҳар кўрганингизда дилингизни энтиктириб юборади.

Айниқса, ёшларга жаҳоннинг ривожланган давлатлари таълим стандартлари даражасида таълим-тарбия берилишига чуқур эътибор қаратилганлиги бугун ўз натижасини бераётир.

Бугун ўзбекистонлик ёшларнинг фан олимпиадалари, маданият ва санъат йўналишида ва бошқа халқаро танловлар, спорт ўйинларида эришаётган ютуқлари бугун дунё аҳлининг ҳавасини уйғотмоқда. Биз ўқиб-изланишимиз, замон талабига мос билимдон, ҳозиржавоб бўлишимиз, мустақиллик даврида унинг бебаҳо неъматларидан баҳраманд бўлиб улғайган ўғил-қизлар катта ишларга куч-қудрати етишини ҳар доим исботлашимиз шарт.

Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни улкан ва қадрли баланд эканлигини бугун биз, ёшлар чуқур англамоқдамиз.

Албатта, буларнинг барчаси замирида юртимиздаги тинчлик, тотувлик, ота-оналаримизнинг ҳалол меҳнати, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз фарзандлар камоли йўлидаги изланишлари, халқимизнинг ўзига хос яратувчилик маҳорати турганлигини яхши биламиз. Улардан ҳар доим ибрат олиб яшашга интиламиз.

Озод ва обод диёримизда бугунги кунда амалга оширилаётган эзгу ишларнинг эртанги давомчилари биз – мустақиллик йилларида камол топган авлодлар эканлигимиздан фахрланамиз.

*Жамшид КУРБАНБАЕВ,  
Қорақалпоқ давлат университети қошидаги  
академик лицей ўқувчиси*

## **ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН**

Ватан – ҳар бир кишида ўз уйига, туғилиб ўсган юртига, энг яқин кишилари, ота-она, ака-ука, опа-сингилларига бўлган муносабатида акс этади. Она Ватан шундай тушунчаки, у киши қалбида ҳеч қачон ўзгармайди. Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси она сути билан қонга киради ва онага бўлган муҳаббатдек манғу қолади.

Инсон ўз Ватанида камол топади, қадрланади, ҳаёт мактабини ўтайди, фаровонлик ва бахт-саодатга эришади.

Ватан қалби беғубор олам, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ватан! Не-не азиз инсонлар вояга етган, унинг порлоқ истиқболи учун жон фидо этган замин.

Эл борки, Ватан бор. Элсиз Ватан – биёбон. Ватансиз эл – дарбадар. Шунинг учун қадимда элим деб Ватанни эъозлаганлар. Ватан тушунчаси турли замонларда турлича талқин этилган. Ватан сўзи бугунгидек мағрур жарангламаган.

Мустақиллик туфайли Ватан деб аталмиш бу кўҳна замин янада чирой топди.

Ўзбек халқи ўз Ватанини доимо эъозлаб келган. Ватан дардини ҳамиша билган. Шундай экан, Ватанни худди ота-онани севган каби севмоқ керак. Унинг озодлиги, шон-шухрати учун курашмоқ зарур.

Дунёдаги тирик мавжудотларнинг барчаси сезиш қобилиятига эга, улар ташқи таъсирлардан, яъни иссиқ ва совуқдан, ёруғлик ва қоронғилиқдан таъсирланади.

Лекин ранг-баранг ва гўзал, юксалиб, камол топиб бо-  
радиган ҳис-туйғулар билан яшаш фақат Инсонга хос.

Борлиқдаги нарсаларнинг ҳаммаси одамда қандайдир ҳис-туйғу уйғотади, унинг сезгиларига таъ-  
сир қилади. Ҳис-туйғу эса нарсаларнинг моҳиятини  
сезиш ва билишга ёрдам беради. Яъни, яхши ва ёқимли  
нарсалар гўзал ҳис-туйғуларни уйғотса, ёмон ва хунук  
нарсалар салбий ҳис-туйғуларни уйғотади.

Соғлом фикрли инсонларнинг доимий равишда  
камолотга интилиб яшашининг боиси ҳам уларнинг  
ҳис-туйғуларининг яхши, мукамал ва ибратли нарсалардан таъсирланишидир. Шунинг учун ҳам одамнинг  
ҳис-туйғулари, хотиралари, маънавий тарбияси, аввалло, у туғилган, вояга етган Ватан билан боғлиқ.

Шу боис, Ватан туйғуси инсонга бир умр ҳамроҳ  
ва ҳамнафас бўлади. Ватаннинг номи айтилиши билан унинг бағрида ўтган йилларимиз эсимизга тушади, қалбимизда гўзал манзаралар, ҳис-туйғулар уйғонади.

Ватан рамзларини кўрганда, юртимизнинг бетакрор табиатини томоша қилганда, унинг моддий ва маънавий бойликларидан баҳраманд бўлганда, олис элларда ватандошларимиз билан кўришганда, уларнинг спорт, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда эришган ютуқларини эшитганда беихтиёр қувонамиз.

Ватан туйғуси инсонга она алласи, боболар ўғити, ота ибрати, оила тарбияси, устоз-мураббийлар таълими билан сингади. Киши бу туйғу воситасида ўз атрофидаги одамларни, нарсаларни моҳиятини билишга интилади.

Ватан туйғуси оғир дамларда кишига куч-қувват беради, ўз халқини шарафлашга, аждодлар анъанасига содиқ бўлишга даъват этади. Ватанга интилиш туйғуси шунчалик кучли бўладики, улар нафақат тириклигида, балки бу дунёдан кўз юмганидан кейин ҳам она юрт тупроғига яқинроқ бўлишни орзу қилади.

Олис Ҳиндистон. ўлкасида подшолик қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз ҳам вафотидан сўнг ўз жисмини ўзга юртига эмас, балки Ватанига яқинроқ бўлган жой – Афғонистоннинг ҳозирги пойтахти бўлмиш Қобул шаҳрига қўйишларини васият қилган. Бу буюк аждодимизнинг муборак қабри ҳозир Қобул шаҳрида.

Бобур туғилган юрт – Андижон шаҳрида эса мустақиллик йилларида унинг рамзий қабри ва улкан боғи барпо этилди. Ватанпарварликнинг моҳияти Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: “Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”.

Мамлакатимиз олтин, уран, мис, волфрам, кўрғошин, рух ва шу гуруҳларга кирувчи бошқа энг муҳим фойдали қазилмаларнинг тасдиқланган захиралари ва уларни кўпайтириш истиқболлари бўйича нафақат МДХ мамлакатлари ўртасида, балки бутун дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Масалан, олтиннинг тасдиқланган захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўринда, уни қазиб чиқариш бўйича 7-ўринда туради.

Ўзбекистон дунёда улкан олтин ресурсларига эга бўлган мамлакатлар қаторига киради. Евроосиё китъасида йирик ҳисобланган Мурунгов кони жаҳондаги улкан конлар қаторига киради. Самарқанд вилоятида олтин маъданли Зармитон ва бошқа олтин конлари ахтариб топилди.

Ўзбекистон талайгина кумуш захираларига эга. Навоий вилоятида Високовоитное, Ўқжетпес ва космоначи конлари ишлатишга тайёрлаб қўйилган. Шундан ҳам билиниб турибдики, Ўзбекистон табиий бойликлари бўйича етакчи давлатлар қаторига киради.

Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, мен нақадар буюк ва гўзал юрт бўлмиш Ўзбекистонда туғилиб ўсганимдан жуда ҳам бахтлиман. Бу юрт нонини еб, сувини ичиб юрганимдан, албатта, шу юрт юксалиши учун ўз ҳиссамни қўшаман. Ватан шундай муқаддас остонаки, уни кўз қорачиғимиздай асраш ва унга муносиб фарзанд бўлиш барчамизнинг бурчимиздир. Шундай инсонлар борки, ўз Ватанини ташлаб бошқа юртлардан меҳр-муҳаббат излаб йўлга чиқади.

Бундай инсонлар гўё дарё ўртасида бошқарувчисиз қолган қайиқдир. Улар қай тарафга сузишни билишмайди, сузишса ҳам қирғоқда нималар кутаётганлиги ҳеч аён эмас. Шундай экан, бошқа юртларда бировларга қул бўлиб яшаганча, ўз юртимизда бахтли бўлиб, юрт келажаги учун жон фидо қилиб яшайлик.

*Айзада ҚАЛЖАНОВА,  
Нукус мелиорация ва сув хўжалиги касб-хунар  
коллежи ўқувчиси*

## **БАЙРАМЛАР ЯРАШАР ЮРТИМГА**

Йигирманчи аср. Бу аср ўзгаришларга тўла аср бўлди. Бу давр бутун дунё, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам синовлар асри бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Бир томондан бу аср тарраққийёт даври сифатида тарихга мухрланди.

Йигирманчи асрда “учар гиламлар”, “ойнаи жаҳонлар”, компьютерлар яратилди. Йигирманчи асрда инсон қадами Ойга етди. Энг асосийси, яъни биз учун – Ўзбекистон учун халқимиз кутган кунлар келди – юртимиз мустақил бўлди.

Ўзбекистон Яратганнинг назари тушган замин. Бу юртга байрамлар ярашади, эркинлик ярашади. Юртимизнинг тупроғи биз учун нақадар азиз ва нақадар муътабар. Чунки аждодларимиз кўзга тўтиё қилган бу тупроқда боболаримиз хоки, улуғ излари бор.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Ер шарида, дунё давлатлари орасида ўз ўрнига эга бўлди. Отаналар, устозлар, биздан ёши катта инсонлар ҳалол меҳнат қилиб, диёримизни дунё аҳлининг ҳаваси келадиган обод ва гўзал мамлакатга айлантирди. Эндликда ёшлар ҳам азиз Ватанимиз янада гуллаб-яшнаши учун ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Вақт жуда тез ўтади, чорак аср мобайнида озод Ватанимизда рўй берган янгиланишларни сарҳисоб қилсак, асрларга татигулик ислохотлар рўёби, каттадан-катта натижаларини кўриб бениҳоя қувонамиз, ғуруримиз ортади.

Ўзлигини ва миллий қадриятларини унутмаган



халқимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мураккаб, машаққатли ва шарафли йўлда қанчадан-қанча муваффақиятларни қўлга киритиб, дадил одимлаб келмоқда. Мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш мақсадида эришган ютуқларимиз жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирмоқда. Бу эса ҳар бир юртдошимиз, айниқса, иқтидорли, билимдон, кучли ва ақлли ёшларда жаҳоннинг янада ҳавасини келтирадиган улуғ ишлар қилиш, шу азиз Ватанга муносиб бўлиш истагини кучайтирмоқда.

Ватан – онамиздек меҳрибон, отамиздек азиз. Бу каби эзгу ҳислар ҳар бир юртдошимизнинг кўнглига тугиб қўйган энг олий фахридир. Шуни аниқ айта оламнки, қайси миллат вакили бўлмасин, “шу юртнинг асл фарзандиман”, – дегувчи ҳар бир фарзанд, шу жумладан, биз қорақалпоқлар – барчамизнинг энг олий ва эзгу мақсадларимиз Ватан тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ, деб биламан. Албатта, биз ҳаммамиз яқдилмиз.

Президентимиз лоқайд кимсаларни жамиятга хавфли дея қайд этадилар. Тўғри, дўстингдан қўрқиш керак эмас, у нари борса сени сотиб кетади, душмандан ҳам қўрқиш керак эмас, у ҳам нари борса бир куни сени ўлдириб кетади. Аммо, лоқайд инсонлар дарахт илди-зига тушган қурт каби секинлик билан жамиятни емира бошлайди. Аслида, улар ҳеч нарса қилмайди. Лекин, шу “ҳеч нарса қилмаслик”, яъни лоқайдлик ўзгалар бошига кулфат олиб келади. Бу инсонларни ўрдакка қиёслаймиз: “Дунёни сув босса, ўрдакка нима ғам”. Аммо, дунёда яхши одамлар кўп, юртига фақат яхшилик қиладиган, уйим, қишлоғим, туманим чиройли бўлсин, одамлар фаровон яшасинлар, деб фақат яхши ишлар қиладиган инсонлар кўпчилиқни ташкил этади.

Дунё кенг, мамлакатлар кўп. Лекин бу оламда ҳар

бир инсон учун Ватан ягона, она ягона. Она ва Ватан тушунчаси бир-бирига бунчалар яқин. Онага бўлган севгинг Ватанга бўлган муҳаббатингдан дарак. Она ва Ватан тушунчаси худди бир олманинг икки тарафига қиёс, бир-бирини тақозо этади. Биз унинг иккисини ҳам кўз қорачиғимиз каби асрашимиз, ҳимоя қилишимиз, яхши кўришимиз шарт.

Ватан фақат беқиёс бойликлари, гўзал табиати ва қулай шарт-шароитлари учунгина севилмайди. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний бу ҳақида шундай деганлар : “Биз ўз Ватанимизни жонимиздан ортиқ севганимиз каби, араблар Арабистонларининг қумлик, иссиқ чўллари, эскимослар шимолнинг энг совуқ қор ва музликларини бошқа ерлардан зиёда севарлар. Агар севмасалар эди, хавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз Ватанларини ташлаб кетар эдилар”.

Ўйлаб кўринг, бундай азиз Ватан яна қайда бор?

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг бир бўлаги эканлигидан қалбим фахрга тўлади. Мен Оролбўйи фарзандиман. Тўғри, мен ундан анча олисда яшасам-да, Орол муаммоси менга ҳам тааллуқли деб ўйлайман.

*Қиёси йўқ унинг, меҳри бир дарё,  
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.  
Бошқа миллатларни билмадим аммо,  
Дунёда болам, деб яшайди ўзбек!*

Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб бўлган бу шеър Ватан тимсолида бағрикенг халқни тасвирлаган.

Энди билдим, Ватан ундаги инсонлари учун севилади. Ватанга бўлган севги аслида ундаги халққа бўлган меҳримиз ва муҳаббатимиз ҳисобланади.

Инсонни дарахтга, ерни эса Ватанга қиёслаш мумкин. Тупроқ ёш ниҳолни ўз бағрига олади. Ниҳол дарахтга айланади. Дарахт мустаҳкам илдиз отиб улғуради. Кейин уни ердан қўзғашнинг иложи йўқ. Дарахт

шунчалар теран, шунчалар мустаҳкам томир ёйганки, бунинг акси ундаги баргларида намоён бўлади. Дарахт нобуд бўлса ҳам унинг илдизи ерда қолади, ундан яна келажақда ёш ниҳоллар ўсиб чиқади.

Ватан сержило, кўм-кўк осмонга ўхшайди. Осмон қуёшсиз бўлмайди. Бу қуёш – Мустақиллик демақдир.

Менинг эзгу тилагим – ҳеч қачон қуёш юзини булут тўсмасин!

Танганинг иккинчи томони бўлгани каби, ҳаёт фақат яхшиликлардан иборат эмас. Тинчлигимизга ҳасад қилгувчилар – дунёнинг айрим ўлкаларида таҳдид солаётган ҳар хил бузғунчи ҳаракатлар шулар жумласидандир. Биз маънан етук бўлсакгина бу “булут”ларни ўзимизга яқинлаштирмаймиз.

Тангри дарахтнинг қадрини билишимиз учун саҳрони яратгани каби, оқни ажрата олишимиз учун қорани ҳам яратган. Чет ўлкаларда рўй бераётган нотинчликларни эшитиб тинчлигимизга шукрона билдирамиз.

Менинг тақдиримга Ўзбекистон фарзанди бўлиш битилган. Албатта, бу бежиз эмас. Мен ҳам Ватаним тараққиёти учун ўз ҳиссамни қўшаман. Келажақда орзуларим бисёр: мен дефектология соҳасини мукамал даражада эгалламоқчиман. Бу Ватанда ҳамма тенг, ҳаммамизнинг билим олишга, илмли бўлишга ҳаққимиз бор. Бундай бахтдан ақли заиф болалар ҳам четда қолмаслиги керак. Уларнинг саводини ошириш дефектолог ва психологлар учун бир қанча масъулият юклайди.

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Буюк юрт фарзанди эканимдан фахрланаман.

## **ЧИРОЙИНГГА ТИЛИМ ЛОЛДИР, ВАТАН!**

Ватан. Бу Ватан боғ бўлгунча қанча маърифат боғбонларнинг жони фидо бўлган, қанчадан-қанча қонлар тўкилган терлар ва кўз ёшлар тўкилган. Ватан, унинг ҳурлиги, эркинлигига эришиш йўлида Чўлпонлар тунлари бедор ўтган, Беҳбудийлар қанча ҳадик билан тонг оттирган.

Мустақиллик шунчаки қўлга киритилгани йўқ. Шу ўринда сизга Рауф Парфини бир сўзини эслатмоқчиман: “Аждодлар ватан учун жон фидо қилганлар, бекорга гап сотиб юрмаган улар...”

Чиндан ҳам, бу жаннатмакон юртимиз ўзининг шонли тарихига, улуғ алломаларига эга. Бу аждодларимиз миллат онги ва тафаккурини ўстириш йўлида барча эзгуликларни, қўлидан келган барча ишларни қилганлар. Керак бўлса, шу халқ учун ўзининг бебаҳо умрини фидо этганлар, бағишлаганлар. Ҳозир биз шундай жаннатмакон, хур, осмони мусаффо диёрда яшаётганимиздан фахрланишимиз керак.

Инсон яралибдики, ўзи туғилган, киндик қони тўкилган диёрни Ватаним деб атайди, дунёнинг қай гўшасида бўлмасин, унга талпиниб яшайди, уни соғинади. Таъбир жоиз бўлса айтмоқчиманки, Ватан – бу миллат, Ватан – бу қадрият, Ватан – бу атрофда яқинларингнинг борлиги демак.

Шуни айтмоқчиманки, ҳар бир инсон учун Ватан – ягонадир, Ватан – биттадир. Биз баъзан Ватан туйғусини ундан йироқлашсак тушунамиз. Ундан ажралсак нима бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Ахир, шу бепоён адирлару улуғвор чўққиларни, шарқираган жилғалару олтиндек товланувчи боғларни

ташлаб кетиб бўладими? Гулзорни тарк этиш капалакка қанчалик қийинлигини биласизми? У гулзорсиз яшай олмайди, усиз гулзор ҳам ҳувиллаб қолади. Шу гулзор Ватан бўлса, биз капалаклармиз. Ватансиз яшаб бўлмайди...

Ҳозир биз улкан тараққиёт замонида яшамоқдамиз. Ўзбекистонимиз мустақил диёр сифатида дунё мамлакатлари орасида ўзининг мустақкам ўрнига эга. Биз, ёшлар бу юксакликни яна ҳам баландларга элтишимиз лозим. Уни асрамоғимиз керак.

Ҳозир ривожланиш даври бўлиши билан бирга оммавий таҳдидлар даври ҳамдир. Дунёнинг бир неча ҳудудларида уруш бўлаётган бир маҳалда биз ўз эҳтиёткорлигимизни оширишимиз лозим.

Бизнинг диёрда инсон қадри биринчи ўриндаги ғоядир. Бизнинг диёрда инсонларнинг қадри ҳеч қачон топталмайди, оёқ остида қолмайди. Албатта, тангнинг кейинги томони ҳам бор. Яхши инсонларгина эъзозланади ва қадрланади. Бировга доимо зарар етказиб юрган, биров ортидан иш қилиб юрган, Ватанининг юзига оёқ босган, ота-онасини ўйламаган, фақат ёмонлик учун яшайдиган инсонлар эса фақат ва фақат лаънатланади ва шунга яраша жазоланади.

Инсон ўзидан яхши ном қолдирмоғи лозим. Унинг эзгу ишлари барчага ибрат бўлсин. Фақат яхшилик билан яшасин, ёруғлик томон ёндошсин. Шунда уни инсонлар хотирлайди, кези келса, кўзига ёш олиб эслайди.

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон! Бу сўзларни ифтихорга тўлиб, жушиб, қайта ва қайта айтишга тайёрман. Зеро, ҳақиқатни айтиб, ҳеч ким изза бўлиб қолмаган...

## **ЎВУЗЛИККА ҚАРШИМИЗ**

Инсоният тараққиёти давомида турли курашларни бошдан кечириб келаяпти. Ёвузлик доим тараққиёт душмани эканини тарих неча бор исботлади. Бугун-чи, бугун ҳам у тараққиётга хавф соляпти. Дунёнинг глобал муаммосига айланиб улгурган диний экстремистик, террористик гуруҳ аъзоларини ким деб аташ мумкин? Улар бойлик орттириш учун ҳар қандай разилликдан қайтмайдиган, виждон нелигини билмайдиган кимсаларми ёки юрт тинчлигини кўролмайдиганларми? Улар ўз юртини сотадиган манқурт инсонларми ёки...

Мана шундай саволлар бераверамизу, охирида “Улар ўзи инсонмикан?” – деган ўйга толамиз. Нега улар мана шундай гуруҳ аъзоларига айланиб қолишган? Вожаб, уларда инсон ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, қалбини орзу-умидларга, уни эзгу мақсадга йўллайдиган куч – ишонч, ўзига бўлган ишончи, туғилиб ўсган она юртига, оиласига бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари шу қадар йўқолиб кетганлиги бу кимсалар қилаётган ёвузликларда кўриниб турибди. Нега улар эзгулик тушунчаларидан бунчалик бегона?

Бу каби ёвуз кучлар вайронкор ғояларни мамлакатларга олиб киришга жон-жаҳди билан уринмоқдалар. Улар инсоният тараққиётига зид, вайронкор мақсадлари йўлида одамлар, айниқса, ҳали ғўр, оққорани фарқлаб улгурмаган ёшларни йўлдан уришга ҳаракат қиладилар. Демак, ҳеч биримиз бепарволикка, ўйламасдан иш қилишга асло йўл қўймаслигимиз, эҳтиёткор бўлишимиз керак. Буни билмаган айримлар, афсуски, улар қўйган тузоққа – вайронкор ғоялар гирдобига осонгина ўралашиб қолади. Нега?

Шу аччиқ саволни онажонимга бердим, доно онам шундай деди: “Алдовларга ишониб қолиш аслида лоқайдлик натижасида келиб чиқади”. Мен шундагина ундай алданганлар ҳамма нарса ҳақида енгил-елпи, юзаки ўйлаб, борган сари лоқайд бўлиб қолаверганини тушундим. Кимдир мана шундай террористик гуруҳ ҳаракатларидан ахборот воситалари орқали эшитганида ва кўрганида қўл силтаб қўя қолган бўлса, у қаттиқ янглишади.

Ҳозир айрим ўғил-қизлар ўзи ҳақида, эртага ким бўлиши, нима билан шуғулланиши ҳақида ўйлаш, ҳаракат қилиш ўрнига телефон, интернет тармоқларидан бошини кўтара олмайди. Ундайлар юрт, Ватан учун юрак-юракдан қайнаб, жон куйдирмайдилар.

Баъзан ота-боболаримизнинг “Хўрозқанд чет элники деса ётволиб ялашади”, – деган нақлини шунчаки эшитиб қўяверишади. Лекин бу нақлнинг тағзаминида асл ҳақиқат борлигини кўрамизми? Биз ўз миллийлигимиз, миллий ғуруримиз, аجدодлардан қон-қонимизга сингиб келаётган онг ва тафаккуримиз, ақл ва билимимиз орқалигина жаҳолатга қарши курашишимиз айни муддаодир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биз Ўзбекистондек келажаги буюк давлатнинг фарзандларимиз. Биз доим ғолибмиз ва ҳеч қачон енгилмаймиз. Биз мана шундай тинч ва осойишта, барча дунё гўзалликлари жам бўлган маконда туғилганимизга ва шу юртда камол топаётганимизга шукрона келтириб, бизга бўлган умид ва эътиборга жавобан юртимиз тараққиёти йўлида, Ватанимиз байроғи бутун дунё ареналарида юксакларда ҳилпираб туриши учун астойдил интилиб, ҳаракат қилайлик.

**Нигорахон МАМАТОВА,**  
**Андижон давлат тиббиёт институти талабаси.**

## **КЎРАР КЎЗИМСАНУ АЙТАР СЎЗИМСАН**

*“Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни инсон ўзлигини анлагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртига муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади!”*

**Ислом КАРИМОВ**

Ватан ҳақида шоирлар, алломалар кўп гапиришган, ҳар хил таърифлар беришган. Бу буюк сўзнинг маъносини қандай тушуниш керак? Балки тушунишдан кўра уни хис қилиш керак, десак тўғри бўлар. Айтишади-ку, ҳар бир инсоннинг қалби бир олам, деб. Демак, уларнинг ҳар бири Ватанни ўзгача тасаввур қилади. Дейлик, инсон Ватанидан четга чиққанида унинг қадрига янада кўпроқ ета бошлайди, ўзга юртдаги ҳар бир нарсани ўз юртидаги билан солиштиради, ўз юртини қўмсайди ва унга ҳеч қаерни тенглаштира олмайди. Бу узоқ тарихда ҳам ўз исботини топган. Бундай Ватанни йўқотишдек оғир синовни буюк бобокалонимиз Мирзо Бобур бошидан ўтказгани ва дардини умрининг охиригача Ҳиндистоннинг энг яхши, кўзни қувонтирадиган нарсалари ҳам енгиллаштира олмагани бизга унинг асарларидан маълум. Бобур вафотидан сўнг, ўз жисмини Ҳиндистонга эмас, балки Ватанига яқинроқ жой – Афғонистоннинг ҳозирги пойтахти бўлмиш Қобул шаҳрига қўйишларини васият қилган. Қадимда ота-бо-



боларимиз узок ўлкаларга кетаётганларида бир сиқим юрт тупроғини рўмолчага тугиб олган эканлар. Ана шу тупроқ орқали Ватаннинг исини туйганлар.

Инсон қалбида Ватанга интилиш туйғуси шунчалик кучли бўладики, улар нафақат тириклигида, балки бу дунёдан кўз юмганидан кейин ҳам она юрт тупроғига яқинроқ бўлишини орзу қилади. Ватаннинг номи айтилиши билан унинг бағрида ўтган йилларимиз эсимизга тушади, қалбимизда гўзал манзаралар, ҳис-туйғулар уйғонади. Киши миллатимиз, Ватанимиз, қадриятларимиз ва анъаналаримизни эслатиб турувчи бирор-бир белгини ўзга юртларда кўрганида, ҳаяжонга тушади, фахрланади. Масалан, “ғурур билан: “Бу байроқ меники!”, “Бу мадҳия меники!”, “Бу герб Ўзбекистонники!” деб юрак жўшади ва Ўзбекистонда туғилганига шукроналар айтади. Ҳаттоки, жаҳон майдонларида ғолиб бўлган ўша энг кучли спортчиларимизнинг ҳам кўзларига беихтиёр ёш келади. Бу севинч ёшлари, қувонч, фахр, ғурур ёшларидир.

Тасаввур қилиб кўринг, агарда уйингизга ўғри тушса ёки бирор-бир юк машинаси кўчангиздан ўтиб кетаётиб, уйингиз деворларини бироз кўчириб кетса ёхуд яқинларингиздан бирини кимдир хафа қилса, нима қилган бўлардингиз? Албатта, биринчи навбатда, уларни ҳимоя қилардингиз, ўша сизнинг мўъжазгина Ватанга зарар етказган айбдорни топиб, адабини бериб қўйган бўлардингиз!

Энди кенг маънодаги тушунчани кўрайлик, бунга ўша сизнинг мўъжазгина Ватан, оила, маҳалла, жамият, юртнинг ҳар бир қарич ери, унда истиқомат қилаётган инсонлар киради. Дунёда тинчликни бузиш, минг-минглаб болаларни етим ва қаровсиз, одамларни бошпанасиз оч-наҳор қолдиришни, ғаразли мақсадларига етишишни ўйлайдиган ёвуз кимсалар, ваҳший кучлар ҳамма замонларда бўлган ва бугунги кунда ҳам йўқ эмас. Ана шундай ёвуз кучлар Ватанимизга хавф сол-

масин, деймиз. Ҳар қачон, ҳар бир юртдошимиз Ватанни худди ўз уйини ёхуд мўъжазгина Ватанини ҳимоя қилгани каби тиш-тирноғи билан ҳимоя қилса, зийрак, огоҳ ва эътиборли бўлса, мақсадга мувофиқ бўларди менимча. Ватанимизнинг ҳар бир қарич ери биз учун муқаддасдир ва бу муқаддас юртни ҳимоя қилиш бизнинг бурчимиздир.

Эсингизда бўлса, Юртбошимиз: “Мен сизларни бир лаҳза, бир сония ҳам огоҳликни йўқотмасликка, хоҳ ишда бўлсин, хоҳ оилада, кундалик турмушда амалий ишларингиз орқали мамлакат хавфсизлигини, жамиятимиз ва давлатимиз барқарорлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшишга чақираман”, деган эдилар.

*Бу шунчаки чақирув эмас,  
Бу энг тотли сўз –  
Тинчлик деб урилгану урилаётган бонг.  
Бу шунчаки чақирув эмас,  
Деганики: башарни безаб,  
Осуда уйғонсин ҳар бир тонг!*

Тонг – бу осуда дам, осудалик-осойишталик. Осойишталик – эркин, ҳур, озод ва мустақил ўлкаларгина хос бўлган турмуш тарзи, барқарор ҳаёт, хавфсиз тузум.

Инсоннинг энг покиза ва муқаддас туйғулари ўзи туғилган хонадон, вояга етган замин – Ватани бағрида уйғонади. Киши қадрдон юртида ўзини озод ва эркин ҳис қилади. Ватаннинг ўзи қанчалик бебаҳо бўлса, у билан боғлиқ туйғулар ҳам шунчалик қадрлидир. Шунинг учун Ватан туйғуси инсоннинг доимий эҳтиёжи, абадий туйғулар даражасида гавдаланади. Бу туйғу қанчалик мукамал бўлса, инсон шунчалик баркамолдир. Инсон учун ҳаво, қуёш, сув ва нон, ота-она қанчалик азиз ва муқаддас бўлса, Ватан ҳам шунчалик мўътабардир. Ватан она тупроқдан бошланади. Ватанга муҳаббат унинг далалари, қир-адирлари, мовийранг тоғлари, дашту саҳроларига бўлган муҳаббатдан бошланади. Қадимда

душманлар турк давлатининг хоқони Ўғузхондан унга қарашли ташландиқ, ҳеч нарса битмайдиган бир парча ерни талаб қилишди.

Бобомиз шунда: “Ватан ёлғиз бизнинг мулкимиз эмас, мозорда ётган оталаримиз ва энди туғилажак авлодларимизнинг бу муборак тупроқда ҳақлари бордир. Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич ер бўлса ҳам ер бермакка ҳеч бир кимсанинг ҳаққи йўқдир”, – деб жавоб бердилар. Биз Ватанни севмоқни доно боболаримиздан ўрганмоғимиз керак. Ватан она каби ягонадир. Ягоналиги билан муқаддас ва бебаҳодир.

Тарихини билмаган давлатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат, ҳар бир одам ўзининг тарихини билиши лозим. Буюк Ватанимиз бутун дунё уйқуда ётган бир вақтда илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган кўплаб буюк алломаларни берди. Океан ортидаги қитъани биринчи бўлиб кашф этган Абу Райҳон Беруний, не-не саркардалар ололмаган жойларни қалам кучи билан забт этган Алишер Навоий, тиб илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино, буюк математик ал-Хоразмий, шунингдек, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек... Эҳ-ҳе, санаб саногига етиб бўларканми! Улар ҳақида қанча гапирсак, шунча оз. Биз доим: “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат”, – деймиз, бунинг сабаби шундаки, биз ўзимиз буюк тарихимизни, алломаларимизни яхши биламиз.

Президентимизнинг “Мамлакат келажаги фарзандларимизга боғлиқ”, деган сўзлари биз ёш авлодга катта масъулият юклатилганлигини англатади. Ватанимиз олдидаги энг эзгу ва беғубор бурчимиз ҳам шудир. Биз Ватанимиз билдирган ишончни оқлашимиз ва унга хизмат қилишимиз керак. Ватаннинг келажаги бизга боғлиқ, шунинг учун ваъда берамизки, Ватанимиз келажаги буюк бўлади!

Садоқат ЮЛДАШЕВА,  
*Кўрғонтепа индустриал педагогика*  
*коллежи ўқувчиси*

## **КЎҲНА ТАРИХ ШОДАСИДА БИТТА МАРЖОН ЎЗБЕГИМ**

Саховати куёшдек беминнатим, ғурури пурвиқор тоғлардек сарҳад билмас, қалби денгиз тубидаги садафдек оппоқ, меҳр нафаси ўлчанмас халқим! Сенинг таърифинг сўзга сиғмайди. Сенинг тавсифинг шеърга сиғмайди. Тегрангда куёшинг, аммо ғуруру номусинг, ўзлигингу фидойилигинг бамисоли шамс.

Унинг таровати завол билмайди. Ўзбегим, минг йиллик тарихинг, бебаҳо ёдгорликларинг, қадимий ва навқирон шаҳарларинг, илмга чанқоқ ёшларинг, такрорланмас урф-одатларинг мардлигингу тантилигинг тилларда дoston, Она халқим! Инсонга ато этилган барча эзгу фазилатлар сенда мужассам! Шижоат, қахрамонлик, тантилик, тўғрисўзлик, фидойилик, аҳдига вафо, севгига садоқат, дўстга муҳаббат, жоҳилга нафрат, мазлумга шафқат, элга саховат, зийраклигу фитрат, жасорат, аёлга ҳурмат, катта-ю кичикка иззат, шунингдек, мағрурлик ва ўзликни қадрлаш каби фазилатларинг бор! Ғурур! Бу шундай бир туйғуки, у на ўлчанади, на баҳоланади. Бу туйғуни фақат ҳис қилган кишигина қадрлай олади. Ғурур тошдан қаттиқ, тоғдан баланд, сувдан тиниқ юлдузлардан-да нурафшондир ва тиғдан ўткир, бўрондан ҳам шиддатли, олмосдан ҳам қимматбаҳо, оппоқ қорлардан ҳам беғубор туйғу! Алпомишу Равшан, Фарҳоду Отабек ва Анварларнинг қалбида тўғён урган туйғусан!

*Сўзласин Афросиёб, сўзласин Урхун хати,  
Кўҳна тарих шодасида битта маржон ўзбегим!*

Мирзо Бобурни ўз юртини ташлаб, бегона элларга дарбадар этган ҳам ғурур эмасми? Мағрур фарзандларинг Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий жонини фидо этиб, ғуруринг, маърифатинг омон қолди.

Ўзбекнинг ана шундай мард ўғлонлари халқнинг хурлиги, мустақиллиги, ўзлигини англаш, ғурурининг топталмаслиги учун жон беришган эмасми? Уларнинг ана шундай фидойилиги она халқимизнинг ёдида мангу яшайди. Йиллар ўтди, дарёлар ўз ўзанини топди, қуёш барибир Шарққа кўпроқ нур сочди. Қуёшнинг заррин нурларидан пурвиқор тоғларидаги оппоқ қорлар эриб, дарёларга қуйилди. Гўёки мағрур инсонлар ўз ўзини, ўз маконини топганидек. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати, катта жасорати туфайли юртимизда хурлик шамоллари эсди. Ўзлигимиз, қадрқимматимиз, олтин тарихимиз тикланди.

Бу туйғу ноҳақ бировга бош эгмасликни, ўзликни топтамасликни талаб этади. Ғурурли инсон доимо ўз “мен”ига эга бўлади. Ўтмишни, бугунги, келажагини қадрлайди. Халқ учун жонини фидо этади, оиласи учун, онаси, севган ёри ёки фарзандлари учун хизмат қилади. Мағрур инсон ҳаётнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан ўта олади ва ҳаётда ўз ўрнини топади. Халқимиз бошидан қанча синовлар ўтди. Гоҳида ўз фарзанди унга хиёнат қилди. Гоҳида ўзи камол топтирган ўғлонлари ўзбек халқига қарши бўлган турли оқимларга қўшилди. Улар ғурурларини поймон этишди, ўзликларини сотишди, Чингиз Айтматов ибораси билан айтганда “манқурт”га айланишди. Мен ҳеч қачон бундай нокас инсонларнинг тарафдори бўлмайман. Ҳақиқий мард инсон юрт учун, она халқ учун жон олиб, жон бериши керак.

*Халқим тантилигинг ўзи бир олам,  
Юртбошинг бошингда ёниб турган шам.*

*Таърифингни битиб чарчамас қалам  
Мағрур ўғлонларинг доим бор бўлсин.*

Дунёда халқлар кўп. Бу халқларнинг ҳар бири ўз урф-одатига, ўз дунёқарашига эга. Дунёда шундай бир халқ борки, унинг кўнгли очиқ, юраги меҳрига тўлиқ, юзларидан нур ёғилар, икки қўли доим кўксиди. Ўғлонлар мисли Алпомиш, қизлари эса Барчиндек. Ўзбек қизлари ҳақида гапирилганда, албатта, уларнинг ҳаё ва ибоси бошқа халқларнинг қизларига намуна қилиб кўрсатилади. Ерга чўп қадасанг, дарахт унар бу заминда. Бу юрт Ўзбекистон дея аталур. Унинг халқи бетимсолдир. Бугун уни дунё танимоқда. У ҳар томонлама ривожланмоқда. Бу давлат таърифидан ҳайратланмай илож йўқ. Тарихида шундай алломалар ва даҳолар ўтганки, уларнинг номларини бутун курраи замин билди.

Биз шундай улуғ зотларнинг маънавий ворислари, қадим юртимиз – бугунги Ўзбекистон халқимиз.

Шоир Муҳаммад Юсуф Ватандан йироқда яшаган ўзбек ўғлонлари Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фурқатлар қалбини кемирган Ватан туйғусини юракдан таърифлаган:

*Ҳар кимнинг бўлсин ўз бошпанаси,  
Ҳар кимса ўз кулбасида даврин сурсин.  
Одамни-ку айтмай турай, бу дунёда  
Ҳатто қушнинг бутоқда ўз уни бўлсин.*

Мен Ватанимни севаман, кўз қорачиғимдек асрайман!

## **АСРЛАРДАН ОШГАН БУЮК ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ**

Ватан. Бу сўз замирида олам-олам маъно мавжуд. Ватан бу биз туғилиб ўсган гўша, киндик қонимиз тўкилган муқаддас тупроқ демақдир. Ватан бизни туғилиб, вояга етгунимизга қадар авайлаб-асраб, шўхликларимизга кўз юмиб, “болам” дея бағрига босиб келаётган маскан.

Ватанни бежиз онага қиёсламайдилар. Она каби муқаддас, меҳрибон, биз учун жонини берувчи буюк, метин бардош тимсоли – Ватан. Худди оналар каби қўлимизга зирапча кирса киприклари билан олишга тайёр турадиган улуғим, яғонам менинг.

Ватан шундай улуғки, ҳеч қайси тилда унинг тарифини келтириш учун мос сўз топилмаса керак, деб ўйлайман. Ватан тушунчасини айримлар шунчаки азиз, муқаддас деб қўя қолишади. Аслида, Ватан таърифига муқаддас, азиз каби сўзлардан ҳам улуғроқ сўзларни тилда эмас, дилдан ҳис этиш лозим.

Бежиз “Ватанни севмоқ – иймондандир”, дейишмайди. Қонли, жаҳолатли асрлардан буюк бўлиб ошган яғона Ватаним. Тарихга назар ташласак, қанча қонхўр кимсалар Ватанимизни топташга уринишди.

Боболаримизнинг айтишларича, собиқ иттифоқ даврларида биз на тилимиз, на динимиз, эрк-ҳуқуқларимиз, ҳаттоки, бойликларимизга ҳам эга эмасдик. Ўша даврларда меҳнаткаш аҳолининг аҳволи хароб кечган. Халқимизни қул сифатида меҳнат қилдириб, камситиб паст назар билан қарашган экан. Бунга собиқ иттифоқ даврида тухматлар тоши остида қолган

Ўзбекларнинг совуқ қамоқхоналарда қолиб кетган тунлари, уларнинг шу аҳволга тушиши учун арзимас сабаб, яъни “Ўзбек иши”, “пахта иши” каби кўзбўямачилик учун сохта тайёрланган айблов ҳужжатлари мисол бўла олади. Ўша вақтларда “талон” эвазига нон, гўшт, сут учун соатлаб туриладиган навбатлар инсонлар қалби, гурурини поймол қилган. Ночор, чорасиз қолган инсонларнинг ўтказаётган кунларини саҳрода ялангоёқ юрган кимсага ўхшатиш мумкин эди.

Ўша даврларда инсонлар ҳаттоки дуо ҳам қила олмаганлар. Буни ҳам қўятурайлик, ўз волидаси вафот этса, унинг ҳаққига Куръон тиловат қилишга ҳам ружсат берилмаган экан. Бобо-бувиларимиз, маҳалла оқсоқолларидан шу ўтган даврлар ҳақида тинглар эканмиз, бу даҳшатли кунлар тафсилотидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда биз, мустақиллик авлодлари бугунги кунимиз учун, ўқиш, меҳнат қилиш, изланиш учун яратилган шароитлардан оқилона фойдаланишимиз, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишимиз, эришилган ютуқларнинг қадрига етмоғимиз шарт.

1991 йил 31 август санаси тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан битилди. Биз бу муқаддас санада ўз эркимизга, мустақиллигимизга эришдик. Шу санадан бошлаб, ҳар бир фуқаро ўз меҳнати билан топган нонига ўзи эгалик қила бошлади. Ўзимизнинг тилимизга, динимизга, эътиқодимизга эга бўлдик. Бугунги кунда бежиз боболаримиз тонг саҳарда шукроналар айтиб, қўлларини дуога очиб “Ватанимизга кўз тегмасин”, “Юртбошимиз омон бўлсин” деб дуо қилишмас экан. Ватанимиз шундай буюк марраларни қўлга киритишида муҳтарам Юртбошимизнинг хизматлари беқиёс.

Ватанимизни асраб-авайлайлик. Уни нопок, ғаламис кимсаларга бериб қўймаслик учун биргаликда ҳаракат қилайлик. Агар зарур бўлса, шундай жаннатмакон юртимиз учун жон фидо қилсак арзийди. Зеро, бизнинг аждодларимиз шундай Ватан йўлида, Ватан учун жон фидо қилган буюк зотлардир.



Биз, ёш авлод ҳам аجدодларимиз изидан бориб, уларнинг эзгу ишларини ўзимиз учун дастуруламал билсак арзийди. Зеро, биз ҳам шу буюк юрт фарзандлари эканмиз, шу буюк юртга муносиб фарзанд бўлайлик.

Истиқлол даврида мисли кўрилмаган ютуқларга эришдик. Гарчи оз фурсат қийинчилик бўлган бўлсада, бунга тез орада барҳам берилди. Аслида буни қийинчилик, деб ҳам бўлмас эди. 70 йил собиқ иттифоқ давридаги азоблар олдида бу қийинчиликлар ҳеч нарса эмас эди. Аксинча, мустақиллик зулматдаги ой каби инсонлар қалбини нурафшон қилди.

Мен мана шундай кенг имкониятли ёшларни эшитувчи, қўллаб-қувватловчи, кексаларни эъзозловчи юртда туғилганимдан фахрланаман, ғурурланаман. Ахир ким айта олади, менинг юртимдек юрт яна қайда бор? Қайси эл менинг юртимдек жаннатга қиёс? Менинг фикримча, ҳеч қайси юрт менинг Ватанимга тенг кела олмайди.

Ёшлар учун Ўзбекистонда кенг шароитлар яратиб берилган. 9+3 тизимидаги бепул таълим, олий ўқув юртлари, иқтидорли ёшларни давлат ҳисобидан чет элга ўқишга юбориш, ўз йўналиши бўйича ишлаш ҳуқуқи. Айтинг, бундай шароитлар яна қайда бор?! Оналарга ҳурмат, уларнинг соғлиғи учун яратилган шароитлар дилни яйратади. Жорий йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши барчани хурсанд қилди. Ҳеч қайси бир юртда бу даражада она ва болаларга эътибор кўрсатилмаса керак, менинг назаримда.

Мен шундай юртда туғилганимга Яратганга беадад шукроналар айтиб, Ватаним равнақи учун хизмат қилишга, Юртбошимиз, ота-онам, халқим олдида ваъда бераман ва барча тенгдошларимни шунга даъват этаман. Зеро, менинг Ватаним жон фидо этишга арзийди. Балки менинг жонимдан ҳам ортиқроқдир!

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, барчамиз Ватан учун сидқидилдан хизмат қилайлик. Ватан равнақи

Йўлида хизмат қилиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, биз Темур, Навоий, Бобур, Хоразмийлар авлодимиз, Зулфияхоним-у Увайсийлар қизларимиз, уларга хос ва мос бўлайлик.

**Мен ўз Ватанимни севаман! Бундай Ватан бошқа ҳеч қаерда йўқ. Мен Ватанимнинг бир қарич ерини ҳеч кимга бериб қўймайман.**

**Жоним фидо сенга, гўзал диёрим – Ўзбекистоним!  
25 ёшинг муборак!**

**Умиджон ҲАМДАМОВ,**  
*Бухоро муҳандислик технология*  
*институту талабаси.*

## **МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОНИЯТ**

Менинг онам анча йиллардан буён Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси. Оиламизда ҳам доим мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат, партияларнинг фаолияти ҳақида кўп гапирилади. Ҳатто баъзида ота-онам мунозарага ҳам бориб қоладилар.

Маълумки, партия сафига 18 ёшдан қабул қилинади. Шу боис, бир куни онамдан: “Нега менинг бирорта партия сафига киришим кераклигини айтмаяпсиз?” дедим. Ахир ёшим ўн тўққизда эди-да. Шунда онам:

– Ўғлим, партия сафига мажбуран киритиб бўлмайди. Уни ўзинг ишташинг керак, – дедилар. – Ўзбекистонда тўртта партия фаолият юритади. Улар мақсадлари, кимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари, електоратлари, айниқса, сайловолди дастурларидаги вазифалар билан бир-биридан фарқ қилади. Аввало, тўртта партиянинг фаолияти билан танишиб чиқ. Ҳаётий принципингга, дунёқарашинг, олдингга қўйган мақсадларингга қараб партия танлашинг керак.

Эртаси куни тўртта партия ташкилотларига бориб сайловолди дастури ва уставини олдим. Бир ой чамаси уларни ўқиб чиқдим. Тўғриси айтсам, яхши тушуна олмадим. Шунда яна ёрдамга онам келдилар. Тўртта партиянинг мақсади ва вазифаларини мисоллар билан тушунтириб бердилар. Мен онамдан эшитганларимни курсдош ўртоқларимга сўзлаб бердим. 2011 йилда уч ўртоқ Ўзбекистон “Адолат” СДП сафларига кириш учун ариза бердик.

Бу кунни ҳеч ҳам унутма олмайман. Бизни икки кун-

дан кейин ташкил этиладиган партиянинг навбатдаги Пленумига таклиф этишди. Уч ўртоқ оқ кўйлак кийиб, йиғилишга бордик. Йиғилиш ФЖШМҚМИ мажлислар залида ташкил этилган экан. Зал тўла иштирокчилар. Ташкилот раҳбарлари, депутатлар, партия ходимлари олдида тортиниб, ҳатто озгина ҳаяжонланиб ҳам қолдик. Пленум жуда жиддий ва қатъий тадбир экан. Тадбир охирида партиянинг вилоят кенгаши раиси А.Турсунов партия сафига қабул қилинаётган янги аъзоларни битта-битта чақириб, қўлига партия билетини топширди. Мени чақирганида юрагим гупиллаб уриб кетди. Наҳотки мен ҳам мана шундай катта-катта инсонлар, раҳбарларга ўхшаб партия сафларига қабул қилинаяман, деган савол хаёлимдан ўтди. Пленум иштирокчилари бизни табриклашди. Партия сафларида бўлиш инсонга катта масъулият юклашини айтишди. Бу тадбир бир неча марта маҳаллий телевидение орқали намойиш этилди. Ҳатто бир нечта ўртоқларимнинг бизга ҳаваси ҳам келди.

Нега “Адолат” социал демократик партиясини танладим?

Чунки мен ҳаётда доим адолат бўлишини истайман. Шу билан бирга, бу партиянинг мақсадлари ва олиб бораётган фаолияти менга жуда ҳам ёқади. Шу сабабли Ўзбекистон “Адолат” СДП сафларига кирдим. Мана олти йилдирки, шу партия билан биргаман. Доим бўш вақтимда партия ташкилотига бораман. Тадбирларда, учрашувларда иштирок этаман. Айниқса, уюлмаган ёшлар билан ташкил этиладиган учрашувлар менга ёқади. Учрашувларда қандай қилиб ҳаётда ўз ўрнини топиш, ўз мақсадларига эришиш, яхши иш ўринларига эга бўлиш ҳақида суҳбатлашамиз, тортишамиз. Ёшларнинг тақдири, ҳаёти бизга жуда муҳим, шу боис эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, терроризмга қарши кураш, интернетнинг салбий томонлари ҳақида ҳам давра суҳбатлари ташкил этилади. Ҳатто

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳам учрашувларга борганман. Бу тадбирларда иштирок этиб жуда кўп нарсаларни ўргандим. Янги қонунлар, дунё янгиликлари, партия лойиҳалари тўғрисида кўп нарсаларни билиб олдим. Бирга партия сафига кирган дўстим Обиджон ҳозирда вилоят партия кенгашида фаолият юритмоқда.

Ҳозир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Масъулияти чекланган жамият директориман. Тўрт нафар иш ўрни яратганман. Яқинда ташкилотимга кредитга “Ласетти” автомашинаси олдим. 2016 йилнинг охиригача Молдавия давлатидан янги инвестиция киритиб, яна 5 та иш ўрини яратишни режалаштираяпман. Қандай қилиб тадбиркор бўлиш ва ҳаётда ўз ўрнини топишни ҳам шу партиянинг тадбирларида қатнашиб ўргандим десам, хато бўлмайди.

Ҳар бир ёш борки, комил инсон бўлишни, Ватани, ота-онасига муносиб фарзанд бўлишни орзу қилади. Фақат биз баъзида буни қандай амалга оширишни билмаймиз, холос. Мен шундай тенгдошларимга Ватанга, ота-онага муносиб фарзанд бўлиш учун партия сафларига киришни ва фаол бўлиб, яратилаётган имкониятлардан фойдаланишларини маслаҳат берган бўлар эдим.

Зеро, юртмиздаги бундай кўппартиявийлик, жумладан, менинг “Адолат”га аъзо бўлишим ҳам мустақиллик берган имкониятдир.

## **ОЗОД ЭЛНИНГ ҚОЛИБ ФАРЗАНДЛАРИ**

Озод ва обод Ватан. Биз ёшлар бу иборани ўқитувчиларимиздан, телекўрсатувларда, турли хил тадбирларда жуда кўп эшитамиз. Тўғриси айтганда, бу сўзлар нимани англатишини, нега бу сўзларни жуда кўп такрорлашимизни чуқур тушуниб етмас эканмиз. Қарангки, бир неча кун олдин оиламизда бўлган бир воқеа сабаб бўлиб, бу гапларнинг замирида нима турганлигини чуқур тушуниб етдим. Келинг, шу воқеани сизга ҳам сўзлаб берай.

Менинг 78 ёшга кирган бувижоним бор. Ўша куни акам олийгоҳни тугатганлиги ҳақидаги дипломини олиб келди ва бувижонимга мақтаниб кўрсатди. Бувим кўзларида ёш билан: “Кўз тегмасин-а, кўз тегмасин. Озодликка кўз тегмасин! Шу кунларга етказганига шукр”, дедилар. Биз ҳайрон бўлиб бувимга қараб турардик. Негадир бувим менинг биринчи китобим чоп этилганда ҳам, холамнинг 11 ёшли қизи Шабнам бокс бўйича чемпион бўлиб, медалларини тақиб келганда ҳам, ҳатто қўшнимизнинг 5 ёшли гапдон невараси шеърни инглиз тилида шаррос айтиб берганда ҳам шу гапни такрорлар эдилар. Албатта, доимгидек жим туролмадим ва бувимдан нега бу сўзларни такрорлашини сўрадим.

Бувим бошини эгиб, нималарнидир хотирлаётгандек жимиб қолдилар. “У пайтларда юртимиз мустақил эмас эди. Шу сабабли ҳам бизнинг иқтидорларимиз ичимизда қолиб кетаверган, болам. Мана энди шукрлар бўлсин, юртимиз озод. Мустақил юртда яйраб, яшнаб ўсаяпсизлар. Қобилиятингизни, иқтидорингизни

кўрсатишингизга қанча имкониятлар очилган, болам. Чиройли мактаблар, коллежлар, олийгоҳлар қурилди. Агар сени кўллаб-қувватлашмаса, 15 ёшингда китобинг чоп этилармиди? Ё бўлмаса, 11 ёшли синглинг чемпион бўлиб, кўкрагига қатор-қатор медаллар тақиб келармиди? Акангга қара, билимли, ўзига ишонган, олий маълумотли йигит. Буларнинг барчаси мустақилликнинг шарофати, болаларим, мустақилликнинг, озодликнинг шарофати”, – деди.

– Аммо яна бир нарсани унутманглар. Доим ҳар қандай азиз, қимматбаҳо нарсанинг “харидори” кўп бўлади. Баъзи ғаламислар буни кўролмай, унга кўз олайтириши мумкин. Озод ва обод, кўркам, халқи бахтли яшаётган юртни кўролмайдиганлар ҳам анчагина бўлади. Шу сабабли ҳаммамиз бу юртни, озодлигимизни кўз қорачиғидек асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак, болам, ҳимоя қилишимиз керак.

Бувимнинг гапларини кўзлари ёниб эшитиб турган синглим “Бувижон, биз кичкина бўлсак. Қандай қилиб мустақилликни ҳимоя қиламиз?” – деди.

“Ҳа, чемпион болам, ҳамма гап шунда-да. Мана сен, шундай кўп машқ қилгинки, сени ҳеч ким майдонда енга олмасин. Юртингни донғини бутун дунёга ёйгин. Бошқалар ҳайратда лол қолишсин. Ёзувчи қизим эса Ватан ҳақида, унинг тинчлиги, ободлиги, гўзаллиги, унда яшаётган бахтли инсонлар ҳақида шундай ҳикоялар ёзсинки, бу ҳикояларни ўқиган инсонлар юртимизни янада севсин. Аканг йигит киши. Йигит киши учун Ватанини қўриқлаш ҳам фарз, ҳам қарз болам”.

Шу пайт иссиқ чой кўтариб хонага кирган онам суҳбатимизга бироз қулоқ солиб турди-да, кулимсираб, “Ойижон, менинг вазифам нима?”, деди.

– Сизнинг вазифангиз энг мураккаби ва энг масъулиятлиси. Сиз болам, мана шу кўзмунчоқларни шундай тарбиялангки, улар Ватанга содиқ, уни асраб-авайлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда бу юртга кўз

тегламайди. Бу юрт гуллаб-яшнаймайверади. Шундай бахтли кунларга етишишимизга сабабчи бўлган Юртбошимиз ҳам сизлардан рози бўлади. Ёдингиздами, Юртбошимиз Ўзбекистоннинг барча болалари менинг фарзандларим, деган эди. У киши ўз сўзида турди. Ҳозир юртимизнинг бирор боласи ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам. Мен бунга ишонаман. Сиз ҳам ишонинг.

Албатта, бувимнинг бу гапларини узоқ таҳлил қилдим. Демак, фақатгина озод ва тинч юртда биз, ёшлар бахтли яшар эканмиз, қобилиятларимизни кўрсатиб, катта-катта ютуқларга эришарканмиз. Яна бизни ўз фарзандидан зиёда кўрадиган Президентимиз бор экан. Агар мен учун шунча шароитлар яратилаётган, бахтли яшашим, орзу-ниятларимга етишим учун шунча кишилар меҳнат қилаётган экан, мен ҳам улар кутганидек комил инсон бўлиб улғайишим, Ватанимга хизмат қилишим керак. Олдимга катта мақсад қўйдим. Мен, албатта, элга нафи тегадиган инсон, етук журналист бўламан. Ватанимизнинг донғини бутун дунёга ёяман.

Ариқларидан муздек, зилол сувлар оқиб турган, баланд-баланд тоғларида кийиклару охулари сакраб юрган, ҳар бир мевасидан бол томадиган, ҳар тонг юзингизни майин шабадаси билан эркалаб уйғотадиған юрт қайда бор? Одамларини айтмайсизми, бир коса таомини ҳам қўшниси билан баҳам кўрадиган, кексаларини кадрлаб уй тўрига ўтқазадиган, фарзандини иззат қилиб, улуғ бўлсин деб “сиз”лаб гапирадиган, етти маҳалла наридаги таниши тўй қилса ҳам, белини боғлаб эшик тагида туриб хизмат қиладиган меҳроқибатли одамлари бор юрт қайда экан?

Бу менинг юртим, менинг Ватаним, азиз Ўзбекистоним! Демак, шундай юртда туғилганимизнинг ўзи бахт экан-да. Одамлари бахтли юртда туғилиш, бахтли ёшлар қаторида бахтли яшашдан ортиқ саодат борми?!



*Шаҳинабону ХОЛОВА,  
Бухоро энгил саноат ва педагогика  
касб-хунар коллежи ўқувчиси*

## **ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

Яқин кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик қутлуғ шодиёнасини кенг нишонлайди. 1 сентябрь – Мустақиллик куни биз учун энг улуғ, энг азиз айём эканлигини барчамиз яхши биламиз. Бу байрам Ватанимиз мустақиллиги, юртимиз озодлиги рамзи бўлгани боис унга айнан шундай таъриф этамиз.

Ватан – дунёдаги энг буюк, энг муқаддас маскан. Шу боис унинг мустақиллиги ҳам шу қадар эъзозли неъматдир. Биз – мустақил юрт фарзандларимиз. Шунинг учун мустақиллик берган беқиёс имкониятлардан ҳар куни, ҳар лаҳзада баҳраманд бўламиз. Бу имкониятларга шу қадар кўникиб, ўрганиб кетганмизки, гўё улар неча ўн йиллар олдин ҳам бўлгандек туюлади. Ҳолбуки, бугун бизлар фойдаланаётган имкониятлар – замонавий мактаб, коллеж, лицейлар, барча талабга жавоб берадиган синфхоналар, янги ўқув қуроли янада кучли билим олишимизга ёрдам бермоқда. Катта авлод вакиллари билан суҳбатлашганимизда мустақиллик ёшлари учун яратилган шароитларга ҳавас қилишларини айтишдан тўхташмайди. Яъни, бундан атиги 25-30 йил илгари бугунги давримиз ота-боболаримиз учун ушалмас орзу бўлиб туюлган. У даврларда халқимизнинг эркинлиги чекланган, ихтиёри ўзида бўлмаган. Мустақиллик буларнинг барчасига барҳам бериб, халқимизга нисбатан адолатни тиклади. Шу боис ҳам Мустақиллик куни биз учун энг улуғ, энг азиз айёмдир.

Аммо инсонийликка хос бир одат борки, вақт, замон ўтиши билан кўп нарса инсон хотирасидан кўтарилиб

кетиши мумкин. Шунинг учун мухтарам Президентимиз доимо бу воқеалардан хулоса чиқаришга даъват этади. Юртбошимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари биз учун ўша даврда халқимиз бошидан кечирган қийинчиликлар ва уни оқил, доно етакчи раҳбарлигида мардонавор енгиб ўтганлигидан сўзловчи тарихий манбадир. Ҳар гал ушбу асарни варақласам, ота-боболаримиз босиб ўтган машаққатли йўл, таҳқирлашу хўрликлар худди видео тасмадагидек кўз ўнгимда гавдаланади. Шунда мустақилликнинг нақадар муқаддас неъмат эканлигини тобора чуқурроқ англайвераман.

Ҳақиқатан ҳам, фақат мустақиллик юртдошларимиз бошига тушган бундай азобу уқубатларга батамом барҳам бериб, халқимиз учун озод ва эркин, тинч, осойишта яшаш имкониятини яратди.

Мустақиллик ўзбекнинг мунгли кўзларига шодлик, қадоқ қўлларига қут-барака, юртига тинчлик-осойишталик, ҳадикли қалбга ором, халқига фаровон ҳаёт ато этган буюк неъматдир. Инсон ота-онасини танлай олмагани каби Ватанни ҳам танлай олмайди. Албатта, Яратган одамзодга Ватанни музликлардан ҳам, саҳролардан ҳам, чангалзорлардан ҳам ато этиши мумкин. Шукрки, бизга Ўзбекистон деб аталмиш тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса тоғи бор, боғ деса боғи бор, ҳар тонгда булбуллар мадҳини ўқиб тамом қилолмайдиган бир юртни Ватан қилиб атаган экан, бунинг учун ўзимизни ғоятда бахтли ҳис қилмоғимиз даркордир!

Президентимиз таъкидлаганидек, шукроналик ҳисси билан яшамоғимиз керак. Ватан бизга ато этилган улуғ неъмат экан, Ватанга муҳаббат ҳам ҳар биримизга берилган эзгу фазилятдир. Чунки Ватанни севган, унинг бирор корига яраган одам ҳаётининг чуқур маъно касб этаётганини, умри зое ўтмаётганини ҳис қилади, унинг инсоний ғурурига ғурур қўшилади. Шуни

унутмаслигимиз лозимки, дунёда кўп қусуру гуноҳлар кечирилиши мумкин, ота-онага, ёру дўстларига, энг асосийси, Ватанга хиёнат асло кечирилмайди. Ватанга бўлган муҳаббатни қалбан идрок этиб яшаш инсон ҳаётига маъно-мазмун бағишлайди, уни камолот сари етаклайди ва бундай одам ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларида адашмайди, ўз халқининг мард ва фидойи фарзанди бўлиб вояга етади. Энг муҳими, бундай инсондан унинг ўзи ҳам, эл-юрт ҳам наф кўради.

Шу ўринда ўзимнинг дилдан жўшиб ёзган “Ватан” номли қуйидаги шеъримда илиқ туйғуларимни ифода этганман:

*Дилдаги қувончим, бахтимсан, Ватан,  
Аллоҳ берган тож-у тахтимсан Ватан.  
Ҳар қарич тупроғинг кўзимга суртиб,  
Сени жондек асрай, шаҳдимсан, Ватан!  
Тоғларда яралган тошларинг азиз,  
Эрк учун тўкилган ёшларинг азиз,  
Ҳақ йўлин кўрсатган Юртбошинг азиз,  
Самарқанд, Бухоро, Шошларинг азиз!*

Инсон озод ва эркин, муносиб кадр-қимматга эга бўлиб яшаши учун унинг Ватани доимо мустақил, ҳар томонлама қудратли бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса ҳар биримиз бутун куч, ғайратимиз, истеъдод ва салоҳиятимизни шу юрт равнақи учун бағишлашимиз, унинг шаъну шарафини асраб, обрў-эътиборини муқаддас байроғимиз каби баланд кўтариб яшашимиз зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда, ҳатто энг чекка қишлоқ, туманларида ҳам ёшлар билим олиб, маълум бир касб-ҳунарни эгаллаши учун барча шарт-шароитлар етарли. Мен ҳам мана шундай чекка бир туманнинг чекка қишлоғида, мустақиллик йилларида туғилганман.

2005 йилда Бухоро туманидаги 29-сонли умумтаълим мактабининг 1-синфига қабул қилиндим. Мак-

**табимиз давлат томонидан замон талабига мос ҳолда қайта қурилиб, замонавий синфхоналар, ўқув-услубий воситалар билан таъминланган. Мен 2014 йилда ўрта мактабни имтиёзли равишда битириб, Бухоро енгил санъат ва педагогика коллежининг “Бошланғич таълим” йўналишига ўқишга кирдим.**

**Камина мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Ёш ижодкор” кўрик-танловида туманда фахрли 1-ўринни, 2014 йилда “Соғлом бола йили” Давлат дастурини мен қандай тушундим?” мавзусида ўтказилган иншолар танловида вилоят миқёсида 2-ўринни, фанлар олимпиадасида она тили ва адабиёт фани бўйича туманда 1-ўринни, вилоят босқичида эса 3-ўринни эгалладим. Коллежда ҳам кўплаб танловларда қатнашиб фахрли ўринларни қўлга киритдим. Жумладан, “Юксак маънавиятли авлод”, “Бузғунчи ғояларнинг ёшлар келажигига таъсири”, “Зулфияхоним қизлари” танловларида қатнашиб, фаол иштирок этганман.**

**Бундан ташқари, 2015 йилда Касаба уюшмалари федерациясининг стипендияси соҳибаси бўлдим ҳамда “Маҳалла менинг тақдиримда” танловининг вилоят босқичида 3-ўринни эгалладим. Бу натижаларни келтириб ўтиш ўзимга мақтов ёғдириш эмас, балки кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик орқали мен каби барча ёшларнинг, ҳатто дунё миқёсида фахрли ўринларни қўлга киритишаётгани, мустақиллик, эркинлик, фаровонлик натижаси эканини айтиб ўтмоқчиман. Ҳолбуки, ўзбек фарзандлари тил ўрганиб, ўз билим салоҳиятини ривожлантираётган бир вақтда, нотинч ўлкалардаги норасида гўдаклар қўлига қурол олиб, жанггоҳларда ҳалок бўляпти.**

**Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, мен шундай мустақил, обод, жаннатмонанд, осмонида мудом эзгулик, поклик байроғи ҳилпираб, тинчликка чорловчи, ягона, қиёси йўқ, бетакрор Ватан – Ўзбекистонда туғилганимдан беҳад бахтиёрман.**

**Гулифар САЛОМОВА,**  
**Шофиркон иқтисодиёт касб-ҳунар**  
**коллежи ўқувчиси**

## **ОЛАМ УЗРА ҲИЛПИРАГАН ОЗОД БАЙРОҒИМ**

*Ўзбекистон, мадҳинг улуғ, номинг дoston,  
Ҳар бир қиру адирларинг боғу бустон.  
Сенинг исминг қалбимизда мангу ҳар он,  
Буй-бастингга тумор ўзим, садқа бу жон,  
Гулла, яшна, ҳеч бўлма кам, Ўзбекистон!*

Ватан... Аждодларим руҳи кезган диёрим, киндик қоним тўкилган замин. Тарих силсиласин енгган марду майдоним, нурли карвоним. Олам узра ҳилпираган озод байроғим. Бешигим узра бедор бўлган онаизорим.

Бухоро... Кўкка бўй чўзган Минораи калоним, дунё аҳлини ўзига жалб қилган, Лаби Ҳовуз, Арким, олам аҳлига тиб илмини берган Ибн Синоийм, “Қўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин”, деб ўтган Нақшбанд бобом, дунё тамаддунига бешик бўлган маконимсан!

Ватан! Яссавий ҳикматларида, Бобораҳим Машраб ғазалларида, Беҳзоднинг асарларида, Навоий хаёлотида, Амир Темурнинг адолатида кезган сенинг ҳаётинг.

Сенинг зарра тупроғинг, замининг узра гуркираб ўсган гиёҳинг учун ҳам, ҳайвонот ва наботот оламинг учун ҳам ягона ва беқиёсдирсан. Ватан, сен мен туғилган замин, тенги йўқ Ўзбекистонимсан!

Ўзбек! Уммон тубидаги мавжланиб турган оппоқ марваридсингари кўнгли покмиллатимсан, халқимсан. Сендаги самимийлик, меҳмондўстлик, бағрикенглик, энг асосийси, инсонийлик хислатлари ҳеч қайси элда топилмаслиги билан ажралиб турасан.

Забардаст шоир айтганидек, тандирнинг тафтини, иссиқ ноннинг хушбўй ҳидини, далаларнинг

**хушавосини, айвонингдаги чуғурлаб турган қалдирғоч қушини Римга алишмасмиз ҳеч қачон.**

**Мана шундай бетакрор заминда яшаётган самимий, соддадил, меҳнатқаш, ҳалолликда бир-бирини ортда қолдирадиган ўзбек миллатининг диёри бу – бизнинг шайхатмонанд Ўзбекистонимиз!**

**Юртим, элим хурлик, озодликка эришгунча, заҳматлар, маломатлар уммонида кездинг. Шукрким, мана шу долғали уммондан озодлик ирмоғи сари йўл олдинг. Шу ирмоғинг 25 йил мобайнида мавжланиб, тўрпиланиб оқаётган уммонлар қаторига кира олди. Яъни, Ўзбекистон деб танилган жаҳонга машҳур буюк давлат, буюк Ватан қура олдинг. Жаҳон узра озод байрогинг мағрур ҳилпираб туришига эриша билдинг.**

**Ўзбекистон... Бу сўзни эшитибок, барча инсонларнинг кўз олдига озод, мустақил, эркин ва тараққий этган, маданияти ва маънавияти юксак даражада ривожланган бетакрор диёр гавдаланади.**

**Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, юртимизда яшаб ижод қилган, илм-фаннинг энг юксак чуққиларини забт этган олиму фузалолар қалбимизни гурур ва ифтихорга тўлдиради. Мен шуларнинг авлодидман, дея бонг ургинг келади.**

**Мана 25 йилдирки, халқимиз мислсиз яратувчанлик ва ижодкорлик ҳисси билан яшаб келмоқда.**

**Ватан келажаги ёшлар кўлида! Мана шу ғоя қанчалик муҳим ва самарали эканлигини теран ҳис этиб, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, келажак авлод давомчиларига эътибор қаратиб, бизнинг комил инсон бўлиб етишишимиз учун кенг шарт-шароитлар яратила бошланган. Биз бетакрор заминнинг беармон ёшлари кўкка бўй чўзаётган ниҳолдек, доимо олға бориб, шу юрт учун, шу заминнинг бугунги ва эртанги куни учун то сўнгги нафасимизгача элим деб, юртим деб ёниб яшашимиз лозим.**

**Биз ҳам буюк аждодларимизга муносиб тарзда**

фикрлашга, халқни, аждодлардан мерос муқаддас Ватанни севишга, юртни, миллатни ардоқлашга ҳаракат қиламиз ва интиламиз.

Бу йўлда билим ва касб эгаллаб, Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида бор куч ва ғайратимизни ишга солишга ваъда берамиз!

## **АЗИЗ ТУПРОҚ**

**Ватан юракдадир. Инсон учун юрак нечоғли зарур ва азиз бўлса, Ватан ундан-да зарур ва азизроқдир. Ҳеч бир халқ ўз мустақиллигига осонликча эришмаган. Бизнинг мустақилликка эришишимиз ҳам бир замонлар фақат орзу бўлган. Орадан ўтган оғир кунлардан кейин ниҳоят нурафшон тонг отди. Яъни, асрий орзу – мустақилликка эришилди. Ватанимиз истиқлоли туфайли ўз тақдиримизни ўз қўлимиз билан яратиш, ўз салоҳиятимизни ҳар томонлама намоён этиш, ўзимиз танлаган йўлдан аниқ мақсад сари оғишмай бориш имкониятига эга бўлдик.**

**Бугун юртимиз озод, эркин, мустақил. Унинг ўз дони, гази, машинаси, пахтаси, олтини бор. Бугун жаҳон таниган, тан олган ўз ўрни, овози бор. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганига бу йил 25 йил тўлди. Мана шу давр ичида бой тарихий меросимизга, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга муносабат бутунлай ўзгарди. Миллий байрамларимиз ва урф-одатларимиз қайтадан тикланди. Мустақиллик йилларида республикамиз қишлоқ ва шаҳарларининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Замонавий услубдаги илм даргоҳлари, тадбиркорлар томонидан маданий-маиший объектлар, тўйхоналар, меҳмонхоналар, маданият ва спорт кошоналари янгидан қурилди. Халқимиз фаровонлиги – давлатимиз қудратининг белгисидир.**

**Ватан – ғоят улуғ тушунча. Унинг қадрини сўз билан тўлиқ ифода этиш мушкул.**



Тақдир тақозоси билан инсон ўз юртидан йироқда яшаб қоладиган бўлса, унинг вужудида Ватандан мерос бўлиб келган туйғу ва фазилатлар қайта уйғонади ва уни она диёрига қайтмоққа даъват этади. Ватан аждодлардан авлодларга бебаҳо меросдир. Шунинг учун Ватаннинг розилиги – аждодлар розилиги ифодасидир. Ҳақиқий фарзандлар Ватанини рози қилишга интилади. Ватан розилиги аввало унга муносиб фарзанд бўлиш билан адо этилади.

Ўзбекистонни бир кўрган одам, ҳеч шубҳасиз, уни севиб қолади. Юртимизга минг-минглаб сайёҳлар ташриф буюради ва уларнинг барчаси бу тароватли, серқуёш замин уларни ўзига мафтун этгани ҳақида тўлқинланиб, ҳаяжонланиб сўзлашади.

Албатта, ўз Ватанини таърифламаган шоир ва адиб топилмаса керак. Бизнинг ўзбек шоирларимизнинг кўпчилиги Ватан ҳақидаги шеърлари билан адабиётга кириб келган. Айниқса, Ватан ҳақидаги етук асарлари билан ажралиб турадиган Абдулла Орипов, Ҳамид Олимжон, Муҳаммад Юсуф, ва яна бошқа кўплаб ижодкорларнинг асарлари ўзгача маъно-мазмунга эга бўлиб, инсонга маънавий завқ беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда барча соҳалар юқори суръатда ривожланиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи янада ортмоқда. Ватанимиз келажаги бўлган биз ёшларга Юртбошимиз раҳнамолигида катта эътибор қаратилмоқда. Биз тенги ёшлар турли фанлар бўйича жаҳон олимпиадаларида, спортнинг турли йўналишлари бўйича халқаро мусобақаларда фаол қатнашиб келмоқдалар. Бу ривожланиш суръатини кўриб, ҳеч шубҳасиз, баралла айта оламиз: Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!

*Азиза РУСТАМОВА,  
Жондор педагогика ва хизмат кўрсатиш  
касб-ҳунар коллежи ўқувчиси*

## **ҚАДДИ БАЛАНД ЮРТДА ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗДИР**

Инсон – Яратганнинг олий ҳилқати, табиатнинг бир қисми. Бир қарасанг, у тенгсиз даҳо, олиму кашфиётчи, бир қарасанг, ўз йўлини йўқотган манқурт кимса. Дунёда мавжудотлар кўп, лекин фақатгина инсонга табиатда тенгсиз имконият – онг берилган. Инсон ақлли, инсон мўжизакор, у яратувчанликка ҳам, вайронагарчиликка ҳам қодир. Айнан унинг онги, тафаккури туфайли бугун ҳаётимиз фаровон.

Аммо “Ҳар яхшининг бир ёмони бор” деганларидек, айнан мана шу “ақлимиз” туфайли, энг аввало, барчамиз инсон бўлсак-да, табақаланишни, унинг ортидан мустамлакачиликни, кимларнидир қуллик асоратига солган жаҳон урушларини, бугунги кунга келиб эса диний мутаассибликни келтириб чиқармадикми? Хўш, ким инсон зоти ўзи? Кимларни биз инсон деб атай оламиз?

Мозийга бир назар солайлик. Яқин 75 йиллик, боринги, 130 йиллик тарих, яна ҳам аниқроқ қилиб айтидиган бўлсак, чор Россияси ва қизил империя мустамлакачилиги даври. Мустамлакачилик халқни тобора жаҳолат ботқоғига тортаётганди. Мана шу ботқоқдан халқни тортиб чиқа олишга қодир ҳар қандай шахс қисқа вақт ичида йўқ қилиб юборилар, жабрдийда халқ эса ҳатто ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳам билмас, билсада амалда қўллай олмасди. Беихтиёр ўзимга ўзим савол бераман: “Ўша даврда адолат, ҳақиқат қаерда эди?”, ақлим жавоб қайтаради: “Маърифат йўқ жойда адолат, адолат йўқ жойда ҳақиқат қаердан бўлсин?!”.

Ҳақиқатан ҳам, аждодлар мероси яширилган, миллий ғурур уйғотишга қодир ҳар қандай манба ёки шахс йўқ қилиб юборилган бу жамиятда ҳар қанча чироқ ёқиб қидирсак-да, маърифат, ҳақиқат, адолат ва қаторини давом эттириш мумкин бўлган бундай сўзларнинг бирортасини ҳам тополмаймиз. Негаки, эркинликни тақиқлаш мустамлакага, илмни чегаралаш маърифатсизликка, маърифатсизлик жаҳолатга, жаҳолат эса тубанликка етаклайди. Ўз эрки, дини, тили бўлмаган давлат давлат эмас, “ақлли одам” измидаги мустамлакадир! Худди шундай онгли мавжудот бу – инсон, лекин биз уни ташқи кўриниши-ю, башариятга келтирган беминнат ёрдамлари учун инсон деб эмас, энг аввало, эрки, фикри дунёқараши бор бўлганлиги учун ҳам инсон деб атаймиз!

Инсон шаъни, кадр-қиммати эса фақат эркин ва озод юртда, ўз йўлини ўзи танлаган мустақил диёрдагина қарор топиши она Ватанимизнинг кейинги чорак асрлик тарихидан барчамизга аён.

Мустақилликнинг инсоният ҳаётида қанчалар муҳим ўрин тутганлигини қўлидан қуллик кишанини эндигина ечган халқдан кўра кўпроқ ҳеч ким билмаса керак?! Бизлар кимлар учундир хаёл, кимлар учундир ушалмас орзу бўлиб қолган бебаҳо неъмат – мустақилликни қўлга киритдик. Мана йигирма беш йилдирки, истиқлол берган буюк бахтдан баҳраманд яшамоқдамиз.

Аммо мустақилликка эришиш ҳам, эришгандан кейин яшаш ҳам биз учун осон кечмаганлиги катта авлод вакиллари билан суҳбатда кўп бор таъкидланди. Шунга қарамай, Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгилай олди.

Тарихга бир назар ташлайлик. Мустабид тузум даврида Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарга илармиди? Яна бир бор эслаб

кўрайлик, куни кеча эмасмиди бошимизни меҳнатдан кўтармай яшаганимиз, кимларнингдир имосига маҳтал бўлиб, кимнингдир имзосини кутиб яшаганимиз? Табиийки, мустақилликни қўлга киритдик, лекин у ёхуд жамият бизга нима берди, деб савол беришни кўпчилик тўғри деб ўйлайди, лекин ўйлаб кўрайлик азизлар, шу давлат, шу жамият менга нима берди, деб эмас, балки мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим, деб яшашимиз керак эмасми?!

Истиқлол даврининг ҳар бир йилини аҳамияти жиҳатидан тарихимизда ўн йилликларига, ҳатто асрларга тенглаштириш мумкин десам, муболаға бўлмайди. Биз мустақилликнинг 25 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз, тарих олдида бу муддат киприк қоқгудек лаҳза, лекин бу муддат моҳиятан ўзбек халқи учун энг шонли даврни ташкил этади.

Ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Турмуш тарзимиз ўзгариб, ўзлигимизни англай бошладик. Ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни танидик, олдимизга аниқ мақсад қўя олдик. Янги ҳуқуқий-демократик давлат асосларини ярата бошладик. Ўз Конституциямизни қабул қилдик. Аввалги Конституцияда инсон давлатга хизмат қилиши, давлат халқ ишидан муҳим эканлиги қонунийлаштирилган, одамлар онгига сингдирилган бўлса, эндиликда халқ манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Юртбошимиз айтганидек, “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун” тамойили ҳаётга изчил жорий қилинмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган қай бир ишнинг туб моҳиятига назар солмайлик, барчасининг негизида бир мақсад инсон манфаати, унинг фаровон ҳаёти ётади.

Зеро, инсон ҳуқуқлари – энг олий қадриятдир!

## **ВАТАН ҲИМОЯСИГА ҚОДИРМИЗ!**

Республикамиз мустақилликка эришгач, ўтган қисқа давр мобайнида амалга оширилган ишлар том маънода асрларга тенг воқеаларга бой бўлганлиги билан ажралиб туради. Аслини олганда, мустақиллик биз учун, Президентимиз таъбири билан айтганда: “Энг аввало, ўз тақдиримизни кўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун шу мўътабар Ватанда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳр-оқибатни қарор топтиришдир”. Шу билан бирга, мустақиллик – Аллоҳнинг Ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгаллик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди.

Тарих – бу кўзгу. Биз унга қараб ўзимизнинг кимлигимизни, нималарга қодир эканлигимизни англаймиз, бой миллатимизни, қаддимизни тиклаймиз. Мустақиллик ва у бошлаб берган миллий тикланиш, янгиланиш туфайли инсон маънавияти, юксак одоб-ахлоқ ва маданиятнинг қудратли қатламлари очилди, миллий анъана ва қадриятимиз тикланди. Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз маданий меросини ўзи босиб ўтган тарихий тараққиёт жараёнида яратади. Бу маданий меросдан хабардорлик инсонда тарихий тафак-

курнинг шаклланишига ёрдам беради. Бу маданий мерос ёдгорлиги қайси даврга мансублиги, унда шу давр кишиларининг дунёқараши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, эътиқоди ёки бир сўз билан айтганда, юрт тарихи ўз аксини топган бўлади.

**Бугун** Ватанимиз тарихини ўрганишга, шу орқали тарихий тафаккурни шакллантиришга кенг эътибор берилаётгани катта ижобий ҳодиса сифатида баҳолашга арийдим. Тарихга инсон маънавиятининг асоси ва уни шакллантиришнинг омили сифатида қаралмоқда. Тарихни билмасдан баркамол шахсни тарбиялаб бўлмаслиги, ўзликни англаш тарихий тафаккури орқали кечиши сир эмас. Тарихий тафаккурни шакллантиришда халқимиз орасидан етишиб чиққан улуғ алломаларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссалари билан таништириш, буюк тарихий воқеаларни ёдга олиш, аждодларимиз яратган маданий меросини ҳар томонлама ўрганиш муҳимдир.

Маданиятимиз тарихи юртимизда асрлар давомида яшаб келаётган қадриятларда ўз аксини топган. Улар гўзалликни ҳис қилиш муҳитини яратган, халқимизнинг буюк тарихини ўзида акс эттирган бўлиб, ўсиб келаётган авлод онгига тарихий идрок уруғларини қадаб, қалбига эса Ватанга муҳаббат ғояларини сингдириб, уларни юксак маънавий руҳда тарбиялаб келган. Бугун кишилар онгида тарихий тафаккурни шакллантиришнинг ўрни қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, тарихий тафаккур халқимизнинг ўзлигини англаш, қадриятларимизни эъзозлаш, миллий тикланишни амалга оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, тарихий тафаккур мамлакатда сиёсий, иқтисодий ижтимоий ва маданий ислохотларнинг самарали ташкил этишнинг, аҳолининг кенг сафарбарлиги ва иштирокининг таъминлашига ёрдам беради.

Учинчидан, тарихий тафаккур жамиятни кеча, бугун, эртага формуласида қайта қуриш, давлатчилик тажрибаси, унинг янгиланишлар жараёнида такомиллаштириш, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, янги имкониятлар эшигини очишдан иборатдир.

Тўртинчидан, тарихий тафаккур инсонда тарихий хотиранинг тикланишига, миллий ғурур, миллий руҳни кучайтиришга ёрдам бўлади.

Бешинчидан, тарихий тафаккур тарихга фалсафий муносабат, ёндашув шаклланишига, бу эса тарихий ҳодисаларни теран таҳлил қилиш, ривожланиш қонуниятларини теран англаш ва шундан келиб чиқан воқеа-ҳодисалар мантиқий ҳосиласини кўра билиш ва тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга хулосаларни чиқариш имконини беради.

Олтинчидан, тарихий тафаккур мустақилликни мустаҳкамлашнинг, инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилашнинг, ижтимоий фаоллигини ошиши, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд бўлмастикнинг омили бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик тўғрисида маънавий қадриятимиз, ўтмиш аجدодларимиз қолдирган мерос, ўзининг бутун мукамаллигида, қайчиланмасдан тиклана бошлади. Куръони карим, ҳадиси шарифлар биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Носириддин Рабғузий, Аҳмад Яссавий, Бурхониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа алломаларимизнинг асарлари нашр этилиб, чанқоқ китобхонлар қўлига етиб кела бошлади. Шунингдек, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби боболаримиз юбилейларининг ўтказилиши миллатимизнинг руҳида покланиш туйғуларини уйғотди. Пойтахтимизнинг қоқ марказида Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улуғвор мужассамаси ўрнатилиши ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди руҳида ҳақли ифтихор ҳисларидан ўчмас ёғду пайдо қилди.

Мустақиллик шарофати билан 1300 йил мобайнида ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом динига муносабат ҳам тубдан ўзгара бошлади. Собиқ иттифоқ даврида бутун Ўзбекистонда бор-йўғи 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ минглаб янги масжидлар ишга тушди. Қатор тарихий обидалар қайтадан таъмирдан чиқарди. Ҳар йили юртимиздаги минглаб мусулмонлар муборак Ҳаж ва Умра сафарларига бориб келмоқдалар. Дин пешволари матбуот, радио ва телевидение орқали ўз қарашларини эмин-эркин баён этмоқдалар.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Агар биз ўз тарихимизни билсак, миллий ғуруримиз уйғониб, ватанпарварлик ҳис-туйғуларимиз жўш уради, буюк халқ, миллат авлодлари эканлигимизни англаб етамиз. Шунда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ҳис қиламиз. Шунда ўзлигини англаган, ўз Ватани, миллати билан фахрланадиган, уни янада улуғлайдиган ватанпарвар байналмилал инсон камол топади. Ватан туйғуси билан яшаётган миллатни енгиб бўлмайди.

\*\*\*

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллий армиyani тузиш, унда янги таълим-тарбия тизимини жорий этиш кун тартибидаги муҳим масалалардан бири сифатида қаралиб, ҳукуватимиз томонидан бу борада алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда Қуролли Кучларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилди. Аввало, ушбу тизимни қонун йўли билан ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикасида яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи” деган сўзлар қатъий белгилаб



қўйилди. Шунингдек, минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллий хавфсизлигимизни ҳимоя қилишни кучайтириш борасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепсияси тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилинганлиги Қуролли Кучларимизнинг ҳуқуқий-ташкилий тузилмасини ўзида мужассам этди.

Ўтган йиллар давомида мақсад қилиб олинган ана шундай эзгу амаллар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини қўриқлашга қодир, замонавий ҳарбий техника билан таъминланган профессионал армия вужудга келди. Қуролли Кучларни ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастури эса миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш имконини беради. Шу боисдан ҳам, ҳарбий хизмат муддати бир йил этиб белгиланди, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди ва бу жараёнлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Президентимиз томонидан офицер ва сержант кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Уларни ўқитиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқилди. Чирчиқ танк ва Самарқанд автомобиль олий ҳарбий қўмондонлик билим юртлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари унверситетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. 1995 йилда

Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди.

Миллий армияни шакллантириш мобайнида яна бир муҳим жиҳат ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шу маънода уларни уй-жой билан таъминлаш, кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш, моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш борасида Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли амалий ишлар олиб борилиб, ҳарбийларга қатор имконият ва имтиёзлар яратилди.

Миллий армиямизнинг юртимизда яшаётган аҳил-иноқ миллатларидан ташкил топган офицерлари, аскарларнинг сарҳадларимизни мустаҳкам ҳимоялаш ҳамда осойишталикни таъминлаш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасида эл орасида уларнинг нуфузи кундан-кунга ошиб бормоқда. Мазкур машаққатли ва шарафли касб эгалари меҳнати қадрланади, ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонланади. Бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, Ватан ҳимоячилари ўз вазифаларини бажаришга киришар экан, тантанали равишда қасамёд қилади ва бир умр ушбу қасамёдига содиқ қолади.

2010 йил 12 январь куни Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва ғояси билан пойтахтимизда “Ватанга қасамёд” ҳайкали барпо этилди. Мазкур мажмуада халқимизнинг мард ва жасур ўғлони муқаддас байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, боболаримиз ётган азиз тупроқни кўз қорачигидек асраб-авайлашга тайёр эканлигини қасамёд қилган ҳолда тасвирланган.

Ҳа, тинчлик – бебаҳо неъмат экан, уни сақламоқ, авайламоқ, керак бўлса, бу йўлда жон фидо қилиш шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

## **СЕРҚУЁШ ДИЁРИМ ГЎЗАЛ, МАФТУНКОР!**

Дунёда энг севимли ва инсон учун муқаддас гўша, бу – Ватан! Унинг иссиқ бағри онанинг тафтидан, меҳри отанинг садоқатидан андоза олган. Шу сабабданми, бу тушунчани энг яқин инсонларимиз сиймосида кўрамиз. Муҳаммаднинг сингил деса синглиси, она деса онаси бўлган юрт бу. Бу юртда деразасининг олдида ҳар баҳор ўрик гуллаган Ҳамидлар, юрти учун жон куйидириб фидойилик қилган Шароф боболар ўсган.

Бу серқуёш диёрнинг тўрт фасли инсонлари каби меҳрибон, гўзал ва мафтункор.

Баланд-баланд бинолар, муқаддас қадамжолар бугун қайси сайёҳни лол айламайди дейсиз? Бу эса шу юрт ишқи билан ёнган ҳар бир фарзанднинг қаддини осмон қилади. Шаҳримиз кўчаларидан ўтсангиз, лавҳалардаги “Байрамингиз муборак бўлсин!” деган ёзувга кўзим тушади. Ҳа, демак, юртимизда байраму тантаналар бўлаверади. Бу, албатта, мустақиллик бизга берган олий бахт. Бундай кунларнинг қадрига етиб, юртимиз осмони мусаффо ва сарҳадларимиз тинчлигидан қувонайлик. Айрим мамлакатлар ёшларидек уруш офатлари, кечаётган қуроли тўқнашувлар ва хунрезликлардан азият чекмаётганлигимизга шукр қилайлик.

Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан бир гуруҳ тенгдошлар шаҳримизда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, уруш ва меҳнат фахрийи, “Шуҳрат” медали соҳиби 95 ёшли Юсуф бобо Турсунов хонадонига ташриф буюриб, суҳбат қурдик. Уруш йиллари ҳақида сўраганимизда, Юсуф бобо оғир хўрсиниб, кўзларида ёш билан бир дам сукут сақладида, уруш хотираларидан сўзлай кетди:

– У кунларнинг азоб-укубати ҳақида фақат афсус-надомат билан эслаш мумкин. У йилларни қачон эсламай кўзимда ёш қалқийди. Очлик, юртдан олислик, меҳр-муҳаббатга зорлик ва афсуски, унинг якунида ўз юртингга қайтиб, ёру дўстдан айрилишинг... Урушни бир сўз билан шундай аташ мумкин. Бироқ, ҳеч қачон урушда иштирок этганимдан афсусланмайман. Муҳими, юрт тинчлиги, осудалиги учун жанг қилганлигимдан фахрланиб юраман. Тўғри, урушдек бало навқирон йигитларни ҳаётдан бевақт олиб кетган бўлса-да, унинг ортида халқ тинчлиги, эрки, фаровон ҳаёти бор, ахир.

**Вобонинг сўзларидан шунга амин бўлдимки, мустақиллик деган энг улуғ неъмат сабаб бугун хонадонларимизда тўкин-сочинлик, фаровонлик, энг муҳими, тинчлик барҳаёт. Ҳар саҳар қушлар чуғури билан уйғониб, яқинларимиз билан бирга нонушта қиламиз. Яшаш учун бошпанамиз бор, ота-онамиз бошимизда парвона. Билим олиб, касб-ҳунар эгаллаш учун ҳамма шароит мавжуд. Бизга бундан ортиқ яна нима керак?!**

Ватан бу – нима? Ватан бу – бизнинг туғилиб ўсган жойимиз, биринчи босган қадамимиз, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб кетган она замин тупроғи. Бу жавоб қанчалар жўн ва оддий туюлмасин, бу сўзлар ўзининг туб негизда катта маъно касб этади. “Ватан” тушунчаси эса ҳар қандай ёшдаги кишини, бешикдаги чақалоқдан ёши улуғ бобо-момоларимизга ҳам бирдек дахлдор. Шундай экан, биз ҳар биримиз мана шундай дахлдорлик ҳиссини туйиб яшайлик.

Неча минг йиллар олдин ҳам халқимиз бошидан кўп жангу жадаллар ўтган. Бу жанглار бежиз бўлган эмас, балки мана шу она тупроқ ҳимояси учун бўлган. Ҳаммамиз билган Широқ, Тўмарисни олсак, Ватан учун улкан жасорат кўрсатган. Тарихда бундай бобо-момоларимиз жуда кўп бўлганлигини эътироф этиш мумкин.

Ватанимиз биздан бундай жангу жадалларни эмас, балки бизга берилган имкониятлардан тўғри ва унум-

ли фойдаланиб, шу тариқа меҳр-муҳаббат ва садоқат кўрсатишимизни талаб қилмоқда. Ахир ҳамма нарса муҳайё. Биз, ёшларга қаратилган эътибор жуда катта. Энди ҳар бир ёш ўз истеъдодини барча соҳада, жумладан, фан, маданият, санъат, спорт ва бошқаларда намоён эта олади.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамият цивилизациясининг муштарак ютуғидир. Инсон ҳуқуқи маълум бир хатти-ҳаракатига ижозат бериши, ўз ихтиёрига кўра хатти-ҳаракат учун маълум бир имкониятга эга бўлиши, эркин хатти-ҳаракат ўлчови ҳисобланади. Бунда шуни ёдда тутиш керакки, хатти-ҳаракатларни танлашда кенг эркинликни тақдим этиш орқали ҳуқуқлардан фойдаланишнинг аниқ чегарасини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида биринчи навбатда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, кейин эса сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатда демократиянинг мавжудлигини аниқлайдиган инсоннинг энг муҳим шахсий ҳуқуқи бу яшаш ҳуқуқидир. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг асосий бурчи бу ҳуқуқни рўёбга чиқариш. Давлат ва жамият демократик ривожланишнинг муҳим шартини соғлом яшаш ҳуқуқи, нормал ҳаёт шароити ва ҳоказолар билан чамбарчас боғлиқ.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият даражасида эътироф этилганлиги мамлакатимизда инсон нақадар улуғланишини яққол ифодалайди.

*Манзура ТОШБОЕВА,  
Жиззах туман Учтена қишлоқ хўжалик  
касб-хунар коллежи ўқувчиси*

## АНГЛАШ САОДАТИ

Ватан деганда биз фақат юртимиз тупроғини эмас, балки унинг заминида бўй кўрсатган гиёҳдан тортиб, дарё-ю сойлар ва тоғ-у тошларгача, камтар, меҳнаткаш, фидойи, мард одамларидан то энг митти жониворларигача ўзимиз туғилиб, униб ўсган макон билан боғлиқ нарсаларнинг барчасини тушунамиз.

Ҳар бир инсоннинг Ватани у учун дунёдаги энг гўзал ва муқаддас макон ҳисобланади. Шунинг учун шоирларимиз она юртимиз Ўзбекистонимизни оламда тенги йўқ, ягона диёр сифатида куйлайди. Ватанда яшамок, улкан саодатдир, Ватандан айрилмоқ, тенгсиз фалокатдир. Ватан озод ва мустақил бўлса, унинг бағри жаннат боғларидек файзли, одамлари бахтли бўлади. Шунинг учун Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги унинг ҳар бир фарзанди учун жон каби азиз ва муқаддасдир. Инсон учун она ягона бўлгани каби, Ватан ҳам ягонадир. Шу боис, ватанпарварлик олий фазилат саналади, Ватанга хоинлик эса ҳеч қачон кечирилмайди.

Широқ ўз Ватанини ёвлар зулмидан озод этиш учун жон фидо этгани, Тўмарис жасорати, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби аждодларимизнинг, ўтган аср бошидаги маърифатпарвар боболаримизнинг озодлик йўлидаги курашлари ватанпарварликнинг юксак намунасидир.

Юртбошимиз халқимизнинг истиқлол йўлидаги ҳаракатига бош бўлиб, миллий давлатчилигимизни тиклашда, унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишида ва ҳуқуқий демократик жамият асослари-

ни барпо этишда бекиёс хизматлар қилди. Давлатимиз раҳбарининг изчил ва қатъий сиёсати туфайли халқимизнинг энг оғир вазиятларда ҳам ўз танлаган йўлидан қайтмади, янги асрда янада юксак марраларни кўзлаб олға интилмоқда.

Биз миллий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги намунаси сифатида комил инсонни, ижтимоий ҳамкорликни, миллатлараро ҳамжиҳатликни ва динлараро бағрикенгликни кўришимиз мумкин. Энг аввало, комил инсонни тарбиялаш – умумбашарий ғоя. Дунёдаги барча халқлар, миллатлар ва инсонлар фарзандларининг етук, баркамол бўлишини орзу қилади. Комиллик одамзотнинг азалий орзуси бўлиб, уни амалга ошириш учун муайян ижтимоий шарт-шароит зарур. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг биз шундай имкониятга эга бўлдик. Халқимизнинг буюк давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш орзуси отабоболаримиздан мерос бўлган муборак заминимизни гуллаб-яшнатадиган баркамол инсонларни вояга етказмоқда.

Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик умумбашарий қадрият. У бир жамиятда яшаб, бир мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари аҳиллигининг маънавий асосини мустаҳкамлайди, тинчлик ва барқарорликнинг, тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Тил – миллатнинг асосий белгиларидан бири. Дунёда халқлар кўп бўлгани билан ҳар бир халқ аввало ўз тили, миллий урф-одат ва анъаналари, ўзига хос турмуш тарзи билан ажралиб туради. Она тили эзгу фазилатлар, юксак туйғулар манбаи эканлиги бекорга эмас. Чунки оналаримиз бизга шу тилда алла айтади, инсон учун ҳаётий зарур билим ва тушунчаларни тил воситасида онгу шууримизга сингдиради, одобу ахлоқимиз, феъл-атворимиз тил орқали берилган ўғит ва насиҳатлар асосида шаклланади.

Ўзбек моделининг асосий мазмуни жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки босқичма-босқич, эволюцион, яъни тадрижий ислоҳ этишни назарда тутди. Президентимиз Илом Каримов асослаб берган жамиятни ислоҳ этишининг беш тамойили ўзбек моделининг маъзани ташкил этади.

Тараққиётнинг ўзбек модели халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, қадриятлари ва турмуш тарзига, шунингдек, дунёдаги илғор давлатларнинг жамиятни ислоҳ этиш тажрибасига асосланган.

Биз ўз мақсадларимиз сари босқичма-босқич қадам ташламоқдамиз. Бизнинг миллий ғоямиз ўзининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга бўлиб, замон талаблари билан уйғун ҳолда бойиб, такомиллашиб борадиган тизимдир.

Дунёдаги ҳар қандай миллий ғоя каби, бизнинг миллий ғоямизнинг ҳам тарихий ва фалсафий асослари бор.

Миллий ғоя фақат бир миллатга мансуб бўлиб қолмасдан, табаррук диёримиз Ўзбекистон тупроғида яшаётган, уни ўз она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбия олиши, ўзи истаган касб-хунарни эгаллаши ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шунингдек, улғайиб келаётган авлод вакиллари билан салоҳиятларини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилган. Ўйлайманки, мен каби барча ёшлар шу Ватанни муқаддас билиб, унинг тупроғини кўзга тўтиё айлаб, шу юртнинг азиз ва муносиб фарзандлари бўлиб етишиш учун бор кучини, билимини аямайди.



**Жаҳонгир ЮСУПОВ,**  
**ЖДПИ қошидаги “Сайилжой” академик**  
**лицей ўқувчиси**

## **ВАТАН – АДОҒИ ЙЎҚ ДОСТОНДИР**

Ватан – кўнгил қўшиғининг бунёдкоридир. У адоғи йўқ достондир, бағри чашми равондир, қуриб битмас бўстондир, номи улуғ Турондир.

Бу Туроннинг фарзанди эканман, қуллуқ дейман ўзимга! Биламан, Бобурдек васлингга етолмаган бор, Темурдек савлатинг само қилганлар бор, Навоийдек руҳингни поклаганлар, Улуғбекдек кўз ёши юлдузларга айланганлар бор, Чўлпондек шам ёқиб кетганлар бор.

Рад этаман ўзга ерни, она тупроғим, сен менинг жоним биносисан. Ватан сенда туғилдим, жисм-у жоним сен билан, сен-ла абадий.

Биласизми, Ватанда ҳам юрак бор, бизни севади, кўзлари бор, бизни кўради, қўллари бор, бизни силайди, лаблари бор бизни ўпади. Нақадар мўъжиза, нақадар ўзгача ҳаёт, ўзгача бахт.

Дўстлар, тенгдошлар, бахт бизники, марра бизники. Фақат олға қадам ташлаб, кўкни қучинг, онамиз билан бирга, бизни севган Ватан билан бирга.

Чингизхоннинг тиедарига қалқон бўлди Мангуберди Ватан учун, қанча эр-ийгитлар фидо бўлди Ватан учун, Муқанналар ёнар бўлди Ватан учун.

Аждодлар зафарига садо бўлайлик. Бу дунё, балки ўткинчидир, лекин Ватан ундай эмас. Ватан учун қон тўкканларни, қулоғингиз билан эшитган аллани, ёмғири, шамолини, ҳар куни қуёш ботаётганда ҳис этган ёқимли, таърифи йўқ онларни қандай унутиш мумкин? Қандай ўткинчи дейиш мумкин? Буларнинг барчаси инсоннинг ўзлигидир, ўзлигимиз Ватандир.

Кенг дала. Кенг осмон тор кўнгилга кор қилмас экан. Ўзга ернинг зари, гавҳари ёр бўлмас экан. Бегона юрт, бегона одам бу сен эмас, бу сенинг ўзлигинг эмас. У ерда бахтлиман дерсан, еган ошим мўлу кўл дерсан, турар жойим тенги йўқ, дерсан балки. Бироқ ўйла, умр шунга тенгми?! Урарми шу сабаб юрагимиз? Шу сабаб тўлғонадими оташ қалбимиз? Йўқ, албатта. Ватан сеҳрли. Сен унинг энг суюкли фарзандисан. У сени соғинади, қўмсайди, унга кераксан. Шу туйғуни ҳис этган ортига қарайди. “Нима қилдим Ватан учун, аждодларимга муносиб фарзандманми, мен кимман?” деган ҳақли саволлар виждонимизни уйғотади. Бу саволлар ўша пастаккина уйининг ҳали ҳам уйғоқ эканлигини эслатади.

Ватан сеҳрли! Кўп ўйлайман, Ватаннинг остонаси қаердан бошланади? Энди билсам, бу остона қалбимизда экан. Туғилдиг-у қалб билан дунёга боқа олдик. Бунчалар гўзал, бунчалар соф бўлмаса?!

Бир зум туйғуларим таслим бўлмайди. Улар эркин, мисли йўқ қудратга эга. Ватанга бўлган муҳаббат мана шундай кучли инсонга айлантиради кишини. Фаҳрга-ифтихорга тўламан: наҳот менда Темурбекнинг, Бобурнинг, Навоийнинг, Улуғбекнинг, Алпомишнинг, Гўрўглининг қонлари томиримда оқмоқда? Биз шунчалар кучлимизми?! Бу – ҳақиқат.

Инсонга шундай туйғуларни ҳис қила олиш ва уни қалбда туюшдек иноят ато этганлиги учун Танграминг минг шукрлар бўлсин! Ватан учун керак бўлганда кетганлар гумроҳдирлар, Ватандан кечганлар эса юртфурушлардир.

Тонгда айтилган азон ва онамнинг айтган алласида бир-бирига вобасталик бор. Бу Ватанга бўлган меҳр ва садоқатдан бошқа нарса эмасдир. Шунинг учун ҳам Ватан сеҳрлидир.

Баҳор келса, қир устига чиқиб, лолажонга тикилман. Алвон япроқларини оҳиста эгиб, келин салом

қилади. Танҳо мен, танҳо у, бир-биримизга сирдош-миз. Кўнгил ҳайратли хилқатдир. Биз икковимиз тилсиз, забонсиз узоқ-узоқ суҳбат қурамиз. У менга пешонасидан ўпган Муҳаммаднинг туйғуларини ҳикоя қилиб беради. Ватанни миттигина қизғалдоқнинг пешонасида кўрганини, йиглаб-йиглаб унинг бўйларидан маст бўлганида Ватан ифорини туйганини сўзлаб беради. Ёки шоир Миртемир бу йўллардан ўтганда уни қандай кузатиб қолганини жимгина сўзлайди. Ўйлаб қоламан, лолажон, сен Ватансан, фақат дардимни сен тинглайсан. Ватан меҳри туфайли лолажон билан менинг кўнглим риштаси қаттиқ боғланган. Унинг нигоҳларида ҳам ойни тортар ҳусни, қуёшдан ортар нури бор, икки дунё бойлаган нозик, сулув қадри бор. Қабрлар бошида тўкилган маржон-маржон ёши бор. Лолажон, сен Ватансан...

Кўллариингни тут Ватаним, қадоқларинг ўпайин ўзим. Фарзандингмиз елкадош, даврон бердинг, Ватан бизга. Сабаб мен бу Ватанда онамдан алла эшитдим, она тилимда сумалакка тилак айтдим. Эй сарбон, Ўзбекистон, мадҳингни айтар бўлдим мангу она тилимда.

Иғволар-ла эгмоқ бўлди бошингни, аммо сен уларга даст бермадинг. Сафларини пора қилиб Рустам билан енгилмадинг. Зирқиратди вужудингни, сен барибир енгилмадинг. Душманларинг захар сочди, оғуларда йўқ бўлмадинг. Курағи ер кўрмаган посбонимсан, Ўзбекистон!

## **ОБОД ҚИШЛОҒИМ КЎРКИ**

Номланиши, сўзлари бизга ёд бўлган энг муҳим тамойиллар мамлакатимизнинг ривожланиб боришида ва ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз аксини топяпти. Масалан, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этилиши натижасини мен эндигина ўсиб улғаяётган ёш авлод вакили сифатида яққол ҳис этмоқдаман. Ушбу тамойилнинг жорий этилиши нафақат менинг тенгдошларим, балки ота-онамнинг ҳам бахту иқболини кўзлаб жорий этилган, деб баралла айта оламан. Бунинг сабабини мен қуйидагича изоҳлашни лозим топаман: собиқ шўролар тузуми пайтида ота-онамлар менинг ёшимдалик пайтларида қандай қийинчиликларга дучор бўлганликларини, пахта тераётган пайтларида устидан заҳарли химикатлар сепиб учган самолётлар, қанчалик қийинчиликлар билан ҳаёт кечирганликлари тўғрисида бизларга эртақмонанд қилиб кўп марталаб сўзлаб беришган.

Айни кунларда эса мен ота-онамнинг айнан шу айтганларини эсларига солиб, уларнинг ўтмиши билан ўзимнинг шу кунлардаги болалигимизни солиштириб, нақадар бахтли замонда яшаётганлигимизга шукроналар айтмоқдаман.

Ҳақиқатан ҳам, мен жудаям бахтлиман. Негаки, мен ва мен каби миллионлаб ёшларга эътибор қаратган муҳтарам Юртбошимизнинг ғамхўрлигини ҳар жабҳада ҳис қилиб тураман ва бу менга жуда катта куч-қувват ато этади.

Айни кунларда бизнинг қишлоқларда “Кучли даладан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида маҳаллаларимизнинг ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб ривожланиб бормоқда. Мен буни ўзим яшаб турган маҳаллада содир бўлаётган туб ўзгаришлар замирида кўриб турибман.

Бугунги кундаги ислохотлар самаралари қишлоқлардаги озода ва фойзли хонадонлар, одамларнинг фаровон ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Қишлоқларимиздаги замонавий гузарлар, айниқса, туманимизнинг энг сўлим гўшаларидан бўлмиш “Баландчақир” қишлоғи нафақат туманимизнинг, балки вилоятимиз миқёсидаги энг диққатга сазовор масканлардан бири ҳисобланади. Бу масканда авлодлар учрашувлари, мулоқотлар, спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилиб туриладики, буларнинг барчаси юқоридаги фикримнинг исботидир.

Бизнинг маҳаллада оилавий тадбиркорлик, хусусан, тикувчилик, хунармандчилик тобора ривожланиб, бу борадаги ишлар кенг кўламда йўлга қўйилмоқда. Ҳозирги кунда ўнлаб тенгдошларим мохир хунармандлардан касб сирларини ўрганишмоқда. Ёшларга бу борада ҳуқуқий ва молиявий кўмак кўрсатиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Янгиобод тумани бўлими мутахассислари иштирокида мунтазам равишда учрашувлар ва мулоқотлар ташкил этилиб келинмоқда. Буларнинг барчаси биз ёшларга ҳурматли Юртбошимиз ҳамда ҳукуратимиз томонидан кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг биргина кўриниши деб биламан.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳалладаги ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғинлари ўрни беқиёс эканлиги бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимизда яққол сезилмоқда. Маҳалла

фаоллари, маслаҳатчи ва посбонлари ҳар бир оиладаги аҳвол, ёшларнинг феъл-атворлари, юриш-туришларидан доимо хабардор бўлиб, зарур пайтларда керакли тавсиялар ва маслаҳатларини бериб келмоқдалар. Айниқса, ёшлар билан алоҳида суҳбатлар уюштириб, уларни ёт ғоялар ва оқимлар таъсиридан асрашга эътибор беришяпти.

Мен яшаб турган Янгиобод тумани қиёфаси бугун тубдан ўзгарган. Намунавий уй-жойлар, замонавий иншоотлар қад ростлаган маҳаллаларда истиқомат қилувчилар фаровон ҳаётидан хурсанд. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати билан десам, янгилишмаган бўламан. Биз, ёшлар бундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, бизга берилган ишончни оқлашимиз лозим. Бундан ташқари, туманимизга кираверишдаги туркум плакатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ва амалий фаолияти, давлатимиз томонидан уларга қаратилаётган эътибор ҳақида яққол тасаввур бермоқда. Замонавий гузаримиз доимо нурунийлар ва ёшлар билан гавжум. Бу ерда маънавий суҳбатлар, учрашувлар ва мулоқотлар ташкил этиш анъана тусига кирган.

Хулоса қилиб айтганда, янгиободликлар, яъни менинг тумандошларим ҳамда маҳалладошларим “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётганликлари ва бу меҳнатлар, ўз навбатида, биз, ёшларни Ватанни севишга, Ватанга муносиб фарзанд бўлишга ундамоқда. Ҳар доим мана шу азиз ва муқаддас Ватан меники ва барчамизники эканлигини юракдан ҳис қилган ҳолда яшайман ва меҳнат қиламан ҳамда келгусида ўз меҳнатларим ва Ватанга бўлган муҳаббатим билан ушбу ишончларни оқлайман.

**Чарос МУРОДОВА,**  
**Зафаробод тумани маиший хизмат кўрсатиш**  
**касб-ҳунар коллежи ўқувчиси**

## ЮРТ ТУЙҒУСИ ЮРАКДА

Биз мактабда “Ватан туйғуси” фанини ўтганмиз. Нега энди айнан “Ватан туйғуси”, тушунчаси эмас, чунки Ватан сўзини тўлиқ англаб, ифодалаб бўлмайди. Уни қалбдан ҳис қилмоқ мумкин. Ҳис-туйғулар эса инсон қалбида бўлади. Бу туйғулар ичра энг гўзали чин инсонийликка хос бўлган имон туйғусидир. Шу боисдан ҳам “Ватанни севмоқ иймондандир” дейиш бежиз эмас.

Биз ардоқлаган бу азиз Ватан даҳоларга бешик бўлган ўтмиши шонли заминдир. Бу тупроққа қанчадан-қанча буюк аждодларимиз қони тўкилган, гуллаб-яшнаши учун қанча заҳматлар чекилган. Мустақиллик эса азалий орзуларимизнинг ижобати бўлди. Халқимизнинг шунча заҳматларига жавобан келажаги буюк давлат барпо этишга эришилди. Бунинг барчасига сабабчи эса қалби оппоқ, қўли қадоқ, меҳри қайноқ мана шу ўзбек халқидир.

*Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,  
Сабабин айт десалар менга.  
Шоирона сўзлардан олдин,  
Мен таъзим қиламан она халқимга...*

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳеч бир мамлакатда ёшларга берилаётган имкониятлар давлат сиёсати даражасига кўтарилмаган. Ўзбек ёшлари эса бунга жавобан жаҳон минбарида ўз сўзини айтмоқда.

Биз ёш авлод мустақилликнинг фараҳбахш шамоллари эсиб туриб турган бир пайтда дунёга келдик ва улғаймоқдамиз. Бизларга яратилаётган шароитларга

меҳр ва ғамхўрликларга ҳозирда дунё ёшлари ҳавас қилишмоқда. Истеъдодли йигит-қизлар томонидан яратилаётган инновацион лойиҳалар, илмий ва техникавий кашфиётлар, рацинозаторлик таклифларини ҳаётга татбиқ этишда ёрдам бериш учун турли чоратадбирлар ишлаб чиқарилмоқда. Яна шуни таъкидлаш лозимки, республикамизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган спорт иншоотлари, ёшлар марказлари ҳар томонлама етук, баркамол ёш авлодни тарбиялашга ҳизмат қилмоқда. Бунга жавобан эса ўзбек ёшларини дунё танимоқда, тан олмақда.

Мен ҳам ўз олдимга катта мақсад қўйганман. Менинг бу мақсадим, аввало, юртимнинг юксалиши учун хизмат қилади, деб ўйлайман. Зеро, мен ўз тақдиримни Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳис қиламан. Шундай экан, Ватанимиз бино бўлса, унга бир ғишт қўйиш, равнақиға ўз ҳиссамизни қўшиш ҳаммага насиб этсин. Бугун ҳар бир ўзбек фарзанди “Ватан менга нима берди, деб эмас, мен Ватанга нима бердим,” деб яшаши лозим. Зеро, шунда Ватанимиз келажаги бунданда ёруғ бўлади.

Юртнинг келажаги ёшлар қўлида экан, бунинг масъулиятини ҳис қилган ҳолда биз, ёш авлод қадам ташлашимиз талаб этилади. Мусобақаларда ғолиб бўлган юртимиз фарзандлари шарафига жаҳон бўйлаб мадҳиямиз янграши тенгдошларни ҳам ана шундай ғолибликка, ютуқларга чорлайди.

Бунга жавобан ҳар бир ўзбек фарзанди қуйидаги мисраларга жавоб топмоғи лозим деб ўйлайман:

*Шу сойларда сувлар сепгин юзингга сен,  
Назар ташла бир бор босган изингга сен.  
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,  
Айтгил, дўстим, нима қилдик, Ватан учун!*



## **АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛАЙЛИК**

Дунёда энг севимли ва инсон учун муқаддас гўша – бу Ватан! Унинг иссиқ бағри онанинг тафтидан, меҳри отанинг садоқатидан андоза олган. Шу сабабданми, бу тушунчани энг яқин инсонларимиз сиймосида кўрамиз. Шоир Муҳаммад Юсуфнинг сингил деса синглиси, она деса онаси бўлган юрт бу. Бу юртда деразасининг олдида ҳар баҳор ўрик гуллаган Ҳамид Олимжонлар, дунёни лол айлаган Шароф боболар ўсган.

Балки серқуёш ҳавоси, балки оппоқ пахталари билан дунёни лол айлаганлиги учун ҳам буюклар юртимикан бу диёр? Унинг тўрт фасли инсонлари каби меҳрибон, гўзал, мафтункор. Бунга бир исбот: сиз қаҳратон деб эътироф этадиганимиз қишда қуёшни кўрмаганмисиз? Ёки келинчак баҳорнинг қорли инжиқликларига кўзингиз тушмаганми? Юртим фасларининг ўзига хошлиги ва нафосати аслида шу эмасми?

Баланд-баланд бинолар, муқаддас қадамжолар бугун қайси сайёҳни лол айламайди дейсиз? Бу эса шу юрт ишқи билан ёнган ҳар бир фарзанднинг қаддини осмон қилади. Ҳар гал шаҳримиз кўчаларида ёзиб қўйилган “Байрамингиз муборак бўлсин!” деган ёзувга кўзим тушади. Ҳа, демак, юртимизда ҳар куни тўй, ҳар кун тана-тана. Бу, албатта, мустақиллик берган бахт эмасми?

Яқинда шаҳримизнинг бир гуруҳ ёшлари билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, уруш ва меҳнат фажрийси, “Шуҳрат” медали соҳиби 95 ёшли Юсуф бобо Турсунов хонадонида бўлдик. Уруш йиллари ҳақида сўраганимизда, Юсуф бобо кўзларида ёш билан бир дам

сукут сақлади. “У кунларнинг азоб-укубатини фақат афсус-надомат билан эшлаш мумкин. У йилларни қачон эсламай, кўзимда ёш қалқийди. Очлик, юртдан олислик, меҳр-муҳаббатга зорлик ва афсуски, унинг якунида ўз юртингга қайтиб, ёр-у дўстдан айрилишинг, “чин етимлик мукофоти” билан тақдирланишинг... Урушни бир сўз билан шундай аташ мумкин. Бироқ, ҳеч қачон урушда иштирок этганимдан афсусланмайман. Юрт тинчлиги, осудалиги учун курашаман. Тўғри, урушдек бало навқирон йигитларни кексайтирди, бироқ унинг ортидан келган эрк, осудалик, кексаларни-да навқирон қилгани айни ҳақиқат”, – деб энтикиб сўзлади отахон.

Бобонинг сўзларидан сўнг уруш биз англаганларимиздан минг бора дахшатлироқ эканлигини ҳис қилдим.

Мустақиллик деган энг улуғ неъмат сабаб бугун хонадонларимизда тўкинлик, фаровонлик ва энг муҳими, тинчлик барҳаёт. Ҳар саҳар қушлар чуғури билан уйғониб, яқинларимиз билан бирга нонушта қиламиз. Ишимиз бор, яшаш учун бошпанамиз бор. Бизга яна нима керак?! Мунис онажонлар, нуроний бобожонлар дуосида ҳам шукроналик, эртанги кунга умид. Қачонлардир очлик, юпунлик сабаб фарзанд дунёга келса, севинишни ҳам, қайғуришни ҳам билишмаган. Бугун эса янги чақалоқ туғилган хонадондан байрамлар-у тўйлар аримайди. Дунёни лол айлаган заминнинг мустақиллиги бизга мана шундай бахтни тақдим этди. Тонгларидан мушки анбар ифори келган, қишларида баҳор шивирлаган она Ўзбекистон, биз сени ҳеч кимга бермаймиз!

Боболаримиз Амир Темур, Жалолоддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби яна жуда кўплаб тарихий саркардаларимиз, олиму фузалоларимиз барчаси мана шу биз ҳозир устида тинч юрган она тупроқ учун ўз жонларидан кечиб, халқни эса эзгуликка, бирдамликка чорловчи фикрлар билан бойитишган. Улар-

нинг бундай жасоратлари ҳеч қачон унутилмайди. Юртбошимиз эса уларнинг ҳайкаллари юртимизнинг барча вилоятларига қуриб, кўчаларга, боғларга улуғ номларни берганлар.

Бизнинг мустақиллигимиз, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги туфайли истиқлол йилларида жуда кўп қийинчиликларни енгиб ўтдик. Давлатимиз раҳбарининг оқил ва донолиги сабабли мана шу қийинчиликлардан эсон-омон ўтиб, эркин ва мустақил давлатга айландик. Тўғри, биз бундай кунларнинг қандай машаққатли бўлганлигини ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғдира олмаймиз, лекин шуни биламизки, қанча мардларнинг жасоратлари эвазига мана шундай ёруғ кунларда яшаяпмиз. Биз ёшларга берилаётган бундай кенг имкониятлар эса ҳеч қайси давлатда йўқ. Бизнинг давлатимиз ҳар биримизга ўз истеъдод ва қобилиятимизга қараб уни ривожлантиришимиз учун имкониятлар эшигини очиб берди. Бизнинг вази-фамиз эса мана шу имкониятлар эшигидан ичкарига кириб фойдаланишдир. Буларнинг барчаси шу Ватанда яшаётган инсонларга эътибор қилаётганлиги эмасми?

Ахир ўтмишда боболаримиз ўқишни жон дилидан орзу қилганлар, момоларимиз хира чироқ ёруғида китоблар ўқишга ҳаракат қилганлар-ку. Нега энди бизнинг шунча имкониятимиз, шарт-шароитимиз бўла туриб ҳаракат қилмаслигимиз керак?

Биз – буюклар авлодиданмиз. Аждодларимиз бутун ер юзини кучи, билими билан забт этишган. Бизнинг ҳам томирларимизда ўша зотларнинг қонлари оқмоқда. Биз ҳам ҳали улкан марраларни забт этиб, буни яна бир бор исботлаймиз!

*Зарнигор СОТИМОВА,  
Наманган давлат университети талабаси.*

## **БИР ЎЛКАКИ...**

**Ватан остонадан бошланади. Остонадан ҳатлаб ўтар эканмиз, беихтиёр Ватан исини ҳис қиламиз. Энди ниш уриб кўкариб чиққан кўкат ҳам, асрлар оша ўз тафтида қиздирган қуёш ҳам, бир парча тупроқ ҳам бу – Ватан, бу – киндик қонимиз тўкилган замин. У ҳар бир инсон учун муқаддасдир.**

**Ватан! Бу сўзни севмайдиган, меҳр билан тилга олмайдиган ҳеч бир инсон топилмаса керак! Ватан – ҳар бир инсон туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган табаррук гўша! Она замин – кўзларида ҳайрат акс этган болақайнинг илк муаллими. Ватан – келинчакнинг орзулари қанотида парвоз этиб кирган эшиги.**

**Она замин! Бу сўз қон-қонимизга, вужудимизга сингиб кетган, бир умрга юрагимизда муҳрланиб қолган, энг муқаддас, энг унутилмас каломдир! Ватан севгисидан юрак ёруғ, имон ва эътиқод уйғоқ бўлади. Бунини шоир Муҳаммад Юсуф шундай тасвирлайди:**

*Бу тупроқнинг фарзандлари бек бўлади,  
Топган-тутган давлатлари эрк бўлади.  
Илдизлари Ҳазрати ўзбек бўлади,  
Бешигида авлиёлар ўсган элим.*

**Бугунги ўз-ўзини англаб, мустақиллигимиз кун сайин мустақамланиб бораётган шароитда она юртининг ҳар бир фарзанди учун Ватан тарихини севиш, ўрганиш, дилига жо этишдан ҳам муқаддасроқ бурч бўлмаса керак. Ватан остонадан бошланади деб бежиз айтилмайди. Остонада бизни ҳамиша Она кутиб олади. Шунинг учун ҳам уни ардоқлаб она Ватан деб**

атаймиз. Ватан ҳақидаги теран фикрлар туркий тасаввуф шеърятининг атоқли вакили Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида “Бошим тупроқ, ўзим тупроқ, жисмим тупроқ”, дея талқин этилади.

Бинобарин, тупроқ – инсон туғилиб ўсган ўлка, макон, тупроқ – Ватан. Тупроқ – неча юз йиллардан буён не-не улуғ фарзандларини ардоқлаб келаётган Замин. Шунинг учун биз уни эъзозлаб яна она тупроқ деймиз. Демак, барча ишлар ўз она тупроғини, ўз она ўлкасини қадрлашдан бошланади. Она тупроғини, она ўлкасини севган кишини эл қадрлайди, дунё танийди. Ўз тарихини она юртдан – она тупроқдан қидирган инсонгина ҳақиқий инсон бўла олади. Тарихга назар ташласак, ўз ўлкасини севмаган ва унинг тупроғини ардоқламаган биронта ҳам улуғ зотни учрата олмаймиз. Шунинг учун ҳам Ватанни севмоқ иймондандир, деймиз. Зотан, она юрт фарзандлари учун Ватанни севиш, унинг тарихини ўрганиш, дилга жо этиш муқаддас бурчдир.

Кўҳна Туронда азалдан битта ғоя, битта тушунча ҳамма нарсадан муқаддас саналиб келинган. Бу ғоя Ватан, она юртга муҳаббат, мангу эҳтиром туйғусидир. Ўзбекистонни ўзбек халқи ўз меҳнати, ақл-заковати билан яратган! Ўзбекистонни мўъжизалар диёри, жаннатдек мамлакат десак арзийди. Бу гўзал маскан осонликча бунёд этилмади. У тинимсиз ҳаракат ва фидокорона меҳнат ила, халқ даҳоси ила бунёд этилган. Ватанпарварлик фидокор халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган хислатлардан бири саналади.

Дарҳақиқат, ўзбек халқидай фидокор халқ дунёда топилмаса керак. Эртадан кечгача ерга меҳрини бериб, ҳориб-чарчаган бободехқоннинг пешонасидан чиққан терда ҳам ўзбекнинг фидокорлиги акс этади:

*Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди.*

*Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор...*

Мана шундай юртда яшашнинг ўзи олий бахт-саодат ҳисобланади. Аммо бугунги тинч ва осойишта кунга осонликча эришмадик. Бу йўлда қанча йўқотишлар бўлди. Шунда ҳам ўзбек халқининг қадди букилмади. Тарих синовларидан дадил ўтиб, ўзининг ёруғ келажагига бўлган умиди сўнишига йўл қўймади. Ниҳоят, узоқ кутилган кун етиб келди. Ўзбекистон деб аталган мустақил давлат дунё харитасидан муносиб ўрин эгаллади. Аллоҳ назари тушган жаннатмонанд она заминимиз довуғи мустақиллик шарофати ила бутун дунёга таралмоқда. Мустақил диёримиз ёшлари – Ватаннинг бутуни ва эртаси. Ўзбекистоннинг келажаги ёруғ, эртаси порлоқ. Унинг олтин калити ёшлар қўлида. Улар ана шу калит ёрдамида йўлларидаги муаммоларни ечиб борадилар. Бугун ёшлар изланувчан, улар ҳам илм сирларини чуқур ўрганишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ана шу мақсадда дунёнинг энг тарққий этган гўшаларида таълим олиб келмоқдалар. Фан-техника, илм сирларини ўрганиб, юртимизни обод қилиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бугун ақл-заковатимизни, салоҳиятимизни юртимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровон ҳаёти, халқаро майдондаги обрў-эътиборининг янада ошиши учун сафарбар эта олишимизга шубҳа йўқ. Бугун ҳар бир ватандошимизнинг Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим ҳам халқим, жонажон Ватаним учун, унинг келажаги, бахт-иқболи учун нима қилмоқдаман, мустақиллик ишига қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган туйғу билан яшашига эришсак ҳеч биримизнинг, ҳеч қандай армонимиз қолмас эди. Мамалакатимиздаги тинчлик, барқарорлик бугунги кундаги ютуқларимизнинг асоси бўлмоқда. Демакки, озодлигимиз, ҳурлигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

*Мадина РАХИМОВА,  
Поп тиббиёт коллежи ўқувчиси*

## МУҚАДДАС ҒЎША

Ватан! Она алласи таралган, бешигинг излари чизилган замин. Аждодларинг кўмилган қабристон. Ота-онанг излари қолган кўчалар, сенинг лаҳжангда сўзлашадиган, қош-кўзлари худди сенинг кабилар яшайдиган қадрдон маскан. Биринчи бор баҳорни танитган, илк бор варрак учирган, биринчи марта ҳайитлик олган жойинг, биринчи ўқитувчинг, биринчи муҳаббатингни танитган макон – Ватандир!

Ўз жонидан яратгани учун ҳам она яхши-ю ёмон фарзандини тишида тишлаб ўтади. Ватан ҳам ўшандай бағрикенг, қадамларингни кўксига қўйиб, суқоб яшайди сени.

Осмони кўрпанг, майсаси димоғингни босиб ётадиган муаттар болишингдир. Ватан мунғайган тандирли, пастаккина томли кулбангдан бошланади. Унга бўлган муҳаббатинг ҳам шу остонада туғилади.

Ота-боболаримиз: “Ватан остонадан бошланади”, дейишади. Тўғри, Ватан остонадан, киндик қонинг тўкилган уй ва маҳалла-кўйдан бошланади. Мурғак гўдак бокира кўзчалари билан бу дунё сеҳрига ҳайрон боқар экан, она ўз алласи орқали “ҳаёт” деб аталмиш бебаҳо неъмат сирларини унинг гўдак қалбига сингдира бошлайди. Бу муқаддас қўшиқда, аввало, инсоний меҳр, Ватанга бўлган чексиз муҳаббат мужассам бўлади.

Ота-боболаримиз, мунис момоларимизнинг Ватан тупроғини кўзларига суртиб, омонлиқ-сомонлиқ қилишлари ҳам балки шундандир. Уни севиш, ардоқлаш, ёвлардан асраш эса биз, ёш авлоднинг муқаддас вазифамиздир.

Ватан нима? Дарёларда қаёққадир шошиб, кўпириб оқаётган сувми? Ёки эндигина дунё юзини кўрган куртакми? Балки не-не инсонларни кўриб, не-не воқеалар гувоҳи бўлган бир ҳовуч тупроқдир.

**Менимча, Ватан** бешикдалик чоғимдаёқ онажонимнинг менга айтган ёқимли аллалари-ю, кунда очилиб-ёпиладиган эшикнинг ғичир-ғичири, ҳар кун онам ёпадиган ноннинг муаттар ислари, ҳовлимиздаги ҳар бир кўчат, ҳар бир гиёҳ менинг Ватанимдир. Зеро, ҳар бир кишининг туғилиб ўсган ери шул кишининг Ватани дейилур. Инсон қалбидаги илк қайноқ ҳиссиётлар ҳам ўз Ватанида куртак очади. “Ватан” деб аталмиш бу муқаддас тупроқ бизнинг кўз очиб кўрган гўшамиз.

Айтишларига қараганда, сайроқи булбулни олтин қафасда сақласанг ҳам у ўзининг қадрдон чакалакзорини қумсар экан. Минг қилса ҳам чакалакзор унинг туғилиб ўсган Ватани. Шундай экан, ўз уйини соғинмасдан бўладими? Чунки чакалакзор унинг кўз очиб кўрган жойи, биринчи бор қанот ёзган масканидир.

Ватан деб аталмиш муқаддас туйғу ҳақида гапирар эканман, энг аввало, кўз ўнгимда улуғ ва гўзал, жаннатмакон юртимиз – она Ўзбекистонимиз гавдаланади. Қадим Туркистоннинг марказида, икки азим дарё – Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган ушбу Ватанимиз шаънига қанча яхши сўзлар айтсак, оз. Ватанимиз дунёга ўзининг пурвиқор тоғлари билан, серсув дарёлари билан, камёб ҳайвонлари билан, битмас-туганмас ер ости бойликлари билан, чўп қадаса, дарахт қилиб ўстирган унумдор тупроқлари ва энг муҳими, меҳнатсевар, соҳиби мард ва танти, дунёга “ўзбек” деб таралган халқи билан машҳурдир.

Бирор шоир ёки ёзувчи йўқки, Ватанни мадҳ этмаган, у ҳақида шеър битмаган бўлса. Ўзини “Ўзбекман”, “Ўзбек халқининг боласиман” деган ҳар қандай шоир ижодини, аввало, Ватанни мадҳ этишдан бошлайди. Мана шундай шоирларимиздан бири Муҳаммад Юсуф



“Ватаним” шеърида Ватанни энг улугъ неъмат сифатида таърифлайди. У бир она бўлиб, бир сингил бўлиб унга гамхўрлик қилгиси, уни кучгиси келади. Агар юрти уни ўғлим деса, ғирот бўлиб учиши, ҳатто, падаркушлардан келгуси Улуғбекларни пана қилишга тайёр эканлигини ёзади.

*Ўғлим, десанг осмонларга  
Ғирот бўлиб учгайман.  
Чамбил юртда Алпомишга  
Навкар бўлиб тушгайман  
Падаркушдан пана қилиб,  
Улуғбеинг кучгайман  
Ғичир-ғичир тишимдаги  
Сўлиғимсан, Ватаним.*

Биз шу замин, шу юрт фарзандимиз. Аждодларимиздек Ватанга фидойи, садоқатли инсон бўлиб етишмоқ биз ёшлар учун шарафли вазифадир. Ватанимиз мустақил бўлди. Унинг эртаси ҳам, унинг ютуғи ҳам, халқаро обрўси ҳам биз ёшларники. Айниқса, биз ёш авлод бу вазифани, Ватан туйғусини чин юракдан ҳис этмоғимиз, зарур бўлган тақдирда Ватан учун жонимизни фидо қилишга тайёр бўлишимиз керак.

Биз ўғил-қизлар Ватанга фидойи, содиқ, садоқатли бўлишни бурч, деб билмоғимиз даркор. Демак, халқимиз, айниқса, биз ёшлар шу кўркем давлатимиз, Ватанимиз шаънига доғ туширмаслигимиз лозим. Ватан хизматига бел боғлаган мард, жасур ўғил-қизлар бўлиб туришимиз керак. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, “Ватанни севмоқ иймондандир” деб бежиз айтмаганлар.

Ҳа, Ватанимиз ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан юксалиб бормоқда. Бугун Ўзбекистонни бутун жаҳон танийди ва унга ҳамма ҳавас қилади. Чунки Ўзбекистонимизнинг келажаги порлоқдир. Мен мустақил Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан фахрланаман.

**Юлдуз КАМОЛОВА,**  
*Қўқимбой қишлоқ хўжалик коллежи ўқувчиси*

## **НИМА ҚИЛДИК, ВАТАН УЧУН?**

Ватан! Бу сўзни эшитганимда бутун вужудимни алланечук ҳислар қамраб олади. У ҳақда ўйлай бошлаганимда, бўғзимга нимадир тиқилади. Негадир, йиғлагим келади. Она алласини эшитганимда ҳам шундай бўлган эди. Ватан туйғуси шунчалар мўъжизакорми? Дилларни тўлқинлантирадиган қудратли кучми? Мендан: “Ватан нима?”, деб сўраганларида, ҳеч иккиланмай, “Бувимнинг уйлари”, деб жавоб берган бўлар эдим. Бувимнинг уйига кўп борганман. Бувим қизи – онамни турмушга бергандан сўнг ёлғиз қолган эдилар. Биз билан яшашга кўнмас, назаримда, ота-оналари яшаган уйдан кеча олмасди. Мен кўпинча бувим билан қолардим. Бу уй менга ҳам кадрдон бўлиб қолган эди. Ҳар куни па-стаккина уй ёнидаги букри ўрик дарахтига чиқиб ғура териб тушардим. Ҳозир уйимизда ўриклар жуда кўп. Лекин ўша дарахт, девор ёнида ўсиб ётадиган гулхайрилар, ҳовли четидаги супада белбоғ тикиб ўтирадиган бувим олис хотиралар соғинчи бўлиб қолаверди.

Йиллар ўтиб бир нарсани ҳис қилдим. Ватан тушунчаси улғайганинг сари кенгайиб бораверар экан.

*Ватан, олтин остонамда зарли тупроғим,  
Ватан, отам тилидаги панду, дуосан.  
Ватан, бола юзидаги ширин табассум,  
Ватан, онам кўзидаги меҳр, зиёсан.*

Ўдакнинг тили бўлганида, ўзи ётган бешигини: “Ватаним”, деб атаган бўлармиди? Балки Ватанга муҳаббат тушунчаси бешиқдан бошланар? Нима бўлганда ҳам инсон ўз туғилган уйига, райҳон ифори таралиб

турган ҳовлисига, илиқлик балқиб турган маҳалласига, жаннат билан ҳусн талашган боғларига, ёш боладек, чопқиллаб югуришга чорлайдиган бепоён кенгликларига кўнгил беради. Ватанда яшамоқ бахтидан лаззатланади.

Ер юзида шундай юртлар борки, йил – ўн икки ой ёз бўлмайди. Шундай ўлкалар борки, гиёҳ унмас чўллардан иборат. Бундай юртларда яшовчилар ҳам ўз Ватанини бошқа юртга алишмайдилар. Имкониятлари бўлса ҳам, ўз юртларини ташлаб, гуллаган водийга кўчиб келмайдилар. Чунки ҳар кимнинг киндик қони тўкилган жой муқаддасдир. Бизга дунёлар ичра бир дунё, ўхшаши йўқ чаманзор, тонгларида булбул хониш қилиб чарчамайдиган жаннатмисол ўлкада яшаш на-сиб этди. Бунинг учун беҳад шукроналар айтамыз.

Қишлоғимизга Арабистондан опасини кўргани бир меҳмон келди. Ариқ тўла сувларни, шохлари мевасини кўтаролмай, эгилиб ётган дарахтларни кўриб: “Бу жойлар менинг тасаввуримдаги жаннатнинг ўзгинаси экан”, дея қувончини яширолмаганлигининг гувоҳи бўлдим. Бу – ҳақиқат. Буни уйғоқ қалб билан ҳис этиш мумкин.

*Менга берган ризқинг, зарра меҳринг-чун,  
Сўнги нафасда ҳам мен сени дегум.  
Казбам ўзингдурсан, жаннатим ўзинг,  
Пойингга бош эгиб саждалар қилгум.*

Истиқлол туфайли юртимиз шарафларга бурканди. Халқимиз ўзлигини таниди. Мустақиллик туфайли, муҳтарам Юртбошимизнинг жасорати, шарафли меҳнатлари натижасида миллий кадриятлар, эътиқодимиз тикланди. Дилларда Ватан туйғуси жўш урди. Афсуски, орамизда Ватан қадрини билмайдиганлар ҳам учрайди. Шу Ватанда туғилиб, камол топган айрим кимсалар Ватанни шарафлаш, улуғлаш ўрнига унга қарши тиф кўтарсалар кишининг ғазаб-нафрати кўзғалади.

Бизнинг юртимиз буюк аждодлар юрти. Алпомишлар ўсган диёр. Аждодлар руҳи доим бизга мададкор бўлади. Отам билан Самарқанд саёҳатига борганимда, кўҳна биноларни, буюк аждодларимиз қадамжоларини зиёрат қилдим. Салобатли биноларда боболар руҳи кезиб юргандай туюлди, гўё. Мени қандайдир сир босди. Буюк аждодларимиз қудратини ҳис қилдим. Олис тарихдан келаётган садоларни вужудим, борлигим билан ҳис қилдим. Темур бобомнинг: “Бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз бино қилган иморатларга боқинг”, деган сўзлари қулоғим ортида жаранглагандек бўлди. Ўзимни бахтиёр ва мағрур ҳис этдим.

*Сенда туғилганим бахтим, шуурим,  
Ҳар бир қадамимда нурсан, тиргаксан.  
Сен-ла бошим баланд, юксак ғурурим,  
Камолимга кўз тутган гўё отамсан.*

Бахтимга, аждодларимиз бизга Ватанни мерос қилибгина қолдирмасдан, балки уни чин юракдан севишни, унга фидокорлик билан хизмат қилишни, унинг ҳуснига ҳусн, бойлигига бойлик қўшишни ҳам мерос қилиб қолдирган. “Ватанни севмоқ иймондандир”, деб таълим беришган улар...

Биз ана шундай мард ва танги, ақлли ва донишманд, қаҳрамон ва фидойи аждодларимиз билан беҳад фахрланамиз. Инсон учун онаси берган оқ сутни оқлаш қанчалик фахр бўлса, ўз халқи, юрти олдидаги қарзини узиш, унга хизмат қилиш, керак бўлганда, унинг шоншарафи, ор-номуси учун жонини фидо қилиш ҳам шунчалик фахрлидир. Менинг кўнглимда ҳам мусаффо орзу-ниятлар кўп. Фарзанд бўлиб юрт корига ярагум бор, қалқон бўлиб ҳимояда тургим бор. Гиёҳини гулдай ўпиб асрагим бор, чорласа, кўргон бўлиб суягим бор. Юртим байроғини юракларга қадагум бор, кучоғида гўдак каби эркаланяпман, меҳрим тафти билан тупроғини илитгум бор. Юртимнинг мен каби ка-

молликка интилган фарзандлари кўп. Албатта, Президентимиз айтганларидек: “Фарзандлари баркамол юрт – қудратли бўлур”.

Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамини кенг нишонлаш арафасида турибмиз. Биз ёшларга яратилган чексиз имкониятларга жавобан мен тенгдошларимга қарата айтгим келади: “Айтгил, дўстим, нима қилдик, Ватан учун?” Бу саволга юзлаб жавоблар билан тайёр турган дўстларимни кўриб ифтихор туйғуси борлигимни чулгайди.

*Темур, Улуғбегин сарбаланд тутган,  
Қодирий, Чўлпонлар шаънин поклаган,  
Забардаст сарбонин дунё тан олган,  
Катта йўлга чиққан улкан карвонсан.*

Спорт, санъат... турли соҳалардаги тенгдошларим ютуқларини дунё тан олмоқда. Жумладан, мен ҳам шундай имкониятларни қўлдан бой бермадим. Фан олимпиадасида она тили ва адабиёт фанидан туман босқичи ғолиби бўлдим ва вилоятда қатнашиш имконини қўлга киритдим. Спортнинг кураш ва қўл теннисига қатнашаман. Келажақда катта-катта марраларни забт этиш ниятим бор. Энг муҳими, митти юрагимда Ватанимга улкан меҳрим бор. Эй, ҳикмат диёри, кўксиди Тўмарис изи қолган кўҳна тупроғим, юрагимнинг тўрида сўнмас гулим, тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган жаннат маконим, асрлар оша яшнайвер, азиз Ўзбекистоним! Бу баладпарвоз сўзлар эмас, балки қалбим нидосидир. Қалбимга “Ўзбекистон”, деган муқаддас сўзни зарҳал ҳарфлар билан нақшлаб қўйдим.

**Зухра ЁҚУБЖАНОВА,**  
*Наманган тумани Тошбулоқ саноат ва хизмат  
кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси*

## АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

Авалло, бундай гўзал, чиройли, таърифи тилларда дoston, ҳар ким ҳавас қилса арзийдиган юртда туғилишнинг ўзи бир бахт. Юртимизни қай тарафига қараманг, кўзингиз қамашади. Бундай гўзалликлар рассом ва шоирларга илҳом бағишлайди. Нафақат шоир, рассомларга, балки бу юртдаги ҳар бир ёш ўғил-қизга. Бундай имкониятлардан тўғри фойдаланаётган ёшлар жуда кўп. Қай соҳага қараманг, ёшларни кўрасиз.

Мана, масалан, спорт, санъат, фан, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўзларининг иқтидорларини кўрсатиб, ҳар қайси давлатдаги тенгдошлари билан рақобатлашиб келмоқдалар.

*Чинорларки, бешиклар бўлган,  
Келажакка эшиклар бўлган.  
Сен онасан, муқаддас Ватан!  
Ягонасан, муқаддас Ватан!*

Энг ривожланган давлатлар юксалиш арафасида тарбия масаласини биринчи ўринга қўйишган. Улар ўз ёшларини эртанги куннинг юксак талабларига пухта тайёрлаб кириб боришган. Чунки бу рақобатли дунёда эртанинг талаблари янгича, мураккаб ва қийинроқ бўлади. Ҳозирги кунда бизнинг давлат ёшлари ҳам огоҳ, ҳушёр ва сезгир. Чунки, буюк бобокалонларимиз меросидан баҳраманд. Аждодларнинг ўғитлари улар учун дастуриламал. Улар ҳозирни эмас, эртани, истиқболни ўйлаб, мустақил режалар тузиб, ўқиб-

Ўрганиб, интилишмоқда. Ўзи ёшу давлат мукофотлари совриндорлари бўлишмоқда. Бу донолик эмасми?!

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ёшлари ҳам ҳеч бир ривожланган давлат ёшларидан кам эмас. Агар мендан энг бахтли ёшлар ким деб сўрашса, ҳеч иккиланмай бу Ўзбекистон ёшлари деб жавоб берган бўлардим. Зеро, Ўзбекистон ёшларини менинг фарзандим деб бағрига босган, уларнинг кўзларига шуъла ёққан Юртбошимиз сўзларига амал қилиб, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз! Бизга яратиб берилаётган имкониятлардан кенг фойдаланиб, ишончни оқлашимиз зарур. Ўқиш ва изланишдан ҳеч қачон чарчамай-тўхтамай ҳаракат қилишимиз, янгиликлар яратишимиз, Ўзбекистон байроғини янада юксакларга кўтариб, мадҳиямиз жарангини жаҳон ареналарида таратиш бу она Ватанимиз олдидаги бурчимиз ҳисобланади. Бизнинг аجدодларимиз қандай буюк зотлар бўлган, биз ҳам аجدодларга муносиб авлод бўлиш йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Ўзбекистон келажаги буюк давлат, бу эса биз, ёшларнинг қўлимизда.

*Манзура АСҚАРОВА,  
Наманган давлат университети талабаси.*

## **ВАСФИНГ ВИЖДОНИМДАДИР ВАТАН!**

*Ернинг ҳар бурчида одамлар гоҳо,  
Менга ўз тилимда сўйлар, гумон йўқ.  
Ўзбек кўп бутун Ер юзида, аммо  
Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ!*

*Мирзо Кенжабек*

Айтишларича, дунё ибтидосида барча халқлар ўзларига макон танлабдилар. Ер юзининг жамийки гўзал ҳудудлари эгалланиб, туркий халқлар эса бундан мосуво бўлиб қолибди. Шунда оламнинг яратувчиси туркий халқларга жаннатнинг бир бўлагини ато қилибди.

Ҳа, чиндан ҳам шоирлар ашъори билан айтганда:

*Агар жаннат ерда бўлса, устидадир – Ўзбекистон,  
Агар жаннат кўкда бўлса, остидадир – Ўзбекистон.*

Бу заминда унмайдиган, бу заминда ўсмайдиган довдарахт, нав-ниҳол йўқ. Ҳар бир инсон икки муқаддас илоҳий инъом билан дунёга келади. Булардан биринчиси Ватан бўлса, кейингиси ота-онадир. Дарҳақиқат, Ватан киндик қонимиз тўкилган тупроқ, илк кулгумиз жаранглаган, нонни “нанна” деб чиққан илк тилимиз, тетапоя қилиб юрганимиз, илк бор варракни учирган, илк устозимизни танитган, илк дўстимиз билан учраштирган, биринчи муҳаббатимизни юрагимизга ганжлаган, ёмон кўзлардан асрасин дея кўзмунчоқ таққан ота макон, она тупроқдир. Бу ёруғ оламда ҳар кимнинг ўз диёри, қалби талпинадиган даргоҳи, доимо чорлаб турадиган Ватани бўлади. Ватан юксак юлдуз-



лардами, олис музликлардами, қаерда бўлса ҳам, ернинг энг қаърида жойлашадими, у инсон учун суюмли ва қадрли.

Болалик даври ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда умрнинг энг ёқимли, энг гўзал фаслидир. Беғубор болаликнинг бетакрор баҳори Ватанингдан бошланса, келажакнинг шода-шода калитлари қўлларингда жаранглайди. Донолар умрни боққа қиёслайди, ана шу боғнинг қийғос гуллагани – болалик. Болаликнинг бошланмаси “баҳор” билан белгиланади.

Шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик қутлуғ санасини кенг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрмоқда. Яқинлашиб келаётган улуғ байрам арафасида истиқлол халқимизга қандай имкониятлар яратди, деган ўринли савол туғилади. Бу саволга Президентимиз Ислоҳ Каримов сўзлари билан жавоб бериб, шундай дейиш мумкин: – “Биз учун мустақиллик – Яратганнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақл-у заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир”.

Истиқлол ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашимиз, тарихимизни холисона ёритиш, турли ресурслардан фойдаланиш, ёшларнинг барча соҳаларда интилишларига имкониятлар яратди. Истиқлол туфайли Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ўз истеъдодини намоён қилишига имкон туғилди. Бунда, айниқса, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришаётган ютуқларимизни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ёш авлоднинг ўз қобилиятини рўёбга чиқаришининг энг зарур шарты – бу хорижий тилларни чуқур ўрганиш, ахборот асрида яшаётганимизни ҳисобга олган ҳолда, компьютер ва ахборот технологиясидан яхши хабардор бўлишдан иборатдир. Замонавий

таълимда буларнинг барчаси эътиборга олиниб, бир неча қарор, фармон ва давлат дастурлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажagini мамлакатимиз келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқдалар. Бугунги ёшлар сиймосида муайян касб, баъзан бир нечта йўналиш бўйича диплом олган, бир нечта хорижий тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, кўзларидан ўт чакнаб турган навқирон йигит-қизларни кўриб, қалбимизда ғурур-ифтихор, эртанги кунга ишонч туйғулари жўш уради.

Ёшликнинг юксак юлдузлари ёруғлик ёгдусини йилтиратмоқда. Ял-ял яртираётган ёшликнинг янгроқ овози қулоғимиз остида яллалар янгратади. Юртимизда янграётган юрт яллалари йироқлардаги юлдузларга етади. Қалбларда қувонч қўшиқлари қайта-қайта куйланаверади. Самимий сатрларни сангтарошдек сайқаллаб, садафлардан садафларини санаб, сарагини саракка саралаб, сўз сеҳри-ла сўзламоққа шайланган эдик, мақсад-у муродимиз манзилига ета олдик деган умиддамиз.

*Лолахон САТИЛҒАНОВА,  
Богистон қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик  
коллежи ўқувчиси*

## ОНА ЮРТИМ, ОТА МАКОНИМ

Албатта, жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз якка-ю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган.

Эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларни тўла очиб бериш шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, беғуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш ҳам қарз, ҳам фарз. Бугун халқимиз қалбида юксак ва маънавий фазилатлар, демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда, энг муҳими, аҳолимизнинг амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларга дахлдорлик ҳисси, мамлакатимизнинг келажакига бўлган ишончи ортиб бормоқда.

Ватанпарварлик, аввало, макон туйғуси. Ҳар бир одам ўзи туғилган, ўсиб вояга етган маконни Ватан деб билади ва унга меҳр-муҳаббат, садоқат, соғинч, фидойилик каби туйғуларнинг барчасини бир оғиз сўз билан ватанпарварлик туйғуси деймиз. Туғилган, вояга етган маконни англаш, тушуниш жараёнида ватанпарварлик тушунчаси пайдо бўлади. Ана шу тушунча орқали биз ўз юртимизнинг қаерда, қайси минтақада жойлашгани, бетакрор табиати, дарё ва тоғлари, одамларини аниқ тасаввур қиламиз.

Ватанпарварлик – инсоннинг амалий фаолияти ҳамдир. Биз ўз Ватанимизни ўйлаб унинг бугунги

тараққиёти, ёруғ келажаги йўлида меҳнат қилсак, курашсак буларнинг барчаси ватанпарварлик ҳаракати бўлади. Бундай фаолият барча халқлар ҳаётида юксак инсоний фазилатлардан бири сифатида қадрланади. Ҳар бир юртнинг ватанпарвар ўғлонлари, қаҳрамон фарзандлари бўлади, шундай фидойи инсонлар туфайли Ватаннинг номи шаъни ва кадр-қиммати аجدодлардан авлодларга муқаддас ҳолда ўтиб боради.

Инсоннинг ватанпарварлик фазилатига асос бўладиган омиллар кўп. Булар қаторига оила, маҳалла муҳити, боғча ва мактаб тарбияси, одамнинг шахсий интилишлари, ўз юртини унинг одамларини қанчалик яхши билиши, ўқиган китоби, кўрган фильмдан ёки ҳаёт воқеаларидан таъсирланиши каби омиллар киради. Ватанпарварлик фазилатини шакллантиришда, айниқса, миллий ифтихор туйғусининг аҳамияти катта. Бу туйғу ҳар хил бўлади: ота-она билан фахрланиш, маҳалла ёки қишлоғи билан фахрланиш, ўқишда, санъат ва спортда эришган ютуқлари билан фахрланиш ва ҳоказо. “Мен шундай оилада вояга етганимдан фахрланаман”, “Мен шифокорнинг ўғли бўлганимдан фахрланаман”, “Мен чемпион бўлганимдан фахрланаман”, деган сўзларни кўп эшитгансиз. Буларнинг барчаси инсоннинг ўзига тегишли нарсаларни юксак қадрлаши ўз ҳаётини ўша қадриятларсиз тасаввур этолмаслигидан далолат беради.

Барчамизнинг мустақил Ўзбекистон фуқароси эканимиздан, бу диёрнинг бойликлари, табиати ва одамларидан қувониб, ғурурланиб яшашимиз миллий ифтихор инсоннинг қиёфасини, унинг қандай нарсалардан куч ва илҳом олиши, у мансуб бўлган халқ ёки давлатнинг қадриятлари, маънавий савиясини кўрсатиб туради.

Мустақиллик шарофати билан кўз олдимизда улкан ўзгаришлар содир бўлаётир. Масалан, ўзимизнинг вилоятимиз Наманган гуллар шаҳрига келган инсон

беихтиёр адашиб қолиши аниқ. Шаҳримиз ички ва ташқи қиёфаси бутунлай ўзгача кўриниш касб этган. Истиқлолга эришганимиздан кейинги қисқа даврда амалга оширилган соф миллий меъморчилик наъмуналари шаҳримизга алоҳида тароват бахш этмоқда. Бундай манзарани кўриб қалб қувнайди, ифтихорга тўлади, нигоҳларимиз эса шодумонлик туйғуларига тўлади.

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин халқимизнинг тарихи, маданияти урф-одатларини ўрганиш, қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга кенг йўл очилди. Қисқа муддат ичида бу борада талайгина хайрли ишлар амалга оширилди. Инсоннинг йиллар давомида гул ва унинг бетакрор нафосатидан баҳраманд бўлади. Қўли гул уста, қалби гул инсон, гулдай очилган қиз, кўнгли гулдай йигит, ҳаёти гулдай оила, бу истиқболлар бежиз эмас. Ота-онамиз, устозимиз, дўстимиз ва дугонамиз, севимли ёримизга азалдан гул совға қилганимиз. Шоирлар санъаткорлар ўз шеърлари-ю қўшиқларида гулни мудом куйлаб келишган. Дарҳақиқат, ҳамюртларимиз боғни чинакам истироҳатгоҳга, оромгоҳга, маданият ўчоғига айлантирдилар. Гулчиликни санъат даражасига кўтардилар.

Ватан бу – фахрланиш демакдир, яъни ҳар ким ўз Ватани билан фахрланади. Унинг тараққиёти равнақ топини кўриб кўзи қувнайди. Шунингдек, Ватан учун ёниб, куйиб меҳнат қилади. Шу Ватанга жонини фидо қилади. Бундай жонкуяр, саховатпеша инсонлар билан ҳар қанча фахрлансак, ҳар қанча ғурурланиб, мақтаниб гапирсак арзийди. Бизлар ҳам шундай чин ватанпарвар инсон бўлиб, ўз Ватанимизни жон-танзимиз билан асрайлик.

*Хайринсо АБДУЛЛАХУЖАЕВА,  
Богистон қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик  
коллежи ўқувчиси*

## **АЖДОДЛАРДАН МЕРОС ЮРТ МЕҲРИ**

Она юртни қадрлаш туйғуси қалбимизга болалик чоғларидан сингади. Бешиқда ётган гўдак учун Ватан унинг бешигидир, дейишади. Улғайганимиз сари оила, маҳалла, қишлоқ, тез орада бутун бир мамлакатга айланади бу қутлуғ тушунча. Онг-шууримиз, борлиғимиз ила Ватанни севамиз, унга бўлган болаликдаги муҳаббатимиз камол топган, биз бу муқаддас тушунчани тобора кенгроқ англаётган бўламиз. Ахир биз Ватаннинг қадр-қимматини англаб, уни асраб-авайлашни, юрт олдидаги бурчларимизни тушуниб етганимиз сари уни ҳимоялашга чоғланамиз. Онамизни асраганимиз каби уни ардоқлаймиз.

Ватан – бу қандай сўзки уни деб халқлар қўлига қурол олади. Унинг қандай жозибаси борки, эгалари бегоналарга бергилари келмайди? Унинг қанақа қуввати борки, ҳимоясига халқлар жонларини тикадилар, унинг озодлиги йўлида ҳаётларини қурбон қиладилар.

Аслида, Ватан – энг олий тушунча, халқларнинг таянчи, ўтмиши, бугуни ва эртасидир. Шуни алсо унутмаслик керакки, Ватанга бўлган муҳаббат самимий, дилдан бўлиши керак. Ўз Ватанини севмоқлик ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир, аммо ҳақиқий ватанпарвар уни севиш билан кифояланиб қолмайди, балки Ватан равнақи, ободлиги ва обрўйи учун тинмай курашади.

Бу ҳақида ҳадисларимизда ҳам: “Ватанни севмоқ – иймондандир” деб айтилган.

Одамзод шундай яратилганки, у бошқалардан ажралган ҳолда якка-ёлғиз сўппайиб яшайолмайди. Ота-

оналар, фарзандлар, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар, дўстлару дугоналар ҳар қандай инсон ҳаётига турфа хил маънода таъсир қилади. Ҳар биримиз уларни яхши кўришимиз, улар билан иноқ бўлишимиз керак, юз ўгириб, улардан кечиб кетиб бўлмайди. Қариндош-уруғ, дўсту биродарлар, маҳалла, жамоа, қолаверса, бутун жамият одамнинг ўсиб-улғайишида, унга таянч бўлади, унинг парвозига қанот бўлади. Шунинг учун ўлсам ҳам Ватанимдан айрилмасман, биламан, мен Ватанимга керакман. Айни чоғда, шуни ҳам биламанки, Ватаним менга кўпроқ керак. Мен Ватансиз яшай олмайман!

Тинч ва осойишта, гўзал Ватан эл қатори менга ҳам аталган буюк туҳфа. Шундай экан, мен ўз олдимга қўйган мақсадларим йўлида тинмай ҳаракат қиламан, шу азиз Ватанимизнинг муносиб фарзанд бўлишим керак.

Шундай бетакрор Ватан менга инъом этилган экан, бундай қиёси йўқ Ватанга муҳаббат ҳам ҳар биримизга берилган улугъ неъматдир. Чунки Ватанни севган одам, унинг бирор корига яраган одам ҳаётининг чуқур маъно касб этаётганини, умри зое ўтмаётганини ҳис қилади, унинг ғурурига ғурур қўшилади, деб ўйлайман. Ватанга муҳаббат ҳаммага кўз-кўз қилинмайди, у тўғрисида тантанавор эълонлар чоп этилмайди, ҳар жойда одам кўкрагига уриб Ватанга ошиқлигини писанда қилавермайди. Ватанга муҳаббатни шовқин-сурон кўтармай, айюҳаннос солмай, ҳеч бир тамагирликсиз, мақтанчоқликсиз амалга ошириш керак. Ватанга муҳаббат инсон қалбининг тўрида гард юқтирмай, покиза сақланадиган энг нафис энг инжа туйғудир.

Шу ўринда олис замонларда ўтган аждодимиз Широқнинг Ватан олдидаги буюк фидокорлиги ёдга тушади. Биз бу одамнинг оддий чўпон бўлганини биламиз. Унинг ўзи қанақа одам бўлган, ёшми-қарими, бола-чақалари бўлганми-йўқми беҳабармиз. Яна шуни биламизки, Ватанни севиш, унга жон фидо қилиш ке-

раклиги ҳақидаги баландпарвоз сўзларни эшитмаган. Лекин юртига бостириб келган ёвни саҳрога олиб бориб, адаштириб келишга қарор қилганида, саҳродан ўзини ҳам қайтиб келмаслигини яхши билган. Она Ватанини ёвдан сақлаб қолиш учун ўз жонини фидо қилган. Унинг бу мислсиз қаҳрамонлиги Ватанга содиқлигидандир. Ўша пайтларда у ҳеч қандай ўз манфаатини ўйлаган эмас. Ватанга муҳаббат ана шундай покиза, олижаноб, беминнат бўлмоғи керак.

Ватан мадҳини қаламга олмаган шоир бўлмаса керак, бу ўринда Ойбекнинг:

*Ватанни сев, тупроғини ўп,  
Ҳар қаричи муқаддас бизга.  
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп  
Жондан азиз юрагимизга,*

– деб бонг ургани Ватанимиз билан фахрланганидир. Усмон Носир “Юрак” шеърисида шундай ёзади:

*Итоат эт!  
Агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоққа айлан сен.  
Ёрил, майли тамом ўлсам.*

Ватанни рози қилишга интилиш бурчимиз. Ватан розилигини эса, аввало, унга муносиб фарзанд бўлиш орқали адо этилади. Ватанни мадҳ этувчи шеърларни ўқиган шеърхон халқимизнинг минг йиллик тарихини ўргангандек бўлади. Шеърларида она Ватаннинг қанчалик буюк ва суюклилигини, қадимий ва кўҳналигини, бебаҳо ва бекиёслигини шундай таърифлайдики, ўзбек бўлиб дунёга келганингдан фахрланиб кетасан.



## **ЮРТГА СОДИҚ ФАРЗАНД БЎЛАЙЛИК**

Ватан! Ушбу сўз жаранглаши билан кўпчилик бир ховуч тупроқни кўрсатадилар. Дарҳақиқат, тупроқдаги майда қум заррачалари мен учун онам каби азиз ва муқаддас. Бола ўз ота-онасини қандай суйса, ҳар бир инсон ўз Ватанини ҳам шундай суяди. Ахир, шу юрт уни ўстиради, улғайтиради, баркамол инсон бўлиб етишишига замин яратади. Шу туфайли Ватанни онага қиёслаб “Она Ватаним” дея атаймиз.

Эътибор қилганимизда ҳар сўзнинг бошланишида, бобо-бувиларимиз дуога қўл очишганда, янги ишлар бошлаганимизда энг аввало юрт тинчлигини, Ватан равнақини мустаҳкам қилишни Яратгандан сўрашади. Зеро, юрт тинч бўлса, бизнинг ишимиз унумли, халқимиз фаровон бўлади. Ҳар тонг уйқуга кетганимизда бизнинг юрагимизга хавотир тушунчаси умуман бегона бўлади. Уйқудан турганда эса хуш кайфият билан умримизнинг яна бир куни фаровонлик, яхши ният, ўй-режалар билан бошлаймиз. Ойнаи жаҳон орқали айрим чет мамлакатларда бўлаётган террористик, жаҳолатпараст инсонларнинг қилаётган ишларини кўрсам, том маънода жирканаман. Нега мен каби қора кўзлар бугун кенг синфхоналарда илм олиш, ўқиш ўрнига, кўз ёш тўкиб, бугун омон қолармиканман, деб ҳадиксираб туриши керак, нега? Уларнинг айби нима, бегуноҳ-ку. Баъзан уларнинг сўзларни эшиттиришадди, айтадиган гапларини эшитиб раҳмингиз келадди, сўзлари орқали дунёни сел қилиб юборишмоқда. Одамларнинг фарзандларини шу ёвузликларга дучор қилган кимсалар инсоний қиёфасини буткул йўқотгани

шубҳасиздир. Одамзотга шундай ёвузликлар қила туриб яна дину диёнатдан лоф урадилар, ўзларига ниқоб қилмоқчи бўладилар. Мен бундай жирканч кимсаларга шундай савол берган бўлар эдим: “Нега сизлар кинғир йўлни танладингиз? Бу ишларингиздан сизга нима наф? Бойлик учунми? Аллоҳ, Аллоҳ, дея жар солиб қилаётган ишларингиз сизни фирдавс боғларига етаклайди, деб ўйласангиз янглишасиз. Сабаби, Аллоҳ ҳеч қачон дунёни йўқ қил-да, жаннат сувларидан бахраманд бўл, демайди-ку, ахир.

Шукрлар бўлсинки, бизнинг юртимиз тинч ва осуда. Мен бундай юртда яшаётганлигимдан фахрланман. Тинчлигимизнинг асосий сабаби Юртбошимизнинг мамлакатни оқилона бошқараётганлигидир, дея ишонч билан баррала айта оламан. Бугунги кунда юртимизда ҳар бир соҳада ишлаётган инсонларга, ёшларга кўплаб шарт-шароитлар яратиб берилган. Фақат бундан унумли ва оқилона фойдалансагина юртимиз байроғининг янада баланд кўтарилишига, Ватан учун содиқ инсон бўлишга муносиб амал бўлади. Таниқли ўзбек адибининг бир гаплари бор: “Бир нарсани орзу қиламан: мен қилган яхшиликдан ақалли битта кўпроқ яхшилик қилсанг”. Мен эса бир нарсани орзу қиламан: Келажакда шифокор бўлиб юртимиз инсонларини соғлиғини мустаҳкамлашда ёрдам бериб, халқимизни эъзозлашга, Ватаним равнақиға ўз ҳиссамни қўшсам ва Ўзбекистон тиббиётини дунё халқлари орасида кўз-кўз қилсам, дейман.

Дарҳақиқат, айна кунларда юртимизни спорт, маданият йўналишлари орқали дунёга танитаётган ёшлар жуда ҳам кўп. Хуллас, ҳар бир ёш ўз ютуқлари орқали Ватанимиз ривожини учун бор билим ва маҳоратларини кўрсатиб, муваффақиятларни қўлга киритишмоқда, юртимиздаги ютуқлар сонини кўпайтирмоқда. Ўйлайманки, ҳар бир инсон кун якунида: “Менга ҳаёт, нон-туз берган ВАТАН учун нима

қилдим?” дея ўз-ўзига савол берса, Ўзбекистонимиз келажаги учун меҳнат қилганлар сони кўпаяди. Юртбошимиз шундай деганди: “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиши шарт”. Бу ишончли сўзлар ҳар биримизнинг онгу шу-уримиздадир. Биз, ёшлар билим ва иқтидоримиз, нималарга қодирлигимизни нафақат туман, вилоят, мамлакат миқёсида, балки жаҳон миқёсида эришилган ютуқларда кўрсатишга бурчлимиз. Мақсади сари қатъий интилган, ҳаракат қилган одам ўзи истаган ишни уддалайди ахир. Яратилган шароитлар ёшларга билдирилган ишонч ифодаси, бебаҳо далиллари эканини ёддан чиқармасдан интилмоғимиз керак.

Биз ҳам бундай ишончга муносиб бўлишга, ўз фикрига эга, ўзига ишонган ва, энг асосийси, ўз Ватанига фидойи инсонлар бўлишга ваъда берамиз.

Тарих зарварағини тўлдираётган 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Чунки соғлом онадан соғлом бола дунёга келади. Ота-она боласига қандай тарбия берса, бола шу йўлдан юради. Шунинг учун биз она ва Ватан сўзларини бирга айтамиз, уларни ҳеч кимга бермаймиз ва ҳеч кимга алишмаймиз.

Катта ёшдагиларнинг тили билан айтганда, биз яхши тарбия кўраяпмиз. Демак, яхши тарбия яхши натижа ҳам беради. Буни тенгдошларимиз, меҳр ва ғамхўрлик кўриб вояга етаётган ҳар бир фарзанд ўз келажаги билан исботлайверади.

*Дилфуза ИСЛОМОВА,  
Нурота туман қишлоқ хўжалиги  
касб-ҳунар коллежи талабаси.*

## **ТИНЧЛИК – ҚАДРИ ЎЛЧАНМАС НЕЪМАТ**

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган буюк тарихий сана халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду ҳуррамлик билан нишонланадиган қутлуғ айёмдир.

Мана мустақил тараққиёт йўлига кирганимизга ҳам 25 йил тўлди. Йигирма беш йиллик довондан туриб, босиб ўтган йўлимизга назар ташласак, ўтган давр ичида, айниқса, сиёсий соҳада, демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида изчил ва босқичма-босқич кенг кўламли ислохотлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ўтган йилларда 124 мамлакат билан турли даражада дипломатик муносабатлар ўрнатди.

Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятларни тухфа этди.

Давлатимиз томонидан танланган йўлнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар асоси – жаҳонда тан олинган “ўзбек модели” тантанасида, миллий маънавий-маданий қадриятларимизнинг кадр топишида ёрқин намоён

бўлди. Шубҳасиз, уларнинг изчил рўёбида ёш авлодга таянилди.

Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши ҳам ёшларга оид давлат сиёсатининг давлат мақоми даражасига кўтарилганидан далолат.

Ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеининг тобора ортиб бориши мамлакатимиз учун ўзига хос хусусиятдир. Бугун мустақиллик туфайли янгича дунёқараш, янгича демократик тафаккурга эга ёшларнинг янги авлоди шаклланмоқда.

Бу Бош қомусимиз – Конституцияда ҳам алоҳида модда сифатида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Хусусан, 41-моддада “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” деб таъкидланади.

Айни чоғда миллий-маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаларини таъминлаш, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўллари эркин танлаб олишлари ҳам тўла кафолатлаб қўйилган.

Шунингдек, жамият ва ёшлар ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этишини таъминлаш муҳим вазифа қилиб белгиланган.

Жумладан, турли тадбирларнинг ёшлар билан бевосита боғлиқлиги, улар билан ўтказиб келинаётганлиги ҳам сўзимиз исботидир. Масалан, “Универсиада” спорт мусобақаси, “Биз – буюк юрт фарзандларимиз” ёшлар фестивали, долзарб мавзуларга бағишланган тарғибот тадбирларида туманимиз ёшлари фаол бўлишди. Бу

ҳам келажагимиз эгаларининг дунёқараши кенглиги, ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлашга бўлган қадамлардан биридир, турли тадбирларнинг ёшлар билан ўтказилиши уларга берилаётган имкониятлардан тўла фойдаланиши деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ўрни ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳотларни ўтказиш йўлидаги кенг қамровли, хусусан, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни сақлаш борасидаги залворли фаолияти бугунги кунда халқаро жамоатчилик томонидан тан олинган ҳақиқат. Дунёнинг йирик давлат ва сиёсат арбоблари, сиёсатшунос олимлар, журналистлар мамлакатимиз эришяётган ютуқларини ва барқарорлик ҳамда тинчликни сақлаш борасида дуч келаётган айрим муаммоларни таҳлил қилувчи баёнотлар, мақолалар, тадқиқотларни кузатар эканмиз, Ўзбекистон Президенти сиёсати ҳамда ташаббуслари минтақада ва глобал миқёсда барқарорликни сақлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги таъкидланаётганлигига гувоҳ бўламиз.

*Шодия РУСТАМОВА,  
Навбахор енгил саноат касб-хунар  
коллежи ўқувчиси*

## **ИСТИҚЛОЛНИНГ ИМКОНЛАРИ КЎП**

Истиқлолнинг бебаҳо неъматлари кўп. Қайси бир соҳа қандай ривожланаётганлиги, қайси бир юртдошимизнинг ютуқларини ўйлаб кўрсак, бунинг боиси мамлакатимизнинг мустақиллигида мужассам эканини чуқур англаймиз.

Бунга энг оддий мисолларни келтириб ўтишни жоиз деб билдим. Устозларимиз авваллари компьютер қишлоқларда умуман бўлмаганлиги, мактабда биттагина механик ёзув машинкасидан фойдаланишганини айтишади. Демак, интернет ҳақида-ку тасаввур ҳам қилишмаганлиги аниқ. Ваҳоланки, ўша пайтларда дунёнинг ривожланган давлатларида компьютер, интернет деган сўзлар кўпчиликка таниш бўлганлиги уларнинг ҳозирги ривожланишидан ҳам кўриниб турибди. Ахир компьютерлар, юқори технологияларни қўлламасдан қандай қилиб ривожланиш мумкин?

Истиқлол туфайли юртимизда замонавий техника турлари жуда ҳам кўпайди, интернетдан нафақат компьютер, балки мобил телефон, бошқа шу каби янги воситалар орқали ҳам фойдаланиш имкониятлари кенгайиб борапти. Дунё техника оламида нимаики фойдали янгилик бўлса, бизлар ҳам дарров билиб, ўрганиб олишга ҳаракат қиляпмиз. Мустамлака пайтида бунга.

Эндиликда янги завод, корхоналар ўз юртимизда ишлаб турибди. Қанчадан-қанча техника воситалари, телефонлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бундай замонавий техника, технологияларнинг сир-асрорини, қандай яратишни биздаги мутахассисларнинг ўзи ҳам

пужта эгаллаб олишган. Бу ҳам мустақилликнинг бебаҳо неъматларидан биридир, десам янглишмайман.

Энди тасаввур қилинг: ўқимишли одамларимиз ҳам компьютер нималигини кўрмаган давр билан оддий ўқувчилар, болалар ҳам компьютерда ишлашни қойиллатадиган, интернетда дунёдаги ахборотлар билан танишиб ёки дунёнинг истаган кутубхонасидаги китобдан коллежда, мактаб, лицейда ўтириб фойдаланадиган истиқлол даврини қиёслаш қандай бўлади? Компьютер дастурларини яратишни удалайдиган ёшлар ҳам қанчадан-қанча эканини ҳар биримиз яқиндан биламиз десак, бу фикрга ҳамма қўшилади. Ахир биз ҳеч кимдан кам эмасимиз! Юртимиз ёшлари буни ҳар бир соҳада исботлашда давом этаверади, уларнинг билим ва заковатлари кучли. Ўзбекистон ёшлари ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний каби дунёни лол қолдирган буюк алломаларнинг авлодлари эканини энди жуда яхши биладилар.

Биз истиқлол фарзандларимиз. Ҳозирги кунда техника юксак даражада ривожланган, ахборот асрида яшайпмиз. Эътибор қилсангиз, компьютер шу қадар оммалашиб кетдики, бутун бир корхона компьютерлаштирилган тизимда ишлайдиган бўлди. Бу эса шу соҳада ишлайдиган мутахассисларни ўқитиш ҳам кераклигини кўрсатади. Шунинг учун коллежларда зарур мутахассисликлар бўйича биз, ёшларга замонавий таълим берилмоқда. Оддий қишлоқларда ҳам корхоналар ишлаб турибди, ёш мутахассислар бу корхоналарда ўз билимларини қўллаб, маҳоратини кўрсатишлари лозим. Шундагина юртимиз янада обод бўлиб, тараққий этади. Бизларга ўқитувчиларимиз ҳар доим уқтирганидек, ҳар биримиз яхши мутахассис бўлиб ўзимиз танлаган соҳада ютуқларга эришиб ишласак, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга улуш қўшган бўламиз.



**Фазила ЛАТИПОВА,**  
**Қизилтепа туманидаги агросервис**  
**ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиси**

## **БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН**

Ватан! Қадим-қадимлардан оташ олови сўнмай келаётган муқаддас ўчоқ. Ватан тақдири гоҳ йиғлатган, гоҳ севинтирган, гоҳ эса дардларга тўла мўъжиза, қўшиқ.

Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, юртга, унинг тарихига бўлган қизиқиши ва муҳаббати шу қадар чексиз бўлади.

Ватанни англаш бир умр давом этадиган узлуксиз жараёндир. Биз ҳар гал ўлкамиз баҳори, ёзи, кузи ва қишига рўбарў келганда, унинг тоғ-у тошлари, дарё-ю ўрмонлари, бепоён далалари, обод шаҳар-у қишлоқларини кўрганда, кўнглимизда янги-янги туйғулар пайдо бўлади. Шунинг учун инсон ўз атрофидаги нарса-ҳодисалар билан доимо мулоқотда бўлади. Ана шу мулоқот унинг туйғуларини бойитади, тасавурларини кенгайтиради.

Инсон ўз Ватани билан бир умр мулоқотда бўлиб яшайди. Энг қувончли ва қайғули дамларида ота-онасини эслагани каби Ватанини ҳам ёдга олади. Она юртининг хурсандчилик ёки ташвишли кунлари учун ўзини бурчли деб билади.

Биз Ватанимизни озод ва мустақил, гўзал ва бетакрор, қадимий деб таъриф этамиз. Бу таърифларнинг ҳар бири юртимиз ҳақидаги кўпчилик томонидан таъриф этилган ҳақиқатларни акс эттиради. Лекин бу

ҳақиқатларнинг ҳар бирини ўзимиз мустақил равишда юрак-юракдан ҳис этишимиз, чин дилдан тушуниб, англашимиз керак. Шундагина биз она диёримизнинг қанчалик озод, қанчалик мустақил, қанчалик гўзал ва бетакрор эканлигини ҳис этамиз. Бу ҳис-туйғу бизни Ватанимизни бутун вужудимиз билан севишга ундайди, бизга мадад беради.

Бугунги кунда юртимизни дунёдаги илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқишга ундаётган куч ҳам аввало Ватанга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғусидир.

Ҳаётда ҳар қайси инсоннинг эзгу орзу-умидлари бўлади. Айниқса, озод ва обод Ватанда ўсиб-улғаяётган, қалби пок ҳис-туйғулар билан тўлган ёшларнинг орзулари бир олам. Ана шу орзуларнинг энг улуғи – ота-онага, эл-юртга беминнат хизмат қилиш, уларнинг олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этишдир. Бу орзуга эришиш учун инсон болаликдан бошлаб ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, зарур билим, кўникма ва ҳунарларни эгаллаши, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлиши лозим. Чунки буюк орзулар буюк интилиш ва ҳаракат, катта куч-қувватни талаб этади. Ана шу ғоят оғир ва мураккаб йўлда Ватанга муҳаббат ҳисси барчамизга мадад бўлади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, она юртга меҳр-муҳаббат оддий инсонларга ҳам улкан куч-қудрат, азму шижоат бахш этиб, уларни тенгсиз жасоратларга ундаганига гувоҳ бўламиз. Масалан, биз яхши биладиган Широқ ҳақидаги ривоятни эсга олайлик. Широқ – оддий чўпон. Унинг ҳарбий қурол-яроғи ҳам, аскарлари ҳам йўқ. Фақат қалбида ўз Ватанига чексиз муҳаббати бор, холос. Ана шу буюк туйғу уни тиш-тирноғигача қуролланиб, ёпирилиб келаётган сонсиз-саноксиз ёвга қарши якка-ю ёлғиз курашга чиқишга чорлайди. Широқ ўзининг душман қўлида ўлишини олдиндан билди. Лекин бу, юқорида айтилганидек, энг улуғ мақсад

– Ватан озодлиги, унинг ҳимояси йўлидаги шарафли ўлим эканини у яхши англайди ва айнан шу боис бу йўлни танлайди.

Широқ ўз жони эвазига қанча-қанча юртдошларини ўлимдан, ёвга қул бўлишдан, шаҳар-қишлоқларни эса вайронагарчилик, талон-тарождан сақлаб қолади. Яна бир муҳим томони – у ўз қаҳрамонлиги орқали ҳеч қачон зулм ва босқинчилик билан бутун бир халқни енгиб бўлмаслигини, унинг мард фарзандлари бунга асло йўл қўймаслигини исботлайди.

Инсон ўз халқи олдидagi бурчини адо этиши учун, аввало, унга муносиб фарзанд бўлмоғи лозим. Халқнинг обрў-эътибори ҳамма замонларда ҳам у тарбиялаган фарзандларнинг касб-ҳунари, билими, ақлидроки, улар яратган кашфиётлар, кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликлар билан ўлчанади. Халқнинг юкини ўз елкасига олган одам ҳеч қачон хор бўлмайди, ҳамиша ҳурмат-иззатда бўлади.

Айниқса, бугунги кунда ҳар бир халқнинг обрў-эътибори фақатгина моддий бойликлари билан эмас, биринчи навбатда, унинг интеллектуал ва маънавий даражаси, соғлом ва баркамол, юксак истеъдодли, билим ва тафаккурли, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаган фарзандлари билан белгиланади. Шунинг учун мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлод тарбиясига катта аҳамият берилмоқда. Қисқача қилиб айтганда, халқимизнинг бетакрор фазилатлари қалбимизда у тарбиялаб вояга етказган буюк инсонларнинг юксак фазилатлари ғурур-ифтихор уйғотади. Мен мана шундай халққа фарзанд бўлганимдан ўзимни ғоят бахтиёр ҳис этаман ва ҳамиша унинг номини, шаъну шарафини пок сақлашга интилиб яшайман.

*Малика ЖАҲОНОВА,  
Учкудуқ тумани кончилик касб-хунар коллежи  
ўқувчиси*

## **ВАТАННИ СЕВИШ – МУҚАДДАС ТУЙҒУ**

Ота, она, миллат, давлат, юрт, тинчлик ва хотир-жамлик каби сўзларни деярли ҳар куни муомалада қўллаймиз. Аммо уларнинг ичида Ватан деган сўз борки, у ҳақида сўзлаганда, унинг тўғрисида фикр-мулоҳаза қилганда ҳар қандай виждонли инсон ўзида мутлақо ўзгача руҳий ҳолатни сезади.

Ватан сўзи араб тилида туғилган жой, она юрт маъносини беради. Ватан кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жой, ҳудуд, ижтимоий муҳит, мамлакатни англатувчи тушунчадир.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлагани каби Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдек пок ва улуғ бўлмоғи лозим. Инсон ўзини анлагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Албатта, жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз якка-ю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим”.

Тарих – тарбиячи, унга мурожаат этмаслик янги йўқотишларнинг онаси. Тарихни ўрганиш, ундан сабоқ олиш – ютуқлар гарови. Кўҳна тарихда унга мисоллар кўп. Буюк Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида шундай дейди: “Одам Атодан бошлаб Хотамул анбиёгача, улардан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушини донолардан сўраб-суриштирдим.

Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олдим, унга амал қилдим. Давлатларнинг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлат-у салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим”. Дарҳақиқат, Ватанни севиш учун унинг тарихини, ёруғ ва қоронғу кунларини билиш, энг муҳими, ундан хулосалар чиқариш зарур. Дунёда бирорга давлат йўқки, унинг тарихи фақат зафарларда иборат бўлсин. Бироқ бундай ҳол Ватанни севмасликка ҳуқуқ бермайди. Масалан, юртимизда Темурийлар ҳукмронлигидан сўнг – хонликлар даврида юз берган сиёсий парокандалик, ижтимоий-маданий қолоқлик даврида узоқ давом этган урушлар буюк Туркистоннинг тарихидаги қора доғлар ҳисобланади. Бундай зиддиятли ҳолатлардан биз, ёшлар холисона хулосалар чиқариб олишимиз зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасидамиз. Бу тарихан жуда қисқа муддат давомида мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришларни, бунёдкорлик қўламини бир нигоҳда қамраб олиш осон эмас. Таржимаи ҳолини мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган оқсоқ иқтисодиёт, ҳалокатли пахта яккаҳоқимлиги, оч-наҳор турмуш кечириш билан бошлаган ёш давлатда ҳурлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритган халқнинг қудратли салоҳияти нималарга қодирлигини амалда исботламоқда.

Биз атрофимиздаги нотинчликлар, турли можаролар, иқтисодий бўҳронларга қарамасдан юртимиздаги аҳиллик ва тотувлик, юксалишнинг ёрқин рамзларига айланган замонавий янги корхоналаримиз, темир йўллар ва автомагистраллар, кўчаларга сиғмаётган ўз автомобилларимиз, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан янгилаётган кўркам турар жойларимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. Янада муҳими халқимиз онги

ва шууридаги туб ўзгаришлардир. Ватандошларимиз озод ва обод юрт барпо этишга, Ўзбекистон жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига қаратилган яратувчанлик жўшқинликлари ва фидойиликлари билан бир қаторда сиёсий ва ижтимоий фаоллик ҳам кўрсатмоқлар.

Шу билан бирга, шиддатли асримиз жадал ўзгариб бораётган ҳаёт даъватларига ҳозиржавоб бўлибгина қолмасдан, кескин рақобат шароитида давр шиддати билан ҳамқадам бўлишни ҳам қатъий талаб этмоқда. Ана шундай шароитларда давлат бош ислохотчи эканлигини яна бир марта исботлади: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсиясини олға сурди.

Бу жаҳонда умумэътироф этилган демократик қадриятларга, айна пайтда халқимизнинг кўп асрлик халқчиллик анъаналарига асосланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, машхур мутафаккиримиз Абу Наср ал-Фаробий ўз давридаёқ “Фозил одамлар шаҳри” асарида жамиятда қонун устуворлигига эришиш, жамиятни қонун бошқариши зарурлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурган. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний кафолатлаб қўйилди, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигини таъминлашда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли муттасил кучайиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишта ҳаёт ўз-ўзидан келмайди. Бу бебаҳо неъматнинг барқарор ва мустаҳкам бўлиши учун йўлимизда собитқадам бўлиб, тинчликнинг маъно-мазмунини янада чуқурроқ англашимиз, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг истиқлол шарофати билан бугунги са-

одатли кунларимиз ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб яшаш руҳида тарбиялашимиз даркор.

Мустақил Ўзбекистон, аввало, мамлакатимиздаги барқарорлик, ўз халқининг тинч-осуда ҳаётини таъминлаш борасида тўғри ва одилона олиб борилаётган сиёсат туфайли барча жабҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ёшлари жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларнинг кузатувчиси эмас, аксинча, унинг фаол иштирокчисига айлангани эришган энг катта ютуғимиз, Юртбошимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари меваси сифатида баҳоланиши мумкин.

Меҳнаткаш ва меҳмондўст, саховатли ва бағрикенг, маънавияти юксак халқимиз ўз олдига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида белгилаб қўйилганидек, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини қўйган. Бугун мана шу улуғ мақсад йўлида ишлаш, меҳнат қилиш, ўзимизнинг жисмоний, ижодий-интеллектуал куч-ғайратимиз, салоҳиятимизни сафарбар этиш ша-рафли вазифамизга айланмоқда.

**Хуршид ШАРОФИДДИНОВ,**  
**Тайлоқ агротадбиркорлик касб-хунар**  
**коллежи ўқувчиси**

## **КОМИЛЛИККА ЕТАКЛОВЧИ КУЧ**

Ўзал ва бетакрор Ўзбекистоним! Муқаддас Ватаним, ота-боболарим киндик қони тўкилган муқаддас тупроқ! Сен ҳақингда ўйлаганимда, сенга аталган қўшиқларни тинглаганимда “Ватан ягонадир” жумласи қулоғим остида жаранглаб, қалбимни ажиб бир илиқ туйғу қамраб олади. Бу шеърни коллежимизда шоира билан бўлган ижодий учрашув чоғида ўзидан ҳам эшитганман. Дарҳақиқат, Ватан инсон учун она каби ягона. Энг яхши шеър ва қўшиқлар Ватан ҳақида эканлигини ҳам биламиз. Юрти учун жонидан кечган, бир қарич тупроғини ҳам душманларга оёқости қилдириб қўймаган ватандошларимиз қаҳрамонликлари ривоят ва ҳикоятлар, кўхна тарихий манбалар орқали барчамизга маълум. Инсоннинг энг покиза, муқаддас туйғулари ўзи туғилган замин – Ватани бағрида уйғонади. Ватан оиламиз остонасидан бошланади. Ватан биз яшаб келаётган уй, ота-онамиз, ака-ука, опасингилларимиз. Иймони бут, мустаҳкам, виждони пок ҳар бир инсон Ватанини севади, унинг шаъни учун курашади. Ватан равнақи, ободлиги, тинчлиги ва обрўйи учун тинмай ҳаракат қилади. Ҳикматларда: “Ватанни севмоқ иймондандир”, – деб бежиз айтилмаган, албатта. Қадимда душманлар турк давлатининг хоқони Ўғузхондан унга қарашли, ташландиқ, ҳеч нарса битмайдиган бир парча ерни талаб қилишади. Бобомизнинг ўша вақтда берган жавоблари нақадар ҳаяжонли: “Ватан ёлғиз бизнинг мулкимиз эмас. Мозорда ётган оталаримиз ва энди туғилажак авлодларимизнинг бу



муборак тупроқда ҳақлари бордир. Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч бир кимсанинг ҳаққи йўқдир”. Биз Ватанни севмоқни доно боболаримиздан ўрганмоғимиз керак. Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирӣ, Чўлпон ва бошқа кўплаб шоир-у ёзувчиларимизнинг Ватанга бўлган меҳрлари нақадар баланд эканлиги барчамизга маълум. Инсон учун Ватандан ортиқ меҳригӣ борми? Йўқ, албатта! Ватан она каби ягонадир. Ягоналиги билан муқаддас ва бебаҳодир.

Биз Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмонанд ўлкада яшаймиз, унинг тоза ҳавосидан нафас оламиз. Ватанимиз эса мустақил, озод ва обод Ватан. Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда: “Одам Ватанни танлай олмайди. Аллоҳ одамга Ватанни музликлардан ҳам, саҳролардан ҳам, чангалзорлардан ҳам ато этиши мумкин. Бизга Аллоҳ Ўзбекистон деб аталмиш, тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, боғ деса боғи бор, ҳар тонгда булбуллар мадҳини ўқиб тамом қилолмайдиган бу юртни Ватан қўйиб берган экан, бунинг учун ўзимизни бахтли деб ҳисобламоғимиз керак”. Диёримизга ташриф буюрган сайёҳлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизни томоша қилиб, она заминимизда етиштирилган ноз-неъматлардан, унинг тоза ва майин ҳавосидан баҳраманд бўлиб, мусаффо осмонимиз, зилол сувларимиз, обод шаҳар ва қишлоқларимизга ҳайрат билан боқиб, Ватанимизни афсоналардаги мўъжизаларга қиёс қилишади.

Мустақиллик йилларида барпо этилган боғ-роғлар, замонавий биноларни кўрганда, кишининг кўнгли яйрайди. Она шаҳримиз Самарқанд, жумладан, Тайлоқ тумани кейинги беш-олти йил ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди, гўзаллашди. Лекин мен Ватанимни бойликлари учун эмас, балки шу ерда туғилиб, вояга

етганим, энг ширин хотираларим шу муқаддас маскан билан боғлиқлиги учун ҳам жонимдан ортиқ севаман!

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” деган китобини синчиклаб ўқиб чиқдим. Айниқса, “Ким эдигу ким бўлдик? Эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” деган мавзу мени жуда ўйлантирди. Шу ўринда Президентимизнинг куйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Биз илгари собиқ Иттифоқ таркибида эдик, биз дунёга, дунё бизга ёпиқ эди. Ўша даврда Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келадиган одамларни қаерга олиб боришни ҳам марказ ҳал қилар эди. Меҳмонлар асосан баъзи тарихий обидаларимизни томоша қилиш, заминимизда етиштирилган неъматларни татиб кўриш билан чекланарди, холос. Бой тарихимиз, улуғ мутафаккирларимиз ҳақида лом-мим дейилмас эди... Бугун хорижлик меҳмонлар, аввало, фарзандларимиз таълим олаётган мактаб, лицей ва коллеж, маданият ва спорт масканларига бормоқда”. Истиқлол шарофати билан тарихан қисқа даврда юртимиз ҳар томонлама тез суръатлар билан ривожланиб, куч-қудрати ва салоҳияти жадал юксалиб бораётган мамлакатга айлангани республикамизда амалга оширилаётган оқилона ислохотлар натижасидир. Ёшларимиз жаҳоннинг ривожланган мамлакатларига ўқишга бориб, ўз билимларини ошириб қайтмоқдалар. Президентимиз ташаббуси билан бу йилги байрамни “Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида кутиб олаётганимиз замирида ва туб моҳиятида ҳам мустақилликнинг нақадар улуғ неъмат эканлиги, шу улуғ ва муқаддас Ватанда ўтаётган тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашдек улуғ ғоя ва мақсад мужассамдир. Республикаимизнинг барча худудларида бўлгани каби яқинда туманимизда, “Ким эдигу ким бўлдик? Эртага

қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди. Унда таниқли театр ва кино актёрлари, шоир ва ёзувчилар, истеъдодли хонандалар қатнашди. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Одина Ғозиева, хушовоз хонанда Шохжаҳон Жўраев, Марям Ғафурова ижросидаги кўшиқларни тинглаганимда, бугунги тинч ва фаровон дамларнинг қадрига етиш лозимлигини яна бир бор ҳис этдим. “Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?” мазмунидаги саволни ўзимизга берсак, мустақиллигимизнинг нақадар буюк неъмат эканлигини теранроқ англаймиз.

Шу ўринда Президентимизнинг ушбу фикрларини келтиришни лозим деб топдим: “Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келади-ган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман”. Бу ишонч бизга куч-қувват бағишлайди ва қалбимизни юксак орзу-умидларга тўлдиради. Дарҳақиқат, биз – ёшлар ёмондан яхши-ни, зарардан фойдани яхшироқ фарқлай олишимиз учун тинимсиз ўқишимиз ва комил инсон бўлиб етишишимиз зарур. Шундагина Ватанимизга муносиб фарзанд бўла оламиз.

*Эъзога ҲАЗРАТҚУЛОВА,  
СамИСИ қошидаги 1-сон академик  
лицей ўқувчиси*

## **ҲАМИША НАВҚИРОН ГУЛИСТОНИМСАН!**

Ватан. Она юрт. Ота макон. Буларнинг барчаси бир қарашда оддий, соддагина сўзлар. Лекин бу сўзлар юрак тафти билан йўғрилган сўзлар.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида жойлашган бўлиб, табиати бошқа ўлкаларга ўхшамас сержилодир. Бу маскан йилнинг тўрт фаслида ҳам ўзгача бир чирой, фусун соҳибидир. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, Ўзбекистон серқуёш, баҳаво, серсув маскан ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 250 дан ортиқ давлатлар ичида энг тинч-осойишта, халқ фаровонлиги ва юрт тараққиёти йўлида илғор одимлаётган давлатлардан бири десак, муболаға бўлмайди. Мен айна шу озод ва ҳур заминда дунёга келганман. Мен “Она Ватаним – Ўзбекистон!” дея баралла айта олишимдан бағоят хурсандман.

Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаарида: “Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу-мақсадлари ва замон талабларини ҳисобга олган ҳолда, нафақат иқтисодий, сиёсий, балки маънавий янгиланиш жараёнларини ташкил этишга устувор аҳамият бердик”, деб таъкидлаган эди. Юртимизда тарих сабоқларидан ва бошқа давлатларнинг тажрибасидан фойдаланган ҳолда 1992 йил 8 декабрда қомусий китоб – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Шунингдек, 1991-1992 йилларда бирин-кетин давлат

рамзлари: байроқ, герб, мадҳия таъсис этилди. Давлатчилик ишларида, ички ва ташқи сиёсатда, энг асосийси, таълим-тарбия соҳасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиши халқ фаровонлигини юксалтиришга замин яратди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида Ўзбекистон дунёдаги ривожланаётган давлатлар сафида бораётганлигидан кўнглим ғурурга тўлади. Кундан-кунга ободонлашиб, янада кўрк очиб бораётган ва тарихий обидаларга бой юртимиз минглаб сайёҳлар диққат-эътибор марказидадир. Таълим йўналишида барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ва таълим муассасалари қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Бунинг натижаси ўлароқ, юртимизда саводхонлик кўрсаткичи 99.06 фоизни ташкил этди. Тенгдошларимнинг замонавий техник воситалардан фойдаланиши, илм-маърифат сирларини бетиним ўрганиши, бир вақтнинг ўзида икки-уч тилда бемалол гаплаша олиши, барча спорт ва фан мусобақаларидан фахрли ўринларни эгаллаши Юртбошимиз томонидан ўз вақтида ёшларга берилган эътиборнинг маҳсулидир. Мухтарам Президентимиз: “Ёшлар бизнинг келажгимиз”, “Ёшларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт”, деган сўзлари бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистон – энг аввало, ёшлар мамлакати, навқиронлик орзулари қулоч ёйган диёр.

Тасаввур қилинг, уйига ярим кечаси меҳмон келса, очиқ юз билан “Хуш келибсиз!” деб қайси халқ кутиб олади?! Қайси халқ ўзгалар фароғатини ўз роҳатидан устун кўради?!

Албатта, ўзбек халқида хислатлар мўлроқдир. Шу боис бу халқни бағрикенг, меҳмондўст, болажон дейишади. Бу танти юртда ота-она, фарзанд ва қариндош-уруғчилик муносабатларини мустаҳкам меҳр-оқибат ришталари боғлаб туради. Мана шундай жамият ёшла-

ри келажакда, албатта, баркамол шахс бўлиб улғайиши шак-шубҳасиз.

*Ҳамиша навқирон гулистонимсан,*

*Тилларда дoston Ўзбекистоним.*

*Суюкли ягона фирдавс боғисан,*

*Бетакрор, мафтункор она –Ватаним,*

– деб, сўнг сўз ўрнида ушбу шеъримни келтирдим.

Шундай экан, Ватанимнинг шонли тарихини, миллий-лигимизни ўзида жам этган бутунни, порлоқ келажак-ни куйлаш менга ҳамиша фахр-ифтихор, шукроналик бахш этган. Шунинг учун севаман, ардоқлайман танда жоним борича Ўзбекистонни!

*Бахтигул ДАВИРОВА,  
Пастдарғом туман политехника  
касб-хунар коллежи ўқувчиси*

## ЎЗЛИГИНИ АНГЛАГАН ИНСОН

Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб боради. Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатлар ва улар замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро иноқлик каби қадриятларнинг роли ортиб бормоқда.

Президентимиз биз ёшларга жуда катта эътибор қаратиб, билим олишимиз, истеъдодимизни намоёиш қилишимиз учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Бунг жавобан Ўзбекистон ёшлари ўзларининг юксак қобилиятга эга эканлиги билан юртимиз байроғини янада кўкларга кўтармоқдалар. Оддийгина мисол кўрсатадиган бўлсак, яқинда Хитойда бўлиб ўтган математика фани бўйича ўтказилган фестивалда Ўзбекистон 30 давлат ичида 2-ўринни эгаллади. Бу билан юртимиз ёшлари ат-Термизий, Алишер Навоий, ал-Бухорий каби буюк зотлар авлодидан эканлигини яна бир бор исботлади.

Спорт соҳасида жаҳон чемпионларимиз кўпаймоқда. Бунга бир мисол Пастдарғом туманида жойлашган политехника касб-хунар коллежи ўқувчилари Диёра Келдиёрова ва Жаҳона Туркманованинг ғалабасидир. Улар дзюдо ва самбо бўйича жаҳон чемпионлари бўлишди. Эндиликда ҳар бир ёш бу каби чемпионларга ҳавас кўзи билан боқади. Бу каби ютуқлардан ўрнак

олишни, Ватанга фойдаси тегадиган фарзанд бўлиб вояга етишни ва катта-катта чўққиларни забт этишни мақсад қилиб қўяди.

Президентимизнинг “Бугунги учрашувимизда мен ёшларимизга қараб айтмоқчиман, агарки қачон биз истаган замон келса, ана ўшанда муродимизга етамиз, деган фикр билан бемалол юрадиган бўлсак, билиб қўйинглар, бундай замон ҳеч қачон ўз-ўзидан келмайди”, деган гаплари бизни ҳар доим ҳушёр торттириб турмоғи, масъулиятга, ғайрату шижоатга ундамоғи лозим.

Шу мўътабар ва гўзал заминда яшаётган барча миллатлар ва элатлар Ўзбекистон олдидаги фарзандлик муҳаббати, эътиқодини ҳар қадамда намоёйиш қилмоқда. Мустақиллик байрами биз учун энг муқаддас, энг улуғ байрамдир. Шундай экан, бизга берилган энг олий неъмат – мустақиллигимизнинг қадрига етишимиз керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришишдан олдин шўролар ҳукмронлиги остида бўлган. Халқимиз жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. “пахта иши”, “ўзбек иши” халқимиз бошига ёғилган тухмат, камситишларнинг бир қисми, холос. Энди эса озод ва ҳур ўлкамизда ҳеч қандай муаммоларсиз ўқиш, ўрганиш, изланиш, имкониятлари пайдо бўлди. Чунки озодликнинг ўрнини босадиган ҳеч бир неъмат йўқ.

Мустақиллик эса байрам сифатида эрк байрами, озодлик байрами, миллатнинг миллат сифатида дунё бўйлаб парвози байрамидир.

Мен, бугун мана шундай ёруғ кунларга етиб келишга ўзини аямасдан фидокорона меҳнат қилган мўътабар фахрийларимиз, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган устозларим, мунис онахонлару отажонларимизга ҳар доим ёнимизда юринг дейман.



*Нигора КОМИЛОВА,  
Тайлоқ агротадбиркорлик касб-хунар  
коллежи талабаси.*

## **ВАТАН – БЕТАКРОР МАЪВО**

Ўзал ва бетакрор Ўзбекистоним! Муқаддас Ватан-ним, ота-боболарим киндик қони тўкилган муқаддас тупроқ!

Дарҳақиқат, Ватан инсон учун она каби ягона. Энг яхши шеър ва қўшиқлар Ватан ҳақида эканлигини ҳам биламиз. Юрти учун жонидан кечган, бир қарич тупроғини ҳам душманларга оёқости қилиб қўймаган ватандошларимиз қахрамонликлари ривоят ва ҳикоятлар, кўхна тарихий манбалар орқали барчамизга маълум. Инсоннинг энг покиза, муқаддас туйғулари ўзи туғилган замин – Ватани бағрида уйғонади.

Ватан оиламиз остонасидан бошланади. Ватан биз яшаб келаётган уй, ота-онамиз, ака-ука, опа-сингилларимиз. Иймони бут, мустақкам, виждони пок ҳар бир инсон Ватанини сёвади, унинг шаъни учун курашади. Ватан равнақи, ободлиги, тинчлиги ва обрўи учун тинмай ҳаракат қилади. Ҳадиси шарифда: “Ватанни севмоқ иймондандир”, деб бежиз айтилмаган, албатта. Қадимда душманлар турк давлатининг хоқони Ўғузхондан унга қарашли, ташландиқ, ҳеч нарса битмайдиган бир парча ерни талаб қилишади. Бобомизнинг ўша вақтда берган жавоблари нақадар ҳаяжонли: “Ватан ёлғиз бизнинг мулкимиз эмас. Мозорда ётган оталаримиз ва энди туғилажак авлодларимизнинг бу муборак тупроқда ҳақлари бордир. Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам, ер бермакка ҳеч бир кимсанинг ҳаққи йўқдир”. Биз Ватанни севмоқни доно боболаримиздан ўрганмоғимиз керак. Алишер Навоий, Бобур, Фурқат, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа

Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва бошқа кўплаб шоиру ёзувчиларимизнинг Ватанга бўлган меҳрлари нақадар баланд эканлиги барчамизга маълум. Инсон учун Ватандан ортиқ меҳригиё борми? Йўқ, албатта! Ватан она каби ягонадир. Ягоналиги билан муқаддас ва бебаҳодир.

Биз Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмакон ўлкада яшаймиз, унинг тоза ҳавосидан нафас оламиз. Ватанимиз эса мустақил, озод ва обод Ватан. Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда: “Одам Ватанни танлай олмайди. Аллоҳ одамга Ватанни музликлардан ҳам, саҳролардан ҳам, чангалзорлардан ҳам ато этиши мумкин. Бизга Аллоҳ Ўзбекистон деб аталмиш, тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, боғ деса боғи бор, ҳар тонгда булбуллар мадҳини ўқиб тамом қилолмайдиган бу юртни Ватан қилиб берган экан, бунинг учун ўзимизни бахтли ҳисобламоғимиз керак”.

Диёримизга ташриф буюрган сайёҳлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизни томоша қилиб, она заминимизда етиштирилган ноз-неъматлардан, унинг тоза ва майин ҳавосидан баҳраманд бўлиб, мусаффо осмонимиз, зилол сувларимиз, обод шаҳар ва қишлоқларимизга ҳайрат билан боқиб, Ватанимизни афсоналардаги мўъжизаларга қиёс қилишади. Айниқса, мустақиллик йилларида барпо этилган бог-роғлар, замонавий биноларни кўрганда, кишининг кўнгли яйрайди. Она шаҳримиз Самарқанд, жумладан, Тайлоқ тумани кейинги 5-6 йил ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди, гўзаллашди. Лекин мен Ватанимни бойликлари учун эмас, балки шу ерда туғилиб, вояга етганим, энг ширин хотираларим шу муқаддас маскан билан боғлиқлиги учун ҳам жонимдан ортиқ севаман!

Истиқлол шарофати билан тарихан қисқа даврда юртимиз ҳар томонлама тез суръатлар билан ривож-

ланиб, куч-қудрати ва салоҳияти жадал юксалиб бораётган мамлакатга айлангани республикамизда амалга оширилаётган оқилона ислохотлар натижасидир.

Ёшлар ҳамма замонларда ҳам миллат суянчи, халқнинг таянчи бўлиб келган, ўзининг келажагини ўйлаган ҳар қандай давлат, аввало, ёшлар тарбиясига катта эътибор беради. Айниқса, бизнинг Ватанамизда ёшларга бўлган эътибор кундан-кунга ошмоқда. 2000 йил “Соғлом авлод йили”, 2001 йил “Оналар ва болалар йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили”, 2014 йилнинг эса “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши бунинг яна бир ёрқин исботидир. Буларнинг ҳаммаси биз – ёшларнинг қалбимизни қувончга тўлдиради. Яқинда Президентимизнинг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил қилиш ҳақида”ги Фармони йўқиб, ниҳоятда қувониб кетдим. Чунки мен яқинда коллежни битириб, шу соҳа бўйича ўқишимни давом эттирмоқчиман.

Мана, Она Ватанамиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйи яқинлашмоқда. Уни муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда юрагида, қалбида она юртига меҳр-муҳаббати, садоқати, унинг келажагига юксак ишончи бўлган ҳар бир киши кўп асрлик шонли тарихимизга назар ташламоғи ва бугунги тинч, осуда дамлар қадрига етмоғи лозим. Ижодий ишимнинг охирида айтмоқчиманки, Ватанамиз биз-ёшларнинг келажагимиз ва бахт-саодатимиз ҳақида шунчалик қайғураётган экан, биз ҳам Ватанамиз тақдирини ўз тақдиримиз деб билмоғимиз лозим.

## **УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ**

Ватан! Қўлимдаги бир варақ қоғозга шу муқаддас заминга бўлган меҳру муҳаббатимни, фарзандлик туйғуларимни сиғдиролмай жоним ҳалак. Кимдир унга туғилган макон, яна кимдир бағрида эркалаб улғайтираётган замин деб таъриф беради. Ватан нима деган саволга Ватан бу мен ором олиб ухлаган бешик, югуриб чопган чанг кўчаларим, қадрдон маҳаллам, эрта баҳорда момом учун бойчечак тергани чиққан ўша кенг қир-адирлар, онам ёпган кулчаларни оқизиб еган ариқларим, деб айтгим келади. Ватан бу мен нафас олаётган, мен яшаётган муқаддас замин.

Ҳа, бу сўз шунчалар улуғ ва қудратли. Бугунги кунда ўз юртидан, яқинларидан, дўстларидан узоқда, бегона юрт тупроғида Ватанининг бир сиқим тупроғига зор бўлиб юрган инсонлар йўқ эмаслиги сиз-у бизга сир эмас.

Бугунги кунимизга етишимиз, мустақиллик учун жонини фидо этган ватанпарвар боболаримиз номини доимо ғурур ва ифтихор билан, миннатдорчилик туйғулари билан хотирлаймиз.

Мустақиллик – бизга берилган муқаддас неъмат. Мустақиллик мард, жасур боболаримиз жасоратларининг мукофоти. Мустақилликка эришишимизда мухтарам Юртбошимизнинг жасорати, хизматлари беқиёс. Озод, обод юртимизда биз ёшлар учун яратиб берилган имкониятлар ҳавас қилса арзигулик. Шу ўринда адабиётимизнинг йирик вакили Озод Шарафиддиновнинг бир фикрлари ёдимга тушди: “Бизга Аллоҳ Ўзбекистон деб аталган, тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса

тоғи бор, боғ деса боғи бор бир юртни Ватан қилиб берган экан, бунинг учун ўзимизни БАХТЛИ деб билишимиз керак”. Ҳа, биз шундай озод, обод Ватанда яшаймиз. Биз учун имкониятларнинг барча эшиклари очиб берилган. Қайси соҳада бўлмасин, иқтидоримизни намоеън этиш учун шароитлар яратилган. Спорт, санъат, фан-техника, умуман, барча соҳалар учун кенг имкониятлар очилган. Демак, ёшларнинг вазифаси берилган имкониятлардан оқилона ва ўринли фойдаланиш. Шу юрт ривожини учун озгина бўлсада ўз ҳиссамизни қўшиш.

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг эртаси бизни қўлимизда экан, унинг бугундан-да гўзал, фаровон бўлиши учун нима қилишимиз керак? Порлоқ келажакни яратиш учун, аввало, чуқур билимга эга бўлишимиз лозим. Юртбошимиз: “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”, – деган мулоҳазаларида ҳам шу масалага алоҳида урғу берилган. Бугунги кунда таълим соҳасида берилаётган имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитлар беқиёс эканлигини яхши биламиз. Биз исталган таълим йўналиши бўйича энг замонавий технологиялар асосида таҳсил олишимиз мумкин. Билимга чанқоқ кўплаб ёшлар таҳсил жараёнини дунёнинг энг ривожланган давлатларида давом эттириб, билим савияларини ошириб қайтишмоқда. Спорт, санъат, фан-техника соҳасида тенгдошларимиз эришаётган ютуқлар ҳам берилаётган кенг имкониятларнинг самараси десак янглишмаймиз.

Ҳар бир инсон учун ўз Ватани азиз, мукаррам. У чексиз, бепоён саҳродан иборатми ёки чуқурликлардан, тоғлардан иборатми, иссиқми, совуқми – ҳар ким учун туғилган жойи азиз. Қаерга бормайлик кўнглимиздаги Ватанга бўлган меҳр бизни ўз бағрига чорлайди, соғинч ҳисси юрагимизни тарк этмайди, нимадир етишмаётгандек ҳис этамиз ўзимизни. Албатта, бу етишмаётган

нарса ўз уйимиз, ўз Ватанимиз тафти. Мен ҳар доим бир жумлани ғурур, ифтихор билан таъкидлайман. Бу жумла менга чексиз куч-қувват, қувонч бахш этади. Бу – “Ўзбекистон – менинг Ватаним” жумласи. Мен шу юрт тупроғида туғилиб ўсдим, шу юрт тупроғида яшайман, ҳавосидан нафас оляпман. Мен буюклар Ватани Ўзбекистон фарзандиман. Шу заминда туғилганим учун беҳисоб шукроналар айтаман. Ўқитувчимнинг биз яшаётган бу замин жаннатмонанд Ўзбекистондир, дегани ёдимдан чиқмайди. Эрта туриб кўчада кетиб борар эканман, беихтиёр устозимнинг сўзлари ёдимга тушади. Фавворалардан отилиб тушаётган ҳар бир сув томчисида мен гўё ўша жаннатнинг аксини кўраман. Шунда беихтиёр “сени бағрингда яшаётганимдан бахтиёрман. Сен билан фахрланаман, она юртим!” дея баралла айтгим келади.

Фикр-мулоҳазаларимни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг сизу бизга яхши таниш бўлган “Ватаним” шеърдан парча келтириш билан яқунламоқчиман. Мана ўша ҳаммамиз учун қадрдон жумлаларга айланиб қолган шеърий парча:

*Мен дунёни нима қилдим,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним,  
Ўзим хоқон,  
Ўзим султон,  
Сен тахти Сулаймоним.  
Ёлғизим,  
Ягонам дейми,  
Топинган кошонам дейми,  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан, Ватаним...*

**Ҳаётхон ҚАҲҲОРОВА,**  
*Самарқанд давлат чет тиллар институти*  
*талабаси.*

## ХАЛҚИМИЗ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

Мустақиллик – бебаҳо неъмат. Бу гап айтилганда, баъзан унинг қадрини англамасмиз. Лекин ҳар он унинг оғир машаққатлар билан қўлга киритилганини унутмаслигимиз керак. Мустақиллик биз учун жуда кўп нарсаларни тортиқ қилди. Аввало, биз ўз тақдиримизни ўзимиз хоҳлаган ҳолда яратишига, ер ости, ер усти бойликларимизни мустақил тасарруф этишга эга бўлдик. Беқиёс моддий ва маънавий салоҳиятимизни намоён этишга, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашга, улкан марралар сари дадил қадам ташлаш бахтига мушарраф бўлдик.

Мустабид тузум даврида Ўзбекистон деб аталмиш гўзал диёрни ҳеч ким билмас эди. Юртимиз қандай улкан ва ноёб бойликлар макони, азиз-авлиёлар, буюк алломалар, олим ва мутафаккирлар Ватани эканини, қандай бетакрор мерос, қандай улуғ зотларнинг ворислари эканимизни билсак-да, ҳеч қандай янгилик қила олмас, уларнинг ворислари эканлиги билан фахрлана олмас, ҳатто улар қолдирган бой мероси намуналаридан фойдалана олмас эдик. Аждодларимиз яратган беқиёс намуналар ёқиб юборилар, уларни ўқиган кишилар эса жинойий жавобгарликка тортилар эди. Шарқ уйғониш даври алломаларидан тортиб Амир Темур, жадидчилик ҳаракати аъзоларидан бўлган Бехбудий, Фитрат, Мунаввар Қори каби мутафаккирларнинг барчаси қораланар, улар яратган асарлар йўқ қилинар эди. Шунингдек, миллий қадр-қимматимиз, барчамиз учун муқаддас диний қадриятларимиз, урф-одатларимиз писанд қилинмасдан,

аёвсиз тарзда топталганини айтишни жоиз, деб биламан.

Ўзбекистондек гўзал диёримиз мустабид тузум даврида фақатгина хомашё етказиб берадиган иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта якка ҳокимлиги ҳалокатли тус олган ўлкага айлантирилган, собиқ иттифоқ ҳудудидаги энг қолоқ аграр республика бўлиб қолган эди. Шу сабабли ҳам халқимизни боқиш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлар иқайсидир давлатлардан олиб келинган. Мустабид шўролар тузуми ҳукмронлик қилган охирги пайтларда юртимизда атиги бир ҳафта-ўн кунга етадиган озиқ-овқат заҳираси қолганини, элимиз деярли очарчилик ҳолатига келиб қолганини кексаларимиз кўзларида ёш билан эшлашади.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шу кундан бошлаб давлатимиз шахдам қадамлар билан мустақил давлатлар қаторига қўшилди. 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар ташкилотига аъзо бўлди. 2001 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига қўшилди.

Таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Марказий Осиёда ягона автомобиль заводи ҳам 1996 йилда Ўзбекистонда қуриб ишга туширилганлиги, шу билан биргаликда, мамлакатимиздаги меҳнат ресурслари Марказий Осиё давлатлари жами меҳнат ресурсларининг 60 фоизини ташкил этаётганлиги мен каби ёшларда фахр туйғусини уйғотади. Бундан ташқари, 2015 йил якунларига кўра Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Шу билан бигаликда, 2015 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 8 фоизга ошди, аҳолининг реал даромадлари эса 9,6 фоизга кўпайди. Энг асосийси, 2015 йилда “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” рейтингда Ўзбекистон 44-ўринни, МДҲ давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади.



Юртимизнинг залворли ютуқлари 25 йил ичида амалга оширилган ишларнинг самараси деб ўйлайман. Шу билан биргаликда, Ўзбекистонда 2015 йилда 980 мингта иш ўрини яратилган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 990 мингтага етиши кўзда тутилган. Аҳолига янги иш ўринларини яратиш билан уларнинг бандлигини таъминлаш, оилалар фаровонлигини ошириш назарда тутилган.

Мустақилик йилларида таълим тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Дастурга мувофиқ таълим тизими қайтадан ислоҳ қилинди. Хусусан, ўқув муассасалари жаҳон талабларига жавоб берадиган қилиб қайтадан таъмирланиб, қурилиб, жиҳозланди. Мамлакатимиздаги мактаб ўқувчилари жаҳон олимпиадаларига чиқишлари учун йўллар очилди. Бундан ташқари, чекка-чекка қишлоқларда ҳам ёшлар учун касб-ҳунар коллежлари қуриб битказилди. Ёшлар хоҳлаган ҳунарни эгаллашлари учун барча шароит яратилди. Биргина 2015 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллеж битирувчилари учун 480 мингта иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасига ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи йўналтирилмоқда. Эндиликда биз бундай ғамхўрликга жавоб берадиган ҳозирги глобаллашув жараёнида билим-иқтидоримиз билан Ватанга нафи тегадиган кадрлар бўлиб етишишимиз керак деб ўйлайман. Зеро, мустақиллик бизга берилган бебаҳо неъматдир.

Мамлакатимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Агар юртимиз тинч бўлса, ёшларнинг кўзлари эртанги кунга умид ва ишончдан порлаб шижоат билан боқади, ҳар доим улуғ, бунёдкорлик ишларига ўзини қодир деб ҳисоблайди, Ватаннинг шарафига шарф, обрўсига обрў қўшай дейди.

*Малика ЭРГАШЕВА,  
Оқтош тадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар  
коллежи ўқувчиси*

## **КОНСТИТУЦИЯ – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА**

Истиклол фарзандлари бошига дўппи ярашган халқнинг, илдизи буюкларга туташган заминнинг озодлиги ва ободлигидир. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Бош қомусимизда белгиланганидек, давлатларнинг суверен тенглиги каби принципларга асосланади.

Бугун Ўзбекистоннинг жаҳонда ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатиб қўяётган ёшлар чинакам истеъдод эгаларидир. “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”, деб таъкидлайди Президентимиз. Бизнинг кучимиз – билимимизда, билимимиз – эзгу ишларимизда, донолигимиз – ҳар бир ишга виждонан ёндашишимиз, ҳозиржавоблигимизда, бахтимиз эса буларнинг барчасини бурчимиз деб билиб, уни адо этишимизда намоён бўлади.

Конституция менинг ҳаётимда ҳам муҳим ўрин тутади. Конституциявий ҳуқуқларимдан фойдаланган ҳолда 2011 йил “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи совриндори бўлдим. 2012 йил “Оила – менинг қутлуғ боғим” танловида ўз ижодий ишларим билан қатнашиб, вилоят босқичида ғолиб бўлдим. 2013 йил эса “Китобсеварлар” кўрик-танловида оиламиз билан фаол иштирок этиб, 3-ўринни қўлга киритдик. 2014 йил “Конституция – бахтимиз пойдевори” расмлар ва иншолар кўрик-танловининг республика босқичида “Энг фаол иштироки учун” фахрий ёрлиғи билан тақдирландим. Танловда “2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили” мавзусида ёзган иншоим энг яхши деб топилди.

Конституция – давлатнинг асосий қонуни. Унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари кафолатланди. Давлатнинг бошқарув шакли ва ҳудудий тузилмаси, ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органларини ташкил этиш тизими ҳамда уларнинг ваколати белгиланди. Шунингдек, қонунчилик ва ижро органлари, суд ҳокимияти органлари, сайлов тизими белгилаб қўйилди.

Конституция – инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг юксак ифодаси. Унда давлатдан олдин инсон биринчи ўринга қўйилди. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятлар деб эълон қилинди. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясида IX аср охирида яшаб ижод этган Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарлари маънавий асослардан бири саналади. Чунки ўз даврида бу асарлар давлатни одилona бошқариш, мамлакат осойишталигини сақлаш, халқ манфаатларини ифода этишга қаратилган эди. Кучли ижтимоий сиёсат юритиш учун эса Амир Темурнинг “Куч – адолатда”, деган сўзлари шиор қилиб олинди. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини билиши, бурчларини адо этиши, унинг вазифаси эканлиги ўз аксини топган. Конституция жамият юксалишининг нурафшон йўлида маёқ вазифасини ўтаб келмоқда.

“Оз-оз ўрганиб доно бўлур”, – дейди донолар. Конституциявий ҳуқуқларимизни билишимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий омилidir. Билим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқимиз бўлганлиги туфайли Ўзбекистоннинг бахтиёр болаларига айландик. Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги аёлларнинг давлат бошқарув органлари, сиёсий партияларда фаол иштирокини таъминлади. Жамият ривожига ўзининг муносиб ҳиссаси

бўлишига имкон яратди. Аёлларнинг ўз иш ўрнига эга бўлишида турли ташкилотларнинг ҳам хиссаси бор. Жумладан “Тадбиркор аёл” уюшмаси тадбиркорликни йўлга қўяётган аёллар учун кўмак бериб келмоқда.

Оила – жамиятнинг асосий бўғини. Унда фарзандлар – миллатимиз, давлатимизнинг келажаги камол топади. Конституциямизда оила учун алоҳида боб ажратилган. Жумладан, Конституциянинг 64-моддасида ота-онанинг фарзанд олдидаги, 66-моддасида эса фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари акс эттирилган.

Шу билан бирга, Бош қомусимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла ва унинг ваколатларига алоҳида ўрин ажратилган. Бу ҳам аслида фуқаролик жамияти асосларини, демократия тамойилларини ривожлантиришнинг, мустақамлашнинг ёрқин ифодаси. Бош қомусимизда тарихий маданий ёдгорликларни асраб-авайлашимиз кераклиги айтилган. Биз, ёшлар бу вазифани ҳам қадриятларимизни улуғлаган ҳолда бажарамиз. Конституцияда атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кераклиги айтилган. Ўзимиз яшаётган юрт ободлиги, мусаффолиги биз учун шараф аслида.

Биз Ватанимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлаган ҳолда ўз олдимизга қуйидаги мақсадни қўйишимиз ва уни бажаришимиз керак: “Менинг йўлим – эзгулик йўли, мен умрбод халқимга, Ватанимга хизмат қиламан ва шу йўлда ниятимга етаман”. Мен Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан, ўз ҳуқуқ ва бурчларим борлигидан ва ушбу иншомни Конституциямизни ўрганган ҳолда она тилимизда ёзаётганлигимдан фахрланаман.

*Нодира ҒОЗИЕВА,  
Гулистон академик лицейи ўқувчиси,  
Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори*

## **ОБОД ШАҲРИМ ГУЛИСТОНЛАРИ**

Тарихни билиш биз учун ҳаётий заруратдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Тарихини унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади! Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ”.

Ўтмишда яшаб ўтган алломаларимиз ва уларнинг тараққиёт йўлида кўрсатган улкан илмий ва амалий салоҳиятлари билан жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган. Биз бундай буюк бобокалонларимиз билан фахрланиб, уларга муносиб издош бўлишга интиламиз.

Бугун халқимиз она юртимизнинг буюк тарихидаги ҳақиқатан ҳам биз учун энг улуғ, энг азиз бўлган Ватанимиз мустақилликка эришган санасини катта шоду хуррамлик билан нишонлаш арафасида турибди.

Биз, ёшлар тарих ҳақиқатини тўлалигича ўрганиб, биздан кейинги авлодларга ҳам етказиб беришимиз керак. Тарихимиздаги оғриқли даврлардан ҳам хулоса чиқариб яшаш лозим. Яхши кунларнинг, бугунги дориламон, тинч ҳаётнинг қадрига етиш учун ўтмишнинг оғриқли лаҳзаларини назардан четда қолдирмаслик зарур.

Иккинчи жаҳон уруши даврида халқимизнинг бошидан ўтказган оғир мусибатлари барчамизга аён. Бобожоним овозида титроқ ва чуқур хўрсиниш билан қахрамон юрт фарзандларини, яъни жасур боболаримизни эслаб, “Урушнинг номи ўчсин”, – дер эди. Бугун эса, урушдан омон қайтган боболаримиз тинч, осойишта, фаровон ҳаётимиздан икки қўлларини дуога очиб, шукрона айтадилар.

Демак, тарихдан сабоқ чиқариб яшашимиз керак экан. Тарихни, кимнинг авлоди эканлигини унутиб, ундан тўғри сабоқ чиқариб яшамайдиган одам ўз йўлидан адашади. Биз учун тарих бамисоли кўзгу эканлигини англаб олсак, мустақилликнинг қадрига кўпроқ ета оламиз.

Давлатимиз раҳбарининг мустақиллик ҳақида шундай сўзлари бор: “Кимки мустақиллик йилларида Ўзбекистон кўлга киритган муваффақиятларни кўрмоқчи бўлса, аввало одамларнинг, халқимизнинг юзига, кўзига қарасин. Мактаб, лицей ва коллежларда таълим тарбия олаётган болаларнинг чехрасига боқсин”.

Бу фикрлар ҳар доим ўз тасдиғини топиб келмоқда. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, барча обод масканлар билан бир қаторда Гулистонимиз ҳам ривожланиб, кўркига кўрк, чиройига чирой қўшилиб, юксалиб бормоқда. Албатта, бу ҳар биримизнинг қалбимизни ғурур, ифтихорларга тўлдирса не ажаб. Олдинги чўлу ботқоқликлардан асар ҳам йўқ. Кундан-кунга гўзаллашиб, чирой очиб, ўз номига монанд шаҳар бўлиб бормоқда. Яхши яшаш учун барча шароит, имкониятлар етарли. Шаҳримизда саноат корхоналари, умумтаълим мактаблари, спорт ҳамда санъат мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, олий ўқув юрти, ўрта махсус таълим муассасалари, кутубхоналар, театр, стадионлар, сузиш ҳавзалари, санаториялар, даволаш муассасалари, дорихоналар, банклар аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Гулистон ёшлари эса яратилаётган имкониятлардан ўз ўрнида фойдаланиб, нафақат шаҳрим, вилоятим, балки юртим шарофтини ҳам дунёга ёйиб, ўзларига билдирилган ишончни оқлаб келмоқда.

Ёшлар қаерда, қайси соҳада бўлмасин – билим олиш, илму фан чўққиларини эгаллаш, энг замонавий касбхунарларни ўзлаштириш, бизнес соҳасини ривожланти-

ришда, спорт майдонларида Ўзбекистоннинг шухратини тараннум этишда барчага намуна бўлмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Вилоятимиздан етишиб чиқаётган, спортнинг шахмат турида ном қозонган Сарвиноз Қурбонбоева, спортнинг ТАЕКВОН-ДО ITF турида ўзини кўрсатиб келаётган Дилбар Холжигитова шулар жумласидан саналади. Шу каби ватанпарвар ёшларнинг ютуқлари эса сўзсиз қалбимизни қувончга тўлдирди.

Бундай бахтли ҳаётни халқимиз кўп йиллар давомида ҳавас ва орзу қилиб яшаган эди. Мен ҳам энг бахтли ёшлардан бириман, дея баралла айтаман. Мустақиллик биз учун эркин ҳаёт кечириш, ўз иқтидоримизни ва салоҳиятимизни ишга солиш ҳамда қандай кучқудратга эга эканлигимизни кўрсатиш имкониятини берди. Мен ҳам иқтидорли ёшлар қатори Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бу ҳам, шубҳасиз, истиқлолимиз шарофати.

Хулоса ўрнида шуни келтирмоқчиманки, республикамизнинг қайси вилояти, қайси бир шаҳри, тумани ёки қишлоғида бўлманг, Истиқлолнинг 25 йиллиги байрамига тайёргарлик қизғин суръатда олиб борилаётганини гувоҳи бўламиз. Байрам шодиёналари олди-дан битказиладиган мустақиллик объектларида жадал даражада иш давом этмоқда. Маҳалла ва хонадонларда ободончилик тадбирлари амалга оширилмоқда. Деярли ҳар бир кўча-ва хиёбонларда мустақилликни, халқимиз қўлга киритган улкан ютуқларни мадҳ этувчи осма паннолар тобора кўпаймоқда. Муҳими, халқимизнинг байрамни кўтаринки кайфият ва катта қувонч, келажакка кучли ишонч билан кутиб олаётганини янада завқли.

## **УШАЛГАН ОРЗУ**

Ортада қолаётган ҳар бир кун бизни энг улуғ ва энг азиз айём – юртимиз мустақилликни қўлга киритган санага борган сари яқинлаштириб келмоқда.

Диёримизда Мустақиллик байрами халқимиз томонидан кенг нишонланиши она диёримиздаги тинчлик, осуда ҳаёт ва барқарорликнинг ёрқин намунасидир.

Истиқлол биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини янада улуғлаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш бўйича илгари хаёлимизга ҳам келмаган катта имкониятларни яратиб берди.

Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ҳар томонлама жадал суръатлар билан ривож топиб, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган давлатга айлангани республикамизда амалга оширилаётган оқилона ислохотлар самарасидир. Мустақиллигимизнинг ўтган 25 йили том маънода муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида жамиятимизнинг барча жабҳаларида ривожланиш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, халқаро майдонда давлатимиз нуфузини юксалтириш ва энг муҳими, тинчлик, осойишталик барқарор бўлган эркин фуқаролик жамиятини қуриш даври бўлди. Бунда истиқлолнинг нақадар улуғ неъмат эканлиги, шу улуғ ва муқаддас юртимизда ўтаётган тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизнинг қадрига етиш, уни авайлаб-асрашдек улуғ ғоя ва мақсад ётибди.

Истиқлол дея аталувчи бебаҳо неъматнинг қадр-



қимматини янада чуқур англашимизда, амалга оширилаётган ислохотлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар замирида халқимизнинг заҳматли меҳнати ётганини яна бир бор англаб етишимизда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мустақиллик туфайли халқимиз барча соҳаларда жуда улкан муваффақиятларга эришди.

Буни ижтимоий соҳалар, хусусан, биргина тиббиёт тизимидаги ютуқларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, ўтган қисқа даврда мамлакатимизнинг барча ҳудудида, шаҳарлардан тортиб, энг олис, чекка қишлоқларда ҳам аҳоли, хусусан, она ва бола, оилаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ҳамда қўлами замонавий даражага етди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами-ни кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилди. Улар мустаҳкам моддий-техника базаси билан таъминланди.

Президентимизнинг қарорида соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича ана шу каби беқиёс имкониятларни аҳолига тушунтириш вазифаси алоҳида белгилаб қўйилган. Ушбу соҳадаги ислохотлар аҳамияти, ташкилий-ҳуқуқий асосларининг мазмун-моҳиятини теран ва самарали англаш биз, ёшлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Бугун дунё харитасида мустақил давлатлар кўп, аммо уларнинг айримлари тинч-барқарор эмаслигидан барчамиз оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлиб турибмиз. Давлатлар ўртасида ўзаро манфаатлар тўқнашуви натижасида юзага келаётган турли сиёсий низолар, терроризм, наркотрафик ва бошқа хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги таҳликали замонда юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаётнинг қадр-қимматини янада чуқурроқ англамоқдамиз. Шу нуқтаи назардан юртимизда барқарор бўлиб турган ушбу азиз неъматни, миллат-

лараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш олдимизда турган энг долзарб масалалардан биридир. Мустақиллик байрамига бағишланган тадбирларда, тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолига шу масалаларнинг моҳиятини сингдириш, уларни доимо огоҳ, сергак бўлиб яшашга ундаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Таъкидлаш керакки, ўтган йиллар ичида юртимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида, халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши ва онг-шуурида жиддий ўзгаришлар юз берди, одамларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортганлигини кўриш мумкин. Халқимизнинг фидокорона меҳнати ва истиқлолнинг илк йилларидан тўғри танланган оқилона сиёсат натижасида бугун Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган “Бутунжаҳон бахт индекси”да Ватанимиз 158 мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани барчамизнинг қалбимизга ғурур ва ифтихор туйғуларини бағишлади.

Мухтарам Президентимиз қарорида келтирилганидек, айни шундай ютуқ ва муваффақиятларимизнинг туб моҳиятини очиб бериш, бунга ниманинг ҳисобига эришилаётганини ватандошларимиз орасида кенг тарғиб этиш барчамиздан янада фидойилик талаб этади.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда бутунлай янги шароитда, мустақиллик руҳида камол топган янги авлод вакиллари шаклланди. Истиқлол байрами муносабати билан ташкил этиладиган тадбирларимизда замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган тарғиботларда фаол иштирок этиш зарур.

Шу билан бирга, катта авлод вакиллари иштирокида ҳозирги фаровон турмушимиз ва мустақилликдан олдинги шароитларни ҳаётий мисоллар билан таққослаш, айниқса, мустақилликка эришиш йўлида халқимиз бошидан кечирган воқеликлар, истиқлолнинг дастлабки йилларида босиб ўтилган машаққатли йўлнинг моҳиятини ёшларимиз идрок этишларига эришиш энг муҳим вазифаларимиздандир. Бу борада республикаимиз мустақиллиги тарихининг бекиёс манбаси бўлган Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари биз учун яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда мамлакатимизни чуқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш йўлида босиб ўтилган машаққатли йўлни келажак авлод онгига чуқур сингдиришда муҳим манба бўлиши шубҳасиз.

Қолаверса, бугунги ҳаётимизда рўй бераётган янгиланишлар, миллий тараққиёт моделимизда устуворлик касб этган кучли ижтимоий сиёсат тамойилининг самараларини, хусусан, хотин-қизларга, кекса авлодга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг аҳамиятини айни ушбу қатлам вакиллари орасида кенг тарғиб этишда янада ташаббускор бўлмоғимиз керак.

Бугунги тинч-тотув ҳаётимиздан, мамлакатимиз ва халқимиз эришаётган ютуқ ва муваффақиятлардан мамнун бўлиш баробарида, эртанги ёруғ кунларимиз, Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга бўлган ишончимиз янада ортди.

Дарҳақиқат, Истиқлолимизнинг ўтган 25 йили том маънода муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида жамиятимизнинг барча жабҳаларида ривожланиш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, халқаро ҳамжамиятда давлатимиз нуфузини юксалтириш ва энг муҳими, тинчлик, осойишталик барқарор бўлган эркин фуқаролик жамиятини қуриш даври бўлди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан бу йилги байрамни “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида кутиб олаётганимиз замирида, туб моҳиятида ҳам мустақилликнинг нақадар улуғ неъмат эканлиги, шу улуғ ва муқаддас Ватанда ўтаётган тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашдек, улуғ ғоя ва мақсад мужассамдир.

Шу боис, халқимиз, айниқса, ёшлар орасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида, маънавий-тарбиявий тадбирларда, аввало, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг кадр-қиммати, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислоҳотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини етказиш, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англатиш, юртдошларимизни янги марралар сари руҳлантиришда таъсирчан услуб ва воситалардан фойдаланишимиз зарур, деб ўйлайман.

*Мафтуна ШОДМОНҚУЛОВА,  
Янгиер тиббиёт коллежи ўқувчиси*

## **ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН**

Ватанни болаликда бошқача ҳис қиламиз. Улғайган сари бизнинг бу ҳис-туйғуларимиз янада аниқроқ туюлади. Савол бера бошлаймиз: Ватан ўзи нима? Нима учун бу қутлуғ ва азиз сўзни айтганда бутун юрагимизни, бутун вужудимизни ёқимли меҳр чулғаб олади?

Бу қутлуғ сўз қандай мўъжизга эга эканки, туғилганимиздан тоабат жисму жонимиз унинг риш-тасига боғланади? Она ва фарзанд ўртасидаги меҳру муҳаббат каби мустаҳкам ришта жон ила боғлангандай. Шуларни ўйлаганда, Ватаннинг онага қиёсланиши бежиз эмас экан-да, деймиз беихтиёр.

Ўзбекистон – ҳар фасли ўзгача тароватли ва бир-биридан гўзал, осмони мусаффо, замини саховатли, қуёшли ўлка, ризқ-рўзи зиёда юртим.

Яна савол кўнгилда такрорланади: Ватан нима ўзи? Рости, изоҳлолмайман. Мунисим, мулойим чехрали онам, кадрдон ва меҳрибоним отам, болалигимда бизлар соясида ўйнаган боғлар, дарахтлар, ариқлар кўзим ўнгига келади. Жамбилу райҳон иси урилади димоғимга. Ёз кунларида челақлаб сув сепилган ши-нам ҳовлидан кўтарилган намхуш, ёқимли ҳаво...

Чор тарафдан эшитилган қўшни-қўшниларнинг суҳбатлари, туну кун биз қараб тўймаган осмон, чопқиллаб тинмаган ер...

Ватан нима эканини сўраган юракка унинг ўзи жавоб эмасми?! Ҳа, ўйлаб қарасам, у менинг юрагим экан.

Томирларимга ҳаёт бағишлаб турган, йўғимни бор, боримни зиёда қилиб, умидимни порлатиб, эртанги иқболимга ундаб турган юрагим экан, Ватан...

Мехр сўзи айтилиши билан, аввало, меҳрибон она-жонимиз кўз олдимизга келади. Айниқса, ўзбек оналари чиндан ҳам Ватан каби фарзандларига парвона. Ўзбек оналарига хос бўлган оқибат, фарзанди учун ўзини бағишлаш, ўзбекона муҳаббатнинг таърифи бормикин ўзи?

Шукрки, юртимиз тинч, мусаффо осмон остида азиз диёримизни обод этиб, унга муносиб фарзандлар бўлишга интилиб келажагимизга катта ишонч билан униб-ўсаяпмиз.

Бетакрор, тўрт фасли ҳам гўзал беқиёс бу мамлакатда яшамоқликнинг ўзи бир бахт, олий саодатдир. Эрта тонгни яхши кайфият билан кутиб олиш, тинчлик, осудаликнинг қадрига етиб, ўқиш, меҳнат қилишнинг гашти ўзгача, тоза, озода ва обод масканлар – замонавий ўқув даргоҳларида таҳсил олаётиб кўнглимизда шукроналик ҳиссини туямиз. Биз дунёдаги энг бахтли мамлакатнинг бахтли ёшларимиз, бизга берилаётган имкониятлар, яратилаётган шароитлар эса ҳеч қайси мамлакатда йўқ. Мустақиллик бизга ана шундай неъматларни тухфа этди.

Биз бағрида яйраб ўсаётган юртимизни чин юракдан севамиз, унинг онадай меҳрибонлигини ҳар куни, ҳар лаҳза ҳис этамиз, бизнинг ҳам унга меҳримиз ортади. Фарзанд улғайиб камолга етгач, ота-онасини эъзозлайди, оғирини енгил қилиб, ниманики яхши кўрсалар шу нарсаларни бу азиз инсонларига муҳайё қилгиси келади. Доим ширин, меҳрли сўзларини улар учун атайди, аямайди. Уларнинг дилини оғритмайди, ҳимоя қилади. Ватанга муносабатимиз ҳам шу гўзал ҳаётий мисолга ўхшайди аслида. Ҳеч ким ота-онасини биров кимга алишадими? Йўқ, албатта. Ота-она фарзандини жонидан ортиқ кўрганидай фарзандлар ҳам ота-онага худди шундай меҳр-оқибат, муҳаббат ришталари билан боғланган. Ватанни ҳам ҳеч нарсага, дунёнинг бойликларига алишиб бўлмайди. Ватан ҳар бир инсон учун

ягонадир, тупроғи муқаддас. Бу тупроқ учун қанчадан-қанча аждодларимиз жонини тиккан ахир! Юртимизнинг ҳар бир қарич ери бебаҳо.

Мустақиллик бизга бебаҳо неъматлар, кенг имкониятлар берди. Бетакрор замин - Ўзбекистонимизнинг жаҳон билан бўйлашиб мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритаётгани, унинг обрў-эътибори юксалиб бораётгани барчамизнинг ютуғимиздир. Бу ҳам бўлса, биз энг улуғ, энг азиз неъмат деб атаган мустақилликнинг тухфасидир.

Халқимизда “Она юртинг омон бўлса, рангу рўйинг сомон бўлмас”, “Булбул чаманни севар, одам Ватанни” каби мақоллар бежиз айтилмаган экан. Бу теран ва ҳаётий исботини топган нақллар ҳар биримизни Ватанни қадрлашга ўргатади, сабоқ беради. Ватанни қадрига етмасдан, хориж юртларда сарсон бўлиб, пушаймонликда, доғда қолганлар бугун ҳам йўқ эмас. Сўнгги пушаймондан не фойда, халқ нақлларининг мағзини чақиб, ўз вақтида амал қилиш керак.

“Биз – буюк юрт фарзандларимиз!” Буни ўзларига шиор қилиб олган ўзбек ёшлари бугун бутун жаҳон бўйлаб ўзбекнинг кимлигини, унинг доврўғини дoston қилмоқдалар. Ҳар бир соҳада илғор, маънавиятли бу ёшларнинг орзу мақсадлари ҳар қачонгидан улуғ, йўллари равон. Чунки уларга, маррани каттароқ ол, ёнингда мен борман!” дея Юртбошимиз турибдилар. Иқтидоримни намоён қиламан, Ватан равнақиға ҳисса қўшаман деган ҳар бир ёшға барча имкониятлар эшиги очиқ, барча шароитлар яратилган, демак, биз ёшларнинг бурчи эса ҳар қанча фахрлансак, бундай эътиборға меҳнатимиз, аъло ютуқларимиз билан жавоб бермоқликдир.

Ватан, мен сенинг қизингман! Бахтим, орзу ва умидларим камоли сен билан. Юрагим, қалбим сенга бахшида, кундан-кун юксалиб бораётган қадрў қийматинг, обрў-эътиборинг эса ифтихоримдир.

*Динора РАЖАБОВА,  
Ширин энергетика ва маиший  
хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи.*

## **МУҚАДДАССАН МУСТАҚИЛ ВАТАН**

Дунёга келган ҳар бир боланинг вояга етиши, камол топиши, яшаши ва ҳақиқий инсон бўлиши учун маълум бир жой бўлиши лозим. Бу жой бизнинг Ватанимиз ҳисобланади. Вояга етар эканмиз, Ватанга бўлган муҳаббатимиз тобора кучайиб боради. Ундан йироқда бўлишни ўйласак қалбимизда кўрқув, ҳадик пайдо бўлади.

Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Онамиз бизни вояга етказди, ўзи емай бизга едиради, ўзи киймай бизга кийдиради. Шу боис онамизга бўлган меҳримиз ва муҳаббатимиз бекиёсдир. Ватан ҳам худди онамиз каби кўнглимиз тусаган нарсани муҳайё қилади. Шу сабабли ҳам онани Ватанга, Ватанни эса онага қиёслаб “Она Ватан” дея атаймиз.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ёшларга жуда кўп шароитлар яратиб берилди. Жумладан, янги-янги коллежлар, лицейлар, мактаблар қурилди. Ватан бизга шунча нарсани қилиб берди. Шундай экан, аввало, ўзимизга савол берайлик “Биз Ватан учун нима қилдик?”. Шундай инсонлар борки, яхшиликка ёмонлик деганларидек, Ватан олдидаги бурчларини унутиб, унги хиёнат қиладилар. Ватанга хиёнат энг катта гуноҳ ҳисобланади. Иймони, инсофи бўлган одам ҳеч қачон Ватанга хиёнат қилмайди. Ҳатто, бу ҳақида ўйлашга ҳам ботина олмайди. Шу боис, Ватанни севмоқ иймондандир.

Мен Ўзбекистон дея аталмиш бу гўзал, жаннатмакон юртда туғилганимдан ва шу юртда яшаётганимдан жуда бахтлиман. Унинг жаннатмисол боғлари,



шарқироқ сойлари, қир-адирлари, хуллас, бу юртнинг ҳар бир нарсаси мени ўзига боғлаб туради. Ватанга бўлган муҳаббатим беъқиёсдир. Мен Ватанимни ҳеч қандай олтину зарларга алишмайман.

Ҳар биримизга мана шундай гўзал, тинч ва осуда юртда туғилишдек бахт насиб этган экан, шу сабабли ҳам она Ватанимизни кўз қорачиғимиздек, асраб-авайлаш, унга чин кўнгилдан хизмат қилиш ҳар биримизнинг энг олий ва энг муқаддас бурчимиздир.

Ватан остонадан бошланади. Ватан – инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган табаррук маскан. У аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан – кенг ва кўп миқёсли тушунча. Ватанни, киндик қонимиз томган диёр моҳиятини, унинг кадр-қимматини теран англаш учун биз биринчи галда юртимизнинг бой ва қадимий тарихини, унинг жўғрофияси, иқтисоди, сиёсати, маданияти ва асрлар давомида шу ерни гулла-тиб-яшнатиб келаётган халқимизнинг урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзи ва қадриятларини яхши билишимиз лозим. Ватан шу қадар муқаддаски, халқимизнинг ҳар бир урф-одат ва қадриятига Ватан туйғуси сингдирилган. Масалан, оналаримиз бешигимиз бошида эл-юртига муносиб фарзанд бўлсин, душманлардан қўрқмасин деган мазмунда аллалар айтган. Ота-боболаримиз ҳар гал дуо қилганида юртимиз тинч бўлсин, дея ният қилган. Ёки қадимда ўз диёридан йироққа кетаётган аждодларимиз мадад бўлади, деб бир кафт Ватан тупроғини олиб юрганлар. Ватаннинг моҳиятини тўла идрок этиш, ундан айрилиш шарт эмас, балки инсоннинг қалби, виждони уйғоқ бўлса, у доимо ҳақиқатнинг моҳиятини билишга интилиб яшаса, шуни ўзи кифоя. Ватанни англаш ҳам бир умр давом этадиган узлуксиз жараён дир.

Одам ота-онасини танлай олмаганидек, Ватанни ҳам танлай олмайди. Албатта, Аллоҳ одамга Ватанни

музликлардан ҳам, саҳролардан ҳам, чангалзорлардан ҳам ато этиши мумкин. Лекин сиз билан бизга Аллоҳ Ўзбекистон деб аталган, тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса тоғи бор, боғ деса боғи бор, ҳар тонгда булбуллар мадҳини ўқиб тамоm қилолмайдиган бир юртни Ватан қилиб берган экан, бунинг учун ўзимизни бахтли деб билмоғимиз керак. Президентимиз айтганларидек, шукроналик билан яшамоғимиз лозим...

Ҳар ким она Ватани тимсолида дунёдаги энг гўзал ва бетакрор юртни ўзининг ҳақиқий бахтини кўради. Ўзбекистон деб аталмиш жонажон юртимиз дунёнинг гўзал, латофатли юртларидан биридир.

Ватанни англаш ҳам бир умр мулоқотда бўлиб яшайди. Биз ҳар гал ўлкамиз баҳори, ёзи, кузи, қишига рўбаро келганда, унинг тоғу тошлари, дарё-ю ўрмонлари, бепаён далалари, тарихий обидалари, обод шаҳар-у қишлоқларини кўрганда, кўнглимизда янги-янги туйғулар пайдо бўлади. Шунинг учун инсон ўз атрофидаги нарса-ҳодисалар билан доимо мулоқотда бўлади. Ана шу мулоқот унинг туйғуларини бойитади, тасаввурларини кенгайтиради. Инсон ўз Ватани билан ҳам бир умр мулоқотда бўлиб яшайди. Энг қувончли ёки қайғули дамларида ота-онасини эслагани каби Ватанини ҳам ёдга олади. Она юртининг хурсандчилик ёки ташвишли кунлари учун ўзини бурчли деб билади. Биз буни Ватан олдидаги фарзандлик бурчи деймиз. Ана шу бурч туйғуси ота-боболаримизни юртимиз озодлиги учун даъват этган. Бу туйғу Ватанни англашда алоҳида ўрин тутади.

Ватаннинг ҳар бир гиёҳи, ҳар бир заррасида катта сир-синоат, катта ҳикмат бор. Уларни англаш учун биз доимо билимга интилиб, ғофил эмас, бедор, лоқайд эмас, огоҳ бўлиб яшашимиз керак. Биз Ватанимизни озод ва мустақил, гўзал ва бетакрор, қадимий деб таъриф этамиз. Бу таърифларнинг ҳар бири юртимиз ҳақидаги кўпчилик

томонидан эътироф этилган ҳақиқатларни акс эттиради. Лекин бу ҳақиқатларнинг ҳар бирини ўзимиз мустақил равишда юрак-юракдан ҳис этишимиз, чин дилдан англашимиз керак. Шундагина биз она диёримизнинг қанчалик озод, қанчалик мустақил, қанчалик гўзал ва бетакрор эканини ҳис этамиз. Бу ҳис-туйғу бизни Ватанимизни бутун вужудимиз билан севишга ундайди, бизга мадад беради.

Бугунги кунда бизлар тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, аввало, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демакратик давлат ва фуқоролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз.

Ўзбек халқи азал-азалдан ўта ақли, узоқни кўра оладиган, етти ўлчаб бир кесадаган, меҳмондўст, ширинсўз, кексаларни эъзозлайдиган, ёшларни қадрлайдиган халқ. Шу сабабли ҳам аجدодларимиз биз ёшларга ўзбек халқи қандай бўлганини билиш учун кўплаб манбалар қолдирган. Баланд миноралар, китоблар, тошларга битиклар, турли ҳунармандчилик ёдгорликлари шулар жумлапсидан.

Мустақиллик ҳаммамиз учун қадрли. Усиз юрт, юрт эмас, халқимиз эса давлатлар тан олган ўзбек бўла олмас эди. Юртни биз ёшлар юксалтиришимиз керак, чунки биз давомчилармиз. Бу шундай юртки, унда ёшлар учун имкониятлар эшиги доимо очик. Ҳар куни жамиятнинг турли соҳаларида муваффақиятга эришяётган ёшларимиз, жаҳон марраларини забт этаётган юртдошларимиз ҳақида хабарларга эга бўлмоқдамиз. Бугун ёшларимиз орасида ўз иқтидори, салоҳияти, билими ва интилишлари билан жаҳон ҳамжамиятида ўз иқтидорини намоён этиб, ёруғ келажагини барпо этаётгани, Ватан ва халқимиз шарафини ҳимоя қилаётганлари жуда бисёр. Бунинг амалий исботи сифатида шу йили Таиландда математика фани бўйича

Ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган 56-жаҳон фан олимпиадасида мамлакатимиз вакиллари Сардор Бозорбоев, Жамшид Яхшиев ва Аббос Муҳаммедов бронза медалига сазовор бўлишгани, шунингдек, Хуршид Жўраев ва Русланбек Озодбоевлар фан олимпиадасининг фахрий ёрликлари билан тақдирланишганини кўрсатишимиз мумкин. Буларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган изчил ёшлар сиёсатининг амалга оширилиш жараёнига эътибор, уларнинг салоҳиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турли соҳалардаги ташаббусларни қадрлаш натижасидир.

Инсоният неча минг йилларда шаклланди. Улар йиллар давомида кўп машаққатларга дуч келди. Ўзбек халқи эса ўз қадриятларини, ота-онани ҳурмат қилиш, оила муқаддаслиги, урф-одатларини йўқотмасдан шу кунга қадар етиб келди. Бизда оила муқаддаслиги, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғулари қонқонимизга сингиб кетган. Инсонни қадрлаш, уни ҳимоя қилиш, тенг ҳуқуқлик, бунинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Инсонлар бу юртда жаннатда яшаётгандай яшашади. Чунки, тонгда уйғонганимизда кушлар овозини, кундузи эса болалар хуш кулгуларини эшитамиз. Бу биз учун буюк ифтихордир.

**Атҳам СУҲРОБОВ,**  
**Ховос темир йўл транспорт коллежи ўқувчиси,**  
**Ўзбекистон “Адолат” СДП Ховос туман**  
**кенгаши фаоли**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Аввало, шуни айтишим керакки, инсон қадрининг улуғланиши, албатта, ўз самарасини беради. Мустақиллик йилларида олиб борилаётган ислохотлар натижасида юртдошларимизда ҳаётга бўлган ишонч ва қизиқиш кучайганини кўрамиз. Бу эса уларнинг эртанги кунга бефарқ эмаслигини яққол ифодалайди.

Мамлакатимизда ўз фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар ҳам ёшлар камолотида катта роль ўйнамоқда. Ёшларнинг ҳар жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши, аввало, уларнинг қандай камол топишига боғлиқдир. Шу маънода юртимиз ёшлари учун яратилган имкониятлар чексиз. Бу азиз Ватанда азиздир, инсон! Ушбу ибора Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросининг қалбида уриб турган юраги мисол ҳаётимизга ҳамоҳанг демакдир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан ҳуқуқий маданиятга боғлиқлиги ҳақида алоҳида таъкидланган.

Шу боис бугун мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, ҳуқуқий билим тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишга долзарб масала сифатида қаралаяпти. Бу аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эр-

кинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, фуқароларда қонунга ҳурмат ва итоаткорлик туйғусининг янада ортишига хизмат қилади. Одамлар бир-бирларининг қонуний ҳуқуқларини ҳам ҳурмат қилиши зарур.

Республикамизнинг барча жойларида ҳуқуқий тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Бу нимага олиб келади? фуқароларнинг маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширади, қолаверса, фуқаролик позициясини мустаҳкамлайди.

Шу маънода Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида ўтказилаётган кўплаб тадбирларни мисол қилиб келтиришимиз айни муддаодир. Чунки фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, мажбурият ва бурчларини яхши билиб олишлари зарур. Ҳуқуқини билган одам бошқаларга ҳам ибрат бўлади, янглишмайди. Бунда мутахассисларнинг тарғибот ишлари алоҳида аҳамиятга эга, уларнинг маърузалари бу борада фуқароларга ҳуқуқий билим беради. Юртимизда инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига асосланган миллий ҳуқуқий тизим яратилган, Конституциямизда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши қатъий белгиланган.

Фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган кўплаб қонунлар қабул қилинган. Айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий таълим тизими шакллангани, ҳуқуқий мавзуга оид махсус журналлар ва газеталар нашр этилаётгани ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга

Йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон “Адалот” социал-демократик партиясининг дастурида ҳам илгари сурилган “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун” тамойилига амал қилган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш ва мазкур тамойил тагида чуқур маъно борлиги юқорида билдирган фикрларим ифодасидир.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтлар, жумладан, Омбудсманнинг роли катта аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган ислохотлар натижасида ёшларга берилаётган имкониятлар кўп. Ёшларга оид давлат сиёсати янада такомиллашганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ҳозирги кунда “Камолот” ИҲ Сирдарё вилояти “Саломатлик ва экология” марказининг лойиҳа координатори бўлиб фаолият олиб бормоқдаман. Ушбу фаолиятим юзасидан мен ўз тенгдошларим билан доимий мулоқотда бўламан. Айнан инсон ҳуқуқлари ва уларнинг манфаатларини ҳимоя этаман, чунки мен шу юртнинг фарзандиман ва жамият таянчиман.

Биргина сўз билан айтганда, ҳар бир ўзбек йигиткизида Ватан ҳиссини туйиш ва уни ардоқлаб яшаш учун барча имконият мавжуд.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Ёшлар бизнинг таянчимиз, эртанги кунимиз эгалари”. Ушбу сўзларни такрор ўқиганимда мен шу юртда туғилганимдан бахтиёр эканлигимга яна бир карра амин бўламан. Чунки биз озод ва обод юртнинг шижоатли ёшларимиз. Мамлакатимизнинг биздек ёшлари бор экан, республикамиз тараққиётга қараб одимлайверади. Зеро, инсон ҳуқуқлари олий қадрият, юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Буларнинг бари бардавом экан, “Куч – адолатда” бўлади.

*Маржона НЕЪМАТУЛЛАЕВА,  
Ховос транспорт касб-хунар  
коллежи ўқувчиси*

## **ЯГОНАСАН, ВАТАНИМ!**

Дунёда халқлар кўп. Бу халқларнинг ҳар бири ўз урф-одатига, ўз дунёқарошига эга. Дунёда шундай бир халқ борки, унинг кўнгли очик, юраги меҳрга тўлиқ, юзларидан нур ёғилар, икки кўли доим кўксиди. Ўғлонлари мисли Алпомиш, қизлари эса Барчиндек. Ўзбек қизлари ҳақида гапирилганда, албатта, уларнинг ҳаё ва ибоси бошқа халқларнинг қизларига намуна қилиб кўрсатилади. Ерга чўп қадасанг, дарахт унар бу заминда. Бу юрт Ўзбекистон дея аталур. Унинг халқи бетимсолдир. Бугун уни дунё танимоқда. У ҳар томонлама ривожланмоқда. Бу давлат таърифидан ҳайратланмай иложи йўқ. Тарихида шундай алломалар ва даҳолар ўтганки, уларнинг номларини бутун курраи замин билади.

Ўзбекнинг урф-одатлари ҳар қандай кишининг ҳайратини оширади. Тўй-томоша ва байрамлари қандай ўтишидан қатъи назар, бошқа халқлардан фарқли ўлароқ, буларнинг бари ёшу қарилар, ёру биродарлар, қўшни-қариндошлар билан нишонланади. Хурсандчилик ҳаммага бирдек татийди. Бу, албатта, бизнинг ягона ва бетакрор она Ватанимиз ҳақида гап кетаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Ўзим мисолимда гапирадиган бўлсам, мен ҳар куни эрта туриб уйимиздан кўриниб турадиган табиат манзараларига қарайман. Шунда гўзаллиги, мағрурлиги ва сўзсиз туриши билан ниманидир уқтираётгандек туюлади. Менинг онгим, шуурим, қалбим уларни илғаб олади-ю, аммо айнан нима эканлигини тушунтириб бераб ол-



майман. Биламан, асрий орзу ва армонларга, минг йиллик тарихга гувоҳ она табиат. Мен ҳақиқатда табиатдан Ватанни севишни ўргандим. Табиатга тикилиб улардан шуни англайман. Бу табиат бизга Ватан. Бизга ризқ ва куч берадиган илоҳий неъмат. Билдимки, улар ҳам қора кўз қўшниларим, маҳалладошларим, ватандошларим каби менга азиз.

Инсон Яратганнинг ҳукми билан қайси маконда туғилса, вояга етса, унга ўша жой Ватан бўлади. Ватанда инсоннинг авлод-аждодлари, давлати ва халқи билан боғлиқ анъана ва ўлмас қадриятлар шаклланади. Инсон нафақат ўз юртининг ери ва ҳавоси, суви ва табиатидан фойдаланади, балки Ватан инсон учун бебаҳо бойлик, Ватаннинг борлиги одамга беқиёс кучқудрат, ғайрат-шижоат бахш этади. Чунки инсоннинг энг покиза ва муқаддас туйғулари ўзи туғилган, вояга етган замин – Ватани бағрида уйғонади. Киши қадрдон юртида ўзини озод ва эркин ҳис қилади. Шунинг учун халқимиз “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл” дейди. Демак, ўз юртимизда оддий касб эгаси бўлмоқ, ўзга юртда подшоҳ бўлишдан афзал экан. Ватаннинг ўзи қанчалик бебаҳо бўлса, у билан боғлиқ туйғулар ҳам шунчалик қадрлидир. Шунинг учун Ватан туйғуси инсоннинг доимий эҳтиёжи, абадий туйғулар даражасида гавдаланади. Бу туйғу қанчалик мукамал бўлса, инсон шунчалик баркамолдир.

Мустақиллик – бу миллат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи. Мустақиллик – бу ўзига беқлик. Мустақиллик бу – орзулар рўёби.

Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати. Бу заминда табиий бойликлар, унумдор ерлар, қудратли иқтисодий ва илмий техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди. Ўзбекистон – ўзига хос мустақил тараққиёт йўлида танлаб олган давлат. Бу йўл жаҳонда “ўзбек модели” деб тан олинган ривожланиш йўлидир.

Истиклолнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан жамиятни ислоҳ этишнинг чуқур илмий асосланган қуйидаги беш тамойили вужудга келди.

Биринчи тамойил – иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги;

иккинчи тамойил – давлат – бош ислоҳотчи;

учинчи тамойил – жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги;

тўртинчи тамойил – аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш;

бешинчи тамойил – бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади.

Ўзбекистон тарихи Буюк ипак йўли каби қадимий савдо йўллари туташган, қизғин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни кечган ҳудуд – Марказий Осиёнинг марказида жойлашган. Ана шундай қулай ўрин бугунги кунда ҳам узоқ-яқин мамлакатларни ўзаро боғлаб турувчи кўприк бўлиб келаётган халқаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимизнинг “Шарқ дарвозаси” дея таърифланиши бу ҳақиқатнинг ёрқин тасдиғидир.

Юртбошимиз айтганидек, “миллат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар”. Шу маънода, 2005 йилнинг 13 майида бўлиб ўтган Андижон воқеалари бизни янада ҳушёрликка чорлади. Бизнинг халқимиз ўз бошидан оғир кунларни ўтказганда ҳам ўзининг бағрикенглиги

билан анчадан-қанча етим-есирларнинг бошини силаган. Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом ўз шеърида тасвирлаган миллий ғуруримиз эзгуликнинг тимсоли эканлигини, менинг халқимга хос эканлигини қалбан ҳис этаман. Она алласи билан таралган, пойқадамларимиз чизилган заминнинг фарзанди эканлигим билан фахрланаман. Ўз жонидан яратгани учун ҳам она яхшию ёмон боласини тишида тишлаб ўтади. Ватан ҳам ўшандай бағри кенг. Қадамларингни кўксига қўйиб, суйиб яшайди сени.

Унинг ўтмиши, меҳнатсевар халқи, олимлари, адиблари, рассомлари, хонанда ва созандалари, бунёдкор ёшлари бизнинг энг қадрли бойлигимиздир. Дарҳақиқат, ёшлар ҳақида гап борар экан, биз ёшлар юртнинг келажагимиз. Ҳозирги кунда ўзбек ёшларининг йўли ҳар томонлама очиқдир. Ўқишга кириб, олий даргоҳларга таълим-тарбия олиш ва истаган жойида ўзининг иш фаолиятини давом эттириш имконияти мавжуд. Айниқса, спорт соҳасидаги ютуқлар салмоқлидир. Телевизор қаршисида бирор мусобақани кузатадиган бўлсак, унда ҳам юртимизнинг ғолиб бўлиб, юксак поғоналарга кўтарилганини, байроғимизнинг юқорида виқор билан ҳилпираётганини, давлатимиз мадҳияси янграётганини кўрсак, ғурурдан осмон қадар парвоз қиламиз. Чунки ўзга юртда ўз юртининг, халқининг ғурурини кўкларга кўтариш осон юмуш эмас. Ёш авлод Муҳаммадқодир Абдуллайев, Рустам Қосимжонов, Ирода Тўлаганова, Миржалол Қосимов каби бир қанча таниқли спортчиларга ўхшашни чин дилдан истайди. Юртимизда спорт соҳасига жуда катта эътибор берилганки, ёш авлодни ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом тарбиялаш мақсадида “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада”каби спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

Яна бир нарсани ишонч билан айтишим лозимки, коллежимизда таълим олишимиз учун барча шарт-

шароит етарли, ўқитувчиларимиз дарсни қизиқарли ва мазмунли тарзда олиб борадилар. Коллежимиз ўқувчилари ҳам ҳар йили бўлиб ўтадиган спорт мусобақаларида, олимпиадаларда фахрли ўринларни олиб қайтишади. Бунга мисолларни кўплаб келтиришим мумкин. Санаб адогига етолмайсан киши. Қолаверса, мустақилликка эришганимиздан кейин барча соҳаларда ислохотлар амалга оширилди.

Соғлом турмуш тарзини мукаммаллаштириш мақсадида йиллар ўзига хос номланиб, бир-бирини тўлдириб борди. “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Қарияларни қадрлаш йили”, “Обод маҳалла”, “Меҳр-мурувват йили”, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”... Мана бу йил ҳам шу анъанани давом эттирган ҳолда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани фикримнинг яққол исботидир.

Ўзбек халқи меҳнаткашлик, меҳмондўстлик, мардлик, ориятлилик, ватанпарварлик, саховатпешалик, меҳр-оқибатлилиқ, мағрурлик фазилатлари билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Тарихдан маълумки, ўзбек халқи бировга ҳеч қачон бўйин эгмаган, ўзининг озодлиги йўлида курашган. Аждодларга муносиб ворис бўлиш, Ватанни рози қилишга интилиш бизнинг бурчимиздир. Ватан розилиги эса аввало, унга муносиб фарзанд бўлиш орқали адо этилади.

Муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек, биз ўз аждодларимиз билан фахрланиш билан чекланиб қолмаслигимиз керак, бизлардан ҳам келгуси авлодлар фахрланиб, ғурурланиб юрсинлар. Менимча, бунинг учун биз катта масъулиятни ҳис қилмоғимиз, ўз аждодларимизга муносиб издошлар бўла олишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Биз асл кимлигимизни англадик. Амир Темур босқинчи эмас, бизнинг буюк бобокалонимиз, бунёдкор, адолатпарвар шахс ва

довюрак саркарда, Алишер Навоий бобомиз сўз мулкининг султони, ўзбек халқини “Хамса” достони билан дунёга танитган мутафаккир эканини, бизга Ватан соғинчини ўз ҳаётидан келиб чиқиб тушунтириб берган, ўзга элни обод қилиб доврўғ қозонган шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур, юлдузлар ҳақида талайгина маълумот қолдирган Мирзо Улуғбек, тиббиёт илмига асос солган, жаҳонга машҳур табиб Абу Али ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, ат-Термизий каби кўплаб аждодларимиз аслида ким бўлганини англадик. Биз мана шу боболарнинг наслимиз, уларнинг ворисларимиз. Улар орзу қилган, Қодирий, Чўлпонларга армон бўлган ҳаётга биз етишдик. Уларнинг руҳи шод бўлиши учун мустақиллигимизни умрбод асрайлик. Ғуруримизни қайта поймол қилишларига йўл қўймайлик.

Ҳар тонг порлоқ орзулар сари ишга, ўқишга отланамиз. Қани, айтинг-чи, замондош, инсон учун бундан ортиқ бахт борми дунёда? Биз ҳозир ўз она тилимиздан ташқари чет тилларни ҳам мукамал ўрганмоқдамиз. Илоҳим, Тангрининг ўзи мустақил диёримизни, келажакимизни, бахтимизни ўйлаб яшаётган она халқимизни ва Юртбошимизни ўз паноҳида асрасин!

## **БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!**

Юртимизда мустақиллик йилларининг ҳар кунида кенг қамровли ислоҳотлар давом этмоқда ва унутилмас воқеалар, бунёдкорликлар, янгиланишлар юз бермоқда. Булар ҳар бир юртдошим каби менинг ҳам қалбимни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирмоқда. Шундай кезларда Президентимизнинг қуйидаги сўзлари эсимга тушади: “Биз Мустақилликка осонликча эришганимиз йўқ. Буни унутманглар ва унутишга йўл қўйманглар”.

Ҳа, биз улкан муваффақиятларга Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбек модели”, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби дастурий тамойилларни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этаётганимиз учун эришмоқдамиз. Бир энергетик сифатида соҳамизда олиб борилаётган ислоҳотларда иштирок этаяпман. Шукрки, мамлакатимиз энергетика мустақиллигига эришди, энди ҳеч бир давлатга энергетика соҳасида қарам жойимиз йўқ.

Ўтган йилларда “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” тамойили асос қилиб олинганига, ҳалол меҳнат қилган ҳамкасбларим, юртдошларим кадр-қиммати улуғланганига гувоҳ бўлдим.

Аввало, тақдиримга Ўзбекистон деган жаннатмонанд юртда туғилиш, униб-ўсиш, меҳнат қилиш, унинг истиқлолга эришганини кўриб қувониш, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни жадаллаштириш ва жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшишдек бахт ёзилгани учун Яратганга шукроналар келтираман.

Бизнинг энг катта бойлигимиз – юртимизнинг тинчлиги! Мамлакатимизнинг шу бебаҳо бойлигини авайлаб-асраш учун ҳар биримиз ҳар куни фидокорона ўқишимиз, ишлашимиз, изланишимиз, яратишимиз керак.

...1991 йил 1 сентябрь куни мустақиллигимиз эълон қилинганига бағишланган йиғин ўтказилган. Ўша кунгача гузарда бунча кўп одам тўпланмаган. Барчанинг юзида қувонч. Маҳалламизда узоқ йиллар раислик қилган Раҳимхожи ота Мустақиллик байрами билан табриклаганда, айниқса, кўпни кўрган нуронийлар кўзларига қувонч ёшлари келган.

Улар “Шукр, Ватанимизни озод кўриш насиб этди, энди орзу-ҳавасларимиз рўёбга чиқади”, дея кўлларини дуога очишгани, кейин бир-бирларини бағрига босиб муборакбод этишгани кўз олдимда турибди. Ўша кун гузаримизда байрам дастурхони ёзилди, Мустақиллигимиз абадий бўлсин, юртимиз гуллаб-яшнасин, дея қанчадан-қанча эзгу тилаклар билдирилди деб айтиб берганди бобом. Бундай қувончли кунни унутиб бўларканми!

Халқимиз “Маҳалла – Ватан ичидаги Ватан!” деб бежиз айтмайди. Чиндан ҳам халқимизда дунёдаги ҳеч бир мамлакатда қиёси йўқ маҳалла бўлиб яшаш анъанаси бор. Президентимиз ташаббуси билан шу қадриятларимиз тикланди ва амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ҳозир маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтига айланди. Эндиликда маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолият доираси кенгайиб бормоқда. Яъни, маҳаллада кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари ғояси ўз ифодасини топмоқда. Бу маҳаллаларимизнинг кун сайин обод бўлишини таъминлаяпти. Бу жараёнлар давом этади, маҳалланинг юртимиз юксалишига қўшадиган ҳиссаси ошиб бораверади. Шу боис юртимиз тинчлиги, фаровонлиги ва тараққиётига катта ҳисса қўшаётган

маҳаллаларимизнинг тажрибасини ўрганиш учун ҳали ривожланган давлатларнинг вакиллари келишади, бизнинг обод ва фаровон маҳаллаларимизга ҳавас қилишади.

Мустақилликкача ўзбек аёлининг қўли косов, сочи супурги эмасмиди? Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида ўзбек аёлининг кадр-қимматини жойига қўйиш, оғирини енгил қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялашига кенг имкониятлар яратиш, истеъдодини рўёбга чиқариш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб келинаяпти ва бу самараларини бермоқда. Бугун ўзбек аёли сенатор, депутат, вазир, суд раиси, катта ташкилотларнинг раҳбари, ихтирочи, мураббий-ўқитувчи, ишбилармон фермер, халқаро танловлар ғолиби, чемпион, Зулфия номидаги давлат мукофоти лауреати... Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони бўлганлар ҳам бор. Истиқлол туфайли улуғланган, Ватанимиз равнақига, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган шундай бахтиёр аёлларимизни кўрганда ғурурим осмон қадар юксалади.

1991 йил 31 август. Аждодларимизнинг орзу-армонлари ушалган, ўзбекнинг кўксига шамол тегиб, мустақиллик деган буюк неъматга етган энг гўзал кун. Бу – бир юз ўттиз йиллик қарамликдан сўнг қўлга киритилган буюк ғалаба. Бу – тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилажак энг қутлуғ сана.

Ҳар биримизнинг ҳаётимизни, ҳар биримизнинг тақдиримизни, ҳар биримизнинг тарихимизни тубдан ўзгартириб, янгича фикрлашни, янгича ишлашни, янгича яшашни бошлаб берган янги кун. Айнан шу кундан янги Ўзбекистоннинг янги даври бошланди. Бу асрлар бўйи кутилган давр эди. Мустақиллик номи билан ўша кунидек бутун дунёга таралган бу хушxabар миллион-миллион одамлар чехрасида ой бўлиб ярқиради, қуёш бўлиб порлади. Миллион-миллион дилларни яй-



ратди, миллион-миллион тилларни сайратди. Оламни ўзбекнинг шодлиги, шодмонлиги, чексиз бахтиёрлиги туйғулари чулғади. Ўзбек ўзини, ўзлигини англаш бахтига муяссар бўлганлигидан бениҳоя қувонганлигини айтмайсизми?! Буни сўз билан ифода этишга ожизлик қиламан.

Тарихдан маълумки, истиқлол бирон-бир миллатга шунчаки ҳадя қилиб берилмаган. Истиқлол жангу жадал билан олинган. Бу йўлда қанчадан-қанча эрксеварлар қурбон бўлишган.

“Хуррият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила олиб бўлмас, фақат қон ва қурбон илагина олиб бўлур, – деб ёзади Мунавварқори Абдурашидхонов. – Ҳазрат Одам Атодан шу вақтгача ҳеч бир давлат ва мамлакатда хурриятнинг берилгани, қон ва қурбонсиз берилгани тарихларда кўрилмайдур”.

Чиндан ҳам ўтган асрнинг бошларида ота-боболаримиз хуррият учун олиб борилган жангларда ўзларини аямаганлар, жон олиб жон берганлар. Миллатни уйғотиш ва уни мустақиллик учун курашишга даъват этишда фидойилик кўрсатганлар. Ана шулардан бири жадидчи бобомиз Абдурауф Фитрат бўлган.

Гап мустақиллик ҳақида борар экан, у бизга ўз-ўзидан қучоқ очиб келмаганлиги хусусидаги далилларни дастак қилиб, кўпроқ ва кенгроқ фикр юритмоғимиз лозим. Бўбёрада давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари жуда катта тарихий аҳамиятга эга. У энг ишончли манба сифатида 1989-1992 йиллар оралиғида мустақиллик учун олиб борилган азоб-уқубатли курашларнинг моҳиятини кўз ўнгимизда бутун бўй-басти ила яққол намоён этади. Янги тарихимизнинг чуқур ўрганилиши керак бўлган саҳифалари билан таништиради. “Тарихий бурилиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратиши”ни янада теранроқ англатади. Ана шунда мустақилликни қон тўкмасдан қўлга киритиш учун ҳар

қандай таҳдидга, ҳар қандай зарбага қарши тура олиш қудрати-ю, метин иродаси билан майдонга чиққан Юртбошимизнинг маънавий-сиёсий комиллиги, до-вюраклиги, чидам ва саботи, фавқулодда топқирлиги бутун кўрку камоли ила ярқираб кўринади.

Худди мана шу хислат ва фазилатлар уйғунлиги унинг – давлатимиз раҳбарининг шахс сифатидаги ро-лини белгилашда ҳам ниҳоятда муҳимдир. Айни пайт-да бу уйғунлик тиниб-тинчимас, фидойи ва жасорат-ли инсон, буюк ишлар жиловини тутган безовта қалб эгасининг босган ҳар бир қутлуғ қадами мисолида ҳам ёрқин кўриниб турибди. Шу ўринда фахр ва ифтихор билан айтиш мумкинки, мустақил ҳаётимизнинг ўтган йигирма тўрт йили эътироф этишга арзигулик бўлиб, барча соҳаларда эришган ютуқларимиз билан ҳақли равишда гурурлансак арзийди.

*Ирода АБДУРАИМОВА,  
Боёвут қишлоқ хўжалик касб-ҳунар  
коллежи ўқувчиси*

## **ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ**

Ватан... эрта тонгдан булбуллар мадҳини куйловчи жаннатмонанд гўша, чоллари чойхонада гурунглашиб ўтирувчи файзли маскан, чўп қадалса азим дарахт бўлиб ўсувчи муқаддас тупроқ, беғубор болаларнинг шодон кулгуси, ўғил-қизлари қўлни қўлга бериб, фақат юксак мақсадлар учун курашувчи оппоқ орзулар макони, эрк ҳиссидан улғайган фарзандлар иқболининг нурли қўрғони, уларнинг бахти ва саодатидир. Биз мана шу элда дунёга келамиз, униб ўсамиз, камолга етамиз. Ватан тақдири бизнинг тақдиримиз, Ватан масаласи бизнинг масаламиздир. Барчага маълумки, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ёшлар қўлидадир. Биз, ёшларга мана шундай масъулиятли вазифа топширилган экан, ҳамиша ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, буюк келажак сари улкан қадамлар ташламоғимиз зарурдир. Негаки, юртга хизмат энг шарафли бурчдир.

Ватан туйғуси ҳар бир фарзандга она алласининг бетакрор жозибаси орқали сингади. Ватан туйғуси, Ватанга бўлган муҳаббат ҳеч қачон сўнмайди, у ҳамиша боқий ва абадий бўлади.

Ватан остонадан бошланади. Ватан – инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган табаррук маскан. У аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан – кенг ва кўп қамровли тушунча. Ватанни, киндик қонимиз томган диёр моҳиятини, унинг кадр-қимматини теран англаш учун биз биринчи галда юртимизнинг бой ва

қадимий тарихини, унинг жўғрофияси, иқтисоди, сиёсати, маданияти ва асрлар давомида шу ерни гулла-тиб-яшнатиб келаётган халқимизнинг урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзи ва қадриятларини яхши билишимиз лозим. Ватан шу қадар муқаддаски, халқимизнинг ҳар бир урф-одат ва қадриятига Ватан туйғуси сингдирилган. Масалан, оналаримиз бешигимиз бошида эл-юртига муносиб фарзанд бўлсин, душманлардан қўрқмасин деган мазмунда аллалар айтган. Ота-боболаримиз ҳар гал дуо қилганида юртимиз тинч бўлсин, дея ният қилган. Ёки қадимда ўз диёридан йироққа кетаётган аждоқларимиз мадад бўлади, деб бир кафт Ватан тупроғини олиб юрганлар. Ватаннинг моҳиятини тўла идрок этиш, ундан айрилиш шарт эмас, балки инсоннинг қалби, виждони уйғоқ бўлса, у доимо ҳақиқатнинг моҳиятини билишга интилиб яшаса, шунинг ўзи кифоя. Ватанни англаш ҳам бир умр давом этадиган узлуксиз жараён дир.

Ватан озод ва мустақил бўлса, унинг бағри жаннат бағридек файзли, одамлари бахтли бўлади. Шунинг учун Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигига унинг ҳар бир фарзанди масъул. Инсон учун она ягона бўлгани каби ватан ҳам битта дир. Шу боис ватанпарварлик олий фазилат саналади. Ватанга хиёнат эса ҳеч қачон кечирилмайди.

Ватанпарвар инсонларнинг номи халқ, миллат қалбида абадий яшайди. Ватанпарварлик – соғлом эътиқод, юксак дунёқараш маҳсули. Бинобарин, миллий истиқлол мафкуриси ватанни эътиқод билан севишга, ватанпарварликни онгли фаолиятга айлантиришга хизмат қилади. Айниқса, халқимиз дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш учун интилаётган ҳозирги кунда бу фазилат ғоят муҳим ахамият касб этади.

Биз ёшлар бор кучимизни, заковатимизни, ақл-

идрокимизни, хатти-ҳаракатларимизни мана шу юрт истиқболи учун бахш этмоғимиз лозим. Бегамлик, лоқайдлик иллатидан йироқ бўлиб, фақатгина шу юрт ишқи билан ёниб яшомоғимиз зарур. Зеро, келажак ёшлар қўлидадир. Қувонарлиси, деярли ҳар куни қўли биланд келаётган маҳоратли спортчиларимиз шарафига қайси бир мамлакатда давлатимиз мадҳияси янграётганидан, байроғимиз кўтарилаётганидан фахрланамиз.

Дунёдаги энг гўзал сўз ва таърифлар Ватан шаънига айтилади. Энг буюк ғалабалар Ватанга бағишланади. Эътибор берсак, жаҳондаги машҳур спортчи ва санъаткорлар ўзлари эришган ютуқ ва совринларини катта ғурур-ифтихор билан Ватанга бағишлаганини маълум қилади.

Ватанни ҳеч қачон тўлиқ тавсифлаб бўлмайди. Уни таърифлаш учун сўз ожиз. Унинг тасвирини чизиш учун қалам ҳам қодир эмас. У беқиёсдир. Киши ундан йироқлаша олмайди, усиз яшаб ҳам бўлмайди.

*Билол РУСТАМОВ,  
Термиз давлат университети талабаси*

## **ҚИШЛОҒИМГА ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ФАЙЗ**

Отамнинг деганлари: Бундан 20 йилча бурун қишлоғимизда атига 3 та хонадонда машина бўларди. Улар ҳам ойда-йилда бир шаҳарга тушар. Хуллас, бу автомашиналардан қишлоқ аҳлига ҳеч қанақа наф тегмасди. Шу боис одамлар 35-40 чақирим олисда бўлган туман марказига бориш учун 7 километр йўлни яёв босиб, қўшни қишлоққа боришар ва шу жойдан бир кунда тўрт маҳал қатнайдиган ягона автобусга ўтириб шаҳарга жўнашарди. Қишлоқ одамлари асосан шаҳарга етиштирган маҳсулотларини сотиш ёки бозордан нимадир харид қилиш учун боришади. Шундай экан, етти чақиримлик йўлни ҳеч нарчасиз ёки енгилроқ юк билан енгил мумкиндилов, бироқ 50-100 кило юкни елкада кўтариб боришнинг иложи йўқ. Шундай пайтда қишлоқ одамларининг асосий улови эшак эди. Бозорга сотмоқчи бўлган ёнғоқ, майиз, олма, узумларни эшакка юклаб, қўшни қишлоққача борардик-да, эшакни йўл четидаги бирор-бир дарахт шохига боғлаб, автобусга ўтириб шаҳарга кетардик. Автобус ичидаги тикилинчани айтмайсанми? 30-40 кишига мўлжалланган жойга 70-80 киши кириб олгандан кейин тик туришга ҳам жой қолмасди. Тўғриси, бир оёқда тик туриб кетган пайтларимиз ҳам кўп бўлган. Шундай кезларда сотиш учун олган ҳўл меваларимизнинг анчаси оёқ остида эзилиб, яроқсиз ҳолга келарди. Бозорга етиб олгач бир амаллаб, маҳсулотни тезроқ сотиб, мўлжалдаги нарсаларимизни харид қилиб ортга қайтишга шошардик. Нарх талашига фурсат йўқ. Қимматроққа сотаман деб, нарх талашсак, автобусдан қолиб кетишимиз мумкин. Бундай

қолатлар ҳам кўп бўлган. Автобустга улгурмасак тамом. Таксига ўтиришга тўғри келади. Такси эса фалон пул. Шунинг учун ҳам минг азобда етиштирган маҳсулотни арзон гаровга пуллаб, қайтардик. Бирор танишимизникида тунаб қолайлик десак, бунинг ҳам имкони йўқ. Эшак кўчада қолган. Бу ҳам етмагандек, ҳориб-чарчаб келганимизда баъзан у жонивор жойида йўқ бўларди. Қўшни қишлоқ болалари ечиб юборган эшакни излашга ҳам ярим кун вақт йўқотардик. Гоҳида бўшатиб юборилган жониворлар уйга кетиб қолган бўларди. На илож уйга бориб, оғиримизни енгил қилиши мумкин бўлган ягона уловимизни олиб, ортга қайтардик-да, юқларимизни олиб яна уйга жўнардик. Ўша пайтларда ёш эканманми, билинмаган экан. Ҳозир у азобларни эсласам, юрагим зирқираб кетади...

Отамнинг сўзларига жимгина қулоқ тутиб турган бобом гапни илиб кетадилар: сен-ку, етти чақирим йўлни айтасан. Мен шаҳаргача бўлган 40-45 чақирим йўлни от-эшакда, гоҳида эса пиёда неча минг марта босиб ўтганман. Бир кун боришга, бир кун қайтишга вақт сарфлардик. Йўлни яқин қиламиз деб адир оралаб юришга тўғри келарди. Қанча одамларнинг сотишга олиб бораётган ёки харид қилган нарсаларини йўлда безорилар тортиб олган вақтлар ҳам бўлган...

Акамнинг ҳикояси: эсимдан чиқмайди 1990 йилнинг ёзи эди. Отам эртага сени шаҳарга олиб бораман, онаси ўғлимни бир кинога олиб бораёй, маза қилсин деб қолдилар. Ўша пайтдаги хурсандчилигимни ҳозир таърифлаб беролмайман. Негаки, шу пайтгача бир марта ҳам шаҳаргаям, киногаям тушиб кўрмагандим. Хуллас, шаҳар кўриш орзуси билан ухламай тонг оттирдим. Эрталаб отамнинг қўларидан тутганча, қўшни қишлоққа йўл олдим. Ўшанда роса чарчаганман, лекин шаҳарга бориш, кино кўриш иштиёқи мени олдинга бошларди. Айниқса, йўлдаги баланд-пастликлар, тизза бўйи келадиган тупроқ, тинка-мадоримни қуритган эди. Бир

амаллаб кўшни қишлоқдаги автобус бекатига етиб кел-  
сак, аллақачон автобус жўнаб кетган. Роса кутдик авто-  
бусдан дарак йўқ. Аксига олгандек, бирорта машина ҳам  
кўринмайди. Куёш эса тобора қиздириб борарди. Шун-  
дай қилиб кун яримлаб қолганда автобус келди. Шаҳар  
деганларига келиб кўрдимки, одам дегани бу шаҳарда  
росаям кўп бўларкан. Ҳеч ким биров билан саломлаш-  
майди, сўрашмайди. Қишлоғимизда бунақа эмасди.  
Кинони илк бора ўшанда кўрганман. Чунки уйимиз-  
да телевизоримиз йўқ эди-да. Хулласи калом, кинони  
кўриб бўлиб ташқарига чиқсак, аллақачон кеч тушиб  
қолган... Бекатга келсак, одамлар келган пайтимизда-  
гидан анча сийраклашиб қолган. Машиналар ҳам жуда  
оз... қоронғи тушиб бўлди. Бир енгил машина тўхтади-ю,  
саккиз чоғли одам унга ташланди. Отам ҳам қўлимдан  
тутганча у томонга отилдилар. Ҳарқалай машинага ми-  
нишга улгурдик. Ана энди кўчада қолмай уйга етиб оли-  
шимизга ишонгандим. Лекин кўп ўтмай машина тўхтаб  
ярим йўловчи, шулар қаторида биз ҳам машинадан ту-  
шиб қолдик. Шунда билдимки, ҳайдовчи манзилига  
етиб келган экан. Яна йўл четида туриб кута бошладик.  
Қаердандир қурбақаларнинг қурулагани, чигиртка-  
ларнинг чириллаши эшитиларди. Ана шу кезде жудаям  
уйда бўлишни хоҳлардим. Ҳеч қачон шаҳарга тушмас-  
ликка ҳам рози бўлганман ўшанда. Узоқдан хира нур та-  
ратиб келаётган автомашинани кўрган отам югурганча  
йўл ўртасига чиқиб қўл кўтара бошладилар. Хайрият у  
тўхтади. Юк машинаси экан. Бир амаллаб юкхонасига  
чиқдик. У бизни бугун тушда автобусга чиққан бекат-  
гача олиб келди. Машинадан тушганда юришга умуман  
ҳолим қолмаганди. Шу жойнинг ўзида бўлса ҳам ётиб  
ухлашга рози эдим. Отам бўлса тезроқ юришга ундарди-  
лар, қўлларида каттакон қовун. Охири уйгача боролмас-  
лигимга кўзи етди шекилли, қовунни қўлтиғига қисганча  
мени елкаларига миндириб олди. Шу алфозда ота-бола  
шаҳарга тушиб кино кўриб, минг азобда қайтганмиз...



Яқинда бошқа вилоятга бориб келган опамнинг айтган гаплари менга алланечук таъсир қилди: “Э, ана у фалончи дамасчи бор-ку, машинасига ўтиргандик, яқин қолганимизда “уйингизгача олиб бормайман”, деб, ҳовуз бошида туширмоқчи. Уйгача ҳайданг десам, унибуни баҳона қилади. Мен ҳам бўш келмадим, уйингизгача олиб бораман деганмидингиз, энди олиб борасиз, деб туриб олдим. У деди, бу деди, ахийри мен ютиб чиқдим, дарвозамизгача олиб келди. Тўғри қилибманми? Олдинига “Ўтиринг, опа, уйингизгача обориб қўяман” дегандан кейин ваъдасида турсин-да”...

Ўйлаб қолдим. Ҳовузнинг боши деган жойдан уйимизгача бўлган масофа нари борса 500-600 метр, борингики, узоғи билан 800 метрлар чиқар. Аммо бир километрга етмаслиги аниқ. Қишлоққа қатнайдиغان турли русумдаги енгил автоуловларнинг умумий сони қирқтага етиб қолади. Мижозни оғдиришнинг энг осон йўли эса “Ўтиринг, уйингизгача обориб қўяман”, дейиш-да.

Мен юқоридаги фикрларни келтириш орқали истиқлол йилларида қишлоғимизда рўй берган юксалишлардан бирини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим. Хурлик, истиқлол! Сен келдинг-у, наинки, катталар, болажонлар қалбига ҳам қувонч инди. Меҳнаткаш халқимнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлди. Кийик зўрға қадам ташлаган тоғлар бағридан темир излар ўтди. Бу излар узра елдек учиб бораётган тулпорлар нафақат шу юрт одамларини, балки дунё аҳлини ҳайратга солмоқда. Она юртимизнинг, хурлик, истиқлол билан бирга келган бахтига кўз тегмасин. Биз ёшлар эса азиз Ватанимизни асраб-авайлаб, унинг равнақига ҳисса қўшайлик.

*Маҳбуба РАЖАБОВА,  
Музработ ижтимоий-иқтисодий касб-хунар  
коллежи ўқувчиси*

## **ВАТАНИМ, КОРИНГГА ЯРАСАМ ДЕЙМАН**

Ватан – табаррук маскан! Ватан – уриб турган юрагимдир у! Ватан – кўзларим оқу қораси, қаламим наърасидир у! Ватан – товонимни тилган зирапчадир у! Ватан – юзларим силаётган шамолдир у, майин тўкилаётган шаббода Ватан! Тошлардан тошларга урилиб оқаётган дарёдир Ватан! Хув анави сайроқи булбулдир – Ватан! Матонат тимсоли тоғлардир – Ватан, гўзаллик қиёси боғлардир Ватан! Деҳқон бобом манглайида захматдир – Ватан, боғбоннинг қаварган кўлидир Ватан! Онажоним алласи сўзидир – Ватан! Кўкдан кулиб боққан қуёшдир – Ватан! Мағрур бошин кўтарган хумодир – Ватан! Ёш авлод кўзида чакнаган қувончдир – Ватан, нуроний кексалар дуоси – Ватан!

Ватан – таърифингга тилим лолдир, қанча куйласам ҳам, шунча оздир. Жажжи юрагим тўхтамас сени севишдан, сени таърифингга сўзлар топишдан.

Бугун ўлкам жамолига боқиб тўймайман ҳеч ҳам, унинг кўрку таровати ақлим шоширар. Шу тобда таърифидида сўзлар ахтариб, маржондек чизаман зарҳал чизгилар!

Қалбимдаги сўзларим, шеърларим асли, сен учун аталган баҳор нафаси, бор байти борлигим ўзинг, кўзларимга тўтиё муқаддас Ватан.

Ватан деганда биз фақат юртимиз тупроғини эмас, балки унинг заминидида бўй кўрсатган гиёҳдан тортиб, дарё-ю сойлари ва тоғу тошларигача, камтар, меҳнаткаш, фидойи, мард одамларидан то энг митти жониворларигача ўзимиз туғилиб, униб-ўсган макон билан боғлиқ нарсаларнинг барчасини тушунамиз. Ва-

тан тупроғидаги оддий хас ҳам, чағир тош ҳам бизга муқаддас бўлиб туюлади. Шунинг учун аждодларимиз юрт тупроғини кўзларига тўтиё этган, қайга боқса ҳам Ватан ёди билан нафас олган, уни ёт нарсалардан, шум ниятлардан ҳимоя қилган.

Ҳар бир инсоннинг Ватани унинг учун дунёдаги энг гўзал ва муқаддас макон ҳисобланади. Шунинг учун шоирларимиз она юртимиз – Ўзбекистонимизни оламда тенги йўқ ягона диёр сифатида куйлайди.

Ватан инсоннинг киндик қони тўкилган тупрок, уни камол топтирадиган табаррук маскандир. У аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан ота-боболаримизнинг хокипоклари жо бўлган замин.

Ватан инсоннинг ғурури тимсоли. Ҳар ким Ватани мисолида ўзининг, халқининг бахтини кўради. Унинг табиати, ҳавоси, одамлари ёшлигимиздан ҳар биримизнинг маънавиятимизни, фазилатимизни шакллантиришга хизмат қилади.

Ватанимиз тараққиёти ўз қўлимизда. Бизнинг барчамиз фидойи, Ватанимиз даъватига доимо тайёр турадиган муносиб фарзандлар бўлсак, унинг тараққиёти янада юксак, обрў-эътибори янада баланд бўлиши шубҳасиз.

Бу – она, Ватан, тинчлик, соғлик...

Уларни бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Она Ватан, она диёр, она юрт – инсон туғилиб ўсган киндик қони тўкилган жойни Ватан дейди. Ватанни эса дунёда биз учун энг азиз инсон бўлган онага тенглаштирилади.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг, биз ўзлигимизни, қадриятларимизни, маънавиятимизни теран англай бошладик. Ўзбек номининг шони-шавкати, ғурури дунёга танилди:

*Халқим тантилигинг ўзи бир олам,  
Юртбошинг бошингда ёниб турган шам,  
Таърифингни битиб чарчамас қалам,  
Мағрур ўғлонларинг доим бор бўлсин.*

**Мустақиллик** – аввало, халқ бирлиги ва ҳам-жихатлигидир.

Ватан озод ва мустақил бўлса, унинг бағри жаннат боғларидек файзли, одамлари бахтли бўлади. Шунинг учун Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги унинг ҳар бир фарзанди учун жон каби азиз ва муқаддасдир.

Ватан мустақил, унинг ҳудудида яшаётган халқ эркин ва озод бўлмаса, ҳеч қачон миллий тараққиёт бўлмайди. Озодлик ва мустақиллик – Ватан равнақиға эришишнинг энг муҳим шарти.

*Ҳар кимсанинг бўлсин ўзин бошпанаси,  
Ҳар кимса ўз кулбасида даврин сурсин.  
Одамни-ку айтмай турай, бу дунёда  
Ҳатто қушнинг бутоқда уни бўлсин.*

Хулоса қилиб айтганда, биз Ватанимизни қанчалик севсак, унинг хусусиятлари шунчалик ортади, бу ёруғ оламда юртимиз бетакрор ва ягона эканини ҳис эта-миз, унинг тимсолида ўзимизни, ўз бахту иқболимизни кўрамиз.

**Зебо ЯРАШЕВА,**  
*Термиз давлат университети талабаси.*

## **ИСТИҚЛОЛНИНГ МУСТАҲҚАМ ТАЯНЧЛАРИ**

Мустақиллик, эркинлик, озодлик – бу тушунчалар ҳар бир инсон қалбида ўзгача бир ҳис уйғотади. Эркинлик қандай туйғуки, инсонлар унга шунчалик интиладилар. Буюк шоир Навоий: “Олтин қафас ичра гар қизил гул битса, Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш”, деб ёзган. Оддий бир қуш олтиндан ясалган қафасдан кўра тиканли боғни афзал кўраркан, нега инсон мустақилликка интилмасин? Катта авлод вакиллари, яъни мустамлака азобини тортган инсонлар ўша кунларни хотирлаб, “Эй болам, жаннат замонда яшайсизлар, қадрига етинглар, бизнинг замонда бундай эркинлик йўқ эди, доимий хавотирда яшардик, чунки, қачон, қаердан, бошимизга нима келишини билмасдик, сизларга ўхшаб хоҳлаган жойга бориб, хоҳлаган ишимизни қила олмасдик”, дейишади.

Халқимиз бошидан кечган оғир азобли кунларнинг тугаганлиги ва юрт озод, эркин эканлиги бахту саодатимиздир. Мустақилликни нима учун энг катта бойлик деб айтамыз? Унинг қадрини ҳис қилиш учун ундан айрилиш шарт эмас. Баъзилар айтадики, жавохирнинг қадри, қўлдан кетса билинади. Ундай эмас, мустақилликни англаш учун эрқдан айрилиш шарт эмас. Оддийгина мисол билан тушунса бўлади. Масалан, бир кун калит йўқолиб, уйда қолиб кетсангиз ёки тасодифан лифтга қамалиб қолсангиз, бир кун ё бир неча соат шу пайтда хаёлингизга эркинликнинг қанчалик улуғ неъмат эканлиги келади.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлса, халқимиз фаровон яшаса, бундай юртда юксалиш,

ривожланиш бўлади. Бунинг исботини бугун кўриб турибмиз. Атрофга қаранг, яқин Шарқ мамлакатларида бўлиб турган вазиятга бир баҳо беринг. Ўша юртда яшаётган инсонларнинг кўнглига ўқиш, изланиш, тўй-томоша, байрамлар сиғадими? Йўқ албатта! Чунки уларда тинчлик деган неъмат йўқ. Бизнинг юртимизда эса осойишталик, хотиржамлик, ёруғ келажакка ишонч, эртанги кунга бўлган умид барқ уриб турибди. Ҳар кунимиз байрам, шодиёна. Зеро, тинч юртга байрамлар ярашади. Жонажон ўлкамизнинг қай гўшасига борманг инсонларда кўтаринки кайфият, янгиликка бўлган интилиш, яшашга бўлган иштиёқ, ўзаро меҳроқибат, ватанпарварлик туйғулари юз-кўзларида акс этиб турганлигининг гувоҳи бўласиз. Буларнинг барчаси Аллоҳ инъом этган истиқлолнинг шарофатидир.

Биз ўтмишда буюк зотларни етиштирган заминнинг фарзандларимиз. Бугун истиқлол туфайли, ўтмишимизни, аждодларимиз моддий ва маънавий меросларимизни, энг улуғ қадриятларимизни тикладик. Мустақиллик бизларга тинч-тотув яшаш билан бирга яна жуда кўп имкониятлар ҳадя этди. Инсоннинг шаклланишида ижтимоий омилнинг роли катта деб ҳисоблашади. Яъни инсон қанчалик яхши муҳитда ўсиб-улғайса, шунча кўп натижаларга эришади. Бугунги кунда юртимиз ёшлари эришаётган ютуқлар фикримизнинг исботидир. Уларнинг жаҳон ареналарида қўлга киритаётган ютуқлари юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар ва истиқлол туҳфа этган имкониятлар туфайлидир. Халқаро фан олимпиадаларида қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя этган ёшлар яхши шароитларда ўқиб-ўрганган, бу эътиборга лойиқ жавоб бера олган билимдон ватанпарварлардир. Мамлакатимиз таянчи ёшлар, деб айтилиши бежиз эмас. Бу таянч илм-фанни чуқур билиш ва шу орқали соҳаларни ривожлантириш, юртимизга хизмат қилишга қодир инсонлар бўлиш билан мустаҳкамланади.

**Нилуфар ҲАМРОЕВА,**  
**Қизириқ қишлоқ хўжалик касб-хунар**  
**коллежи ўқувчиси**

## **ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР**

Ватаннинг ҳар қарич ери муқаддас, дилимизга малҳам, ҳаловат, кўзимизга тўтиёдир. Ота-боболармиз ҳар лаҳзада ҳам Ватанимиз озод ҳолда яшнашини истаганлар, бунинг учун жон фидо этишга тайёр бўлишган. Ватан озод бўлмаса, унинг фуқаролари, ҳар бир хонадон аҳли қарамликда қолиши, муҳтож бўлиши тайин. Сув билан ҳаво, қуёш, нон, ота-она инсонга нақадар азиз ва муқаддас, уларсиз инсон яшолмайди. Ватан ҳам шунчалик мўътабар, балки улардан ҳам ортиқдир. Ватанни ана шундай севадилар, унинг тупроғи, дала-лар, қир-адирлари, тоғу тош, дашту чўл, саҳроларига муҳаббатимиз чексиз.

Биз бахтиёр авлодмиз. Негаки, озод, обод, ва мустақил юртимизда билим олиш, илм чўққиларини эгаллаш учун барча имкониятлар муҳайё этилган. Бу беқиёс имкониятлардан фойдаланган ҳолда биз билимли, одобли бўлиб улғайишимиз шарт. Дунёда таълим олишни фақат орзу қиладиган, бироқ ҳамон бунга етолмаган болалар қанчадан-қанча экани ҳақида эшитганмиз. Мустақил юртимизда эса бепул таълим тизими йўлга қўйилган бўлиб, мактаб, коллеж, академик лицейларда минг-минглаб ўқувчилар билим олишмоқда, илм-фан сирларини эгаллашмоқда. Болаларнинг бирортаси ҳам мактабга бормасдан қолмайди. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати билан бўлаётганлигини унутмаслигимиз керак. Бизларнинг бошимизни силаб, чексиз ардоқлаб ўстираётган халқимиз ва бағрида беминнат улғайтираётган Ва-

танзимиз олдида мудом қарздор эканимизни ҳис қиламиз. Ватаннинг табиатини, дурдоналари, осориатикаларига, бор гўзалликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишимиз лозим. Яъни унинг манзилларини янада обод этиб, яшнатиб, аждодларимиздан бизга бебаҳо мерос бўлиб қолган иморатлар, муқаддас қадамжоларни авайлашимиз керакдир. Бизнинг маънавий бойлигимиз бўлмиш миллий қадриятларимизни улуғлашимиз, ёши улуғларимизнинг ҳурматини жойига қўйишимиз шарт.

Дунёда тараққиёт билан бирга ёвузликлар ҳам борлигига бепарво қараш, эътиборсизлик қилиш тўғри эмас, албатта. Доим ўқиб-изланиш билан банд бўлган, ота-онаси, устозларидан яхши тарбия олган ўқувчи ҳар хил ёмон йўлларга кириб кетмайди, алданиб ҳам қолмайди. Бугунги кунда турли хил оқимлар дунёда тарқалиб, ёшларни ўз тузоғига илинтиришга уринаётган бир пайтда ҳушёр бўлиб, тинчлигимизни қадрлаш, Ватанимизни жон-дилдан севиб, ардоқлаш энг катта бурчимиз саналади. Бизга манфур кимсаларнинг қутқулари керак эмас, бундай қутқулар зарарлидир. Ёмон иллатлар одамларнинг тинчини бузиб, ҳаётини издан чиқариб қўяди, асло яхшиликка олиб келмайди. Бу ҳақиқатларни ўз тенгдошларимизга ҳам тушунтириб, ҳушёрликка чақириб туриш айни муддаодир.

Юртимиз озод бўлгани учун унда ҳар бир инсон катта орзу, эзгу тилак ва ишонч билан яшайди. Нимаики эзгу иш қилса, ана шу ишончини йўқотмайди. Ахир яхши ўқисак, ўз келажагимиз учун фойдали бўлади. Биз ёшлар билимдон, соғлом, баркамол бўлиб вояга етар эканмиз, қайси бир юксакликка қўл узатсак етади, албатта.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кутиб олиш учун барча жойларда байрам тадбирлари ўтаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Шу жумладан, бизнинг коллежимизда ҳам бир неча тадбир-



лар бўлиб ўтди. Шундай тадбирларда юртимизнинг мустақилликкача бўлган даврлари ҳамда истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида мутахассислар сўзлаб беришди. Биз қандай ўқиётганимиз, ўрганаётган касбимиз, ҳар биримизнинг келажак ҳақидаги тасаввурларимизга қизиқишади. Бундай тадбирлар биз ўқувчи-ёшлар кўнглида ўзгача таассурот қолдирапти. Ватанга бўлган меҳримиз, юрт севгисининг асл мазмунини, аҳамиятини чуқур тушунаяпмиз. Мустақиллик байрами бизнинг энг севимли ва муқаддас байрамимиз, бу байрамда миллий ғуруримиз янада жўш уради.

Ҳаётда ўз ўрнимни топиб, етук мутахассис бўлиб ўз орзуларимга етсам, тенгқурларим қаторида бахтиёр яшаб, Ватанимга хизмат қилсам, дейман. Бунинг учун албатта яхши ўқишим, замонавий билимларни пухта эгаллашим, устозларимнинг ишончини оқлашим шарт. Интилганга толе ёр, деб бежиз айтишмайди.

*Хадича МЕНГЛИЕВА,  
Қизириқ тумани иқтисодиёт коллежи ўқувчиси*

## МУСТАҚИЛ ФИКРЛАЙДИГАН ИНСОН

Инсонлар ўйлайдики, ҳар доим ҳам яхши кунлар, хурсандчилик дамлар инсон ҳаётида муҳрланиб қолади деб. Аммо чуқур мулоҳаза ва фикр юритиб кўрсангиз, халқимиз ўтмишида қора кунлар, бобо-момоларимиз бировларнинг буйруғини бажариб қул бўлган кунлар ҳам бўлган. Инсон боласига паст назар билан қараган зулм-кашлар, адолатсиз тузум халқимизни қанчалар қийин аҳволга солиб, азоб берганлиги, бутун бир миллатни менсимаслик кишининг ғурурини топташини кекса авлод вакиллари бошдан кечирган.

Ўша даврда бирор жойда битта болалар боғчаси қуриш учун ҳам “марказ”дан рухсат олиш керак бўлган экан. Бунинг устига “кўрмоқ бору емоқ йўқ” деганларидек, юртимиздан олиб чиқиб кетилган ер ости ва ер усти бойликларимиздан ўз халқимиз деярли фойдаланмаган, тўғрироғи, фойдаланишга йўл қўйилмаган экан. Бирор юртдошимиз куюнчаклик билан “Нега, олишни билишади, бераётганлари урвоқ ҳам эмас-ку. Нега бизга кам беришади?” деса уни “миллатчи”га чиқаришган, жазолашган.

Мустамлака даврида юртимиз фақат аграр соҳага ихтисослаштирилган экан. Далаларда асосан пахта етиштирилган, қолган экинлар жуда кам миқдорда, номигагина экилган. Боболаримиз шундай дейди: “пахта планини бажариш учун фақатгина томларимиз устида пахта экиш қолган эди, холос”. Юрт бошқаларга қарам бўлса, ана шундай кўргиликлар эл бошига тушар экан.

Қарамлик кишанлари парчаланиб кетганига чорак аср бўлди. Ўзбекистон – мустақил давлат. Энди

халқимиз ҳеч қачон кимгадир қул бўлишга, кимнингдир буйруғини бажариб юрадиган ўша машъум йилларга қайтишга ҳеч қачон рози бўлмайди. У кунлар ўтмиш қаърида абадий қолиб кетди.

Мустақилликка эришилганидан сўнг, аввало, қанчадан-қанча тарихий масканларимиз қайта тикланди ва биз ғурур билан зиёрат қиладиган, маънан куч оладиган жойларга айланди. Улар билан бирга яна кўплаб янги бинолар, ўқув муассасалари, завод, фабрикалар Ватанимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшди.

Биз истиқлол фарзандларимиз, мамлакатимизда янги авлодни баркамол қилиб тарбиялашга порлоқ келажак сари қўйилган муҳим қадам, деб қаралган. Сабабки, мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи соғлом авлодни енгиб бўлмайди. Дунёда ҳар хил таҳдидлар бор, лекин бизни алдаб бўлмайди. Чунки биз ёшларни доим огоҳликка ундаётган халқимиз бор, ҳушёр қилиб ўстираётган ота-оналар ва устозларимиз бошимизда парвонадирлар.

Асосийси, шаҳару қишлоғимизда, туман марказларида, оиладан тортиб ўқиш жойларида муҳайё этилган имкониятлардан ўз вақтида, кечикмасдан фойдаланишимиз, истиқлолни кадрлаб яшашимиз, ўқиб-ўрганишдан тўхтамаслигимиз шарт.

Ахир дунёнинг барча юртларида ҳам бундай шарт-шароитларни топиб бўлмайди, у ёқлардаги ёшларга бундай қулайликлар ҳавас ва орзу холос. Бунинг устига айрим мамлакатларда тинчлик йўқ, одамлар қўрқиб яшайдилар, қанчаси ҳаётдан бевақт кўз юмади. Бизнинг юртимиз тинч, Ватанимиз ҳеч кимга қарам эмас. Бугун мустақиллик берган имкониятларга муносиб жавоб қайтаришимиз бурчимиздир. Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига ўз хиссамизни қўшишга қатъият билан ҳаракат қиламиз.

*Моҳизода АБДУҚОДИРОВА,  
Қиргули саноат ва қурилиш касб-ҳунар  
коллежи ўқувчиси*

## **ЎЛСАМ, АЙРИЛМАСМАН ҚУЧОҚЛАРИНГДАН**

Мен жуда бахтли инсонман, чунки мен шундай озод ва обод, келажаги порлоқ, фарзандлари бахтиёр, тупроқлари олтин мисол, сувлари зар каби зилол, серқуёш юртда дунёга келдим, униб ўсдим. Шу сабабли бахтиёрлигим беқиёс.

Диёримнинг гўзаллиги беқиёс. Биз мовий осмонни доимо мусалффо, қадим бинолари яна қайта қад кўтариб, мозий садоларини янгратаётган, шаҳарлари чиройи кўзни қамаштирар даражада гўзаллашиб, келажакка пойдевор бўлаётган, қишлоқлари ободлиги дилни яйратар даражада илҳомлантирадиган, яйловларидаги майсалар эртанги кун иқболидан дарак бериб, гўё ҳаёт қўшиғини куйлаётгандай, тоғларининг қадди букилмаган, боғларида жаннат мевалари саралари муҳайё бўлган шундай ажиб бир диёрнинг гулу гунчаларимиз.

Юртим фарзандларининг униб ўсиши учун барча имкониятлар эшиги очиқ, унда барча шарт-шароитлар муҳайё. Бу замин оддий юрт эмас, Яратганнинг назари тушган муқаддас диёрдир.

Ватанимиз мустақиллигига ҳадемай 25 йил тўлади. 1 сентябрь. Ушбу сана юртимиз тарихида, халқимиз ҳаётида унутилмас бўлиб, қалбимизда абадий муҳрланиб қолган буюк кундир. Ўйгирма беш йил, бу муддат тарихан олганда кичик бир муддат бўлиб кўринар балки, лекин шу кичик давр мобайнида юртимиз мисли кўрилмаган ютуқларга, мувафаққиятларга эришгани барчага маълум.

Бу қисқа даврда юртимиз эришган даражасига жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари ҳам эриша олмаганлигини эътироф этиб ўтиш қалбимизга олам-олам завқ бағишлайди. Чунки мамлакатимиз мустақил, юртимиз тинч. Бугун Ватанимиз ҳеч кимга қарам эмас ва ҳеч кимдан кам ҳам эмас. Ўз сўзини айта оладиган, ўз ўрнига эга юрт.

Бугунги доруломон кунларни кўриб қувонсам, кечаги кунлардан қайғуга толаман. Беихтиёр тарихга назар солсам, юртимиз не кунларни кўрмади, дейсиз. Қанча-қанча зиёлиларни, олиму фузалоларни қурбон қилмади, дейсиз. Халқимизни бўйсундирмоқчи, ҳуқуқ ва эркинликларини бўғмоқчи, ўзлигидан айирмоқчи бўлдилар. Халқнинг забардаст ўғлонлари мустақилликка чорловчи, миллатни рухлантирувчи зиёлиларимиз ўз сўзларининг қурбони бўлдилар, элнинг меҳнаткаш халқи эса ҳатто, пахта далаларида лой кечиб, жон бердилар, сув ўрнига қони билан суғордилар.

Қанча оғир даврлар ҳам қадини бука олмаган менинг беғубор юртим. Сен менинг кўксимга қадалган ўқ – Қодирийимсан, йўлчи юлдуз каби ёниб турган Чўлпоним, қалбимга чўғ солган Беҳбудийимсан, дилларни титратган Фитратларимсан.

Бағринга олган не-не ўғлонларингни Ватан ишқи ила чеккан оҳу ноалари менга тинчлик бермайди асло. Қани энди қайтара олсам сенинг бору йўзингни. Юртим сенинг тилка-пора бўлган юрагингга малҳам бўла олсам қанийди. О, менинг оғир синовларда тобланган юртим!

Дарҳақиқат, халқимизнинг эртанги кунга бўлган умиди тинч, фаровон ҳаётда яшаш ва меҳнат қилиш истаги билан боғлиқдир. Шу сабабли Ватанимизда кун сайин ўзгаришлар содир бўлаётгани бизни қувонтиради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бундай улкан ўзгаришлар биз ёш авлоднинг маънавий янгилиниш ва

ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айла-нишимизни, куч ва салоҳиятимизни эзгу мақсадларга хизмат қилдиришни, ижтимоий муносабатларни, инсонийлик ғоялари асосида ривожлантириш мақсадини ўз олдимизга қўйишимиз ва ўзига хос орзу-интилишларни уйғунлаштирувчи ғояларга бирлашимизга сабабчидир.

Зеро, Ватан тупроғини асраб-авайлаш ҳар бир ўғил-қизларнинг муқаддас бурчидир.

Юртимизнинг бугунги истиқболи биз ёшларга жаҳон эшикларини очаётгани қувонарли ҳол. Бугун бизни дунё тан олди. Бугун мамлакатимиз ёшлари улкан ютуқларга эришиб, дунё саҳналарида, жаҳон майдонларида Ўзбекистон донғини дунёга таратиб, барча соҳаларда илғор, ташаббускорлик ғоялари билан катта муваффақиятларга эришмоқда.

Бугун республикамизнинг қай бир гўшасига бормайлик, унда ҳамма имкониятлар мужассам, барча шароитлар муҳайё. Бундай ютуқларни кўриб беихтиёр “Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан”, дея баралла айтгим келади. Биз ана шундай озод ва обод юрт фарзандлари эканлигимиздан фахрланамиз!

**Баҳодир ҒАНИЕВ,**  
*Фарғона шаҳар академик лицейи ўқувчиси*

## **МАҒРУРЛАНИБ АЙТАР ЖАВОБИНГ БЎЛСИН**

Эрта тонг уйқудан уйғонганимда кўёш юртимиз узра аста жилмайиб бош кўтаради, майин шаббода, қушлар овози – нақадар ажойиб! Биз – барча ўзбекистонликлар қанчалар бахтлимиз! Бизнинг айнан шу юрт тупроғида туғилиб, униб-ўсганимиз – бахтимиз! Бугун юртимиз тинч ва осуда. Ҳатто, тунда ҳам маҳаллаларимиз кундай ёруғ ва бежавотир. Истаган чоғимизда оиламиз билан боғу гулзорларга ҳордиқ чиқариш учун боришимиз, турли байрам тадбирларида иштирок этишимиз ёки ўзимиз ташкиллашимиз мумкин. Бунинг учун ҳамма шарт-шароит етарли. Юртимизнинг бугунги жамоли, тараққиёти, буюк келажак сари дадил ташлаётган одимлари истиқлол шарофатидандир. Шу ҳақида ўйлар эканман, хаёлимда шеърий сатрлар гавдаланади:

*Қайга боқмай юртда кўрарман: бахту шодлик,  
Бағрингда улғайдим, кўрмадим ҳеч қандай хўрлик.  
Толемга шукроналар минг бор айтсам кам,  
Содиқ ва ҳур фарзандингман, ўсяпман бекам,  
Она юртим, навқиронсан, бастинг буюқдир,  
Ёнингда йўлдошимиз биз ёшларинг ҳам.*

Инсон ҳаётда фақат бугуни билан яшай олмас экан, келажаги порлоқ, ўтмиши ибратли бўлиши учун ўз олдига турли мақсадлар қўйиб, режалар тузиб олдинга интилади. Мен ҳам вилоятимизнинг Олтиариқ туманида туғилган бўлсам-да, академик лицейда ўқиш иштиёқи мени Фарғона шаҳрига етаклади. Мен бу ерда ўқиётганимдан ғоят хурсандман. Сабаби, таълим

даргоҳимизда нафақат билим оламиз, шу билан бирга, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, маданият қоидалари ҳам сингдириб борилади. Устозларимнинг эътибори, жонкуярликлари, тўғри маслаҳатлари асосида мен ҳам келажак йўлим, эгалламоқчи бўлган касбим юзасидан тўғри қарор қабул қилдим. Юртбошимизнинг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонини ўқитувчиларимиз бизга ўқиб эшиттирганларида бу янгилик лицей ўқувчилари учун байрамга айланиб кетди. Чунки, мен ва бир қатор дўстларим ўзбек тили ва адабиёти фанига жудаям қизиқамиз ва шу фанни астойдил ўрганмоқчимиз. Янги университетнинг ташкил этилиши эса бизга яна бир катта имкониятлар эшигини очди.

Келажакда ўз она тилим ва қадим адабиётимизни пухта ўрганиб, ўзбек тилининг кенг имкониятларини жаҳон тилларидан кам эмаслигини намоён этмоқчиман. Бу мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай машаққатни енгиб ўтишга тайёрман. Зеро, Ватанимиз келажаги биз ёшлар қўлида экан, бизнинг қўлларимиз буюк ишларга қодир ва забардаст бўлмоғи лозим.

Истардимки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг “Мен Ватаним равнақи йўлида нималар қилишга қодирман?” деган саволга аниқ ва мағрурланиб айта оладиган жавоби бўлсин!



*Дилмурод ИСМОИЛОВ,  
Тошкент тиббиёт академияси  
Фаргона филиали талабаси.*

## **БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН**

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ учун ўз Ватани ягона ва муътабардир. Мен ҳам ўзбек элининг бир ўғлини сифатида она юртимни бебаҳо бойлигим, муқаддас маконим деб биламан. Ота-онам, яқинларим ва маҳалладошларим билан шод ва хуррам кунларим шу маконда ўтаётганидан мамнунман. Ўзимни юртим меҳрисиз бир дақиқа ҳам тасаввур этишим мушкул. Ёшлик чоғимдан меҳрибон она каби қўлимдан тутган ва ҳар қадамда қўллаган ҳам ушбу Ватандир. Менинг ютуғимдан мендан кўп қувониб, хатоларимдан озор чекувчи ҳам шу мунис Ватан. Шундай экан, чексиз муҳаббатга муносиб, юртга лойиқ фарзанд бўлиб этишмоқни биринчи вазифам деб биламан.

Ватаним таянадиган асосий куч биз – ёшлармиз. Унинг суянчи, ишончи бизнинг, яъни келажак авлодлар қўлида эканлиги масъулиятини ҳис этган ҳолда, юртимизда босқичма-босқич тараққий этиб бораётган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда ҳар биримизнинг ўз ҳиссамиз бўлиши керак. Бу мақсадга эришиш, албатта, бугунги кунда биздан сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий соҳаларда фаолликни талаб этади. Шу боис мен ғайратли ва бунёдкор ғоялар билан чиқувчи кўплаб ёшларни ўз сафига бирлаштира олган Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг “Ёш адолатчилар” қанотига аъзо бўлганман. Партия аъзоси сифатида айтишим мумкинки, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ватандошларим

сафига ёшлар қаторида менинг ҳам қўшилганим, юртим тақдири, элимнинг фаровонлигига дахлдорлик туйғуси қалбимни ўзгача фахр ва ғурур туйғуларига тўлдиради.

Ҳозирги кунда сиёсий соҳада дейсизми ёки таълим, маданият, спорт соҳаларида дейсизми, ёшларга кўрсатилаётган эътибор юксак. Бизларнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол авлод бўлиб етишишимиз учун давлатимиз раҳбари катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Келажак ворисларига бўлган жонкуярлик ва меҳр-эътиборни жорий йилимиз номидан ҳам билишимиз мумкин. Вилоятимизнинг энг чекка қишлоқларидан тортиб, чегара ҳудудларигача ёшларни қамраб олаётган кенг имкониятлар, чуқур билим олиш, спорт билан шуғулланиш, хорижий тилларни ўзлаштириш, замонавий ахборот технологияларини ўрганиш, бирор фойдали касб-ҳунар эгаллаш каби қанчадан-қанча қулайликлар яратилган. Масалан, мен яшаётган Қува туманининг “Сўфи” қишлоғида замонавий талаблар асосида янги қурилган болалар мусиқа ва санъат мактаби, чуқурлаштирилган мактаб-интернати, тўйхоналар саройи, нуронийлар учун чойхона, савдо мажмуаси, спорт майдончалари жойлашган. Илгари бу жойларнинг ўрни пахта далалари эди. Ҳозирда сўлим ва одамлар билан гавжум бўлган бу ерлар фэйзга тўлган. Туманнинг кичиккина бир қишлоғида қурилган бинолардан ҳам сезиш мумкинки, бу юртда инсон қадри ва унинг манфаатлари улуғдир. Бу ўзгаришларга нисбатан ёшларнинг ҳам ўз жавоби бор. Улар бугунги кунда жаҳон ареналарида юртимиз байроғини юксакларга кўтармоқда. Фан олимпиадалари, ақлу заковат беллашувлари, мусиқий фестивалларда ўз иқтидорларини намоён қилиб, ривожланган давлатларда мадҳиямизни баралла янграташга интилоқдалар.

Мен бугун жаҳоннинг айрим мамлакатла-

рида бўлаётган кўнгилсизликлар, инсонларнинг таҳқирланиши, онги қурол билан заҳарланаётган, келажagini унутган ёшларни оммавий ахборот воситалари орқали кўриб, ҳақли равишда “мен обод Ватаннинг бахтиёр фарзандиман” деб мағрур айта оламан.

Куни кеча шахримизда бўлиб ўтган ёшлар фестивалида юртимиз номини юракдан жўр бўлиб бутун Фарғона ёшлари баралла айтганимизда бу ердаги чет элдан келган меҳмонлар ҳам бизга ҳавас билан қарадилар. Улар шуни англаб етдиларки, бу мамлакатда инсон, юрт, фарзанд номлари бир-биридан ажралмас мустаҳкам тушунчага айланиб кетган. Уларни ҳеч ким, ҳеч қачон бир-биридан ажрата олмайди.

## **ИНСОН ҚАДРИ**

Ватан – бу сўз ҳамиша эъозланиб, қадрланиб, улуғланиб келадиган муқаддас сўз. Унинг замирида олам-олам маъно, кўплаб эзгу тушунчалар мужассам.

Ушбу сўзга ҳамиша “Она” сўзини кўшиб ишла-тиш бизнинг жон-жонимизга сингиб кетган. Чунки, ҳақиқатдан ҳам бу сўз туғилган жойимиз, таълим-тарбия оладиган тарбия ўчоғимиз, камол топадиган диёри-миз, юксак марраларни забт этишда кўмаклашадиган таянчимиз, фахру-ифтихор туйғусини уйғотадиган юк-сак қадриятлар йиғиндиси, атрофдаги гўзалликларни англаб етишга ундайдиган йўл, дунёга донғи кетган му-тафаккирларни етиштириб берадиган табаррук замин, ота-боболаримизнинг хоклари жо бўлган, ҳатто, бир қаричини ҳам душманга бериб бўлмайдиган муқаддас тупрокни англатади.

Азал-азалдан ота-боболаримиз ёш авлод тафакку-рида Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик тушунчала-рини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Биз ана шу тушунчалар асосида тарбия олганмиз, уни янада ривожлантирганмиз. Ана шу муқаддас Ватани-мизда барчамиз ота-боболаримиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартириб юборган Мустақиллик кунини кутиб олганмиз.

Бугун юртимиз ҳеч кимга қарам эмас. “Бизнинг олий мақсадимиз мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади – ўзбек халқининг. из-затини жойига қўйиш”, деган эди Президентимиз.

Шу тарзда барчамизнинг қалбимизда ардоқлаган Ватан мадҳи бошимиз узра юксалиб, бахтимиз барқарорлиги ва озодлигимизнинг абадийлиги йўлидаги шамчиروққа айланди. Энди ҳар қайси миллат бизга ҳавас қилса арзийди.

Фалсафа илмида таъкидланишича, инсон – ўзида биологик, ижтимоий ва психик хусусиятларни мужассамлаштирган онгли мавжудот. Менинг тушунчам бўйича эса инсон мустаҳкам иймон-этиқод, ғоя ва инсоний фазилатларга эга бўлган, Ватан, миллат туйғуси билан яшайдиган, ўзида даврий хусусиятларни ифода этадиган мавжудотдир.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳам инсон тушунчасини бениҳоя қадрлаганлар ва онгимизга, тафаккуримизга “Ҳазрати инсон” тушунчасини сингдирганлар. Бу тушунча замирида теран маъно ва мазмун, юксак ахлоқий фазилатлар, барча замонларда ҳам эътироф этиладиган комил инсон бўлиб етишиш ғояси илдиз отган.

Чунки, “Ҳазрати инсон” тушунчаси худди комил инсонда мужассам бўлган фазилатларни қамраб олган ва уни янада такомиллаштира олган, фақат ўзи учун эмас, бутун инсоният учун қайғурадиган. Ўз Ватанига садоқатли бўлган, салоҳиятли ва узоқни кўра биладиган инсонлар акс эттирилган. Бизнинг юртимизда ана шундай инсонлар, умуман, барча инсонлар қадрланади. Негаки, нафақат бундай инсонларнинг шаъни, обрў-эътибори, кадр-қиммати, хотираси ва эзгу фазилатлари унинг энг олий кадрият даражасига кўтарилган ва бу асосий қонунимизда кўтарилган масаладир, яъни Конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган.

Мустақиллик – биз эришган катта ютуқ. Ўзбекистон аталмиш ана шу диёримизнинг қайтадан топган бахту иқболи, ўттиз бир миллиондан ортиқ бўлган халқининг ўзлиги, шонли ўтмишига, бугунига, нурли келажагига чин маънода эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган саодатманд

миллатнинг ҳаёти, тақдири буюк келажагидир. Тинчлик-севарлик – инсонпарварлик каби шахс маънавиятининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Тинчликка эга бўлган ҳар қайси миллат тинчликсеварлик фазилатига эга бўлиши шарт. Чунки, ана шу тинчлик энг олий саодат эканлигини тушуниб етмоқ лозим.

Бугунги кунда тинч-тотув яшаш улкан сиёсий ва маънавий масала бўлиб, у ҳар бир давлатнинг тўла тенг ҳуқуқлилигини, уларнинг бир-бирига тазйиқ ўтказмаслигини, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, чегараларнинг дахлсизлигини эътироф этишни назарда тутди.

Шу сабабдан ҳам мен Ватан тинчлигини сақлаш масаласида ўзимни бурчли деб ҳисоблайман. Чунки, Ватан тинчлиги менинг бахтим, ёруғ, чароғон келажагим ва нурафшон йўлим! Бу борада Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китоби менинг ҳаётимда “йўлчи юлдуз” вазифасини ўтамоқда.

Мен тинч ва фаровон ўлкада туғилиб, вояга етаётганимдан, тинчлик шарофати билан шундай шароитлар яратилиб берилаётганидан фахру ифтихорга тўламан. Албатта, тинч ва фаровон юртимизни гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамни қўшаман.

## **ТИНЧЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ**

Ҳар йили она Ватанимизда 9 май – Хотира ва кадрлаш куни меҳр-муҳаббат, эҳтиром ва эътибор шодиёнаси сифатида кенг нишонланади. Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони табаррук ёшдаги отахон-онахонлар қалбини хушнуд этди. Фармонга асосан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига байрам совғалари ва қимматбаҳо мукофотлар берилиши бу юртда инсон қадри азиз ва муқаррам эканлигини яна бир карра англатди. Бу нафақат байрамларда, балки азалдан диёримизда нурунийларга беқиёс ғамхўрлик ва ҳурмат кўрсатиб келинган. Нурунийларимиз ёшларнинг меҳр-муруввати оғушида. Одатда, уларнинг хонадонларига мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб ва коллеж ўқувчилари совғалар, гулдасталар билан борадилар, шеърлару қўшиқлар айтиб, уруш машаққатларини кўрган фахрийларни байрам билан қутлайдилар.

Халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг юксак самаралари ҳаётимизда ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Юртимиздаги тинч, осуда ҳаёт, аҳолига, фахрийларга, она ва болаларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун бугун барчамиз мамнунмиз.

Тинчлик қадрига, аввало, оналаримиз етади. Бу фикрни Юртбошимиз Хотира майдонидаги суҳбатда яна бир бора таъкидлади. Чунки, юртда осойишталик бўлсагина оналарнинг юраги ҳаловат топади. Онада ҳаловат бор экан, оилада ҳам хотиржамлик бўлади.

Мен тинч давлатнинг бир фарзанди бўлганлигимдан қувонаман. Ҳатто, тасаввур этиш қийин бўлса ҳам айни кунларда ҳақиқатда жаҳонда рўй бераётган турли ёвуз хуружлар натижаларидан хулоса қилсак, ёшлар жанг майдонларида қурол кўтариб юргани ўта аянчли ва даҳшатли ҳолат. Бизнинг юртимиз ёшлари эса шином ва тинч ўқув даргоҳларида эртанги кун учун мақсад ва режалар тузмоқдалар. Шунинг учун ҳам кексаларимиз юртимизнинг тинчлигига кўз тегмасин, дея дуо қиладилар. Дастурхонларимиз бошида ҳам аввало, юртга тинчлик-омонлик тилак қилинади.

Тинчлик бўлса, қолган биз истаган барча нарсаларга эришиш мушкул эмас. Бундай жаннатмонанд юртда яшаб, унинг олдида ўз фарзандлик бурчимизни англамаслик, юракдан ёниб меҳнат қилмаслик, сидқидилдан садоқат билан хизмат этмаслик бурчимизга хилофдир.

“Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун”, деган тамойил бугун юртимизда амалда. Ёшларга берилаётган эътибор юксак даражада эканини, аввало, Бош қомусимиздан кўриш мумкин. Ўзимизни қайси соҳада кўрсатмоқчи бўлсак, барчаси учун шароит бор. Ёшларнинг шижоати денгиздай жўшқин, виждони пок, юртга садоқатли. Ҳозирги кунда юртимиз ёшлари ўзини жаҳон ареналарида юксак поғоналарда кўрсатмоқдалар. Улар шоҳсупанинг энг баланд жойида турганларида, байроғимизни кўриб, мадҳиямизни эшитиб юрагимиз фаҳрга тўлади. Ҳар бир соҳада ёшларимиз илғор. Спорт, санъат соҳасида эришаётган ютуқларимизнинг сон-саногии йўқ. Келажакда ҳарбий чегарачи бўлиб, мамлакатим сарҳадларини мустаҳкам кўрғондай ҳимоя қилиш, унинг осмони ҳамиша мусалфо бўлишини таъминлаш мақсадимдир. Келажаким йўлида буюк ислоҳотларга қодир бўлган бу она Ватанимга тоабат хизмат қиламан!



## **КУЧ – АДОЛАТДА**

Сокин тун...

Ҳамма ширин уйқуга кетган бир пайтда мен хонаминг нур сочиб турган чироқлари остида эртанги танловга тайёргарлик кўрмоқдаман. Атроф сув қуйгандек, жим-жит. Узоқдан чигирткаларнинг чириллаши эшитилмоқда. Деразамнинг пардалари ортидан хушбўй, қийғос очилган гулларнинг нафис ҳиди таралмоқда. Шарқираб оқаётган, тошдан-тошга урилаётган сувлар товуши киши хаёлини беихтиёр ўзига ром этади. Буларнинг барчаси Ватанимиздаги тинчликдан, ҳақиқат ва адолат барқарорлигидан далолат беради.

Адолат бор ерда жамият, давлат пойдевори мустаҳкам бўлади. Адолатсизлик бор жойда эса бунга сабабчи бўлган кишилар бошқаларга яхшилиқни эмас, ёвузликни раво кўрадилар. Кўнглини ғаразли ниятлар чулғаб олади. Бундайлар ўз Ватанини, келажagini ривожлантириш, дунёга танитиш йўлидан тўхтаб қолади, мақсадидан адашади. Ватанимда адолатлилик, бирдамлик барқарорлиги сабабли, у бугун барчанинг кўз ўнгида кундан-кунга чирой очмоқда. Ўтмишдан биз ўзимизда буюк аждодларимиздан адолат ва инсонпарварлик каби инсоний ҳисларни мерос қилиб келмоқдамиз. Бунга яққол далил Амир Темур бобомизнинг тузукларида “Куч – адолатда” деб ёзилган сўзларидир. Буюклар сафида тарихда номи оламга кетган бобомиз марказлашган кучли давлатни идора қилишда ҳақиқатгўйлик ва одилликни асосий устун деб билган.

Инсон яралибдики, ҳамиша оламни англашга, тур-

ли хил мўъжизаларни билишга интилади. Бу ҳол унинг мавжудот сифатида ўзига хослигини, идрок этиш ва тафаккурга таяниб яшадини кўрсатади. Ўз навбатида, у ҳамиша борлиқни ва воқеа-ҳодисаларни адолат мезонлари билан сарҳисоб қилади.

Истиқлол бизга адолатли ва инсонпарвар жамият қуриш имконини берди. Биз ўзбеклар шундай тинч, осуда, адолатли Ватанда яшаётганимиздан қалбимизда улкан шукроналик ҳисси жўш уради. Не-не ота-боболаримиз бутунги озод ва обод кунлар учун ўз жонини фидо этганликлари, фарзандларининг бахтли келажакларини ўйлаб, миллат дарди билан яшаганлари биз ёшларга тарихдан яхши маълум. Уларга таскин берган ягона нарса ҳам “мен кўрмаган бахтли кунларни болаларим кўрсин” деган қутлуғ ният эди.

Халқимиз руҳига жароҳат етказган тоталитар тузумнинг ғайри ахлоқий сиёсати асоратини кескин тугатиш мустақилликнинг илк кунлариданоқ ҳаётини заруратга айланди. Шунинг учун ҳам Президентимиз: “Биз шунчаки демократик давлат қуриш эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатга интилиш – халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва жисмоний муносабатлар тизимида сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак”, деган масалани долзарб вазифа қилиб қўйди ва бу вазифа кутилгандан ҳам яхшироқ натижалар бермоқда.

Адолатли аждодлар ворисларимиз. Бизга ота-онамиз, устозларимиздан тортиб, ҳукуматимиз ҳам катта ишонч билдирмоқда, улуғлик қонимизда борлигини такрор айтиб, ундамоқда. Шундай экан, бу ишончга лойиқ бўлмоғимиз, адолатли жамият қуришда фаол иштирок этаётган ёшлар сафидан ўрин эгалламоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман.

## **ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН!**

Ватан – бу инсоннинг киндик қони тўкилган, аждодларнинг хоклари мужассам бўлган сеvimли ва азиз диёр. Ватанни она каби буюк зотга қиёслайдилар. Биз онамизнинг бағрида қандай ҳузур-ҳаловат, меҳр-муҳаббат топсак, Ватанда ҳам бу хислат мужассамлашган.

Ватан бу биз доимо ошиқадиган масканимиз, уйимиз, талпинадиган гўшамиздир. Унда биз илк бор дунё юзини кўрганмиз, илк қадамларимизни ташлаганмиз. Унда бизнинг беғубор болалигимиз, ёшлик дамларимиз кечган ва кечмоқда.

Она юртнинг бағрида биз биринчи бор мусаффо осмонни, майин шаббодани, дўстлар меҳрини, болалик шўхликларини таниганмиз. У бизга яна илм даргоҳини, илк ҳарфларни ўргатган устозимни танитган.

Инсонлар Ватанни катта-кичиклигига, гўзаллиги-ю, хунуклигига қараб севишмайди. Агар Ватаннинг қулай шароитларига қараб севишганида эди, жазира-ма саҳроларда-ю, совуқ ўлкаларда яшовчи халқлар ўз Ватанларини ташдаб, қулай шароитли ўлкаларга кетиб қолишарди. Кичкина жонзотлардан тортиб, катта, улкан ҳайвонлар-у, ақл-заковат эгаси бўлган инсонда, барча-барчада Ватан туйғуси мужассам.

Аммо инсон ва ҳайвонот дунёсини бир-биридан ажратиб турадиган чегара мавжуд. Бу чегаранинг номи – маънавият. Инсон юксак тафаккурга эга, онгли бўлганлиги билан ажралиб туради. Лекин Ватан туйғуси ҳар бир мавжудотга хосдир. Ҳаттоки айвондаги шифтга ин қурган қалдирғоч ҳар йили ўз инини беҳато топиб келади. Шу мўъжазгина ин унинг Ватанидир.

Ватан туйғуси инсонга она сути билан сингади, томирларда оқаётган қонда, қалбдаги кечаётган туйғуларда мужассам бўлади.

Мен Ватан деганда, она диёримиз Ўзбекистонни тушунаман. Юртимизда 1991 йил сентябрь ойдан бошлаб Мустақиллик қуёши нур соча бошлади. Боболар эриша олмаган кунларга биз эришдик. Бугун аждодлар изидан бораётган авлодлар Ўзбекистон номини бутун жаҳонга танитмоқда, аждодларимизга муносиб фарзанд, авлод эканликларини исботлашмоқда.

Ер юзидаги, бутун дунёдаги энг олий неъмат бутинчликдир. Айниқса, бугун айрим давлатларда рўй бераётган жангарилик, қўпоровчилик ҳаракатлари ҳақида эшитиб инсоннинг юраги орқага тортиб кетади.

Бизда-чи?! Бироз вақт қулоқ солинг-чи, севинчдан қувонаётган инсонларнинг самимий кулгуси-ю, кушларнинг шўх, сайроқи овозлари эшитилади. Ахир биз шундай тинч, ўзга юртлардаги инсонлар орзу қилган жаннатмакон ўлкада яшаётганимизга шукроналар айтишимиз керак эмасми?! Албатта, бу диёримиз учун жон фидо қилсак арзийди. Бундай тинч дёрда инсон азиз, инсон қадрланади, инсон ҳар нарсадан устун туради, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Ахир шу эмасми, инсоннинг Ватанда азиз эканлиги, унинг устун эканлиги?!

Мен мана шундай Тангри назари тушган, инсонлари қадрланадиган, катталари ҳурматда, кичиклари иззатда бўлган жаннатмакон юртда яшаётганимдан фахрланаман.

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

*Элёрбек МАЪРУФОВ,  
Фаргона политехника институти талабаси.*

## ИҚБОЛИ ЁРУҒ ЮРТИМ

Ватан – бу киндик қонинг тўкилган тупрок, бу ёруғ дунёга келиб сен илк бор нафас олган гўша, онанинг бешик устида бедор айтган алласию, оқ сут билан берилган меҳри. Болалик қувончи, тандирдан эндигина узилган иссиқ ноннинг ҳиди...

Ватан сўзи қулоғим остида жарангласа, мен айнан шу туйғуларни ҳис қиламан. Менинг Ўзбекистон деб аталмиш шундай жаннатмонанд юртда туғилганим – ҳақиқий иқболим, бахту саодатим белгисидир. Мустақил Ўзбекистон бугун жаҳон ҳамжамиятида юқори марраларни забт этаётир. Ҳар бир соҳада шахдам қадам билан илғор одимламоқда.

Бугун дунёнинг айрим жойларида рўй бераётган сиёсий таҳдидлар, нотинч ҳолатлар бизни янада огоҳ бўлишимиз, сергаклигимизни оширишимиз учун далилдир. Юртбошимизни олиб бораётган одилона ва оқилона сиёсат туфайли бизнинг мамлакат аҳолисининг ва осуда ҳаёт кечирмоқда.

Бугун Ўзбекистон аталмиш муқаддас Ватанда камол топаётган ҳар бир ёш авлод “Мен буюк юрт фарзандиман, мен буюк даҳоларнинг давомчисиман” дея фахрланади. Буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур кучли давлатга асос солган бўлсалар, Алишер Навоий жаҳон адабиётининг мангу даҳосига айланган. Ибн Сино бобомизнинг асрга татиғулик “Тиб қонунлари” дурдонасини мерос қилиб қолдирган, Мирзо Улуғбек “Зижи Қўрагоний” асари билан осмон илмини эгалладилар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Беруний, Ал-Форобий, Ал-Хоразмий, Аз-

Замахшарийлар ўз Ватанини ўша даврдаёқ дунёга танилиши учун умри бўйи илм истаганлар. Истибдод замонида ушбу боболаримиз номи ҳатто китобларда ҳам учрамаган экан, собиқ совет тузумининг совуқ мафкураси буни қабул қилмас, ҳаттоки, тан олмас эди.

Ҳаммамизга тарихдан маълум бўлган истибдод даврида элимиз бошига не-не қора кунлар ёғдирилди. Халқни маърифатли ва маънавиятли қилиш мақсадида ёнган Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Фитрат каби зиё аҳли қатағон қурбонига айланди. “Пахта иши”, “Ўзбек иши” деган ҳийлаю уйдирмалари билан миллатимизнинг ғурури бўлган фарзандларини қурбон қилдилар.

Ўтмиш уқубатлари мангуликка ортида қолди, мустақиллик эл қалбига малҳам қўйди. Бугун озод юртнинг файзли хонадонига ин қурган қалдирғоч палапонларига осойишталикда озиқ ташимокда. Юртимизнинг ҳар бир хонадонига пиру бадавлат кексаларнинг тинчликка шукр қилиб айтган дуолари эшитилди. Унинг фарзандлари бири хусусий тадбиркор, бири спортчи, бири Ватан ҳимоячиси бўлиб эл-юрт корига яраганидан мамнун. Набирасининг Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлиб, нуфузли олий ўқув юртида ўқиётганидан бахтиёр. Балки бу сизнинг бонгиз ёки менинг яқиним.

Хулоса қилганда, барчамиз осудалик бахтининг бир бўлагига муяссармиз. Мақсадим, фарзандини шунчалик азиз ва мўтабар қилиб парвариш этаётган Юртбошимиз ва Ватанимга муносиб фарзанд бўлиб етишмоқ, жаҳон айвонида ўзбек деган номнинг улуғ ва қудратли эканини ўз билимим ва меҳнатим, садоқатим билан намоён этмоқдир. Бу нафақат мен, балки бутун Ўзбекистон ёшларининг шарафли бурчидир.

## **КЎЗИМ ҚАРОҒИДАСАН, ВАТАН!**

Ватан – инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топдирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскан, аجدодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотирадир. Ватан – ота-боболаримиз хоки поклари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош қўядига муқаддас заминдир. Ватан шу заминда бўй кўрсатган гиёҳдан тортиб унинг дарёю сойлари ва тоғу тошларигача, оддий ва камтар меҳнаткаш ҳамда фидойи, мард ва паҳлавон одамлардан то энг митти жониворларигача, ўзимиз туғилиб униб-ўсиб яшаган макон билан боғлиқ барча нарсалардир.

Ватан – тупроғидан олтин унувчи, тоғларидан боши кўкка етган, боғу бўстонга тўла – Ўзбекистондир. Ватани бор одамнинг ғурур-ифтихори юксак, мақсадмуддаолари аниқ бўлади. Тоғдек таянчи – Ватани борлигини ҳис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига доимо тайёр туради. Инсон фақатгина ўз Ватанида ўзини эркин ҳис қилади. Менимча, бу дунёда ҳеч ким ўзи туғилиб ўсган Ватанини ёмон кўрмайди. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, “Ватанга муҳаббат – онага бўлган муҳаббат каби юксак туйғу. Киши онасини яхши кўришини ҳеч кимга айтмайди, писанда қилмайди. Лекин ҳар куни онасига ғамхўрлиги, меҳрибонлигини иши билан, гап-сўзлари билан амалда намоён қилади. Ватанга муҳаббат ҳам шундай. У бировга кўз-кўз қилинмайди. Ватанга муҳаббат инсон қалбининг тўрига гард юқтирмай покиза сақланадиган энг нафис, энг инжа бир туйғудир. Агар маълум бир вақт ўз уйимиздан сал олисроқда

яшаб қолсак, кўнглимиз ғаш бўлаверади. Негаки биз ўз гўшамизни қўмсай бошлаймиз. Бу эса Ватанни севишнинг бир кўриниши ёки ватанпарварлик ҳиссидир”. Ватанга муҳаббат, уни ардоқлаш, она Ватанга тегишли бўлган ҳар бир нарсани муқаддас билиш, ўзини шу Ватан кенгликларига дахлдор деб ҳис қилиш ҳақиқий инсонларга хос фазилатдир. Мен, албатта, шу ҳақиқий инсонларга хос бўлган фазилатларни ўзимда мужассам этаман. Ватанимни севиб, ардоқлайман. Кўз қорачиғимдек асрайман.

*Юртдан айро яшасам гар Кашмир боғда,  
Ўртанади юрагимнинг бир парчаси.  
Ул гўшанинг энг ширали мевасидан,  
Устун турар ўз юртимнинг шўр туршаги.*

Ватан! Сенга бўлган муҳаббатим Ҳимолайдан-да пурвиқор, сенинг эртанг бўйнимда тумор, сен менинг ғурури осмоним, мозий довлардан шону шарафлардан ўтган қарвонимсан. Юртим, сенинг боғ-қирларинг ҳақида кўнглимда борини ёритмоқ истасам, оқ қоғозлар тўлгандан тўлаверади. Ўша оқ қоғозлар ҳам, қоғозларни қораловчи қалам кони ҳам тугар, аммо сенинг ҳақингдаги мадҳ тугамайди.

Ўзбекистоним, нур-гулистоним, азиз бўстоним, сен ҳам неча-неча чўққиларни забт этиб, қонли урушлар-у кўз ёшли дарёларни кўриб, охир оқибат ўзинг, халқинг бутун умр кутиб, кўз тикиб яшаган мустақилликка эришдинг. Ватаним, қанчадан қанча азоб-уқубатларга йўлиққан бўлсанг-да, жафокаш халқинг, заҳматкаш йўлбошчимиз – Ислом Каримов ҳаракатлари туфайли бутун Шарқ сайқалига айландинг.

Юртбошимиз айтганларидек, жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар кўп, бу оламда бетакрор она юртимиз – Ўзбекистонимиз якка-ю ягона. Бу гўзал юрт, муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана кўз очиб юмгунча Ватанимиз мустақиллигига йигирма беш йил тўлибди.



Мустақилигимиз абадий бўлсин, диёримизга кўз тегмасин.

Биз бахтли инсонлармиз. Чунки дунёда тенги йўқ, озод ва обод Ватан фарзандларимиз, унинг бағрида улғайиб, камол топмоқдамиз. Унинг зилол сувидан, бебаҳо неъматларидан баҳра олаяпмиз. Бугун юрти- мизнинг қайсидир гўшасига бормайлик, кенг ва равон йўллар, кўприклар, муҳташам бинолар, спорт ва ма- даният саройлари, жаҳон андазалари даражасида қад ростлаган мактаблар, замонавий жиҳозлар билан таъ- минланган ўқув хоналарини кўриб кўзимиз қувнайди. Тангри назари тушган, тенглар ичра тенг, кенглар ичра кенг Ўзбекистон табаррук маскан, муқаддас заминдир. Ўзбекистон бир боғ бўлса, биз ўша боғнинг гулу лолаларимиз.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак манавият – енгилмас куч асарида” шундай деган- лар: “Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистонинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юк- салтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш”. Мен Президентимиз таъкидлаганидек, мустақилликни мустаҳкамлашда, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжами- ятида тутган ўрнини юксалтиришда ўз ҳиссамни қўшаман. Яхши ўқиб, яхши касб эгаси бўлиб юртимга, халқимга фойда келтирадиган фарзанд бўлиб етиша- ман. Жонажон Ватанимни асраб-авайлайман, севиб, ардоқлайман! Мен қиз боламан, аммо Ватаним учун ҳар бир ўғлон қила оладиган ишни қилишга, керак бўлса, жонимни фидо қилишга тайёрман!

*Шаҳринисо АМИНБОЕВА,  
Урганч ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар  
коллежи ўқувчиси*

## **СЕНИ АСРАГАЙМИЗ, МУСТАҚИЛЛИК!**

Мактабда ўқиган кезларида таътил пайтлари тез-тез қишлоққа, бобомларникига боришни жуда ёқтирардим. У ернинг файзи, меҳмондўст одамлари-ю шаҳарнинг шовқин-суронидан тубдан фарқ қилувчи ўзгача сокинлиги мени ўзига оҳанрабодек тортарди гўё. Баъзан эркалик қилиб бувижонимнинг тиззаларига ўтириб олардим-да, эртак айтишини сўраб ҳоли жонига қўймасдим. Чунки бувимнинг ҳар бир эртаги, ҳар бир ҳикояси бу сир-синоатга бой оламнинг жумбоқларига калитдек туюларди мен учун. Бир куни бувим менга ёшлигида ўзи гувоҳи бўлган ҳикояни сўзлаб бердилар.

Бувимнинг ёшлиги кичик, аммо жуда файзли қишлоқда ўтган экан. Ўша қишлоқда Қурбон ота деган оқсоқол бўлиб, унинг уйи олдида жуда сервиқор ва кўркам чинор дарахти ўсар экан. Чинор шу қадар салобатли ва улкан эканки, ўтган-кетган йўловчи-ю ҳамқишлоқларнинг бари шу чинор остидаги сўриларда ўтириб, чинорнинг соя-салқинида дам оларкан, қариялар эса ўша шинам жойда бир пиёла чой устида суҳбат қуришар, бундан Қурбон ота ҳам жуда мамнун бўларкан. Қишлоқдаги ёшу қари бирдай чинорни яхши кўрар, унинг олдидан ўтаётганда савлатига ҳайрат билан қарашар, уни қишлоқнинг юраги деб билишар экан. Қурбон ота эса ҳар замон дарахтга шакл бериб туришни қанда қилмас, неварар-ю келинлар билан катталиги уйдек келадиган чинор атрофини тез-тез обод қилишар экан.

Ёз кунларининг бирида жазирама иссиқдан қочиб

чинорнинг салқинига йиғилган бир гуруҳ ҳамқишлоқлар ширин суҳбатлашиб, кичкинтой тўпалончилар эса томирлари катта-катта бўлиб бўртиб турган дарахт атрофида қувлашмачоқ ўйнаётган бир пайтда, чинор олдига келиб тўхтаган машина ҳамманинг эътиборини тортибди. Машинадан башанг кийинган, кўзойнакли бир нотаниш киши қўлида портфелини қўлтиқлаганча чинор томон келиб, бу кўзни олувчи улкан ва бағрига иккита сўрини бемалол сиғдирган дарахтга бирпас ҳайрат билан тикилиб турибди-да, юзига норози тус бериб дарахт кимники эканлигини сўрабди. Қишлоқ аҳлидан чинорнинг бутун халқ учун хизмат қилаётгани, у барчанинг мулки эканлиги ҳақидаги жавобни эшитган нотаниш шундай дебди: “Сиз янглишяпсиз, ҳамюртлар. Бу сизнинг эмас, давлатнинг мулкидир. Бу улкан, бесўнақай чинорнинг давлатга бирор фойдаси борми? Ундан кўра бунинг эгаллаб турган ўрнига пахта экинг, қанча ҳосил оламиз, биласизми? Шундай экан, буни ҳозироқ йўқотинг!”

Ўша кўзойнакли нотанишнинг шу икки оғиз гапи ўзининг вайронкор кучини кўрсатиб, болта-ю арра кўтарган ишчилар чинор тагида ҳозир бўлишибди. Қишлоқликларнинг қаршилиги, Қурбон отанинг додига қарамасдан икки кунда қишлоқнинг фаҳри деб ҳисобланган, барчани ўз бағрига олган севимли чинор, ўша ҳашаматли дарахт ерга қулабди. Чинор билан бирга халқнинг орзу-умиди, фаҳри-ю паноҳи, юраги қулагандек бўлибди.

Шундай қилиб орадан бироз вақт ўтиб баҳор ойларнинг бирида Қурбон ота кадрдон дарахтининг улкан тўнкаси атрофида бўртиб турган қалин томирлар орасидан алланима кўкка бўй чўзаётганини кўриб қолибди. Бу чинорнинг янги ниҳоли эди, бу унинг ғалабаси эди...

Болалигимда бу ҳикояни шунчаки эртақ деб қабул қилгандим. Унинг асл моҳиятини эса энди англаяпман.

Чинордан айрилган ўша қишлоқ аҳли шўро даврида ўз эрки ва ҳаловатидан маҳрум бўлган ўзбек халқига қиёс экан аслида. Томирлари ерга мустаҳкам ўрнашган улкан чинор эса асрлар давомида турли истилочилар томонидан исканжага олинса ҳам таслим бўлмай халқимизнинг қалбида яшаган мустақилликдир. Ҳа! Шафқатсизларча кесиб ташланган чинор яна одамлар бағрига қайтди, унинг мағрур, кўкка томон тинмай ўсаётган жасур ниҳоли бугун, қаранг, йигирма беш ёшга кирди, барчамизни бирдек ўз кучоғига олиб бизнинг ҳаётимиз ва келажагимиз учун раҳна солишни мақсад қилган ҳар қандай ёвуз кучлардан ўз паноҳида сақлапти.

Мустақиллик... Аслида нима у ўзи? Бу фақатгина “Мен эркинман, озодман” деганими? Сиз уни кўраяпсизми, қандай ҳис қиласиз? Мен эса уни ҳар куни, ҳар сония, ҳар он кўра оламан, эшитаман, ҳар нафасда уни туюман.

Тонг саҳарда чуғур-чуғурлашиб айвонингизга келиб сизни янги кун билан қутлаб алёр айтаётган ўйноқи қушлар овозида, юрагимизу тилимизга сингиб кетган муқаддас куй, бетакрор қўшиқ – Давлат мадҳиямиз оҳангида, тунлар бедор айтилган аллалар ноласи-ю укангизнинг шўх кулгисида эшитасизми сиз уни?

Биринчи бор мактабга қадам қўйиб, синф хонангизда ўқитувчингизга умид ва қизиқиш билан қараганингизда, бобонгизнинг ўйчан, донишмандлик ва меҳр тўла нигоҳида, болалиқда томга чиқиб дўстлар билан варрак учирганда, варракнинг учишида кўра олганмисиз мустақилликни? Тонгнинг майин шабадаси, салқин ва роҳатбахш ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олганда, қуёшнинг тафти-ю қорнинг совуғида, кўчангиз муюлишидаги новвойхонада, нон исидида тўйиб кўринг сиз уни! Ҳис қилаяпсизми, томирларингизда жўш уриб оқаётган, Ватан туйғусига тўйинган ўзбек қонини, тирикликни, мавжуд эканингизни сезаяпсизми? Мана

шу ҳақиқий мустақилликдир! Демак, ҳақиқий инсон, ўз фикри ва эркига эга шахс бўлиш, бошқача айтганда, яшаш, мавжудлик ҳуқуқи бизга мустақиллик билан берилишини ҳисобга олсак, ҳамюртларимиз 1991 йилда қайтадан дунёга келган каби қад ростлади десак, муболаға бўлмас. Ахир ўз тили, тарихи, дин ва қадриятлари, умуман, ўзлиги тортиб олинган инсонни тирик деб аташ мумкинми? Минг шукрки, мустақиллик бизга ана шу тириклик неъматларини қайтарди, қайтадан жон ато этди.

Албатта, бу кунларга осонликча эришилмади. Оққўнгил халқимизнинг эзгу орзуси қанчадан-қанча машаққатли меҳнат ва курашлар, ҳурматли Юртбошимизнинг фидокорона саъй-ҳаракатлари ҳисобига рўёбга чиқди.

Эркимиз бизга ўзлигимизни қайтарди, шонли тарихимизни асл ҳолида, ҳеч бир бўҳтон, ўзгартиришларсиз ўрганиш, шарқона гўзал анъаналаримиз, қадриятларни адо этиш, миллий байрамларимизни нишонлаш имконини берди. Ўтган йигирма беш йил давомида эришилган зафарлар қаторида аҳолининг билим салоҳияти ўсганини айтиб ўтиш жоиз. Янги услубда қурилган, замонавий шарт-шароитлар билан таъминланган мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари, чет элнинг машҳур универститетлари филиалларида минглаб ёш йигит-қизлар тажрибали ўқитувчилардан таълим олиб келмоқдалар. Шунингдек, спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратилганлиги натижасида жаҳон ареналарида Ўзбекистон номи баралла янграб келмоқда. Санъат ва маданият соҳасида ҳам фахрли марраларга эришилди, янги истеъдодлар кашф этилди.

Истиқлол йилларида амалга оширилган диққатга сазавор ишлардан соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида эришилган юксалишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлатимиз томонидан тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига малакали

тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш учун жуда катта миқдорда маблағ ажратилаётгани самараси ўлароқ аҳолининг сони ва ўртача умр ёши анчага ўсди. Бу ютуқлар рўйхатини ҳали кўп давом эттириш мумкин.

Истиқлол шарофати билан эришилган муваффақиятлар бизни гўзал ҳаёт билан таъминлаётгани, бугунги жамиятимиз фаровонлигидан фахрланиш билан бир қаторда келажагимизга раҳна солишга уринаётган бузғунчи кучлардан эҳтиёт бўлишимиз лозимлиги ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Турли хил алдамчи мафкуралар билан ниқобланган, инсонни ўзлигидан айриб, уни манқуртга айлантириш, тубанлик сари бошлаб, ёвуз мақсадлари йўлида фойдаланишни кўзловчи турли экстремистик гуруҳлар, инсонларнинг, айниқса, ёш авлоднинг онгини захарлаб, уни “оммавий маданият”, гиёҳвандлик каби XXI аср вабосига тортувчи вайронкор кучлардан огоҳ бўлиш ҳар биримиздан талаб қилинаётган вазифага айланиб қолди. Биз ёшлар учун шундай чексиз шароитлар яратилган, қонун устувор бўлган юртда яшар эканмиз, бизни бағрида оқ ювиб, оқ тараган жонажон халқимиз, ўз донишмандлиги билан дунёни лол қолдирган аجدодларимиз хотирасига, жаннатмонанд Ўзбекистонга муносиб фарзанд бўлиб, қанчадан-қанча машаққатлар эвазига келган бу ёруғ кунлар, кимлардир орзу қилиб етолмаган бу осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, ҳар дам огоҳ бўлиб, айрим давлатлардаги нотинчликлардан хулоса олиб, теран фикр ва эзгу ўй билан яшаш ҳар биримизнинг фарзимиз ва қарзимиздир.

Биз сени асраб-авайлаймиз, истиқлол!

## **ИНСОН МАНФААТЛАРИНИНГ ОЛИЙ ИФОДАСИ**

Ўзбекистон Республикасининг демократик ва ҳуқуқий давлат қуришдан мақсади – мамлакатда яшовчи ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашдир. Бунинг учун, аввало, Ўзбекистонда ҳуқуқий асос яратилди, яъни республика Конституцияси ва қабул қилинган қонунларда умум эътироф қилинган халқаро ҳужжатлар қоидаларига мос келувчи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб қўйилди. Президентимиз раҳбарлигида ҳуқуқий демократик давлат бунёд этиш жараёни муваффақият билан бошланди.

Мустақиллик туфайли дастлаб бутун жамиятни демократик асосда батамом янгилаш имконига эга бўлган, демократияни, тенгликни, ҳурликни, инсон ҳуқуқлари устуворлигини кафолатловчи асосий меъёрий ҳуқуқий ҳужжат – Конституцияга эга бўлганимиз тарихий воқеадир.

Маълумки, ҳар бир давлатда, унинг ички ва ташқи ҳаётини тартибга солиш ва давлат механизмнинг режали ишлаб туришини таъмин этиш учун кўплаб қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинади. Уларнинг баъзилари иқтисодга, баъзилари сиёсатга, баъзилари эса маданият ва ҳаётнинг бошқа соҳаларига тегишли бўлиши мумкин. Аммо бу қонунларнинг ҳаммасини бир мақсад, бир ғоя ва бир тартибга бўйсундирадиган ягона умумдавлат асосий қонуни – Конституциядир.

Шу маънода Асосий қонунимиз умумбашарий ғоялар билан суғорилган, Ўзбекистон халқининг асрий эзгу орзуси бўлмиш мустақилликка, жамиятда

янги ижтимоий муҳит яратишга хизмат қилишга қаратилган.

XXI асрда давлатларнинг дунё сиёсий майдонидаги обрўсини белгилаб берувчи омиллардан бири, албатта, мазкур давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги ҳисобланади. БМТнинг 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт”нинг 1-моддасида “Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадирлар. Ана шу ҳуқуқ туфайли улар ўз сиёсий мақомларини ўз эрклари билан белгилайдилар ҳамда ўзларининг иқтисодий-ижтимоий ва маданий тараққиётларини таъминлайдилар” деб белгиланган.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимида сиёсий ҳуқуқлари алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу ҳуқуқлар фуқароларнинг давлатни ва жамият ишларини бошқаришидаги иштироки билан боғлиқдир.

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар дейилганда, инсонларнинг бевосита сиёсий манфаатларига тегишли ҳуқуқлар тушунилади. Сиёсий ҳуқуқлар шахсниинг сийсий жараён ва давлат ҳокимиятининг амалга оширишда иштирок этиш имкониятларини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади” дейилади. Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ҳуқуқий давлатнинг муҳим принципларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиши демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан биридир. Конституци-



яда халқнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини амалга ошириш шакллари ифодаланган. Ўзбекистон фуқаролари олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайлайдиган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этадилар.

1994 йил 5 май куни қабул қилинган “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга кўра, “Сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ҳуқуқига эга эканлиги ва уни назорат этишга йўл қўйилмаслиги, вакиллик органларига кўрсатилган номзодларини ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар”. Унга кўра, сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга референдумларда, сайловларда бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларига бевосита алоқадор бўлган муҳим ҳуқуқлардан бири, бу фуқароларнинг ўз манфатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқидир (Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 34-моддаси). Сиёсий партиялар Конституциянинг 60-моддасига асосан турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар, деб белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ҳозирги даврда амалга оширилаётган ислохотларининг бош мақсади – мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Бу эса республикамизда кечаётган сиёсий-ҳуқуқий жараёнларнинг шиддат билан ривожланиши шароитида ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва уларни ҳуқуқий тартибга солинишини тақозо этади.

*Солияжон АҒАЖОНОВА,  
Урганч нефть ва газ саноати касб-хунар  
коллежи ўқувчиси*

## **ВАТАНИМ – ҚАЛБИМ ГАВҲАРИ**

Бугун она Ватанимиз – Ўзбекистон дунёда ўз ўрнини топаётган, буюк келажак сари одимлаётган бебаҳо заминдир. Ўзбекистон тақдирини, келажagini, дунёга танилишини белгиловчи омил бу мустақилликдир. Мустақиллик халқимизнинг интиқлик билан узоқ йиллар кутилган ва ушалган орзулар рўёбидир. Ҳар бир миллат ва халқ учун озод, эркин, мустақил бўлиб яшаш энг катта бахт ва саодатдир. Эркинлик, бахтли фаровон ҳаёт, эртанги кунга бўлган ишонч, инсонлар юзида ҳаётнинг қувонч-шодликлари, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бариси мустақиллик берган ва бераётган буюк имкониятдир.

Қачонлардир юртимиз қарам давлат бўлиб ўз эркинлиги ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлган оғир даврни бошдан кечирган. Мустақиллик халқимизнинг келажак эшиклари қулфини очиб берувчи калит бўлиб хизмат қилди. Бугун ҳар бир ўзбек фуқароси юрт мустақиллиги сабаб келажакка интилади, қалбида Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси билан Ватан тараққиётига бефарқ бўлмай, ўз ҳиссасини қўшиб яшайди.

*Хуррият, муқаддас байроғим ўзинг,  
Гарчи ғанимлар бор ичу тошингда.  
Мен учун фахрдир ҳар айтар сўзинг,  
Бир умр парвона бўлгум қошингда.*

Мустақиллик берган буюк имкониятлар биз ёшларни ўқиб-ўрганишларимиз, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз учун Аллоҳ инъом қилган неъматдир. Бу неъмат-

ни асраш ҳар биримизнинг қўлимизда. Мустақиллик қадр-қимматини англаш ва асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг шу юрт олдидаги муҳим вазифасидир. Ҳар бир инсон ҳаётда яшар экан, Ватанининг гуллаб-яшнашига ўзининг беминнат ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади. Ватан мадҳи поён билмайдиган, куйласа баралла куйлайдиган, ўйласа ҳеч тугамайдиган, қалбдан чуқур жой оладиган бекиёс тушунчадир. Ватанни улуғлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи, олий мақсади бўлмоғи лозим. Тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, уни улуғлаш, Ватан туйғусини дилдан ҳис қилиб яшаш бизга буюк аждодларимиздан мерос азалий қадриятдир.

Бугун Мустақил Ўзбекистонимиз 25 ёшда. Шу қисқа давр ичида оламшумул аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз иқтисодиёти ўсгани, барча соҳа ва тармоқларга асос солингани, юртимиз, шаҳар қишлоқларимиз қиёфаси кундан-кунга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этилиши, шу жумладан, замонавий билим ва касб-хунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, янги авлодни тарбиялаш мақсадида амалга оширидаётган улкан ишлар фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Томирида Алишер Навоий, Амир Темур, Нодира-ю Увайсийлар каби қанчадан-қанча буюк сиймолар қони оқаётган ўзбек ёшлари бугун шу юртнинг суянчи ва таянчидир. Келажаги буюк юрт фарзандлари бўлиш бизга Аллоҳ ато этган улуғ инъомдир. Бу инъомнинг қадрини англаш бизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Ватан! Бу тушунча замирида инсон тақдири ётади. Онам таърифига сўз топишга қийналганим каби Ватан таърифига энг гўзал сўзлар дурдонаси билан берилган таърифни ҳам кам деб биламан. Бугун она

Ватанимиз тараққиёти биз ёшларнинг камолотига, ўқиб-ўрганишларига қаратилган ислохотлар орқали намоён бўлади. Бугун ўзбек ёшлари буюк манзиллар, ютуқларга эришиш йўлида дунё узра баланд парвозлар қилишмоқда. Серқуёш Ўлкамиз, мафтункор табиятимиз, номи оламга маълум-у машҳур аждодларимиз, кўҳна тарихимизни сўзловчи қадимий навқирон шаҳарларимиз билан бир қаторда энди ўз истеъдодини кўрсатишга интилган биз ўзбек фарзандлари ҳам дунё нигоҳидамиз. Қалбимизда Ватан берган бахт-шодлик ҳислари эртанги кунга бўлган мақсад-интилишлар, бизни Ватан олдидаги, келажак олдидаги бурчимизни ҳам ўйлашга даъват этади. Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси қалбимизда шу Ватанга бўлган фахру ифтихор туйғуси билан бирга буюк аждодларимиз яратган бой маънавий мероси орқали сингиб, чексиз ғурур туйғуларини бахш этиб, шу юртга, аждодларга муносиб авлод бўлишга чорлайди. Бобомиз Нажмиддин Кубро, Жалололдин Мангуберди каби аждодларимиз кўрсатган маънавий жасорати бугун бизга ибрат мактабидир. Уларнинг ҳаёт йўллари, илм-фан йўлида эришган ютуқлари ёш авлод қалбига Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини янада оширади. Шу ўринда Ватан куйчиси шоир Муҳаммад Юсуфнинг биз ёшларга қарата айтган қуйидаги мисраларини келтиришни жоиз деб билдим:

*Ўпинг, юзинингизга суринг тупроғин,  
Ҳар сўзи муқаддас дуодек севинг.  
Қаданг юракларга миллат байроғин,  
Ватанни Нажмиддин Кубродек севинг.*

Мустақиллик байрами ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида юртимиз бўйлаб катта тантана қилинади. Эътиборлиси эса, ҳар йили байрам тадбирлари ўзгача маъно-мазмун касб этадиган шиор остида нишонланади.

Юртбошимиз ташаббуси билан бу йилги байрамни “Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида кутиб олиш замирида мустақилликнинг нақадар улуғ неъмат эканлиги, шу улуғ ва муқаддас Ватанда ўтаётган тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашдек улуғ ғоя ва мақсад мужассамдир.

*Мустақиллик сабаб тинчлик барқарор,  
Ҳар қадам гуллаган чиндан бетакрор.  
Бир калом айтаман такрор ва такрор,  
Ягона, дурдонам – онажон Ватан!*

Ҳамиша бетакрор, бизнинг қалбимизга меҳр берувчи ягона замин бу, албатта, она Ватанимиз Ўзбекистондир! Шу юртнинг ҳар қарич ери, шу Ватан тупроғида униб-ўсаётган гулу ниҳол ҳам биз учун азиз ва муўтабар, бетакрор ва ягонадир. Шу азиз Ватанни улуғлаш, уни дунёга баралла мадҳ этиш қалбимнинг туб-тубидаги энг олий мақсадимдир. Ўзбекистон мустақил демократик жамият қуриш йўлидан борар экан, бунда биз ёшларнинг жамият ҳаётидаги иштироки муҳим аҳамиятга эгадир. Ёшларнинг жамият ҳаётига кириб бориши, бугун жамият ҳаётидаги ўрни, юртимизнинг гуллаб-яшнашига қўшаётган ҳиссаси юртимизни тараққиётга эришишига йўл очмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтишим мумкинки, муқаддас Ватанимиз бугун биз ёшларнинг чинакам суянчи. Келажак ёшлар қўлида экан, доимо шу Ватан учун ёниб-куйиб, керак бўлса жон фидо қилиш ҳам даркор деб ҳисоблайман. Шу юртнинг фарзандиман деган ҳар бир киши мустақилликни асраб-авайлаши, уни мустаҳкамлаш учун бор куч-гайрати, билимини сафарбар этиши ва мамлакатдаги эркин ва фаровон ҳаётни, шунингдек, тинчликнинг қадрига етиши шарт ва зарур деб ҳисоблайман.

*Севара ХУДОЙБЕРГАНОВА,  
Урганч шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар  
коллежи ўқувчиси*

## ЮРТГА САДОҚАТ ТУЙҒУСИ

Ватанда энг яқин инсонларинг яшайди, болалигинг ўтган қадрдон гўшалар, ҳар бири бизга улкан бўлиб кўринган гужум, тол, тераклар ва меваси болдай ширин мевалар, тутлар... барисини кўзингга тўтиё қилгинг келади, кўрсанг энтикасан. Яқин инсонлар, синфдош ва кўшни дугоналар, дўстлар... Улғайсанг, катта ёшга етганингда шулар сенга эл бўлади, аҳил-иноқ бўлиб юринглар, деб тушунтиришади бизга ёши улуғларимиз. Эл-юртнинг аҳиллиги ҳам болалиқдан бошланади.

Таълим даргоҳида устозларимиз эл-юрт, Ватан биз учун муқаддас ва азиз эканини доим такрор-такрор тушунтирадилар. Ватан учун жонини фидо қилган аждодларимиз, унинг номини қадим тарихлардан бошлаб улуғлаган, дунёга машҳур қилган буюк ота-боболаримизнинг номини ҳурмат қилишимиз, уларнинг сўзларини ёд билишимиз, меросларини ўрганишимиз зарурлигини шундай мисоллар билан айтиб беришади. Қомусий олим, деярли барча фанларда оламшумул илмий кашфиётлар қилган бобокалонимиз Абу Райҳон Бериунийни бутун дунёда неча асрлар бўйи ўрганиб келмоқдалар. Шу қадар буюкликка улар қандай эришганлар? Албатта, тинимсиз ўқиш, изланиш, илм-фанни, китобни севиш натижасида барча соҳаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган катта янгиликлар яратганлар.

Мен халқаро фан олимпиадаларида ютуқларга эришган юртимиз ёшларини Ватанимиз обрўсини оширган, кимнинг аждоди эканимизни ҳақиқий ис-

ботлаётган, Беруний бобомизга муносиб издошлар, деб биламан. Мана шундай фидойилик ҳам чинакам ватанпарварликнинг бир кўринишидир. Ахир бирор-бир катта ютуққа эришган киши, қайси ёшда бўлса ҳам, унинг исми ортида Ватан номи улуғланади, қайси мамлакатдан эканлиги айтилади.

Ватани борнинг бахти бор, дейдилар. Ватаннинг бахти эса ана шундай улуғ инсонлар и ва шу буюкларга муносиб фарзандлари борлигида десам, тўғри бўлса керак. Муносиб бўлишимиз учун эса бизга барча имкониятлар яратиб берилган. Китоблар, компьютерлар, чиройли, шинам таълим даргоҳлари бизнинг ихтиёримизда. Тинч ва осуда юртнинг ана шундай бахтиёр фарзандларимиз. Биз қайси касбни танлаган бўлсак шундай азиз Ватанимизни ҳимоя этиш, тинчлигини асрашга ҳисса қўшишни бурчимиз деб англаймиз. Бунда ҳам Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Тўмарис каби ватанпарвар, мард ва кўркмас аждодларимизнинг жасорати бизларга ибрат бўлади.

Юртимизнинг бугунги тинчлиги, озодлиги йўлида ўз жонини фидо қилган бобокалонларимизни ҳамиша фахр билан тилга оламиз ва эслаймиз. Ватаннинг бир сиқим тупроғини ҳам душманлардан ҳимоя қилиб, Ватан учун жон фидо қилган жасорат эгаларини тарихларни варақлаб санасак, саноғига етолмаймиз. Буюк, жонкуяр боболаримиздан бўлмиш Жалолиддин Мангуберди Ватанимиз тинчлиги, озодлиги йўлида ўз оиласининг ҳаётидан ҳам воз кечган, яъни душман қўлида хор бўлганидан кўра шу Ватанда ҳаётдан кўз юмгани маъқул дея оила аъзоларини сувга оқизиб юборган. Унинг ўзи душман билан олиша-олиша катта ва чуқур дарёга учқир оти билан бирга ўзини отган. Буни кўрган душман Чинггизхон мингта ўғлим бўлгандан кўра битта шундай мард, довюрак, ақлли ўғлим бўлгани яхши эди, дея Жалолиддинга тан берган. Душманларининг ҳам ҳавасини келтирган ана шундай буюк саркарда

боболаримизнинг авлодимиз ахир. Жалолиддиннинг жасоратини кўрган душман ҳам ҳайратланади. Жалолиддин Мангуберди нима қилиб бўлмасин юртни душмандан ҳимоя қилиб, уни асраб-авайлаш, озодлигин ҳимоя қилиш учун ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача курашади ва жон таслим қилади. Ўтмишимизда яна шундай буюкларимиз тарихда ўз мардлиги, садоқати билан ном қолдирганлар.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз азал-азалдан эркин ва озод, тинч-фаровон ҳаёт кечиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва не-не машаққатлар чекиб бўлса-да шу мақсади учун курашган, мардлик кўрсатган. Дўсту душманлар, не-не мамлакатлар асрлар бўйи Ватанимизга ҳавас қилиб келишган, уни ўзиники қилиб олишга уринганлар қанча бўлди. Қайсидир даврда ва қанчадир йиллар юртимиз ўзгалар қўл остида бўлиб, баъзан хонликларга бўлиниб турган. Лекин ҳар бир мустамлака даври яна озодлик билан якун топаверган. Бу асло осон бўлмаган, албатта. Буюк аждодларимиз Ватан озодлиги йўлида ўз жонларини фидо қилиб, ғолиб бўла-бўла шундай гўзал ва беқиёс, такрорланмас юртимизни бизга мерос қилиб қолдирганлар. Боболаримиз ёди учун қанча ҳурмат, қадр кўрсатмайлик барибир кам.

Шукрлар бўлсинки, мустақиллик каби бебаҳо неъматга эга бўлиб турибмиз, ундан барчамиз баҳрамандмиз. Ер юзида номи машҳур Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатдир. Мустақиллик тўфайли қанчадан-қанча, залворини биз ҳали тасаввур қилолмайдиган ютуқлар қўлга киритилганлиги бизга ғурур бағишлайди.

Давлат рамзлари биз ёшларнинг дилини фаҳрга тўлдиради, Конституциямизда барча ҳуқуқларимизга мустаҳкам пойдевор қўйилган, миллий армиямиз куч-қудрати катта, Қуролли Кучларимиз юртни, халқимизни ҳимоя қилишга қодир. Бир нарсани ай-



тиб ўтсам, тенгдош йигитлар ана шу армиямиз сафида бўлишни жуда орзу қилишади.

Мамлакатимиз янгидан-янги ютуқларга эришишда давом этмоқда, энди бу сафда биз ҳам бормиз, ахир истиқлол йилларида вояга етиб кучга, ақлга тўлдик, билим олиб, касб-хунар ўрганаёلمиз. Юртимиз тинч, мустақил, гўзал ва обод. Барча тенг ҳуқуқли, мустақил фикрлашга, таълим-тарбия олишга муваффақ бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етмоқдамиз. Буларнинг барчаси истиқлолнинг бизга аталган неъматларидир.

Ҳозирги кунларда бебаҳо мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрамини катта қувонч ва кўтаринки руҳда кутиб оляпмиз. Ҳар йили юртимизда 1 сентябрь Мустақиллик байрами сифатида кенг ва тантанали нишонланади. Гўзал ва обод мамлакатда яшаётганимизга шукрона айтиб, унинг қадрига етиб, Ватанимизнинг шон-шухратини янада бутун оламга танитайлик. Шундай бетакрор Ватанда туғилиб ўсганимдан фахрланаман.

Ватан ривожини учун интилиб, ҳаракат қилиб, ўз ҳиссасини қўшган одам дунёдаги энг бахтли инсонлардан ҳисобланади.

Элим, юртим деган ҳар бир юртдошимизга, тенгдошларимга, илм-фанни Беруний, ал-Хоразмийга ўхшаб севадиган билимли ёшларга ана шундай бахт қанча кўпроқ ёр бўлса, Ватанимиз ривожланиб, яшнайверади.

*Рўза ҚҰЧҚОРОВА,  
Урганч тумани маиший хизмат касб-хунар  
коллежи ўқувчиси*

## **КОНСТИТУЦИЯ – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА**

Биз дунёдаги энг азиз ва мўътабар зот инсон эканини яхши биламиз. Бу дунёни кўзимизга гўзал ва бетакрор қилиб турган нарса ҳам инсонларнинг бир-бирига бўлган муҳаббатидир. Инсон бўлмаса ер юзидаги ҳаёт қанчалик гўзал ва неъматларга бой бўлмасин, маънисиз ва зерикарли бўлиб қоларди.

Инсон азиз ва муқаррам қилиб яратилган экан, унинг ҳуқуқлари ҳам муқаддасдир, чунки инсон ўзининг бор фазилати, истеъдод ва маҳоратини ана шу ҳуқуқлар орқалигина юзага чиқара олади. Аммо одамнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари чекланган ёки топталган бўлса, энг ёмони бунга ўзи ҳам кўникса, бундай инсон ҳеч қачон табиатнинг ноёб мўъжизаси, ҳаёт гултожи сифатида намоён бўлмайди. Бу борада атоқли шоиримиз Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг “Кулган бошқалардир” деган шеърида нафақат ўзи, балки бутун халқимизнинг шўро давридаги қуллик ва қарамлик ҳолатини чексиз қайғу-ҳасрат билан баён этган, чунки истибдод йилларида халқимизнинг инсоний ҳуқуқлари бутунлай топталиб, унинг шаъну ғурури ерга урилган эди.

Тарихга бир назар солсак, қадимги Рим, Миср каби мамлакатларда исён кўтарган қулларнинг асосий талаби – ўз ҳуқуқларига эга бўлиш, озод ва эркин ҳаёт кечириш эди, чунки инсон табиатан ҳур ва озод бўлиб туғилган. Унинг жисми ва руҳи тутқунлик муҳитида яшолмайди. Фақат манқуртлаштирилган одамларгина қулликка кўникиши, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила ол-

маслиги мумкин, чунки улар энг муҳим инсоний хусу-  
сияти – хотирасидан жудо қилинади.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари яхлит тизим сифа-  
тида шаклланиб, аллақачон умумбашарий қадриятлар  
даражасига кўтарилган, яъни инсон ҳуқуқлари сиё-  
сий тузуми, халқнинг миллий таркиби ва қайси дин  
ва дунёқарашга эътиқод қилишидан қатъи назар, ер  
юзидаги барча мамлакатларда амал қилинадиган  
қадриятга айланган. Бу ҳуқуқлар шахсий, сиёсий  
ҳуқуқлар, иқтисодий ҳуқуқлар, ижтимоий ҳуқуқлар  
каби турларга бўлинади ҳамда демократия ва дунёвий  
тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлатнинг Кон-  
ституцияси ва тегишли қонунларида ўзига хос тарзда  
акс этади.

Масалан, инсоннинг қайси дин ёки эътиқодда бўли-  
ши – шахсий ҳуқуқини, давлат ва жамият бошқарувида  
иштирок этиши – сиёсий ҳуқуқини, ўз мол-мулкига эга  
бўлиш ёки эга бўлмаслиги – иқтисодий ҳуқуқини, би-  
лим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш,  
дам олиши – ижтимоий ҳуқуқини ташкил этади.

Инсоннинг энг буюк ва муқаддас ҳуқуқи – озод ва  
эркин яшаш ҳуқуқидир. Лекин шўро тузуми даврида  
халқимиз бу ҳуқуқлардан маҳрум этилган эди. Биз бу  
ҳуқуққа мустақилликдан кейин эришдик. Мамлака-  
тимизнинг янги Конституцияси қабул қилиниб, унда  
юртдошларимизнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари белгилаб  
қўйилди.

Биз мустақилликни қўлга киритганимиздан  
сўнггина барча инсоний ҳуқуқларимизга эришгани-  
миздан шундай сабоқ чиқариш мумкинки, одамлар  
ўз ҳуқуқлари учун доимо курашиб яшаши керак. Ахир  
бир ўйлаб кўрайлик, халқимиз истиқлол ва озодлик  
учун 130 йилдан зиёд вақт давомида гоҳ яширин, гоҳ  
ошкора кураш олиб борди. Эндиликда бу улуғ, бебаҳо  
неъматни асраш, келгуси авлодларга озод ва обод Ва-  
тан қолдириш йўлида фидойилик кўрсатиш талаб

этилмоқда, чунки дунёда разиллик ва қотилликни касб қилиб олган нафс бандалари бировнинг ҳақидан қўрқмайдиган, унинг ҳуқуқлари, мулки ва бойликлари ҳисобига яшашни ўйлайдиган кимсалар йўқ эмас, албатта. Инсон ҳуқуқлари борасидаги қонунлар бизни мана шундай хавф-хатарлардан огоҳ этади, ўз ҳуқуқларимиз ҳимояси йўлида ҳушёр ва огоҳ бўлиб курашишга ундайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Конституция – давлатнинг Асосий қонуни бўлиб, энг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. Конституция – давлат тузилиши, давлат бошқарув шакли, шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатларини белгилайди. Конституция меъёрлари билан жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланади. Конституция асосида бир қатор янги қонун ва кодекслар қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг асосий вазифаси олий конституциявий қадрият, яъни инсонни ҳимоя қилишдир. Бу борада Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда”, деб таъкидлаган. Ҳа, бу қилинаётган ишларнинг барчаси биз ёшлар учундир.

Конституциямизда ўрнатилган қонун-қоидалар Ўзбекистон фуқароларининг, шу жумладан, менинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларимни англаб олишимда ва шу аснода ўз ҳуқуқларимни ҳар қандай жойда ҳам ҳимоя қила олишимда жуда катта роль ўйнайди.

Асосий қонунимиз мамлакатнинг, бизнинг ҳаёт қоидаларимизни белгилайди. Болаларнинг, ёшларнинг ҳуқуқлари алоҳида ажратиб кўрсатилган Конституция бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар учун асос ҳисобланади. Барча қонун ва кодексларнинг махсус моддалари биз ёшларнинг алоҳида ҳуқуқларимизни

қайд этади. Шу жумладан, Конституцияга инсон, унинг ҳаёти, эрки, ўз номуси, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий кадрият деб эълон қилинган. Конституциямиз асосида яратилган бир қатор қонунларнинг асосий вазифаси олий конституциявий кадрият, яъни инсонни ҳимоя қилишдир.

Хулоса қилиб шуни айтишим мумкинки, ҳеч ким бизни ҳуқуқларимиздан маҳрум эта олмайди. Бошқа инсонлар билан тенглигимиз давлат ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш учун ҳаммага тенг имкониятлар таъминлаганлигида намоён бўлади. Ана шундай имкониятлардан қай йўсинда фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқдир. Агар биз яхши ўқиб, ўз қобилият ва истеъдодимизни камол топтирсак, унда ҳуқуқларимиз ҳаётда муваффақиятларга эришиш бобида бизга кўмакчи бўлади.

## **МУСТАҚИЛЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ**

Бугунги кунда мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интиқиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмунни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йигирма беш йиллигини баланд руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало, ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш – бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуғ тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дин-у диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йигирма беш йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар – миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг қўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, шундай бир савол туғилади. Истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинми? Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ... Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тогдек мустаҳкам асос ва қудратли замин бўлди.

Барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан

Ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: яъни биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида қолиб кетгани, қолоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланиб қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва аҳволи қандай аянчли ҳолда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келгани ҳали-бери кўпчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.

Эл-юртимизнинг қандай ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охириги йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларига эътибор қаратишимиз лозим.

Бизнинг қанчадан-қанча ота-боболаримиз мустақиллик учун курашди. Булар Амир Темур, Жалолоiddин Мангуберди, Тўмарис, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон ва бошқа боболаримиздир. 1914-1918 йиллардаги биринчи жаҳон уруши ва 1939-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши бир авлод умри давомида одамзот бошига сонсаноксиз кулфат олиб келди. Бу урушларда миллионлаб киши жанг майдонларида, фронт орқасида ҳалок бўлди, бундан ҳам кўпроқ тинч аҳоли асирликда, қамоқларда, концлагерларда қирғин қилинди, отилди, осилди. Ярадорлар, ногиронлар, бедарак йўқолганлар сони эса ҳозиргача номаълум, аммо улар ҳам миллионлаб экани шубҳасиз.

Мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси эди, бу орзу 1991 йил 31 август куни рўёбга чиқди. Мустақил Ўзбекистон диёрининг барпо этилиши эса халқимизнинг тарихий ютуғига айланди. Мустақиллик йилларида бой тарихимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўхна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларга берилаётган

турли хил имтиёзлар ҳам таҳсинга сазовордир. Жумладан, турли академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида таълим олаётган 196 нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари борлиги ибратлидир. Юртбошимиз ҳар йили Мустақиллик байрамига багишланган тантаналарда халқимизга ўзининг самимий тилаklarини изҳор этар экан, “Мустақиллигимиз абадий бўлсин!” дейди. Бу эзгу тилак фақат давлатимиз раҳбарининг эмас, балки ўттиз миллиондан зиёд мамлакат аҳолисининг ҳам эзгу тилаги сифатида жарангламоқда, деб ғурур билан баралла айта оламиз. Ҳеч шубҳа йўқки, мустақиллик ҳақида сўз борар экан, озод ва обод юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг қалбида шодлик, фахр-ифтихор туйғулари уйғонади. Жаннатмакон Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеи юксалиб, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркам қиёфага кириб бораётгани, меҳнаткаш халқимиз бутунидан бахтиёр, шукроналик, эртасига тўла ишонч руҳи билан яшаётганлигини кўриб қувонмай бўладими?!

Сўзим интиҳосида шу сўзларни айтмоқчиман: мустақиллик бизга берган неъматлардан, шарт-шароитлардан оқилона фойдаланган ҳолда биз, ёшлар буларга муносиб жавоб қайтара оламиз.



*Сабоҳат ШАРИПОВА,  
Қўшқўнир политехника ва тадбиркорлик  
касб-ҳунар коллежи ўқувчиси*

## **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ**

Ҳуқуқий маданият, менинг наздимда, бу инсоннинг қонунларни билиш ва улар асосида яшаш йўлида орттирган билим ва тасаввурлари, ҳаётий тажрибалари, барчаси билан боғлиқ умумий ҳуқуқий савиядир.

Қонунлар биринчи навбатда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бўлади. Ҳуқуқий онги шакланган инсон қонунийлик билан қонунсизликнинг фарқини яхши билади, ҳаётда ҳам ўз йўлини топа олади. Ривожланаётган даврда қонунни яхши билиш ҳар бир фуқаронинг ҳаётий эҳтиёжига айланган. Айни пайтда инсон нафақат ўз ҳуқуқини, балки мажбуриятини ҳам тўлиқ англаши лозим.

Бир ўйлаб кўрайлик, агар инсон мен қонунни биламан, ўз манфаатларимни қонунлар асосида ҳимоя қила оламан деб фақат ўз фойдасини кўзлаб ҳаракат қиладиган бўлса, уни ҳуқуқий жиҳатдан маданиятли одам деб бўлмайди. Чунки у қонунни билишини пеш қилиб, атрофидаги инсонларнинг ҳуқуқларига даҳл қилиши ҳам мумкин. Қонунлар аввало инсонийликка, адолатга асосланади. Қонунларда инсоннинг ҳуқуқи ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва давлат, фуқаролар олдидаги бурчи ва мажбурияти ҳам қатъий белгилаб қўйилган.

Қонун устувор бўлган жамиятда тинчлик-тотувлик, тартиб, интизом ва адолат қарор топади, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади.

Конституция асосида янги қонун ва кодекслар, қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг асосий вазифаси ин-

сонни ҳимоя қилишдир. 1994 йил Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинди. Унинг вазифаси шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, табиий муҳитни, тинчликни ва инсоний хавфсизликни қўриқлаш, жиноятларнинг олдини олишдир.

1995 йил 1 апрелдан амалга киритилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс фуқароларнинг жамиятдаги хулқ-атворини, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни бошқаради ҳамда ушбу қоидаларни бузувчилар учун жавобгарликни назарда тутди. 1998 йилда қабул қилинган Оила кодекси оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун кафолатни таъминлайди. Ушбу кодексдаги қоидалар оилавий муаммоларни ечишда кўмаклашади. Унда эр-хотин, ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари мустаҳкамланган.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари томонидан аҳоли, айниқса истеъмолчилар ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Қонунларни билиш орқали инсонга ҳурмат, инсоннинг ҳуқуқларини қадрлаш фазилатлари ҳамда демократик қадриятларнинг шаклланиши ҳуқуқий маданиятнинг юксак намунасидир.

Ҳар бир инсон мамлакатимизда белгилаб қўйилган қонун-қоидаларга риоя қилса, ҳеч қачон низолар юзага келмайди. Инсон тинчлик қадрига етиб, ҳуқуқларига сидқидилдан ёндоша олса уни ўз мажбурияти деб билса, ёшларимиз онгини ҳуқуқий маданият билан бойита олса, шунда чин инсон бўла олади. Мустақиллигимиздан сўнг ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқий эркинликларига тўлақонли эга бўлган. Ҳаётда ўз ўрнини топган. Ҳуқуқий масалаларга чуқур ёндоша оладиган фуқаро Ватан ишончи ва суянчидир.

**Рўза АБДУШАРИПОВА,**  
*Янгиариқ саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар*  
*коллежи ўқувчиси*

## **МУСТАҚИЛЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ**

Ҳар бир онгли инсон борки, ўзи туғилиб ўсган Ватани, киндик қони тўкилган шаҳар ёки қишлоғида рўй бераётган ижобий ўзгаришлардан қувонади, шу жойда яшаётган ҳамюртлари эришган натижалар билан фахрланади. Ифтихор эса кишини бир жойда тўхтаб қолмай янгидан-янги марраларни кўзлаб, юксак мақсадларни илгари суриш, жамият ривожини, юрт тараққиёти йўлида меҳнат қилишга бўлган иштиёқини янада кучайтиради.

Мана шундай туйғу биз янгиариқлик ёшларнинг ҳар биримизда мужасам, десам янгилишмасам керак. Тенгдошларим, курсдошларим, ҳамқишлоқларим билан “Биз Ватан тараққиётига қандай ҳисса қўша оламиз?”, “Нима қилсак, юртимизнинг шон-шухрати олам узра янада кенг ёйилади?”, “Мен келажакда қандай иш билан машғул бўламан?” сингари савол-жавоблар, баҳс-мунозараларни тез-тез ўтказишга одатланганмиз.

Кимдир Хоразмга ташриф буюрувчи сайёҳларга таржимонлик қиламан деса, яна кимдир банкдан кредит олиб, барча шарт-шароитларга эга меҳмонхона хизматини йўлга қўйишни айтади. Яна бир дугона туманимизда гўзаллик салони очиш, бошқаси тадбиркорликнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи марказ ташкил этиш ҳақида орзу қилади. Хуллас, орзуларимиз бисёр. Кўпинча бу орзу-хоҳишларимизни маҳалладаги ёши кекса, нуроний отахон-онахонларимиз билан ўртоқлашамиз. Улар доим биз, ёшларга ҳавас билан қараётганларини ич-ичимиздан ҳис қиламиз.

Уларнинг аксарияти “Мустақиллик туфайли биз ўзлимизни ангадик, озод халқ, мустақил давлат

Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони очилди. Озодлик боис бизни жаҳон таниди” деб шукроналик билан тез-тез такрорлашади. Шу билан бирга, мустақиллик шарофати билан кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланганидан сўзлаб беришади.

Дарҳақиқат, истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, кадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш имкониятини яратди. Айниқса, биз, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳар қадамда ҳис қиламиз. Нафақат шаҳарларимиз, балки қишлоқларимиз, олис аҳоли яшаш пунктларида ҳам бир-биридан муҳташам мактаб ва коллежлар, маданият даргоҳлари, шифохоналар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари қад растлаётган, равон йўллар, шинам уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётганини мана шу эътиборнинг амалдаги тасдиғи деб ҳисоблайман. Бу бино ва иншоотларнинг барчаси биз, Ўзбекистоннинг бахтиёр ёшлари учун барпо этилаётганидан фахрланаман.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлаш арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширилган ишлар, эришган натижаларни холисона баҳолаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг онг-шуурига етказиш мақсадга мувофиқдир. Ватанимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг фаравон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар биримиз, шу гўзал диёрда яшаётган эканмиз, мустақилликнинг

қадрига етишимиз шарт. Бизнинг халқимиз ҳамиша катта орзулар, яхши ниятлар билан яшаб келган. Айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг халқимизнинг орзу-интилишлари янада кучайди, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш буюк мақсадга айланди. Ана шундай улкан орзулар билан яшаётган ва ўз кучи билан улуғ ишларни амалга ошираётган бунёдкор халқнинг фарзандлари сифатида биз қалбимизда ва онгимизда заррача бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўймаслигимиз лозим. Вақтини тўғри сарфлайдиган, ёшликнинг ганимат даврларини қадрлайдиган, яхши ютуқлари билан ота-онаси, устозларининг эл орасида ҳурматини оширишни истайдиган одам онгида бўшлиққа ўрин йўқ. Унинг фикри-ўйи доим ўқиб-изланиш, ҳар бир кунини фойдали ўтказишда бўлади. Ҳар биримиз шундай ўйлайдиган бўлсак, ҳаётда асло ютқазмаймиз, орзу-мақсадларимиз чиройли бўлиб рўёбга чиқади, кўзлаган манзилимизга етиб, одамлар ҳавас қиладиган комил инсонлар бўлиб улғаямиз. Ватанга, мустақилликка комилликка интилган ва комилликка эришган инсонлар кўпроқ ҳисса қўшадилар. Саноат-иқтисодиёт коллежида ўқийман, биздай ёшларни бутун бир янгиланган ва ривожланаётган муҳим соҳа ўз корхоналари, иншоотлари, янги технологияларга асосланган иш жараёнлари, замон талабига мутаносиб шарт-шароитлари билан кутиб турибди. Бу соҳанинг малакали, хорижий мамлакатларда тажриба ўрганган етук мутахассислари бизга устозликда давом этадилар. Ёш ҳамкасблардан ҳам кўп билим ва кўникмаларни ўргатишимиз тайин. Истиқлолимизни мустақкамлаш учун мардона, фидойи халқимизга содиқ фарзанд бўлиб хизматга шаймиз.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## **МУСТАҚИЛЛИК – БУ ЭНГ АВВАЛО ҲУҚУҚДИР**

Мустақил Ўзбекистон! Киндик қоним тўкилган, худди онам каби севгимга, ардоғимга энг муносиб, кўзим нури, қалбим сурури бўлмиш қадрдон гўша. Соғинчинг – ҳижрон, висолинг – энг буюк ҳузур-ҳаловат, қўлларим изи қолган азим арчанг юрагим қаърида илдиз отган. Тетапоя қилиб юрган болакай учун поёндоз, мархум бобом учун мангу пар-тўшак ҳам ўзингсан! Ҳар бир қаричинг қалбларимизда маҳбуб, этагимга илашган тупроқларинг кўзимга тўтиё. Сени озодликдан сармаст, мустақилликдан масрур кўриш – нақадар буюк бахт!

Ҳа, Мустақиллик – бу аввало ҳуқуқдир. Яъни ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва қудратига суяниб, ота-боболарининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир. Айнан биргина шу сўзнинг амалдаги ифодаси учун инсоният узоқ минг йиллар давомида бир-бири билан жангу жадалга киришган, миллионлаб кишилар ўз тақдирини ана шу неъматга боғлиқ ҳолда кўрганлар.

Мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

Мустақиллигимиз шарофати билан мамлакатимизда сўнгги беш йилда 300 га яқин болалар мусиқа ва санъат мактаби, 530 дан ортиқ спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилди ҳамда қайта таъмирланди. Буларнинг ҳаммаси келажак авлоднинг истиқболи учун амалга оширилган.

Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намён қилиш имконияти очилди. Озодлик боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шухрати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда. Хуррият берган беқиёс имкониятлар негизида эртанги кунимиз – эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Бизнинг энг улуғ мақсадларимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор – мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Саховатли замин – Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Юртимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳақида, айниқса, сўнгги йилларда кўп гапирилмоқда. Бу аҳиллик, ҳамжиҳатлик кеча ёки бутун пайдо бўлгани йўқ. Унинг илдизлари ҳам халқимиз тарихи каби теран. Ўзбек заминида яшаб, меҳнат қилиб, илм ва ижод билан шуғулланиб, шону шавкат топган турли миллатга мансуб мўътабар зотлар бисёр. Улар шу тупроққа меҳр қўйиб, уни муқаддас Ватан билиб, шу ерда томир отиб, ували-жували бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этмоқ йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида,

барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин. Қайси инсон мана шундай озод ва обод Ватанда яшашни орзу қилмайди? Албатта, ҳар қандай инсоннинг орзуси тинчликсевар юртда яшашдир.

Инсон борки, бахтли яшашни истайди. Менинг наздимда, бахт бу тинчлик ва осойишталик неъматидир. Тинчлик ва хотиржамлик бўлган юртда ривожланиш ва тараққиёт бўлади. Ватанни қалбан чуқур ҳис қилиш учун ҳам, халқнинг ватанпарварлик намуналарини кўрсатиш учун ҳам халқ ҳур, Ватан мустақил бўлиши керак экан. Бугун ана шу мустақиллик қўлимизда экан, уни эъозлашимиз, қадрига етишимиз, қадам-бақадам мустаҳкамлаб боришимиз лозим. Мана шу туйғулар, мана шу олижаноб фазилат ва эзгу ҳаракатлар бугунги кун учун чин ватанпарварлик намунасидир.

Мустақиллик йилларида кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг туб-тубидан ўрин олди. Зеро, мустақил давлат ва ҳамжиҳатликдагина ислоҳотларни амалга ошириш мумкин.

Ривоят қилишларича, Аллоҳ ҳаммага ерулашибди-ю, меҳнатсевар, болажон ўзбек ишларини тугатиб, болаларидан хабар олиб келгунича ер қолмабди... Шунда саховатпеша Аллоҳим унга жаннатнинг бир парчасини тақдим этган экан.

Жаннатим, ҳурлигининг 25 йиллик тўйи муборак бўлсин!



## **ОЗОД ЮРТ – ОБОД ЮРТ**

Озодлик энг буюк неъматдир. Ҳамма озод бўлиб яшашни хоҳлайди. Ҳатто буни биргина қуш мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Қафасда сақланадиган қушлар нега кун бўйи то ҳолдан тойиб чарчагунча бир ишни такрорлайверади? Қафаснинг сим деворларини чўқиш, гоҳ пастга тушиб, гоҳ тепага учиб қафасдан чиқиб кетишга уринишдан тўхтамайди. Чунки қуш табиатан кенг ва чегарасиз осмонда учиб, эркин ҳаволарда яйраш учун яратилган. Бу-ку қуш – ожиз ва онгсиз бир жонзот. Одам-чи?

Шаҳарда кўп қаватли иморатларда яшайдиган болалар орасида бузилиб қолган қоронғи лифтда бирор фурсат қолиб кетганлар ҳам бўлса керак. Бир неча дақиқа давом этган шу ҳолатда лифтда қолиб кетган боланинг юраги нақадар сиқилган, нақадар бетоқат бўлгани шубҳасиз. Қишлоқда ҳам шунга ўхшаш вазиятга тушган болалар бўлиши мумкин. Ажаб, нега одам боласи ўзини тутқунликка солишларини истамайди? Нега кичкинигина болажон отаси ёки онаси етаклаб келаётганида уларнинг қўлидан бўшалишга уринаверади? Нега бутун дунёда аксарият жиноятчиларни озодликдан маҳрум этиш билан жазолайдилар? Бу ва шунга ўхшаш кўплаб саволлар учун жавоб битта: инсон қушдан, нафақат қушдан, балки жамики жонзотлардан ҳам кўра кўпроқ озод ва эркин яшашни хоҳлайди!

Озодликдан маҳрум этилиш чинакам инсон учун оғир жазо ҳисобланиб, бу жазога учрамаслик учун ҳам у жиноят кўчасига оёқ босмайди. Озодликнинг қадрига етади.

Энди бутун бир халқнинг – миллионлаб инсонларнинг ўзига ўхшаган бошқа кишилар зулми ости-

да қолишини тасаввур қилиб кўринг. Ватанимизнинг беҳисоб табиий бойликлари, жуда қулай жуғрофий ҳудудда жойлашганлиги кўплаб босқинчиларнинг ҳавасини келтирган. Тарихдан маълумки, не-не ёвлар юртимизнинг пок тупроғини топташга, миллатимиз яратган бебаҳо маданий бойликларни талашга тинимсиз ҳаракат қилганлар. Лекин она халқимиз ҳам ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишдан ҳеч қачон тинмаган, чарчамаган, қатъий курашган. Миллатимизнинг Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Амир Темур сингари чинакам мард фарзандлари, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби ватанпарвар ўғлонлари миллат эрки, озодлиги ва мустақиллиги йўлида азиз жонини тикканлар. Озодлик учун олиб борилган матонатли кураш, ниҳоят ўз самарасини берди. Юртимиз 130 йил давом этган сўнгги истилодан XX аср охирига келиб батамом қутулди.

Истиқлол қўлга киритилгач, жаҳон сиёсий харита-сида янги мустақил мамлакатимиз – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди ва тез орада уни дунёнинг аксарият давлатлари тан олди.

Давлат мустақиллиги, бу ўша давлатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориши, жаҳон мамлакатлари томонидан тан олиниб, улар билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида ҳамкорлик қилиш демақдир.

Мустақил давлатнинг Конституцияси, мудофаа кучлари ва миллий валютаси бўлиши билан бирга у қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзларига эга бўлди. Булар мамлакатимизнинг герби, байроғи ҳамда мадҳиясидир. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда халқимиз ва давлатимиз манфаатлари, мақсадлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари баён этилган ҳамда кафолатланган.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1989 йил 21 октябрда

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Бу эса миллий озодлик учун қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлган эди. Зеро, тилнинг озодлиги дилнинг, тафаккурнинг ҳурлиги демакдир. Мустақил фикрлайдиган авлодгина буюк келажакни барпо қила олади. Афсуски, узоқ йиллар давомида халқимиз она тилида баралла гапириш, иш юритиш, давлат бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганди. Бугун эса тилимиз, дилимиз, тафаккуримиз озодликка эришган.

1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган мамлакатимиз байроғида юртимизнинг тарихи, табиати, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган эътиқоди, маданий-маърифий тушунчалари рамзий акс этган. Ундаги ҳар бир ранг, белги ёки чизиқларида чуқур маъно бор.

Ватанимиз байроғи АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) биноси олдида ҳилпираб, ер юзида Ўзбекистон Республикаси деган мустақил давлат борлигини барчага намоён қилиб турибди.

*Дунёда дунёси  
Бордир бу юртнинг.  
Хумоси-туғроси  
Бордир бу юртнинг.  
Байроғин-кўксига  
Босиб жон берган  
Нажмиддин Куброси  
Бордир бу юртнинг!*

Ватанга бўлган муҳаббатимизни бизлар юртимизнинг ҳар қарич ерини муқаддас билиб, она табиатини асраб-авайлаш ва гўзаллаштиришга ҳисса қўшиш, пухта билим олиш, юртимиз учун яхши ишлаш, ихтиролар қилиш каби эзгу ишларимиз орқали намоён этамиз.

*Насиба ЭРНАЗАРОВА,  
Қарши туманидаги Бешкент қишлоқ хўжалиги  
касб-ҳунар коллежи ўқувчиси*

## **АЗИЗ ВА МЎЎТАБАР**

Ватан! Шу бир сўз инсонни бутун борлиқни англашга, инсонда жамики эзгу фазилатларни ўрганишга чорлайди. Шу биргина сўз инсонни севишга ундайди.

Ватан – киндик қонимиз тўкилган тупроқ, илк бора кўз очиб кўрган замин, илк қадам қўйган тупроқ, ўсиб улғайиб, камолга етган муқаддас макон.

Ватан сўзининг таърифини келтириш учун жамики сўзлар ҳам озлик қилади. Ватан шундай муқаддаски, унинг учун жонингни берасан, Ватан шундай яғонаки, сен фақатгина битта Ватанда туғиласан, шу Ватан сен учун яғона, Ватан шундай саждагоҳ.

Тинчлик – Ватаннинг энг олий куч-қудрати десак, муболаға бўлмайди. Тинчлик ҳукм сурган Ватанда ривожланиш, юксалиш, тобора янгиликларга интилиш бўлади. Тинчлик ҳукм сурган Ватанда аҳолиси тинч-осойишта, хотиржам бўлган замин, билингки энг азиз макондир. Шу жумладан, биз ҳам фахр билан биз тинчлик ҳукм сурган заминда яшаймиз, “Бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистон!” дея баралла айта оламиз. Қарши шаҳрининг бугунги жамоли мени ҳайратга солади. Катта ёшдаги инсонларнинг айтишича, у аввал бундай чиройли, обод бўлмаган. Телевизорда пойтахтимиз Тошкентнинг гўзал иншоотларини кўп бор кўрамиз. Қарши шаҳри ҳам пойтахтимиздаги каби гўзаллашиб бораяпти. Бу қурилиш ишларида коллежларни битирган мутахассислар ишлаётганининг гувоҳи бўламиз. Қарши ҳам Ватанимизнинг бир бўлаги, демак Ватанимиз ободлиги учун йигит-қизлар астойдил меҳнат қилишмоқда, замонавий кўркем биноларни бунёд

этишдан фахрланишмоқда. Катта ёшдаги инсонлар қатори ёшларнинг ҳам ана шундай эзгу ишларидан Қарши ҳамда вилоятимизнинг барча туман ва қишлоқлари йилдан-йилга чирой очиб бораверади. Зеро, Ватан келажаги ёшлар қўлида, дея бизга ишонч билдирилмоқда.

Дунёда давлатлар кўп. Лекин инсон учун ягона муқаддас Ватани бўлади. Инсон шу Ватанни ардоқлайди, шу Ватанни кўз қорачиғидай асрайди. Ҳар бир Ватаннинг келажаги унда яшаётган ёшларга боғлиқ. Биз буни яхши англаб ва шу улўғ мақсадда камол топмоқдамиз. Президентимиз таъкидлаганидек: “Биз бир ютуғимиз билан бошқа давлатлардан ажралиб турамиз. Чунки бизда ёшлар кўп. Ёшларнинг кўп бўлиши, келажагимизнинг порлоқлигидан далолат”. Шу мустақил диёрни, тинч масканни бемалол “Шу Ватан, шу азиз тупроқ барчамизники” дея оламиз.

Ҳар бир Ватаннинг ўз ўтмиши, тарихи бўлади. Асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келади. Ўзбекистон ҳам жуда узоқ тарихга эга. Асрлар давомида шаклланиб, шу бугунгача етиб келган. Не-не аجدодларимиз яшаб, ижод қилганлар, Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлганлар. Бугун шу аجدодларимизнинг муборак номлари қайта тикланди. Улўғ боболаримиз мерослари абадийлаштирилди. Биз буюк аجدодларимиз меросидаё, ибратли, мардона ишларидан беқиёс сабоқ оламиз, буюк аجدодларимизга муносиб бўлишни ўзимизга орзу-мақсад қилиб, билим ўрганамиз.

Ўтмишсиз келажак йўқ, албатта. Биз тарихни ўрганиш орқали келажакка қадам қўямиз. Биз ўсиб-улғайиб камолга етиб, шу Ватан учун хизматга шай бўламиз, қўлимиздан келганча унинг ривожланиши учун ҳаракат қилмоғимиз лозим. Зеро, биз шу муқаддас, азиз ва мўътабар маскан учун яшайлик.

*Гулфариз ҚЎЙЛИЕВА,  
Чироқчи энгил-саноат  
касб-хунар коллежи ўқувчиси*

## ҚАЛБИМДА БИР ТУЙҒУ БОР...

Қалбимда бир туйғу бор. У мени кеча-ю кундуз огоҳликка, масъулиятга, дахлдорликка чорлайди. Бу она Ватанга муҳаббат ва шукроналик туйғусидир.

Ватан – инсоннинг ғурури рамзи. Ҳар ким Ватани тимсолида дунёдаги энг гўзал ва бетакрор юртни, ўзининг, халқининг бахтини кўради. Она юрт табиати, ҳавоси, одамлари болалигимиздан бошлаб биз учун азиз ва қадрдон бўлиб қолади. Ана шундай маскан бизнинг она юртимиз Ўзбекистонимиздир. Ҳозирги вақтга келиб Ватанимиз ривожланган давлатлар қаторидан жой олган. Бундай тараққиёт босқичига чиқиш Ватанимиз учун осон бўлмаган.

Президентимиз “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деганларидек, биз ҳам бир бор тарихга назар ташласак. Ўзбек халқи ўз тарихи давомида оғир ва мураккаб синовларни бошидан кечирган. Улар қадимдан истиқомат қилиб келган Туркистон замини қулай иқлимга, гўзал ва бетакрор табиатга эга экани, дарёлари кўп, ерлари серҳосил бўлгани учун унга доимо ташқаридан ҳар хил босқинчи кучлар ҳамла қилиб келган. Бунинг натижа-сида юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари неча бор вайрон этилган, халқимизнинг фидойи фарзандлари Ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлган, бойликларимиз таланган, аждодларимиз тазйиқ ва таъқиб остида яшаган.

Сиз афсонавий Қақнус қуши ҳақида эшитганмисиз? Ривоят қилишларича, Қақнус қуши умри охирида ўрмоннинг бир чеккасига борар эканда, ўзидан олов чиқарар экан ва ана шу олов алангасида куйиб кул бўлар экан. Аммо унинг кулидан янги бир зурри-

ёд – бошқа бир Қақнус қуш пайдо бўлар экан. Бизнинг халқимизни ҳам Қақнус қушга қиёслаш мумкин. У қанчадан-қанча жанглар алангасига дуч келсада, ҳар сафар янгича куч ва қадрият билан бош кўтариб, ёруғ келажак сари интилиб яшайверди. Бунга халқимизнинг неча минг йиллик тарихи гувоҳ. Ана шундай дамларда юртимизни тараққиёт босқичига олиб чиққан Юртбошимиз ҳақиқий қахрамон эмасми!

*Хуррият йўлида собит юрган халқ,  
Бугун манглайида нур юрган халқ,  
Буюк давлат қурган, Ватан қурган халқ,  
Ватан қурмоқларинг осон бўлмади.  
Бу боғбон шунчаки боғбон эмасдир,  
Бу боғда гул умри хазон эмасдир,  
Энди ўзбек бўлиш осон эмасдир,  
Ўз-ўзидан Ўзбекистон бўлмади,  
Ўзбекистон бўлиш осон бўлмади.*

Ватанимиз ҳақида ўйлар эканмиз, беихтиёр қалбимиз тубида аввало шукроналик туйғуси уйғонади. Шундай замонда, шундай гўзал маконда яшаш бахтига шукроналик... Инсон учун онаси берган оқ сутини оқлаш қанчалик фарз бўлса, ўз халқи олдидаги қарзини узиш, унга ҳалол хизмат қилиш, керак бўлганда, унинг шаън-у шарафи, ор-номуси учун жонини қурбон қилиш ҳам шунчалик фарздир. Халқимизнинг бетакрор фазилатлари, неча минг йиллик тараққиёт йўли, у тарбиялаб вояга етказган буюк инсонларнинг юксак фазилатлари қалбимизда ғурур-ифтихор уйғотади. Биздек ёш авлодлар мана шундай халққа фарзанд бўлганимиздан ўзимизни ғоят бахтиёр ҳис этамиз ва ҳамиша унинг номини, шаън-у шарафини пок сақлашга интилиб яшаймиз.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган кўплаб замонавий лицей ва коллежлар, умумтаълим мактаблари, санъат ва спорт масканларида ҳар томонлама

чуқур таълим ва тарбия берилаётгани, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига, халқимизнинг маънавий юксалишига катта эътибор қаратилаётгани келажакда юртимиз тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг мамлакатимизда ана шу шартларнинг ҳаммасига тўлиқ жавоб берадиган имкониятлар мавжуд. Шунинг учун Ватанимиз тараққиёти ўз қўлимизда. Барчамиз фидойи, Ватанимиз даъватига доимо тайёр турадиган муносиб фарзандлар бўлсак унинг тараққиёти янада юксак, обрў-эътибори баланд бўлиши шубҳасиз.

Ўзбек халқи дунёдаги барча халқлар каби тинчлик, дўстлик ва меҳнатни қадрлайди. Халқимиз айниқса, юртига садоқат, ватанпарварлик, сабр-матонат, орият, олижаноблик, болажонлик ва меҳмондўстлик фазилатлари билан алоҳида ажралиб туради. Юртимиз қадим-қадимдан илм-фан ўчоғи бўлиб келган. Бунинг ёрқин исботи, боболаримиз Абу Райҳон Берунийнинг ер шари ҳақидаги фикрлари, Мирзо Улуғбекни юлдузлар ҳақидаги фикрлари бунинг ёрқин исботидир. Ўзбекистон ҳозирги вақтга келиб жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторида ва қолаверса, туризм мамлакатига ҳам айланиб бормоқда. Бобомиз Амир Темур “Агар бизнинг куч-қудратимизга ишонмасанг келиб биз қурган иморатларга боқ” деган эди. Ҳақиқатан ҳам, сайёҳлар бизнинг юртимиз жамолига қойил қолмоқда. Мен Ўзбекистон фарзанди эканимдан фахрланаман.



## **БУЮК АЖДОДЛАРНИНГ ВОРИСЛАРИМИЗ**

Ўзбекистон... Бу сўзни айтганда тилларимиз дилларимизга пайванд бўлади. Қалбимиз жўш уради. Қалбларимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Бу бежиз эмас. Бизнинг гўзал ва жаннатмонанд юртимиз бағрида не-не буюк аждодларимиз, давлат арбоблари, шоҳ ва шоирлар, илм-фан жонкуярлари, юксак истеъдод соҳиблари ва дунёга довруғи кетган асл ва комил фарзандлари яшаб, ижод қилганлар.

Бу Юрт бешиги не-не даҳоларни вояга етказиб, бутун дунёга керакли, комил инсон қилиб тарбиялаган экан деймиз. Ушбу инсонлар сафига Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Широқ, Спитамен, Тўмарис, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нажмиддин Кубро, Абу Али ибн Сино, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат каби юксак маънавий жасорат эгаларини мисол қилиб олсак бўлади.

Улар ҳамиша ўз Ватанини, деб жон фидо этишга тайёр туришган, ўзларининг жонларини эрк ва озодлик учун бўлган қурашларга тикишган. Кўзларида юрт мадҳи аланга олган. Улар ўз ижодларида ҳамиша ўз юрти озодлиги, муҳаббат ва садоқатни, эзгуликни, кишини комилликка чорловчи инсоний фазилатларни тараннум этишган. Шоиримиз Сирожиддин Саййид ўз шеърисида Ватан ҳақида шундай деб таъкидлайди:

*Баҳрайн сувларига чайдим юзимни,  
Насимлар ичдилар улуғ арабий.  
Бир осмон тўлдириб келди кўксимни,  
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

Дарҳақиқат, шоир Ватанга бўлган муҳаббатини мана шу шеър асосида акс эттирган.

*Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз,  
Кам бўлмасмиз, асло ҳеч қачон.*

Мустақиллик – биз ёшларга чексиз имкониятлар ва улкан шарт-шароитларни яратиб берди. Жумладан, янги бино-уй, иншоотлар қад кўтарди, хиёбонлар, истироҳат боғлари, музейлар барпо этилди, кенг ва равон йўллар фойдаланишга топширилди, бир сўз билан айтганда, мамлакат ҳудудлари ободонлаштирилди. Таълим муассасалари, жумладан, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, мактаблар, боғчалар янгидан қурилди ва турли хил замонавий технологиялар билан бойитилди, замонавий компьютер, кимё, лаборатория хоналари тубдан янгиланди ва замонавий технологиялар билан жиҳозлантирилди.

Юқорида санаб ўтилган барча омиллар, табиийки, таълим тизими салоҳиятини янада юқори ва унумли қилади. Бугунги Ўзбекистон ёшлари ҳам ҳар томонлама ўз билим ва салоҳиятларини намоён этмоқдалар. Жаҳон ареналарида “Ўзбекистон” номи нақадар юқори жаранглаётгани фикримнинг тасдиғидир. Мисол учун, ёшларимиз ўз она тилини мукамал ўзлаштирибгина қолмай, чет тилларни ҳам мукамал ўрганмоқдалар, ўз миллий қадриятларимиз, миллий-меъморий обидаларимизни бемалол мана шу тиллар орқали ифодамоқдалар. Президентимиз: “Келажак ёшлар қўлидадир”, деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, келажак бизнинг қўлимизда! Шундай экан, биз Ўзбекистон келажаги ва равнақи йўлида фидокорона хизмат қиламиз!

**Отабек ИСРОИЛОВ,**  
**Ўртачирчиқ тумани агросаноат ва транспорт**  
**касб-ҳунар коллежи ўқувчиси**

## ЎЗБЕКИСТОН, ЖОНИМ ТЎШАЙ СОЯНГГА...

Ватан – инсон учун муқаддас ва мўътабар маскан. Инсон Яратганнинг марҳамати ила қай гўшада дунёга келса, ўша ер одамзотнинг абадий Ватани бўлиб қолади. Инсон Ватанида туғилади, камол топиб, вояга етади. Билим олиб, касб-ҳунар эгаллайди. Ватаннинг корига хизмат қилиб, унинг равнақи ва тараққиёти учун камарбаста бўлади. “Ватаним” дея яшайдиган фарзандлар ўзидан эзгу амаллар, илиқ хотиралар қолдиради. Умрининг сўнгги кунларида ҳам она юрт кучоқларидан айрила олмайди.

*Сен менга маконсан, она саждагоҳ,  
Сенинг ҳар гўшанг муқаддас даргоҳ,  
Сен менга бўласан абадий ҳамроҳ,  
Айланайин момомдаги мунчоқларингдан,  
“Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан”.*

Бизнинг она Ватанимиз – мустақил Ўзбекистон. Юртимиз бу йил ўз мустақиллигининг шонли йигирма беш йиллигини нишонлашга тадорик кўрмоқда. Айниқса, озодлигимизнинг қутлуғ йигирма беш йиллиги арафасида буюк аждодларимиз қаторида, ҳурлик қўшиғимиз мусиқаси муаллифи Мутал Бурхонов таваллудининг юз йиллиги муносиб тарзда нишонланиши ҳам айни муддао бўлиб, Ўзбекистон инсон қадри улуғланган юрт эканидан, бу муқаддас Ватанда инсон азиз эканлигидан далолат беради.

1991 йил 1 сентябрь. Бу сана биз учун ғоятда муқаддас ва катта аҳамиятга эга сана ҳисобланади.

Чунки муҳтарам Юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон мустақил давлатга, мустақил диёрга айланди. Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, мустақил давлат сифатида рамзлари, Конституцияси ва чегара сарҳадларига эга бўлди, мустақиллигини мустаҳкамловчи бир қатор қонун ҳужжатларини, меъёрий қарорларни қарор қабул қилди. Бугун мустақил диёримиз тинч, осмонимиз мусаффо.

*Бешигимиз узра бедор Ватан, бўлдинг парвона,  
Бизлар учун ота сенсан, ака, сингил ҳам она,  
Бугун дунё яшамокда ўзбеклардек дўстона,  
Йигирма беш ёшли Ватан истиқлолинг муборак!*

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Келажак авлодни ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом, маънан комил этиб шакллантириш борасида қанча фестиваллар, кўриктанловлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақалари уюштирилмоқда. Янгидан-янги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, кутубхоналар қад кўтармоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларни таққослаш ва таҳлил қилиш учун биргина Яқин Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтаётган мудҳиш воқеаларни келтириш kifоя. Бугун биз барчамиз ўқиш билан, билим ва касб чўққиларини забт этиш билан шуғулланаётганимизда уларнинг қўлларида қурол. Халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг эртанги кунга бўлган ишончи тобора ортиб бораётган бир пайтда, у ердаги аҳоли қалбида эртанги кунга, келажакка хавотир, ваҳима ва ҳадикка кўзимиз тушади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бугун яхши билим, кўникма ва малакаларни эгалламаган фарзандлар кўрадиган келажак қандай бўлади? Тангрига шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон бахтиёр ёшлар юрти.

Бугун мамлакатимизнинг барча аҳолиси ҳаяжонли ва қувончли дамларни бошидан кечирмоқда. Муқаддас ва азиз Ватанимиз ўз давлат мустақиллигини, мустақил тараққиёт йўлини қўлга киритганига йигирма беш йил тўлмоқда. Озод ва обод Ватан қуриш, эркин ва фаровон яшаш учун узоқ йиллар давомида суронли ва машаққатли, айна дамда шарафли йўлни босиб ўтган, қанчадан-қанча синовларни, зулм ва ситамларни бошидан кечирган не-не қурбонлар берган она халқимиз учун мустақиллик байрами энг улуғ, энг азиз айёмдир.

Орадан йиллар ва асрлар ўтаверади, лекин истиқлол айёми абадий байрам қилинади. Ўзбекистонимиз ҳуррияти буюк тарихимиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган. Йигирма беш йил тарихан жуда қисқа муддат. Шунга қарамай ўз моҳияти жиҳатдан юртимизда шарафли ва ўта масъулиятли йигирма беш йил давомида ҳаётимиз янгиланди, демократик, мустақил давлат барпо этилди, кучли фуқаролик жамияти яратилмоқда, буюк аجدодларимизнинг қутлуғ номлари ва ўлмас мероси қайта тикланди, иқтисодиётимиз, таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди, жаҳондаги муносиб ўрнимиз эгалланди. Дунёда бирорта “Ўзбекистон” номини эшитмаган мамлакат қолмади. Биз мустақиллик билан бирга, ўз давлат тилимизга, давлат рамзларимизга, энг муҳими, ўзлигимизга эришдик. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тараққиётнинг “ўзбек модели” бугун жаҳонда эътироф этилмоқда. Катта ёшдагиларнинг фикрича, чорак аср муқаддам, яъни аввалги даврдаги ўзбеклар билан бугун навқирон келажакка, эртанги кунга томон ишонч билан интилаётган халқ ўртасида осмон билан ерчалик фарқ бор. Бу эса юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлигидан, аҳоли турмуши фаровонлигидан, иқтисодиётнинг изчил ривожланиб, ислохотлар инсон учун тинимсиз олиб борилаётганидан далолатдир.

Ҳар биримиз Ватан менга нима берди дея эмас, балки мен Ватанга нима бердим деб, яшамоғимиз лозим. Мен ўзбекман, деб ғурур ва ифтихор ҳиссини туйишимиздан аввал, мана шу юртнинг равнақи учун қўшган жиндай ҳиссамиз учун бир мағрурланиб қўяйлик. Жорий йил Президентимиз таклифи ва ташаббуси билан юртимизда “Соғлом она ва бола йили” дея эълон қилинди ва Давлат дастури ишлаб чиқилди.

Бизнинг бетакрор ва ягона она Ватанимиз “Save the children” халқаро ташкилоти рейтингига кўра, дунёда болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик қилувчи ўнта мамлакат қаторидан муносиб жой олган. Шу ўринда алоҳида тўхталиб ўтиш лозимки, бундан бир неча йиллар олдин мухтарам Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деган сўзлари бугун ҳақиқатга айланди.

Хулоса ўрнида ўзингиз айтинг, шундай юртини севмасдан, уни ардоқламасдан бўладими?! Ўтмиши ҳам, келажаги ҳам буюк, ҳамиша навқирон Ўзбекистонимизнинг фаровон ҳаёти ва равнақи учун сидқидилдан хизмат қилиш ҳар бир ёш, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурчдир. Шундай бетакрор ва ягона, жаннатмакон она Ватанимизга ҳеч қачон кўз тегмасин.

**Моҳия ЖУМАБОЕВА,**  
*Пискент тумани хизмат кўрсатиш ва технология*  
*касб-хунар коллежи ўқувчиси*

## **МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ – МУСТАҚИЛ ФАРЗАНДЛАРИ**

Ватан... Сен менинг бошимни силаган меҳрибон онамсан. Мен сенда туғилдим, ўсдим, тинчлик ва хотиржамликда вояга етдим. Минг шукрлар бўлсинким мен, Аллоҳ назари тушган Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон диёрда туғилдим. Мана шу мусаффо осмон, кўм-кўк ер ва албатта, кўнгли очиқ самимий, соддадил ўзбек халқи менинг Ватаним, менинг Ўзбекистоним. Мен мана шундай гўзал, бетакрор ва жаннатмонанд юртда яшаётганимдан беҳад хурсандман.

Маълумки, бу дунёда ҳар бир инсоннинг ўз онаси бор. Шундай экан, ҳар бир инсоннинг ўз туғилган Ватани ҳам мавжуд. Оналаримиз сизу бизни дунёга келтирса, Ватан бизни ўз бағрига олади. Она фарзандининг ҳар қандай хатолик ва камчиликларини ҳамиша кечиради. У ҳеч қачон ўз фарзандидан воз кечмайди. Ватан ҳам худди шундай. Хатоларни кечириб, сўнг яна ўз бағрига олади. Биз бежиз Ватанни онага қиёслаб, “Она ватан” демаймиз. Зеро, Она битта – Ватан ягона.

Мустақиллик бизга озодлик билан бир қаторда миллий урф-одат ва ўчмас қадриятларимизни, буюк боболаримизнинг улуғ номларини, уларнинг бой меросини қайтарди, шунингдек, янги порлоқ келажак, янги даврни олиб келди.

Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак: Ўзбекистон – мустақил давлат. Энди халқимиз ҳеч қачон кимгадир қул бўлишга рози бўлмайди ва кимнингдир буйруғини бажариб юрадиган замонга ҳеч қачон қайтмайди.

Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин ҳар бир соҳада ислоҳотлар олиб борилди. Мамлакатимизнинг бундан 25 йил олдинги ҳолати билан ҳозирги ҳолатини солиштирадиган бўлсак юртимиз мутлақо янги, ўзига хос, гўзал ва энг асосийси ҳақиқий ўзбек халқига хос бўлган қиёфада эканлигига амин бўламиз.

Айниқса, таълим соҳасидаги ўзгаришларни айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Озодликка эришганимиздан сўнг юртимизда ёшларнинг таълим олишлари учун қанча ўқув даргоҳлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, умумий ўрта таълим мактаблари шулар жумласидандир. Шунингдек, ёшларнинг соғлом бўлиб вояга етишлари учун ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунга мисол қилиб эса турли хилдаги спорт мактабларининг қурилганлигини кўрсатишимиз мумкин. Шунини алоҳида айтиб ўтиш жоизки, юртимизда ҳар бир соҳада, ҳар бир ерда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди.

Маълумки, ҳар бир соҳанинг ўзига яраша мураккаблиги бор. Инсонлар ана шу мураккабликларни енгиб ўтибгина комилликка эришадилар. Шундай фидокор инсонлар борки, улар юрт хизмати, халқ фаровонлиги йўлида жонларини қурбон қилишгада қодир. Мана шундай мард ва жасур инсонлардан бири – бу ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкин Президентимиз Ислоом Абдуғаниевич Каримов. Бу инсон, мен аниқ айтишим мумкин буюк, мард ва жасур инсон сифатида тарихда қолдилар. Чунки, Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқишда кўрсатган жасорати беқиёсдир. Айнан муҳтарам Президентимиз бутун халқни бир мақсад йўлида бирлаштира олди. Оқилона давлат бошқарувининг ижобий натижасига мана бугун сизу биз гувоҳ бўлиб турибмиз. Муҳтарам Президентимиз “Бизнинг ўзбек халқимизга ҳамийша тинчлик ва омонлик керак”, дея кўп бора таъкидлайдилар.



Муҳтарам Президентимизнинг биз ёшларга қарата:  
“Маррани баланд олинглар, болаларим. Эртанги кун  
бизники, марра бизники!” деган юксак ишончларидан  
ғурурланган ҳолда қуйидаги шеърни хулоса ўрнида ай-  
тиб ўтишни жоиз деб билдим!

*Эй дўстим! Бу дунёда сен  
Шижоатли юрак бўлгин.  
Ота-онангу, юртингга  
Бирдайн тиргак бўлгин.*

*Лоқайдлик, бепарволик  
Бизга ёд иллат эрур.  
Кўксингда барҳаёт бўлсин,  
“Ўзбек” аталмиш ғурур.*

*Мен ҳам гўзал диёрнинг  
Бахтли, эрка қизиман.  
Насиб айласа Аллоҳим,  
Зулфияхоним изиман.*

*Мадҳ этаман Ватаним  
Ёшлик тўла шижоат.  
Ниятим эрур менинг  
Тинчлик бўлсин то абад.*

*Шу азиз, гўзал диёр  
Ҳар бир ўғил-қизники.  
Баралла айтайлик дўстим  
Замон, марра бизники!*

*Сайдуллажон АСҚАРОВ,  
Олмалиқ шаҳар кончилиқ касб-ҳунар  
коллежи ўқувчиси*

## **ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА**

Ватан – сен менинг Каъбамсан! Сенинг-ла бу ёруф оламда жоним ҳаётдир! Сенинг борлигинг менга қувватдир! Кўзим гавҳари, нурим чашмаси! Мени денгиз сатҳида тенгсиз тутувчи!

Ватан – мени кечалари интизор кутган Онам! Ватан – ўзи менга намуна бўлган Отам! Ватан – илоҳий сеҳрдайн аҳил оилам! Ватан – таърифнинг беназир сўзлар марвариди оздир.

Ўзбекистон! Улуғ Ватан! Гўзал чаман! Энг жаннатмакон ўлка! Қиёси йўқ фусункор маскан! Ўзбекистон халқи ўзининг улуғ, шонли тарихи билан неча асрларнинг довларидан ошиб келди. Бугунги кунда у жаҳон аҳлини буюк аждодлари яратиб қолдирган ўлмас маънавий мероси, улуғвор маданий ёдгорликлари, кўҳна ва навқирон тарихий обидалари, тенги йўқ миллий урф-одатлари ва анъаналари билан лол қолдирмоқда. Алалхусус, бу ёруғ кунларга эришишимизда қандайн қора кунларни, машаққатли тунларни бошимиздан ўтказмадик? Мен ҳар сафар шулар тўғрисида Ватанини мардларча ҳимоя этиб, керак бўлса ўз жонларини фидо этган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида таянч бўлган табаррук инсонларнинг суҳбатида бўлган пайтимда, шулар хусусида эшитганимда юракларим тўлиб, ҳаяжондан эларим жимирлаб кетади. Бу ҳақда жуда ҳам кўп гапириш мумкин. Мен сизларга биргина мустақилликка эришиш остонасида юртимиз қандайн қора кунларни кўрганини эслатмоқчиман. Таҳликали, мурак-

каб бир вазиятда бўлаётган воқеаларни кўрган инсон тушидан уйғонмаслиги мумкин. Турли вилоятларимизда юз берган вазиятлар, биргина “пахта иши” деб аталган масаланинг оғир ҳолатлар, ҳаттоки, энг аҳоли зич яшайдиган Андижонда ҳам пахтанинг ҳисобини оширганини, совуқ ва изғирин кунларда она халқимиз барча қийинчиликлару алам ва ситамларни метин ирода билан енгани, аҳолининг кўп қатламида муаммоли ҳолатлар, эртаю кеч тиним билмай ишлаган азиз деҳқонларимизнинг аҳволи, ёшларнинг хаёлидаги турли ўй ва кечинмалари, ёруғ кунларни кутиб ва у кунларга интилиб, ҳаракат қилган халқнинг бутунги кунга етиб келиши осон бўлмади. Бу кунларни ҳаттоки му-саввир ўз хаёлларида ҳам чизмаган эди.

\* \* \*

Мамлакатимиз бугун чамандаги энг ифори гуллар каби ўз ифори билан атрофни гўзалликка буркамоқда. Ўзбекистон 25 баҳорни мустақилликда кўрди. Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида муҳтарам Юртбошимизнинг фавқулодда кўрсатган мислсиз жасоратлари келгуси авлод вакилларига муқаддас йўл, эзгу из ҳисобланади. Ватан... Ватан сўзи энг эзгу туйғуларни ўзида мужассамлаштирган. “Ватан” сўзи-янграганда қалбимнинг туб-тубидан илохий қудрат қалқиб чиқади. Ватан – бу жонажон маскан! Мен Ватанимни ҳаттоки бутун дунёнинг динор ва дирҳамларига ҳам алишмайман.

Мен шу муаззам юртнинг бахтиёр фарзандиман. Мана, бугун Ўзбекистоннинг номи абадият осмонида баралла тараннум этилмоқда. Қаранг, ҳар томонга боқинг, ҳур Ўзбекистоннинг байроғи само узра мусаффо осмон кўркига-кўрк қўшмоқда. Бугун дунё тошой-насиға разм солсак, кўп мамлакатларда “тинчлик” деб аталган бебаҳо неъматга қарши кучлар илдизи ортиб

бормоқда. Ўзбекистоннинг бахтли фарзанди сифатида ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистондек жаннатмакон гўша дунёда йўқдир. Айтинг, қайси юртда шундай муваффақият калити ила буюклик дарвозаларига йўл очилган.

Бобом уйимизга келсалар дилдан суҳбат қурамин. Бобом кўп бор ўтган ёшлиги ҳақида бир пиёла чойни хўплаб, бизларга айтиб беради. Ўша даврлардаги кунларнинг қийинчилиги-ю, меҳнат ва машаққатларини, шароитлари ҳақида, ёш бўлишига қарамай оила ташвишлари бошига тушганлиги, ўқишга эса меҳнатдан унча ортолмагани ҳақида айтиб берадилар.

\* \* \*

Ёшлар – бугунинг ниҳоллари, эртанинг келажаги, бахтли кунларининг давомчиларидир. Бугунги азим чинорлари уларнинг таянчи! Ниҳол ерга экилади. У мустаҳкам дарахт ҳолига етгунча меҳр билан парваришланади. Қиш қаҳратонидан, баҳор дўлидан, ёз саратонидан, куз изғиринидан уни асраган боғбоннинг меҳнати бир куни юз кўрсатади. Кўкка бўй чўзган ниҳоллар кун келиб ўз мевасини беради. Бу мевадан халқ баҳра олади. Ёшлар ҳам ана шу ниҳоллар, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “эртанинг эгаларидир”.

Азал-азалдан Ўзбекистон аҳли комил инсон тарбиясига бўлган эътибори доимо муҳим миқёсда ва алоҳида диққатга сазовор ҳисобланади. Алишер Навоий бобомиз комилликни, Фаробий бобомиз фозил шахсни, Ясавий бобомиз эса орифликни илгари сурганлар. Шундай экан, ўзбек халқи маънавий меросидан оқилона фойдаланиши, уларнинг фарзандлари буюк бўлишидан дарак беради.

Амир Темур бобомиз айтган эди: “Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг”. Бугун Юртбошимиз кўп бора таъкидлаган-

ларидек ёшлар мамлакатимизнинг куч-қудратидир. Бугун ҳур Ўзбекистоннинг келажақ томон ўзининг истиқболдаги режаларини амалга ошириши учун барча имкониятлар эшиклари очикдир. Мамлакатимизнинг буюк давлат бўлишида бугунги кунда амалдаги ўз сиёсати марказий ўринда туради.

Муҳтарам Юртбошимиз ўзининг барча нутқларида асосий масалани ёшлар масаласи деб таъкидлайдилар: “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваломбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”. Ёшлар етук бўлиб тарбияланиши учун, аввало, тарихни, ўзининг ўтмишини билмоғи лозим. Зеро, тарихни билмаган, тарихдан сабоқ олмаган инсон қандай қилиб ўзининг олис ва яқин аждодлари кимлар эканлигини, балки келажагини ҳам тўғри тасаввур эта олмайди. Профессор Комилжон Юсупов таъкидлаганидек: “Эътиқоди бутун, ҳар томонлама камол топган, миллий қадриятларни ва ахлоқий фазилатларни қадрига ета билган ҳамда уларга риоя қиладиган шахсгина Ўзбекистоннинг келажагини яратади”.

\*\*\*

Бу ўлкада камол топаётган ҳар бир инсон Ватанимга муносиб ворис бўламан деб изланади, доимо интилади. Ёшлар негаки юрт келажаги! Қуйидаги шеърим бахтли бола номидан ёзилган:

*Ҳур ўлкада камол топгай,  
Булутларда тулпор чопгай.  
Она замин ҳокин ўпгай,  
Озодликнинг озод боласи.*

*Чаман, боғда яшнайти,  
Осмон узра кишнайти.  
Дунё ундан ошмайти,  
Озодликнинг озод боласи.*

*Билимларга қўл чўзар,  
Эзгуликка йўл чизар.  
Биргаликда эл ўзар,  
Озодликнинг озод боласи.*

*Иймони бут, виждони пок,  
Аримас қут, забони ҳақ.  
Оламни ют, белбоғни тақ,  
Озодликнинг озод боласи.*

*Ўтмишингни унутма,  
Ёмонликни кўзда тутма,  
Йиқилганни жангда ютма,  
Озодликнинг озод боласи.*

*Буюкларнинг номи ўчмас,  
Яхшиликнинг шами битмас,  
Дардларнингдир малҳами бас,  
Озодликнинг озод боласи.*

\*\*\*

Интиланганга толе ёр! Интилишлар-имкониятлар калити! Имкониятдан унумли фойдаланиш ютуқларга бошлайди. Эришилган ютуқлар натижадир. Имкониятлар кўп, улардан унумли фойдаланиш бахтдир. Бахтли бўлиш, бўлмаслик одамнинг ўзига боғлиқ.

Ёшлар – ҳур Ўзбекистоннинг келажаги. Улар даҳо аждодларнинг муносиб ворислари, ёруғ осмонимизнинг сўнмас юлдузлари, бугунги азим чинорларнинг бағрида ўсиб-унаётган барқарор нав-нихоллардир.

Мухтарам Юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори биз ёшларга улкан ютуқлар эшигини кенг миқёсда очиб берди. Бугун бахтиёр ўлка бағрида, албатта, бахтиёр ёшлар улғаймоқда. Бугун дунё кўзини кўрган гўдакларнинг таваллуд кунинда қувончларини беркита олмаган ота-оналар ҳам шундай муаззам ўлкада фарзандини кутиб олишлари чинаккамига буюк бахтдир.

Ўзбекистон бундан 25 баҳор олдин ўз олдиға баланд марраларни кўзлаб мақсад сари дадил одимлади. Бундан 25 йил олдин Ўзбекистонга ташриф буюрган инсонларни айтиш у ёқда турсин, 10 йил олдин республикамизнинг турли вилоятларида истиқомат қилаётган инсон бугун Тошкенти азимни танитайди. Ҳар бир маконининг ўзига хос гўзаллиги бор, бу ўлкада мен ҳам улғайганимдан кўксим ифтихорга бурканган, ғайратим “мана мен” деб жаҳонга интилмоқда.

Маънавий мерослари, маданий ёдгорликлари, кўҳна ва навқирон обидалари инсоннинг онги шууриға, жонжонига “сендек юртни жамики дунё бойликларига алишмам” деб сингиб, уларнинг қандайлигин намоён этмоқда. Ўзбекистон интилиб, муваффақият калити орқали кўплаб имкониятлар эшигини очди.

Кеча Ўзбекистон ким эканлигини билмай турганлар, бугун бу юртға бахтдан ашъорлар битмоқда.

Мана, вақт ҳам дарёдан оқиб келадиган шодашодда марварид каби ўтиб кетди. Бугун бу халқнинг меҳнатлари ўз натижасини қучиб машаққатли сафардан омон ўтди. Меҳнатининг таги роҳат бўлди.

“Барчамизға аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавий энг ожиз ва заиф нуқтаға айланади. Ва, аксинча, қаердаки ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-иқдор ва

тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”, деб таъкидлайди Президентимиз.

Инсон – бу оламнинг энг юқори босқичини ифодалаб, жамоавий ва анланган ҳаёт тарзига эга онгли мавжудот ҳисобланади. Ҳар ким ўзининг олдига ҳаётда бир мақсад қўйиб, у йўлда тинимсиз равишда меҳнат қилади, изланади.

Ёшлар бундай шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Ўзбекистоннинг, она халқимизнинг эртаси учун камарбаста бўлишга ҳаракат қилиши шарт. Зеро, бир кун ниҳоллар ҳам азим чинорлар сафидан ўрин олади. Улар ҳам ўзларининг ёнларига ниҳолларни етаклайди.

Мақсад ҳаётда таназзулдан қутқаради. Менинг ҳам мақсадларими улкан. Ҳаётий шиорим мақсад сари дадил илдамлашга элтади: “Гўзал бўстон–Ўзбекистонимга, жонажон халқимга нафим тегмаса, ўзбекнинг мард ўғлониман дейишга ҳаққим йўқдир!” Муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда: “Эртанги кун бизники, марра бизники!”



## **ИСТИҚЛОЛДАН БАХТ ТОПГАН ВАТАН**

Ватан! Бу сўзни тилимга олар эканман, дилимда улуғворлик, руҳимда эса тетиклик туйғусини ҳис этман. Бу сўз замирида ҳосил бўлаётган ажиб ҳиссиёт мени ҳар қадамда янги орзулар сари чорлайди. Шу биргина сўз замирида олам-олам мақсадларимни дилимдан ўтказаман.

Маълумки, ҳар бир инсоннинг ўз туғилган жойи, киндик қони тўкилган макони бўлади ва ана шу маскан унинг Ватани дейилади. Инсон вояга етиб, улғайгунига қадар Ватани бағрида биринчи қадамини қўяди, илк бора она сўзини айтиб гапиради, яқинлари қучоғида меҳр тафтини ҳис қилиб чопқиллашни бошлайди ва кундан-кунга зийраклиги ошиб она, оила, мактаб сўзларини англайди. Буларнинг барча-барчасига худди гўдакнинг онаси сингари унинг юрти ҳам бирдайин гувоҳ бўлади. Бағрида камолга етаётган фарзандларининг қайноқ ёшлик баҳорларидаги унутилмас онларини хотирасида мудом сақлайди. Азизлар, бундан кўриниб турибдики, биз бежиз Ватанни онага қиёс этмас эканмиз. Чунки у ғалаба ва марраларни забт этишингни истаб яшайди. Доим барчамизга қувончли ва қайғули кунимизда руҳан далда бўлиб куч ато этади. Шунинг учун ҳам биз уни яхши кўрамыз, узоқ сафарларга кетсак зумда қўмсаб соғинамыз. Гоҳо унинг меҳр-муҳаббатини тинчлик аталмиш бебаҳо неъматни тараннум этгандек, жўр бўлиб куйлаётган митти-митти жонсарақ қушларда ҳис этамыз гўё.

Ҳар баҳор гуллаган новдалар гўё севинчдан порлаган, олам-олам ёришган қалбимизда, юрагимиз-

да қийғос гуллайди. Юртимизда бўй чўзаётган ёш ниҳоллар ўз диёрида эркин ўсиб улғаяди. Уларнинг жажжи юракларига меҳруруғларини қадаган халқимиз, фарзандлари камолини тилаб дуога қўл очади. Ҳар қадамда ғамхўрлик қилиб, юксак ишонч билдиради.

Дарҳақиқат, бугун шундай осойишта ва тинч юрда туғилиб, вояга етаётганимизнинг ўзи катта бахт. Меҳридарё ва бағрикенг диёр – Ўзбекистон ёшларга катта эътибор кўрсатиб, барча замонавий шарт-шароитларни муҳайё қилганлиги бизни қувонтиради. Юртимизнинг қайси гўшасига ташриф буюрманг, давлатимиз томонидан биз ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар, қулай имкониятларга гувоҳ бўламиз. Туманларда қад ростлаган янги болалар мусиқа ва саънат мактаблари, маданият ва маърифат масканлари, аҳоли дам олиш марказларида ташкил этилган тўғарақларда санъатнинг бир неча тури билан шуғулланаётган жажжи ука-сингилларимизни кўрганимизда қалбимиз бениҳоя қувончга тўлади.

“Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар билан Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, азму шижотли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши керак. Яъни бундай ёшларнинг кўзи ҳам ёниб туради, ҳаракати, интилиши ҳам шундай қатъий ва дадилки, менга имконият беринглар, мен ўзимни кўрсатаман, деб ғурур билан яшайдиган бундай болаларни қани айтинглар, севмаслик, яхши кўрмаслик, улар учун барча-барча шарт-шароитларни яратиб бермаслик мумкинми, деб мен ўзимга-ўзим савол бераман”, деб давлатимиз раҳбарининг қалбларни жумбушга келтирадиган ўтли ифтихорга тўла умидли-ишончли сўзлари биз, ёшларнинг юрагида ҳам чуқур из қолдирди.

Бугун мен ҳам кўзи порлаб турган минглаб, милли-

онлаб тенгдошларим сингари азм-у шижоат билан юртимнинг порлоқ келажаги йўлида ўқиб-ўрганаяпман.

Юртбошимиз: “Бугун катта ҳаётга дадил қадамлар кириб, келаётган ёшларга мен ўзимга ишонгандек ишонаман. Бугун фарзандларимнинг кўзида ёниб турган ўт-оловни ҳеч қаердан топиб бўлмайди”, дея биз ёшларга жуда катта ишонч билдирган. Бундай эътибордан руҳланган ҳолда юрт истиқболини таъминлашимиз, порлоқ келажак сари интилишимиз керак.

Эрта тонгда тинч ва озода кўчаларда жонажон мактаби томон шошаётган фарзандларнинг юрти бу – менинг Ватаним. Шодон болажонлари кулгусидан баҳра олаётган инсонларнинг юрти бу – менинг Ватаним. Халқи тинчлиги учун мардонавор курашишга тайёр ўғлонларнинг юрти бу – менинг Ватаним. Ҳар доим тўкин дастурхони учун бел боғлаган миришкор деҳқонлар, сахий боғбонларнинг юрти ҳам бу – менинг Ватаним. Фарзандлар бахти, саодати йўлида тиним билмайдиган кеча-ю кундуз уларнинг иқболини тилайдиган, ҳар дам эл тинчлигини сўраб дуо қилган ота-оналар яшайдиган юрт бу – менинг Ватаним. Ота-онаси юзини ёруғ қилиб, ҳар соҳада изланиб, муваффақиятга эришиб, дунё ёшлари билан беллашиб, юртини, халқининг шарафини ҳимоя қилиб, байроғини юксакларга кўтараётган ёшлар маскани бу – менинг Ватаним. Шундай экан, барча тенгдошларимни юртимизнинг истиқлоли йўлида бирлашишга даъват этмоқчиман.

Биз бирлашиб жуда катта куч бўла оламиз. Шу куч мустақил диёримизнинг истиқлоли абадий, келажаги порлоқ эканлигига ишонч ҳиссини янада оширади. Шу ишонч ҳиссини дилимдан ўтказган ҳолда “Ассалом, келажак!” дея ҳайқиргим келади.

**Умида ҚОРАБОЕВА,**  
*Ўртачирчиқ тумани ижтимоий-иқтисодиёт  
коллежи ўқувчиси*

## **ҲАР ГИЁҲИНГ МЕҲР УЙҒОТАР**

Биз ҳар куни ким билан суҳбатда бўлишимиздан қатъи назар, дунёдаги энг муқаддас ва энг қадрли сўзлар қаторида Ватан, Ватаним, Ватанимга хизмат қиламан каби сўзларга қулоқ тутамиз, тинглаймиз. Мана ҳозир ёшим ўн олтида, лекин шунга қарамай, қандай суҳбатларда иштирок этсам-да, барибир Ватаним ҳақида эшитавераман. Сабаби, ҳар тонг уйғонганимда уйда ота-онам эрталабки дастурхон устида бугунги тинч ва осуда кунимизнинг хотиржамлик билан бошланганлигига, ҳур Ватанда яшаётганлигимизга шукрона айтиб, йўлга тушадилар. Мен эса коллежга келарканман, коллежда ўқитувчиларим ҳам “мана шундай озод ўлкада яшар эканмиз, ўзбекона кийининглар, катталарни ҳурмат қилинглар, китоб ўқишдан асло эринманглар”, деб айтишади. Устозларимиз майда-чуйда телефон сўзлашувларига чалғиб, ёшликнинг энг бебаҳо дамларини бекорга сарфламасликни ҳам албатта уқтиришади.

Ватан ҳақиқатдан ҳам ҳар бир инсон қалбининг туб-тубигача кириб келади, унга бўлган муҳаббат эса ҳар биримизни ўз Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишга, ҳалоллик ва садоқат билан виждонан иш тутишга ўргатади. Ватанга муҳаббат туйғусини бирор ким мажбуран қалбимизга сингдира олмайди. Бу буюк туйғу табиий равишда пайдо бўлади. Масалан, она табиатга, ҳовлимиз, кўчамиздаги дарахтлар, боғларга қараб секин меҳр уйғонганини сезмай қолгандирмиз балки. Бу муҳаббатни кимдир баралла айта олади-ю,

кимлардир қилган ишлари ва амаллари билан ифода-  
лайди. Куни келиб мен ҳам ўзим қилган яхши ишларим,  
муваффақиятларим орқали Ватанимга муҳаббатимни  
исботлайман, халқимга, оиламга нафим тегадиган ке-  
ракли инсон бўлишни орзу қиламан, бунга эришиш  
йўлида тинимсиз ҳаракат қиламан.

Ўзининг ўсиб келаётган ёш авлодларига шу қадар эъ-  
тибор ҳар қайси мамлакатда ҳам бор эмас. Ҳақиқатан  
ҳам, Ватан ягона, Ўзбекистон эса бетакрордир. Илгари  
юртимиз ҳақида хориж юртларида деярли билишма-  
ган бўлса, ҳозирда Ўзбекистон деса дунёнинг нари-  
ги четидаги инсон ҳам яхши билади. Эндиликда дунё  
миқёсларида ютуқлар, ғалабаларга эришган кўплаб  
юртдошларимизнинг номлари ҳам жаҳон аҳлига та-  
ниш бўлмоқда. Қувонарлиси, улар орасида, айниқса,  
ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Юртимиз довуғи  
дунёга ана шундай таралмоқда.

Оддий мисол, маҳалладаги одобли, тадбиркор, би-  
лимдонлиги билан барчани қойил қолдирган ёшларга  
шу маҳалладаги одамлар ҳавас билан қараб ўз фарзан-  
дига уларни ибрат қилиб кўрсатади. Шунга кўра, машҳур  
юртдошларимизга эса дунё аҳли ҳавас билан қарайди.  
Ота-оналар ҳам шундай фарзанд ўстирганидан беҳад  
хурсанд бўлиб, шукрона айтади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, биз аجدодлари буюк  
ва тарихи шонли бўлган Ватан фарзандларимиз! Гап  
фақат мақтаниш, ғурурланишда эмас, биз ёшлар улуғ  
инсонларга лойиқ издошлар бўлиб, Ватан шаънини  
улар каби улуғлашимиз, бунинг учун худди буюк алло-  
малар каби кўп ўқишимиз, зийрак ва доно бўлишимиз  
зарур. Мен ҳам шунга астойдил интилоқдаман.

**Нозима МАМАТҚУЛОВА,**  
*Беқобод педагогика коллежи ўқувчиси*

## **НОН-ТУЗИНГНИ ОҚЛАЙМАН, ЭЛИМ**

Ўзбекистон! Ҳар гал шу сўзни эшитганимда, юрагим интиқиб, қинидан чиқиб кетаётгандек туюлади. Бизга Ўзбекистондек жаннатмонанд она юрт насиб этганидан бениҳоя бахтиёрмиз. Бу муқаддас Ватан менга олам-олам қувонч, юрагимда фахр туйғусини уйғотади. Бу диёр ўтмишнинг аччиқ аламлари-ю, золимлар зулмини кўрган юртдир. Ҳозирда эса у кунлардан ўтиб, қудратли бир давлатга айланди. Лекин ҳозир ҳам ўтмишнинг аччиқ воқеаларини эслашганда боболаримиз кўзида ёш пайдо бўлади. Бу диёр жуда оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтгандан сўнггина ҳозирги бахтли ва саодатли кунларга етишди.

Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган бу диёр ҳозирда гўзал ва обод мамлакат саналади. Бу юрт Темур каби соҳибқирон, Навоийдек шоир етишиб чиққан маскандир. Бу Ватан Алпомиш каби мардларни, Тўмарис каби ватанпарвар аёлларни, Беруний каби олимларни тарбия қилган. Боболари бунёд этган, момолари файз киритган, ўғлонлари асраган, қизлари жондан севган, болалари қувонч таратган диёрдир бу. Бу юрт ҳар бир инсон учун муқаддас бўлганидек, бу юрт учун ҳам ҳар бир инсон муқаддасдир. Президентимиз ҳам бу юртда, энг аввало, инсон азиз ва муқаддасдир деб таъкилайдилар.

Биз Ўзбекистоннинг эртанги келажаги бўламиз! Ўзбек фарзанди ҳеч кимдан кам эмас. Чунки қаерга бормасин унга бутун ўзбек халқи мададкордир. Мамлакатимиз ҳар жиҳатдан кучли ва қудратлидир. Бу давлатга аждодлар руҳи мададкор, қонунлар мажмуи пой-

девор, инсонлар ишончи эса тиргакдир. Бу кудратли давлатга тарихан тамал тошини қўйган аждодларимиз руҳи ҳозирда унинг гуллаб-яшнаётганини кўриб шод бўлаётган бўлсалар, ажаб эмас. Биз ҳам ана шу аждодларга муносиб ворис бўлишимиз керак. Мен ҳам ҳозирда ўқиб-ўрганар эканман, асосий мақсадим эл-юртимнинг менга берган нон-тузини оқлаш, халқим ва ота-онам олдидаги қарзимни узиш, уларнинг юзини ёруғ қилишдир. Отамнинг мен учун тер тўкиб меҳнат қилишини, онамнинг мен учун ҳар лаҳза дуо қилаётганини кўрганимда, нима қилиб бўлса ҳам бир кун келиб уларнинг ишончини оқлашни, уларга муносиб фарзанд бўлишни дилимга тугиб қўяман. Мен уларга ва халқимга ваъда бераманки, бир кун келиб албатта уларнинг ишончини оқлайман, уларга муносиб фарзанд бўламан. Бунинг учун бизларга барча зарур имкониятлар бор. Бу муқаддас Ватан барчамизники, бутун халқимизники экан, мен ҳам унинг бир бўлаги, юрагининг парчасиман. Танамда жоним, қўлимда кучим, қалбимда ишончим бор экан, мақсадимни амалга оширишдан тўхтамайман. Бунинг учун бор куч-ғайратимни сафарбар этаман.

*Мен ҳам шу эл фарзандидирман,*

*Кўз қораси дилбандидирман.*

*Эркалаиб бағрида ўсдим,*

*Мен ҳам уни жондан суярман.*

Фасллар келиб-кетади, неча-неча авлодлар юртни асраб, эҳтиётлаб яшайдилар. Аммо фақат бир нарса абадийдир! Бу Ватан! Ватан ягона ва абадий бўлади.

## ЭРТАНГИ КУН УМИДЛАРИ

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида мисли кўрилмаган даражада катта ва даҳшатли, бутун инсоният бошига оғир кулфатларни солган уруш ҳисобланади. “Иттифоқ таркибига кирган барча республикалар, мухтор вилоятлар, миллий округлар, шу жумладан, Ўзбекистон халқи ҳам уруш гирдобига тортилади. Ўзбекистон халқининг бошига оғир синовлар тушди.

Урушнинг бошланганлиги тўғрисидаги шум хабар етиб келган кунийёқ Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари ва туманларида, корхона ва муассасаларида митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, зиёлилар, талаба-ёшлар ўз Ватанларини ҳимоя қилишга, юзма-юз жангларда босқинчиларни тор-мор этиш учун урушга боришга, ғалабани таъминлаш учун фронт орқасида фидокорона хизмат қилишга тайёр эканликларини билдирдилар”, деб ёзилади тарих китобларида. Биз мана шундай буюк аждодларимиз фарзанди эканлигимиздан фахрлансак арзийди. Ахир бизнинг боболаримиз собиқ иттифоқ даврида жуда кўп қийинчиликлар қуршовида яшаб келишган. Улар фарзандларимиз бизга ўхшаб қийинчилик кўриб яшашмасин, бизга ўхшаб оғир меҳнат шароитларида ишлашмасин, юртимиз озодликка эришсин, Ватанимиз доимо обод бўлсин, тинчлигимиз ҳеч қачон сўнмасин дея юзма-юз жангларда мардонавор кураш олиб борганлар. Улар туфайли биз озод ва обод ўлкада, тинч ва фаровон Ватанда яшаб келмоқдамиз. Аввалла-



ри юрт озодлиги йўлида кураш олиб борган инсонларни “босмачи” деб аташган. Босмачи деб аташганларидан мақсад эса, халққа бу инсонларни бузғунчи, фитнакор ва ёмон отлик қилиб кўрсатиш бўлган.

Албатта, ҳозирги кун ёшлари учун ҳамма шарт-шароитлар мужассам. Мана шундай имкониятлардан фойдалана олиш эса ўқувчиларнинг ўзига боғлиқ. Тўғри, яхши ўқийдиган, барча фанларни аъло даражада ўзлаштира оладиган ўқувчилар ҳам оз эмас, лекин яхши ўқимайдиган, ҳеч қайси фанларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларимиз ҳам кам эмас. Улар келажакда ким бўлади? Бирон жойда фаррош бўлиб ишлайди ёки қаердадир оддий ишчи сифатида ишлайди. Ҳозир бошини китобдан кўтармай ўқиётган ўқувчилар эса, келажакда бирон соада етук мутахассис бўлади. Маънавияти ривожланмаган, илмсиз кишилар турли оқимларга ҳам жуда онсонлик билан кириб қолади.

Диний экстремистик ташкилотларнинг бузғунчи ғоялари ва қўпоровчилик фаолияти барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишига ўзининг салбий тасирини ўтказмоқда. Бундай ёвуз кимсаларнинг сони дунё бўйича тезроқ камайиб кетаверсин, яхши ва иймонли фарзандлар эса дунёга келаверсин. Мана шундай гуруҳларга қўшилиб қолган фарзандларнинг ота-онаси қандай қилиб бош кўратсин? Ота-она ахир фарзандининг камолини кўриш учун яшайдику, фарзандининг оиласини кўришини, унинг фарзандларини, яъни набираларини эркалашни хоҳлайди.

Ахир ўзбек халқининг бағри жуда кенг, ўзбек халқи кечиргувчи эл. Агар улар хатоларини тушуниб, ўз юртарига келса, чин дилдан афсус қилса, ўзбек халқи албатта кечиради. Ўзбеклар доим фарзандларим деб яшаб келган.

Ўзбек халқининг сеvimли шоири Муҳаммад Юсуф ҳам ўзбекларга шундай тариф беради:

Қиёси йўқ асло, меҳри бир дарё,  
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.  
Болаларига-ку билдирмас, аммо,  
Дунёда болам деб яшайди ўзбек.  
Ўнта бўлса, ўрни бошқа унинг-чун,  
Ўғлим оташингдан яралган учқун,  
Қизим парилардан чеҳраси гулгун,  
Юзлари лолам деб яшайди ўзбек.  
Бир қўлда беланчак, бир қўлда Қуръон,  
Бир елкада кетмон, бирида иймон,  
Барчага баробар бир офтоб мисол,  
Яшнасин олам деб яшайди ўзбек.  
Киндик қони томган тупроқ унга шон,  
Керак бўлса, бесўз бахш этар у жон,  
Қўкракка урмайди: Ватан деб, Ватан!  
Алпомиш ўғлонга ўхшайди ўзбек.  
Эҳтиром этганда эҳтиромлари бор,  
Кеккайганда бўйин эгмайди зинҳор,  
Бешик тўла жажжи Исломлари бор,  
Тош ўтмас қўрғонга ўхшайди ўзбек.

Дарҳақиқат, ўзбеклар дунёда оилам, фарзандларим,  
ота-онам деб яшайди.

Биз ҳозир, албатта, яхши ўқишга интилишимиз ке-  
рак. Ватанимиз бизга ишонса, элимиз бизга ишонса,  
оила аъзоларимиз бизга ишонса, бизни доими қўллаб-  
қувватлаб турса, биз юксак чўққиларни эгаллаймиз.

## **ҲАР ҚАДАМИ ОБОД МАСКАНИМ**

Ҳар бир инсон ўз юртида ўзини хотиржам сезади. Она юрт. Диёр. Ўлка. Бу сўзлар турли шаклга ва турли талаффузга эга бўлса-да, улар маъно жиҳатдан “Ватан” тушунчаси атрофида бирлашади. Ватан. Бу сўзни ҳар ким турлича талқин қилади. Бу сўзлар ўзи истиқомат қиладиган уйини Ватан деганда маҳалласини, қишлоғини ёки шахрини тасаввурга келтиради, баъзи инсонлар Ватан тушунчасини оила тушунчаси билан таққослайди ва ҳоказо. Бизнинг фикримизча ҳам Ватан – бу, аввало, оила, маҳалла, қишлоқ, шаҳар тушунчаларининг умумлашган ҳолатдаги олий кўринишдир. Эътибор берган бўлсангиз, биз Ватан тушунчасини таърифлашда биринчи навбатда оила тушунчасини тилга олдик. Сабаби, оила Ватан ичра кичик Ватандир. Балки доно халқимиз орасида кўп айтиладиган “Ватан остонадан бошланади” деган пурмаъно ҳикмати ҳам айнан шундан келиб чиққандир? Дарҳақиқат, инсон онгида “Ватан” тушунчаси илк бор оила муҳитида вужудга келади, ундаги “Ватан” ҳақидаги илк тасаввурлар оилада шаклланади.

Ҳеч бир инсон ота-онасини, тилини, миллатини, ўз ташқи қиёфасини танламаганидек, ўзи дунёга келадиган Ватанини ҳам танлаб ололмайди. Бу унинг тақдирига битилган. Ватан она Ватан деб ҳам тилга олинади. Инсон учун дунёдаги энг муқаддас зот Она – битта. Энг муқаддас маскан Ватан ҳам ягона. Шу сабабдан ҳам Ватан онага қиёсланиб, она Ватан дейилса керак.

Атрофимизга назар соладиган бўлсак, жаннат-монанд юртда яшаётганимизнинг гувоҳи бўламиз. Халқимиз бундай тинч-тотувликка, аввало, истиқлолга ўз-ўзидан эришиб қолгани йўқ. Юртимиз дунёнинг ҳавасини келтираётгани бежиз эмас, у жуда чиройли, обод масканлари кўп, дастурхонлар тўкин-сочин. Мустақил бўлганига атиги 25 йил бўлган давлатимиз, қаранг, қандай ажиб, файзли кўринишда. Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонга ҳар келганида янгидан-янги ўзгаришларни, юксалишларни кўриб ажабланмоқда. Дарҳақиқат, 25 йил ичида жаҳон харитасида ўзининг мустаҳкам ўзини топа олиш ҳам ҳар қандай мамлакатнинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун улкан маънат, оқилона сиёсат, энг асосийси, адолат талаб этилади. Ҳозирги кунда эса биз ёшларнинг олдида турган асосий вазифа Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун муносиб, холисона ва албатта, қўлимиздан келганча ўз ҳиссамизни кўшишдир.

Инсон бирор ишда ҳалол меҳнат қилиб, яхши-яхши ютуқларга эришиб, ҳаммага фойда келтиради, одамлар орасида ҳурмат топади. Биз ҳам танлаган касбимизнинг барча сир-синоатларини пухта ўзлаштиришимиз, бизга таълим бераётган устозларнинг меҳнатини қадрлаб, билимдон бўлишимиз лозим. Устозларимиз бизга дарс ўтаётганида ҳар доим “Ҳозирданоқ касбингизни яхши ўргансангизлар, кейинчалик қаерда ишласангиз ҳам қийналмайсизлар, ишни яхши уддалайсизлар”, деб кўп айтишади. Бу эса ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз, юртимиз равнақига ҳисса қўша олишимиз учун жуда зарур бўлади.

Биз келажаги порлоқ, иқболи буюк юрт фарзандларимиз. Зеро, озод ва обод, эркин ва фаровон юрт ёшларига шундай дейиш ярашади.

**Сугдиёна ТОШПҰЛАТОВА,**  
**Чирчиқ институтининг иқтисодий-иқтисодий касб-хунар**  
**коллежи ўқувчиси**

## **ИШОНЧИНГҢИ ОҚЛАШ - БАХТ БИЗГА**

Юртимиз буюклигининг боиси унда буюк аждодлар яшаб, ўз илм-тафаккури билан жаҳон аҳлини лол қолдирганлар. Ибн Сино, Имом Ал-Бухорий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий каби буюк сиймоларнинг меросини дунё олимлари ҳамон ўрганмоқдалар, яна янги қирраларини кўрмоқдалар. Бу каби инсоният тарихида ўчмас из қолдириб кетган шахсларни санаб адоғига етиш қийин. Номлари келтирилган аждодларимизнинг ўзи ҳам бизнинг қандай тарихга эгалгимиз, қандай ўтмишимиз борлигини, аслида ким эканлигимизни яққол ақс этиб турибди. Бизнинг мамлакатга ташриф буюрган ҳар бир чет эллик сайёҳлар, биринчи навбатда, бизнинг меҳмондўстлигимиз, очиқ кўнгил, меҳроқибатли инсонлигимизга, маданиятимизга, урф-одатларимизга ҳамда гўзал диёримизнинг ҳақиқий жозибасига ва энг асосийси, тинч-осуда ҳаётимизга қойил қолишади, ҳавас қилишади.

Биласизми, бир чет эл мамлакатада катта спорт мусобақаси ўтказилганда ҳукумат томонидан шундай қоида жорий қилинган яъни: спорт мусобақаси тугаб бўлгунича маҳаллий аҳоли доим кулиб юриши ва самимий бўлиши, бошқа мамлакатлардан келган спортчилар ва меҳмонлар билан доим самимий муомалада бўлишлари шарт қилиб белгилаб қўйилди, ақс ҳолда жазоланиш мумкин экан. Бизда эса бундай қоидага умуман зарурат йўқ.

Мен ҳозир деярли 20 ёш арафасидаман. Юртимизда бўлиб ўтадиган халқаро спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар, фестивалларни доимий равишда кузатиб бораман, лекин ҳали бирон марта бизда шунақа қоидалар жорий қилинган ҳақида эшитмаганман. Қайтанга ўлкамизга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон бизнинг самимийлигимиз ва меҳмондўстлигимиздан миннатдор бўлиб, буни ўзлари изҳор қилиб юртларига қайтиб кетишади ва албатта яна қайтиб келишини айтишади. Бунга мисол қилиб машҳур кўшиқчи Томас Андерсни айтиб ўтишим мумкин, у: “Шуни айтиб ўтишим керакки халқингиз жудаям меҳмондўст ва самимий экан, умид қиламанки, яна юртингизга ташриф буюриш менга насиб қилади” деганди ҳавас ва ҳайрат билан.

Мен касб-ҳунар коллежни тугатиб, келажакда олий ўқув юртида таҳсил олишни, ўзим орзу қилган касб эгаси бўлишни, Ватаним, халқим ва оилам учун керакли инсон бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Мен ота-онам, Ватанимнинг ишончини оқлашни истайман. Мамлакатимизда ҳар йили мактаб ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари”, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасида “Баркамол авлод”, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида “Универсиада” спорт мусобақалари ўтказилади. Албатта, бу биз ёшларнинг соғлом, етук ва баркамол бўлиб ўсишимизнинг асосий омилidir.

Ўқув даргоҳларининг замонавий қилиб таъмирлангани ва жиҳозлангани, янгидан-янги кутубхоналар очилаётгани, спорт майдонлари қуриб берилаётгани ва бошқа қанчадан-қанча мисолларни келтириш мумкин. Биз ёшларга яратиб берилаётган имкониятларни санайверсанг адоғи йўқ.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан коллежимизда ўтказилган бир тадбирда Юртбошимиз Ислон Каримовнинг Олий Мажлисдаги

Йиғилишда ёшлар ҳақида таъкидлаган сўзларини видероликда намойиш қилинган эди. Ўшанда Президентимизнинг “Нега биз ёшларимизни душманларимиз қўлларига топшириб қўйишимиз керак, биз ҳеч кимга бермаймиз ёшларимизни” деб жон куйдириб айтган гаплари ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди. Ҳурматли Юртбошимиз биз ҳақимизда шунчалик қайғуриб, жон куйдириб гапиряпти, бизни ҳимоя қиляпти, биз ёшлар ҳам шунга яраша жавоб қайтаришимиз лозим. Албатта, бунинг учун берилган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, яхши ўқишимиз, юксак маънавиятли ва Ватан келажаги учун етук кадр бўлиб етишишимиз керак.

Ҳа, Ватан келажаги бизнинг қўлимизда. Ёшлар, келинг бирлашайлик, Ватанимиз келажагини бирга бунёд этайлик!

*Назира ТАДЖИЕВА,  
Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодиёт  
касб-хунар коллежи ўқувчиси*

## **УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ**

1939-1945 йиллар оралиғида бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон уруши тарихда бўлиб ўтган жанглار ичида энг даҳшатлиси ҳисобланади. Сабаби бу уруш жуда кўп мамлакатларни ўз гирдобига тортиб уруш исканжасида қолишга мажбур этди. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳалқи ҳам мана шундай қийинчиликларга дош беришга жон-жаҳди билан курашди. Аҳолининг жуда кўп қисми урушга сафарбар этилиб, оиласидаги хотин-қизларни ҳар хил корхоналарга ишлашга мажбур этишди. Бунга сабаб, урушга анжом-аслаҳалар ва озик-овқат учун керакли бўлган маблағ тўплаш бўлган. Умуман олганда, собиқ иттифоқ даврида Ватанимиз ҳар томонлама қийинчиликлар исканжасида қолган. На адабиётчиларга, на спортчиларга, на мусиқашуносларга, ҳаттоки хунармандларга ҳам имкониятлар яратилиб берилмаган.

1991 йилнинг 31 августида Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон мустақиллик деб аталмиш улуғ неъматни қўлга киритди. Илк йиллардаёқ Юртбошимиз ёшларга алоҳида эътибор қарата бошлади. Бунга мисол қилиб мактабдаги кенг ва ёруғ хоналар, ҳар битта фан учун мўлжалланган дарсликлар, электрон дарсликлар, дарсдан кейинги вақтларда очилган тўғарақларни кўрсатса бўлади.

Таълим соҳасидан ташқари спорт соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир вилоятимизда бунёд этилган спорт саройлари келажак авлод, яъни биз учун, бизнинг соғлом турмуш тарзимиз учун фойдали.

Одам ота-онасини танлаёлмаганидек, Ватанни ҳам



танлаёлмайди. Албатта, Аллоҳ одамга Ватанни музликларда ҳам, саҳролардан ҳам, чангалокзорлардан ҳам ато этиши мумкин. Бизга Ўзбекистон деб аталмиш, тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса тоғи бор, боғ деса боғи бор, ҳар тонгда булбуллар мадҳини ўқиб тамом қилолмайдиган бир юртни Ватан қилиб берган экан, бунинг учун ўзимизни бахтли деб билмоғимиз керак. Президентимиз айтганидай, шукроналар билан яшамоғимиз керак. Ватан бизга ато этилган улуғ неъмат экан, Ватанга муҳаббат ҳам улуғ неъматдир. Чунки, Ватанни севган одам, унинг бирон корига яраган одам ҳаётининг чуқур маъно касб этаётганини, умри зое ўтмаётганини ҳис қилади. Шунингдек, лоқайд қарайдиган, ҳатто унга қўл кўтаришдан тоймайдиган одамлар эса, ҳар қандай қиёфага эга бўлмасин, башарасини ҳар қандай ниқоб билан паналамасин, маънавий қашшоқ, имонсиз, бахтсиз одамлардир.

Фақат бир нарсани айтмоқ жоизки, савоб ишлар, шу жумладан, Ватан равнақи йўлидаги ишлар ҳеч қачон аввалдан тасдиқланган рўйхат бўйича, бировларнинг кўрсатмаси билан қилинмайди. Ҳар ким ўз ақл-заковати билан ўз қалбининг амрига кўра қудрати етган даражада, имкони бор даражада, Ватан, эл-юрт йўлидаги ишларни қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганига яқинда 25 йил бўлади. Мустақиллик куни – Ватанимиз тарихида муҳрланиб қолган қутлуғ сана юртимизда туғилган, энди 5 ёшга тўлган болалар ҳам “Мен – Ўзбекистон фуқаросиман!” деб, фахрланиб, ғурурланиб гапирди. Кимки, мамлакатимизга келса, бу ҳақиқатнинг тасдиғини ҳар қадамда кўриши мумкин.

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу замин оддий юрт эмас, Аллоҳнинг назари тушган юрт.

*Лобар ТЕМИРБАЕВА,  
Паркент тумани агросаноат ва сервис касб-ҳунар  
коллежи ўқувчиси*

## **ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ**

Ватан! Бу сўз замирида олам-олам маъно мужассам. Бу сўз айтилганида, ёқимли куй янграгандек туйилади. Ватан – бу бизнинг туғилиб ўсган еримиз, киндик қонимиз тўкилган тупроқ ҳисобланади. Ватан биз учун она каби азиз, ота каби улуғдир. Ватанни онага қиёслашади, чунки, онамиз бизни вужудида олиб юриб, дунёга келтириб, тарбия беради. Шунинг учун ҳам Ватанни улуғлаб “Она Ватан” деб атаймиз. Доно халқимизда “Ватан остонадан бошланади” деган мақол бор. Дарҳақиқат, бизнинг Ватан ичидаги кичик Ватанмиз бу – уйимиз, маҳалламиз, қишлоғимиз, оиламиз ҳисобланади. Биз Ватанга муҳаббат, садоқат тушунчаларини оиламиз орқали онгимизга сингдирамиз ва шу орқали Ватанга садоқатли инсон бўлиб вояга етамиз.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда кўплаб ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, ҳар бир кириб келган янги йилга ном бериладиган бўлди. Бизнинг миллий бойликларимиз ҳисобланмиш пахтамиз, буғдойимиз юртимизда олиб қолиниб, қолган қисми экспорт қилинмоқда. Бобо-бувиларимиз сўзлаб беришича, собиқ совет тузуми даврида эса бунинг акси бўлган. Пахта, буғдойларимиз олиб кетилиб, қайта ишланиб, яна ўзимиз учун сотиб олинар эди. Мустақиллик туфайли бундай ноҳақликларга барҳам берилди.

Бундан ташқари фан, спорт, маъданият соҳаларига катта эътибор қаратилмоқда. Биз каби ёшлар ҳозирда фан олимпиядаларида, спорт мусобақаларида, маданият соҳаларида юқори марраларни эгаллаб, юрти-

миз байроғини янада юқорига кўтаришмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳар соҳада ўзининг салоҳиятини бутун дунёга кўрсатмоқда. Юртимизда истиқлол йилларида фабрика, завод ва корхоналар жаҳон талаблари асосида фаолият олиб бормоқда. Биргина мисол, бугун ўзимизда “Артел” компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёга машҳур.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши ҳам юртимиз келажаги бўлган ёшларга қаратилган ғамхўрлик намунаси. Чунки, ёшлар Ватан эртаси, келажакда биздан қандай Ватан қолганлигини кўрсатувчи кўзгу ёшлар ҳисобланади.

Фарзандлар соғлом бўлиши учун, энг аввало, оналар соғлом бўлмоғи зарур. Ҳозирда юртимиздаги барча муассасаларда бепул тиббий кўриклар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этилиши учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар, қолаверса, Юртбошимизнинг оқилона сиёсатининг самарасидир.

Мен мана шундай юртда ўсиб камол топаётганимдан фахрланаман.

**Бобур ҲАМРАЕВ,**  
*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети қошидаги академик лицей ўқувчиси*

## **ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШАМАН**

Ҳадемай бағрикенг, меҳнаткаш, самимий халқимиз энг улуғ ва энг азиз айём – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлайди. Бугуннинг ўзида байрамона кайфият ҳар биримизнинг юзимиз, кўзимиз, сўзимизда акс этиб турибди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, ким билан суҳбатлашманг, ҳаётдан розилиги, бахтиёр эканлигининг гувоҳи бўласиз. Таълим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш, меҳнат қилиш, дам олиш ва бошқа кўплаб ҳуқуқлари тўла таъминланаётган, ҳеч кимдан кам бўлмай тинч, осуда ва барқарор суръатларда ривожланиб бораётган юртда, юртдошларимизда ўзгача кайфият бўлиши ҳам мумкин эмасда, ахир. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши шартлигини бот-бот такрорлайдиган, бу пурҳикмат тамойилнинг аҳамиятини амалда ҳам кўрсата олаётган Юртбошиси бор юртда албатта бахтиёр авлод вакиллари вояга етади-да. Мен ҳам ана шундай авлод вакилларидан бири эканлигимдан, ёшларга иззат, кексаларга ҳурмат кўрсатилаётган юртда улғаяётганимдан фахрланаман.

Аслида фахру ифтихоримизга асослар етарли. Бирини айтсам, бошқаси қолиб кетадигандек. Лекин биз, ёшлар, тенгдошларимга энг маъқул келувчи, самарали, истиқболли бир ютуғимиз борки, у ҳам бўлса, бугун биз, ёшлар ўз она тилимиздан ташқари бир ёки бир неча хорижий тилларни мактабнинг дастлабки

Йиллариданоқ ўрганаёلمиз, бу борада тинимсиз ўз устимизда ишляёلمиз.

Тил билган – эл билади, дейди донишмандлар. Ҳақиқатдан ҳам, биз, ўзбекистонлик ёшлар қанчалик кўп хорижий тилларни мукамал ўзлаштирсак, юртимизда амалга ошириляётган ислохотлар, эришиляётган натижалар, қолаверса, бой маънавий меросимиз ҳақида бутун дунёга баралла айта оламиз, тарғиб қила оламиз. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган илмий-амалий ютуқларни бизда ҳам татбиқ эта олиш имкониятимиз кенгайди. Хорижлик сармоядорлар юртимизга кўплаб инвестицияларни киритаётган бир пайтда уларнинг тилларида бемалол сўзлаша олмасак ҳам бўлмайди, ахир. Хуллас, чет тилини билиш, ўрганиш ва Ўзбекистон аталмиш жаннатмонанд юртимизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзлаб, бутун дунё ҳамжамиятини ўзимизга қарата олиш ҳар биримизнинг асосий вазиғамизга айланмоғи лозим.

Кези келганда таъкидлаш лозим, бугун чет тилларини ўргатиш бўйича тўпланган амалиёт ва бу борада жойларда яратилаётган шароит ўз натижасини бераёпти. Фикрим қуруқ бўлмасин учун аниқ мисолларга мурожаат қилсам.

Шу йилнинг ўзига ўзбекистонлик бир неча ҳамюртларимиз чет давлатларида нотиклик санъати бўйича ўтказилган халқаро танловларда фахрли биринчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Япониянинг Токио шаҳрида чет эликлар ўртасида 19-бор ўтказиб келинаётган “Япон тилида нотиклик санъати” халқаро танловида ҳамюртимиз Фахриддин Эргашев биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Кореянинг Кюнгси университети ва Ёнхап агентлиги томонидан ўтказилган “Нотиклик санъати” бўйича халқаро танловнинг финал босқичида 20 га яқин давлатлардан иштирокчилар қатнашган ва танлов натижасига кўра, ўзбекистонлик талаба Бахтиёр Раҳимбобоев фахрли биринчи ўринни қўлга киритган.

Мен ҳозирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей битирувчисиман. Келажакда амалга оширишни мўлжаллаган режаларим талайгина. Хусусан, инглиз, ҳинд ва хитой тилларини мукамал ўзлаштириш ниятидаман. Асосийси, мен ва менинг тенгдошларим, лицейдошларим ҳам ўз олдига яқин келажакда ана шу билимли, иқтидорли ака-опаларимиз, ҳамюртларимиз сингари Ўзбекистоннинг обрўсини оширишни ният қилиб қўйдик.

Сўзим якунида биздан бор куч-ғайрати, меҳнатини аямаётган устоз-муаллимларимизнинг насиҳатларини ёдга олмоқчиман. “Ҳеч кимдан кам бўлмай ўсиб-унишингиз учун барча шарт-шароит яратилган. Президентимиз, ҳукуватимиз, ота-оналарингиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар, билдирилаётган ишончга яраша муносиб авлод бўлиш учун тинимсиз изланинг, ўрганинг, билим олинг”.

Мен ҳам, ўз навбатида, устозларимга қарата айтаман: Мен, албатта, Ўзбекистоннинг билимли ва бахтли, мустақил ва мустаҳкам фуқаролик позициясига эга, бор салоҳият ва ғайратини юрт тараққиётига сафарбар қилувчи фарзанди бўлишга ваъда бераман.

**Юлдуз УСМАНОВА,**  
*Республика ихтисослаштирилган  
муסיқа ва санъат академик лицейи ўқувчиси*

## **ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА**

Эрталаб уйқудан уйғонаману бошим узра нур сочаётган куёшнинг илиқ тафтини туяман. Шу онда бу замин, бу куёш, бу макон менга қанчалик қадрдон эканлигини ҳис қиламан. Бу бир лаҳзалик хаёл менинг севимли диёримни, азиз яқинларимни, мен учун қадрдон бўлган яқин кишиларимни ёдимга солади. Бу лаҳзада ўз-ўзидан дилимда-тилимда шукроналик туйғуси жўш уради.

Бугун мен ёшман, гўзал диёримнинг эрка қизиман. Ҳар дақиқада янги орзулар, янги мақсадлар билан нафас оламан. Баъзан бу сўзлар шунчаки чиройли гапириш учунгина айтилаётгандек туюлади. Аммо улғаяётган ҳар бир ўғил-қиз шундай ҳаёт кечиришини бугун ўз руҳиятимдан ўтказдим ва бу сўзлар ҳақиқатан ҳам юракдан айтилган ҳароратли сўз эканлигини тушундим. Гўзал Ўзбекистонимизда мен каби неча миллионлаб ёш юраклар бор. Улар ҳам турли йўналишларда мамлакатимиз равнақи йўлида меҳнат қилиб, нурли келажак сари интилмоқдалар.

Тарихнинг ҳеч даврида бутун ер юзи осойишта ҳаёт кечирмаганидек, бугун ҳам қанчадан-қанча халқлар юртини уруш номли қора булут қоплаб турибди. Уларнинг ҳам биз каби навқиронлари бор. Афсуски, бугун улар илм зиёсидан баҳраманд эмас, оғир даврнинг кучли босимида ҳаёт кечирмоқдалар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида барча халқлар сингари Ўзбекистондан ҳам йигитларни урушга олиб кетишган эди. Шунда уларнинг орасида ёшгина йигит

Кимсан ҳам бор эди. У кўнгиллилар қаторида ёзилган эди. Ота-онасини, суюкли ёри Робияни ҳам ташлаб урушга отланган эди. Қора булутлар остида жанг қилар экан, хат ёзмоқчи бўлди. Ўз хатида шундай мисраларни битмоқчи бўлди:

“Робия, урушга кетаётганимда оқсоқол буванинг “Уруш ўйинчоқ эмас!” деган гаплари бугун ҳақиқат эканлигини тушундим. Урушга кирганимизда мен каби кўзида умид билан келаётган душман ёшларини кўриб уларни қандай қилиб ўлдираман, деб ўйлаган эдим. Уларнинг ҳам ота-онаси, йўлига кўз тикиб ўтирган ёрлари бор-ку! – дедим. Лекин яқин кишиларим бирма-бир кўз ўнгимда қадрдон ватандошларим кўз юмаётганини кўриб қалбимда алам, қаҳр ва ўч олиш ҳисси уйғонди”, каби сўзларни ёзмоқчи эди. Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романидан олинган бу парча бугунги тинч осмонимизга яна бир бор шукр қилишга ундайди.

Бугунги кунда уруш ҳукм сураётган халқлар ҳам ўзи сингари инсонларни ҳалок қилишни истамайдилар. Улар шунчаки, вазият ва давр қурбонларидир. Шундай экан, дориломон замоннинг эркин ёшлари эканлигимиздан фахрланишимиз ва тинчлик аталмиш буюк неъматнинг қадрига тетишимиз лозимдир.

Бугун ўз мустақиллигининг навқирон 25 ёшини нишонлашга тайёргарлик кўраётган гўзал Ўзбекистонимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Осмонўпар биноларда давлатнинг куч-қудрати намоён бўлса, навқирон ёшлари шижоати орқали келажак нурли йўли барпо этилади. Ҳозирда илм-фан, маданият каби турли йўналишларда изланувчан ёшлар фаолият олиб бормоқдалар. Неча-неча спортчилар, санъат ихлосмандлари дунё саҳналарида Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқдалар.

Шундай ёшлардан бири, мен ҳавас қилган спортчилардан бири Диёра Келдиёровадир. У ёш бўлишига



қарамасдан спорт йўналишида жаҳон чемпиони, “Эйтироф” мукофоти совриндори ва Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндоридир. Бундай муваффақиятларга эришган ёшларга чин дилдан ҳавас қиламан ва мен ҳам шундай ёшлар қаторида бўлишни, Ватанимизнинг суянган ёшларидан бирига айланишни орзу қиламан. Диёра сингари ёшлар Ўзбекистонимизда юзлаб, минглаб топилади. Улар ҳар жабҳада юксак марраларни қўлга киритишдан чарчамайдилар.

Бундай ғалабаларнинг замирида, албатта, ёшларга оид оқилона сиёсатнинг натижаси ва бизларга улкан ишонч билдирилганининг самарасидир. Бугунги кунда “Юрт келажаги”, “Ниҳол” мукофоти, Зулфия номидаги давлат мукофотлари жорий этилган бўлиб, улар ёшларнинг иқтидорини аниқлашга ва салоҳиятини намоён этишга хизмат қилмоқда. Айниқса, уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақалари, турли олимпиадалар ташкил этилишининг ўзи ҳам бу юртнинг ўз ёшларига яратиб бераётган имкониятлари қанчалик кенг қамровли эканлигидан далолат беради. Жумладан, жорий йилнинг 10-14 май кунлари жонажон лицейимизда “Санъат ғунчалари” номли биринчи халқаро дамли ва зарбли чолғу асбоблар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Танловда турли давлатлардан ёш ижрочилар ўз маҳоратларини намоён этдилар. Лицейимиз ёш ижрочиларидан 24 нафари ҳам бу танловда совринли ўринларни қўлга киритдилар. Ўз тенгқурларим қаторида совриндорлар сафига кирганим мен учун катта бахт саналади. Бу танлов мен каби ёшларга қанчадан-қанча қувонч, ишонч ва ғурур бахш этди. Негаки, мен ушбу мусобақа туфайли талабалик бахтига муяссар бўлдим. Ғўзал диёрда шу сингари танловлар жуда кўп ўтказилади ва чин маънода кўплаб ёшларга имконият қанотларини тухфа этади. Бундай қанотларда бахтиёр ёшлар келажакнинг нурли осмонида янада баландроқ парвоз этади.

Шубҳасизки, бундай имкониятлар ёш юракларга янада каттароқ масъулият юклайди. Ҳар тонгда янги маррани кўзлашга ва уни ишғол этишга чорлайди. Бизнинг шу кунлардаги бош вазифамиз ҳам шундан иборат эмасми?! Юрт корига яраш учун шу Ватанда туғилганмиз-ку асли! Шу тупроқда туғилган ватандошларимиз ҳақидаги ривоятни ҳам фикримиз далили сифатида иншомга ёзишни аҳд қилдим.

Қадим замонда бир қўрғонда яшовчи кичик қабилага ёв хавф солибди. У қабиланинг донғи кетган бир азамат саркардаси бор экан. Саркарда халқини ҳимоя қилиш йўлида жангга кирибди. Қабиланинг улкан ҳимоя деворидан иборат қалъасига душман кира олмабди. Аммо душман сон жиҳатидан кўп бўлганлиги учун қалъани қамалда ушлаб турибди. Халқ орасида очарчилик бошланибди. Шунда оқил саркарда халқини қирилиб кетишдан сақлаб қолиш учун душман билан сулҳ тузишга ҳаракат қилибди. Улардан халқини тинч қўйиш бадали қанча бўлишини сўрабди. Душман саркардаси қамалдаги халқнинг бор бойлигини сўрабди. Бунга жасур саркарда рози бўлибди. Сўнг душман бунга қаноат қилмасдан буюк саркарданинг қимматбаҳо тожини сўрабди. Саркарда уни ҳам душман қўлига топширибди. Қахрли душман бунга ҳам қаноат қилмасдан қабила ерининг бир қаричини сўрабди. Шу онда жасур саркарда она Ватан тупроғи ҳимояси йўлида қиличини яланғочлаб билакларида кучи қолмагунча душман билан олишибди.

Халқимиз тарихида бундай жасоратли ўғлонлари жуда кўп. Биз ёшларга келажак ўз бағрини очар экан, албатта, унга жавобан “лаббай” деб жавоб бермоғимиз, нури келажакда миллатимизнинг ҳақиқий келажак устунлари бўла олишимиз лозимдир. Ватан келажаги ёшлар қўлида эканини ҳар биримиз ўз ютуқларимизда исботлашимиз фарзандлик бурчимиз ҳисобланади.

**Саодат СУЛТОНОВА,**  
*Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик  
ва дизайн институти талабаси*

## **ЁРУҒ КЕЛАЖАК САРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизнинг келажagini ҳар жиҳатдан тўғри белгилаб бериш, тараққиёт йўлларини аниқ режалаштириб олишга алоҳида эътиборни қаратди.

Қисқа муддат ичида юртдошларимизнинг, халқимизнинг савиясида кескин ўзгаришлар юз берди. Айниқса, сиёсий савия ошди. Истиқлол туфайли кишиларимизнинг Ватанга, она заминга меҳрли муносабати шаклланди. Бугунги кунга келиб Ватанимиз аниқ қиёфа касб этди, биз унинг куч-қудрати, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ҳамда бутун вужудимиз билан ҳис этамиз.

Ватанимизнинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этмоқда, бундан фахрланыпти. Бу эса истиқлол берган энг катта бойликларнинг биринчиси, деб кўрсатди Юртбошимиз.

Ватан, ватандошлик туйғуси эски мафкуравий қобиклардан қутулиб, ўзининг асл қиёфасини топди. Бугун биз ўзаро жипслашиб, том маънодаги халқ бўлиб, катта кучга айландик.

Бугун нафақат меҳнатга, балки меҳнатимизнинг натижасига ҳам ўзимиз эга бўляпмиз.

Олий мақсадимиз – Мустақиллик қўлга киритилди, унинг олий мақсади эса – ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш эди. Бу ҳам амалга ошди. Ўзбек халқи ҳамма соҳада дунёга танилди. Бемалол ривожланган мамлакатлар билан рақобатга кириша бошлади.

Президентимизнинг кўрсатишича, Ватанимизнинг келажаги қишлоқ хўжалиги, бошқа ижтимоий, иқтисодий йўналишлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, маданият, санъат, спорт ва илм фандаги тараққиётга боғлиқ. Наслимизнинг келажаги – соғлом авлод учун кураш бошланди. Соғлом авлод ордени таъсис этилди, махсус халқаро жамғарма тузилди. Соғлом авлод деганда фақатгина жисмонан бақувват фарзандлар эмас, балки маънан бой, руҳан тетик фарзандлар ҳам назарда тутилди. Чунки, – дейди Президентимиз, – ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Муҳтарам Президентимиз Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришларига боғлиқдир, деб таъкидлади. Бу эса таълим тизими, тарбия масканлари, маданият, маърифат масканлари олдига масъулиятли вазифаларни қўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун, ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишлари, ўзлари истаган йўналишларда иқтидор ва қобилиятларини намоён қилишлари учун, ўзлари ёқтирган соҳа бўйича етук ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Мактабгача тарбия муассасалари, тўққиз йиллик мажбурий таълим тизими, ўрта махсус таълим тизими, олий ўқув юртлари, улар қошидаги турли хил тўғарақлар, ахборот-кутубхона муассасалари автоматлаштирилган тизимда фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш, ижодий интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб этиш, уларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, юксак маънавийатли, миллий қадриятларга ҳурмат, халқимизга, Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш бўйича

кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Натижада мустақиллик йилларида юзлаб ёшларимиз халқаро фан олимпиадалари, халқаро спорт мусобақалари, турли хил халқаро мусиқа ва санъат танловлари, фестиваллари, кўргазмаларида ғолибликни қўлга киритиб, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён қилиб келмоқда. Улар мустақиллик шарофати туфайли ўзлари эришадиган ютуқлар мисолида мамлакатимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланаётганлиги, ёшлар учун яратиб берилган кенг имкониятлар ҳақида фахр билан гапириб бермоқдалар. Замонавий билимларни чуқур эгаллаган шижоатли, ғайратли, қалби қайноқ ёшларимизнинг бундай муваффақиятлари юртимиз фарзандларини ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам руҳан соғлом қилиб, ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишда ёрқин намуна бўлмоқда.

Мен Ўзбекистон Республикаси “Адолат” социал-демократик партиясининг аъзосиман. Бизнинг мамлакатимиз кўп партиявийлик тамойилига амал қилади. Халқ демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳамда “Адолат” социал-демократик партиясининг мақсадлари муштарак. Аммо, “Адолат” партияси фаолиятида “Ватан келажаги ёшлар қўлида” номли ижтимоий лойиҳа алоҳида ўрин тутди. Бу лойиҳанинг мақсади мустақилликдек буюк неъматнинг мазмунмоҳиятини тўғри англаб олиш, кадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган йигирма беш йил мобайнида босиб ўтган ўғир ва машаққатли йлимиз, турли соҳалардаги кенг кўламли ислохотларимиз, турли соҳаларда эришган улкан ютуқларимизнинг моҳиятини ва аҳамиятини келажагимиз бўлган ёшларимиз онгига сингдириб, уларни яна ҳам аҳамиятлироқ, янги марралар сари руҳлантириш, партия фаолиятида фаол иштирок этишга жалб этишдан иборат.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ёшлар учун янада кенг имкониятларни яратиб берди. Ўрта мактабларда инглиз тили фани бошланғич таълим давриданок киритилди. Инглиз тилида тўғарақлар, ўқув курслари, телекурсувлар, радио эшиттиришлари ташкил этилди. Ёшларимиз инглиз тили бўйича тест синовларини топшириб, ўз билимларини синаб кўришлари мумкин. Инглиз тилини мукаммал билганлар эса халқаро шартномалар асосида хорижий мамлакатларда турли йўналишлар бўйича таълим олиб келмоқдалар. Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда фан ва техникани ривожлантириш мақсадида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Адабиёт, санъат, спорт, маданият ва илм-фан соҳасидаги ютуқлари учун шу кунга қадар 300 га яқин қизларимиз Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлишди. Қанчадан-қанча ёшларимиз спортнинг турли йналишларида дунё мамлакатларида ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтарганлари ҳамда Ўзбекистон мадҳиясининг янграшига сабаб бўлганликлари учун Ўзбекистоннинг юксак унвонларига, мукофотларига сазовор бўлишди.

Бугунги ёшлар Ватанимизнинг эртанги кунини белгилаб беради. Жамиятимиз тараққиётининг истиқболи бугунги ёшларнинг олаётган билимига, интеллектуал салоҳиятига, саводхонлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун ёшларимизнинг илмий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришга қаратилган кўплаб таълим-тарбия муассасалари, маданий-маърифий ташкилотлар, оила институти, маҳалла қўмиталари шу ишга йўналтирилган.

Ўн мингга яқин ўрта мактабларда болалар бошланғич таълимини оладилар. Бир ярим мингдан ошиқ коллеж ва лицейларда касб-ҳунар таълими берилади. Етмиш иккита олий ўқув юртларида эса ёшларимизнинг

олий малакали мутахассис бўлиб шаклланишлари учун ҳамма шароит яратилган. Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган Вестминистер университети, Сингапур университети, Турин политехника институти, Кореянинг Инҳа университети дунё стандартлари асосида йигирма биринчи аср – ахборот асри талабларига кўра малакали мутахассислар тайёрламоқда. Уларнинг ҳаммасида машғулотлар инглиз тилида олиб борилди. Мамлакатимизда ўн икки мингдан ошиқ ахборот-кутубхона муассасалари ўзларида жамланган қоғоз ва электрон шаклдаги ресурслари асосида аҳолига, айниқса, ёшларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш билан жамиятимиз олдида турган вазифаларни бажаришга таъсир кўрсатмоқда. Уларда олиб борилётган тарбиявий, маданий, маърифий тадбирлар ёшларимизнинг чуқур билимли, юксак салоҳиятли, саводли, малакали мутахассис бўлишларига ёрдам бермоқда. Уларнинг дунё ахборот оламидан тезкорлик билан сифатли ва самарали фойдаланишлари учун улардан олаётган билимларини амалиётга тўлиқ жорий этишлари учун ҳамма имкониятларни очиб берганлар. Чунки, бугунги ёшлар Ватанимизнинг келажагини, истиқболини белгилаб берадилар. Шу маънода 2002 йил октябр ойида Президент Фармони билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. У “Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш – келажаги буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир” деган шиорни илгари суради. Жамғарма соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш мақсадида иш олиб борди. Болалар спорти таълим-тарбия жараёни билан биргаликда ривожлана бошлади. Жамғарма маблағлари ҳисобидан юзлаб болалар спорти объектлари, спорт комплекслари, спорт залла-

ри, сузиш ҳавзалари қурилди. Ўн икки яшар Амирбек Усмонов сузиш бўйича халқаро турнирда бир йўла беш марта олтин медал соҳиби бўлди. Наманганлик қизлар Малайзияда ватерпол бўйича халқаро беллашувда биринчи ўринни олдилар, спортчи қизлар синхрон сузиш бўйича 4 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза медалини қўлга киритдилар. 9 яшар шахматчи Нодирбек Абдусатторов Словениянинг Марибор шаҳрида тезкор шахмат бўйича 126 мамлакатдан келган 2600 нафар спортчини енгиб, жаҳон чемпиони бўлди. Фарғоналик Нафиса Мўминова эса Ўзбекистон хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб шахмат бўйича халқаро гройсмейстер унвонига сазовор бўлди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу эса мустақиллигимиз туфайли ўзбек халқининг дунёда ўзининг муносиб ўрнини топаётганини, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслигини, мамлакатимиз келажаги бўлган биз – ёш авлоднинг мамлакатимизнинг эртанги куни учун намуна бўлаётган ёшлар эканлигини, бизнинг мамлакатимиз таянчи ва суюнчи эканлигимизни исботлаб турибди.



## **ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР ДИЁР**

Ватан – муқаддас макон. У ҳар биримизнинг қонимиз, юрагимиз, онгимиздан жой олган. Халқимизда Ватан остонадан бошланади, деган нақл бор. Дарҳақиқат, инсонга туғилиб-ўсган, киндик қони тўкилган замин, болалиги ўтган диёр Ватан туйғуси шаклланишида ёрдам беради. Қалбида Ватан туйғуси жўш урган инсон борки, ўз хонадони, оиласи, маҳалласи ва шаҳри, қишлоғи билан фахрланиб яшайди. Ватанпарвар инсон бошқача яшай олмайди. Ҳар бир инсон нафақат ота-онасининг, балки ўз Ватанининг ҳам фарзандидир. Ота-она фарзанди учун кўлидан келган ҳамма шароитни яратиб беради. Чунки ота-она фарзандининг бахтини истайди. Ватан ҳам худди ота-онадай фарзандининг тинчлиги, хотиржамлиги, бахти, орзу-интилишлари учун тинмай ҳаракатда бўлади.

Биз, ёшлар ана шундай Ватан – Ўзбекистоннинг келажаги, таянчимиз. Ватаннинг ишончини оқлаш, Ватан келажагини порлоқ қилиш бизнинг бурчимиздир. Бунинг учун биздан ўқиш ва изланиш талаб қилинади.

Давлатимиз, Юртбошимиз бизларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишимиз учун барча шароитни яратиб берган. Бу борада Президентимиз И.Каримовнинг юртимиз ёшлари ҳақидаги мана бу сўзлари алоҳида аҳамиятга эгадир: “Менинг энг катта ишончим – ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Киши ана шундай фарзандлари борлигидан куч олади, онги тиниқлашади, рағбатланади, кўкси тоғдай кўтарилади”. Биз ёшлар

бунга жавобан халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қилишимиз, Ўзбекистонимиз донғини бутун дунёга таратишимиз керак. Зеро:

*Ҳар бир жойнинг ўз тоши-ю тарозиси бор,  
Бу ёшларнинг келажакдан ўз орзуси бор,  
Юрагида фахр деган бир туйғуси бор,  
Ким ўйлайди бу Ватанни, биз ўйламасак?!*

Миллий ифтихор туйғуси бўлган одамгина ўз халқини севади, Ватанини қадрлайди. Ахир ҳур ва озод Ватан учун садоқат билан сидқидилдан хизмат қилиш нақадар ифтихорли.

Сени суйиб, бахт топдим, Ватан! Ҳар қарич тупроғинг кўзларимга тўтиё! Бор таъзим ва эҳтиромимиз сенга бўлсин. Бу таъзимимиз шукроналигимиз, бир умр беминнат ато этган инъомларинг учун миннатдорчилигимиз ифодасидир. Нафақат жаннатмакон боғ-у муаззам тоғларингни, обиҳаётга тўла ирмоқларингни, ҳар бир унган гиёҳларингни эъзозлаб қадрлаймиз, балки ҳар қарич еринг учун жон тикишга тайёرمىз.

Ўзбекистонни Аллоҳ назари тушган юрт дейишади. Бу заминга офтоб ҳам ўзгача меҳр билан нур сочади. Балким ана шу нур халқимизнинг қалбидан ҳам жой олиб, уни шу қадар меҳрли, саховатли, бағрикенг бўлишга ундар?!

Ўз йўлини тўғри белгилаб олмаган, тарихини билмаган, аждодлари қолдирган маънавий меросга бепарволик билан муносабатда бўладиган халқнинг эртанги куни порлоқ бўлишига ҳам ишониш қийин. Ўзбек халқи ўз қудратига ишонади ва дунёни тараққиётга етаклаган буюк фарзандлари билан, улуғ ўтмиши билан фахрланади. Шунингдек, ўзининг камситилишига ҳам йўл қўймайди, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қила олади.

Бундан 25 йил аввал Ўзбекистон тупроғига экилган Озодлик уруғи кўкариб чиқиб, бўй чўзиб, мева бера

бошлади. Мустақил Ўзбекистон бугунги кунда тобора яшнамоқда. Бу фақатгина бошланиши, ҳали келажакда Ватанимиз бутун дунёни лол қолдиради.

*Истиқлол нуридан мунаввар бўлган,  
Халқига озодлик муяссар бўлган,  
Порлоқ келажаги муқаррар бўлган,  
Обод, ҳур диёр бу,  
Ўзбекистон бу!*

Шундай жаннатмонанд юртнинг қадрига етмаган юртфурушларнинг хор-зор бўлиши барчага аён. Чунки Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Муқаддас нарсаларга асло хиёнат қилиб бўлмайди-ку. Бундай кимсалар охир-оқибат бирор балога гирифтор бўладилар, эҳтимол шунда афсус-надомат чекадилар, аммо кеч бўлади. Афсуски, бундайларни учратиш мумкин. Улар юртни эмас, пулни ўйлайдилар. Уларни ўзбекнинг шонли тарихи, буюклиги қизиқтирмайди. Яшашдан мақсадлари мол-дунё орттириш, кимгадир яна кул бўлиб, ялиниб-ёлвориб бўлса-да, бойликка эга бўлиш. Бу йўлда улар қон тўкишга ҳам тайёр. Ёлғон ваъдаларга учиб, бойликка эришаман деб ўзга юртларга бориб, у ердаги уруш-тўполонларда қатнашаётганлар ҳақида эшитганимда, шу қадар онги паст, жоҳил бўлиш мумкинми, деб ўйлаб қоламан. Аммо ҳар нарсанинг якуни бўлганидек, бу тубанликларнинг ҳам охири бор. Уларга ҳам жазо муқаррар.

Мен эса сен билан фахрланаман, эй азиз Ватаним! Сен менинг кўзим қароғидасан! Шу биргина жумлада қанча маъно бор. Инсон кўзининг нуруни, қорачиғини қандай асраса, Ватанини ҳам шундай асрамоғи зарур.

*Умида ЁДГОРОВА,  
Тошкент педиатрия тиббиёт  
институтини талабаси*

## **ҒУРУРИМ, ОРИМСАН ЎЗИНГ...**

Ватан, истиқлол, маънавият... Агар инсон шу сўзларни эшитганда жунбушга келмаса, ҳаётининг қаеридир кемтик бўлиб қолаверади. Ватан – барчамизнинг она диёримиз, сизу бизнинг туғилиб, ўсиб-улғайиб, камолга етишимизга макон бўлган азиз макан. Ватан шундай мўътабарки, унинг бағрида боболаримизнинг хоки ётибди, шунчалик азизки, ватандошларимизнинг киндик қони томган. Ватан – онамиз, дунёда ягона маконимиз, боримиз-бисотимиз! Ватан биз учун “шодон кунимизда қувончимиз, нолон кунимизда юпатган” онамиз, жисмимиз кўним топган азим чиноримиз, кўксимиздаги ифтихоримиздир. Одам онаси билан сунъий ёки расмий оҳангда гаплаша олмайди. Самимийликка қаттиқ путур етади. Болаликдан онасини, “онажон” деб ўсган фарзанд, “она” деса ҳам, нотабиий туюлади. Шу сингари Ватан ҳақида ҳам баландпарвоз тарзда гапириб бўлмайди, самимийлик йўқолади. Бунинг сабаби битта: она ҳам улуғ – Ватан ҳам. Одам – умри мобайнида кўп нарсани танлаш, саралаш, сайлаш ҳуқуқига эга. Аммо инсонда энг қадрли, азиз икки нарсани – ота-онани, ҳамда миллати ва Ватанни танлаш ҳуқуқи йўқ. У бизнинг бугунимиз, эртанимиз, ёинки, тақдиримиздир.

Мен дунё тамаддунига бешик бўлган юрт фарзандиман. Бугун тараққиёт сари дадил одимлаётган диёрнинг бахтли қизиман. Бундан қалбимда чексиз фахр, ифтихор ҳиссини туяман. Зеро, Ватан – менинг жоним, Ватан – менинг шоним, шавкатимдир. Ҳар

тонг уйқудан кўз очганимда мусаффо осмонни кўриб қувонаман. Она халқим осойишталиги, барқарорлиги мен учун олий бахтдир. Айниқса, дунёнинг турли минтақаларида, мамлакатларида содир бўлаётган урушлар, келишмовчиликлар тобора авж олаётган ҳозирги таҳликали ва мураккаб бир замонда осойишталигимизни асраётган ўғлонларга таъзим қиламан. Ватан – ягона, муқаддас. Киндик қони тўкилган замин – она юртни ғанимлардан ҳимоя қилиш, унинг тинчлиги, фаровонлиги йўлида фидойиларча хизмат қилиш, керак бўлса, жонни фидо қилиш энг шарафли бурч. Ана шундай шарафга муяссар бўлганлар юртнинг чинакам фарзандларидир. Бугунги Ватан ҳимоячиси, Президентимиз таъкидлаганларидек: “Она юртга, она заминга садоқат билан, кимнинг авлоди эканини ҳаёлидан чиқармасдан, ҳаётга аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган ҳарбий инсон, Куролли Кучларимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, энг катта бойлиги” бўлиши керак. Она билан Ватан олдидаги ҳар биримизнинг елкамизда муқаддас бир бурч борлигини унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Ватан ҳимояси, аввало, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлашдан бошланади. Ватан, аввало, ҳар биримизнинг елкамизга муқаддас бурч юклайди. Ҳуқуқ ва эркинлик билан бурч инсонийликнинг икки тенг мезони ҳисобланади. Модомики, инсонга, айнан маънавиятига қараб баҳо берилар экан, шахснинг бурчга муносабати ҳам бевосита унинг маънавиятини кўрсатадиган мезонлардан бири саналади.

Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Юртимизда ёшларга, уларнинг орзу-истаклари рўёбига, таълими, маънавиятига катта эътибор қаратилади. Дунёда тенглар ичра тенг ёшлар сифатида ўз ўрнини топиш учун барча шароит яратилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этила-

ётгани, хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган “Бутунжаҳон бахт индекси”да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани ва бошқа мисоллар ёрдамида юртимизнинг барқарор тараққиёт суръатларини теран очиб бериш мумкин.

Ватан деган иморат кўчманчи қабилалар баҳорда вақтинчаликка қуриб, қиш бошида бузиб йиғиштириб кетадиган чодир эмас. Бу муқаддас даргоҳ бизга қадар ҳам бўлган, биз ўтиб кетганимиздан сўнг ҳам абадий қолажак. Ватан – чинакам Ватан бўлмоғи учун унинг равнақиға ҳар бир авлод ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи лозим. Зеро, биздан озод ва обод Ватан қолсин!

**Фотима АЛИМЖОНОВА,**  
*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат  
институтини талабаси*

## **ЎЗБЕКИСТОН – ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ**

Демократик жамиятнинг шаклланиши бир лаҳзада рўй берадиган жараён бўлмасдан, аввало, одамлар онги ҳамда тафаккурида янгиланиш ва демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ узоқ ва давомли жараёндир. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар самараси барча соҳаларда инсон ҳуқуқлари ва жамият манфаатларини тўла-тўқис таъминлаш билан боғлиқдир.

Истиқлолнинг дастлабки кунларида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида танланган тараққиёт йўли, узоқни кўра билиш, халқимизга хос донишмандлик ва вазминлик ана шундай муваффақиятларнинг юзага келишига мустаҳкам асос бўлди. Энг муҳими, мустақилликнинг илк палласида танланган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли ўтган давр ичида нафақат ўз исботини топди, балки дунё ҳамжамияти томонидан “Ўзбек модели” дея эътироф этилди. Бу бугун кўз ўнгимизда она Ўзбекистонимиз тимсолида қад ростлаб турган ҳақиқатдир. Ва ана шу ҳақиқат замирида истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли юз кўрсатган халқимизнинг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳияти, гуруру ифтихори, шаън- шавкати мужассам.

Бош қомусимиз муқаддимасида қайд этилганидек, Ўзбекистон халқи инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаган бўлиб, мамлакатимизда демократия Асосий қонунимизнинг 13-моддасида бел-

гиланганидек, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти дахлсиз, ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда инсонпарварлик принципи шартлари, талаблари қоидаларига, шунингдек, Ўзбек миллий давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда изчил сиёсатни амалга оширмакда

Инсонпарварлик ғоялари, бахт-саодат ва адолатга эришиш орзу ҳаваслари халқ оғзаки ижодиётида, адабиётда, диний ва фалсафий таълимотларда узок ўтмишдан бери ўз аксини топиб келмакда. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломалар ва мутафаккирлар ўз асарларида инсон эркинлигини, унинг қадр-қимматини, инсонпарварлик ғояларини олға сурдилар. Хусусан, Абу Наср Форобий фикрича, бахт-саодат, осойишта ҳаёт, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик жараёнида инсоннинг кўп ижобий фазилатлари ва хислатлари асосида инсонлар жамоаси юзага келади. Форобий инсонларнинг иноқ ва дўст яшаши мамлакат халқлари учун катта фойда келтиришини исботлашга интилган ва тинчликни қатъий равишда қувватлаб, бутун фаолиятини инсон хизматига қаратган.

Алишер Навоий инсон тақдири, халқ манфаатлари, мамлакат ҳақида ғамхўрликни асосий масала қилиб кўйган. У дунёда энг қимматли нарса инсондир, деган фикрни олға сурган. Унинг фикрича, бутун мавжудот борлиқ инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим. Инсонпарварлик ҳар бир замонавий ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳаёт қоидаси ва ижтимоий тузилиш устунларидан бирига айланмакда.

Мустақил Ўзбекистон ўз сиёсатида инсонпарварлик



ва гуманизм шартлари, талабалари ва қоидаларига, Шарқ ва Ғарб давлатларининг энг илғор тажрибасига таяниб, халқ ҳаётини ва жамият фаолиятини ташкил қилмоқда. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари инсон манфаатларини ҳимоя қилишга, уни қадрлашга, ҳар бир шахснинг баркамоллашувига қаратилган.

Инсонпарварлик ғоялари мазмуни ва тамойиллари ўзбек миллий менталитетининг таркибий қисмидир. Мустақиллик йилларида инсонпарварлик тамойилларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан изчил сиёсат олиб борилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик тамойили моҳият эътибори билан чуқур маънога эга. Мамлакатимизда Конституция асосида қабул қилинаётган қонунлар, умуман олганда, барча меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти жиҳатидан инсонпарварлик намунаси ҳисобланади.

Асосий қонунимизнинг том маънодаги мукамал ҳужжат эканлигини яққол намоён этадиган жиҳатлари жуда кўп. Унинг ҳар бир бандида асрлар давомида шаклланган миллий тафаккур, муқаддас қадриятларимиз ўз аксини топган. Миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган одамийлик, бағрикенглик, олижаноблик каби улғу фазилатлар, тенглик, биродарлик, халқлараро ва миллатлараро дўстлик каби умуминсоний қадриятлар унинг ҳар бир сатрига сингдирилиб юборилган. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларини халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда иш олиб бормоқда.

Жамият тараққиётида давлатчиликнинг турли шакллари, бинобарин, демократиянинг ҳам турли типлари яратилган. Демократия тушунчасининг шакл ва мазмуни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларига боғлиқ ҳолда шаклланиб, ўзгариб боради. Ки-

шилиқ жамияти пайдо бўлганданоқ, демократиянинг куртаклари пайдо бўлган ва ҳатто энг тараққий этган мамлакатларда ҳам у ўзининг сўнгги чўққисига эришганича йўқ. Демократик тамойилларни белгилашда, жамиятнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари асосида шакланган, халқнинг, миллатнинг ижтимоий онги ва психологияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шундай экан, демократия инсониятнинг маданияти, маънавияти, ижтимоий онги, менталитети, идроки, билиш доираси, ишбилармонлик-тадбиркорлик қобилияти унинг жамиятда эркин яшаш ва меҳнат қилиш кўникмаси билан биргаликда шаклланиб, ривожланиб борадиган табиий тарихий жараён дир. Демократия шахс билан жамиятнинг уйғунлиги таъминловчи омил дир. Бу уйғунлик қанча такомиллашган бўлса, жамият тараққиёти шунчалар ривожланади. Демократия шахс эркинлигини таъминловчи ва уни тартибга солувчи омил дир. Унинг асосий вазифалардан бири жамиятдаги кучларни келишиш ва муроса олдида бирлаштириб, яъни консенсусга олиб келиш ва мамлакат тараққиёти учун хизматга сафарбар қилишдан иборат дир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жамият “Адолат – қонун устуворлигида” тамойилига тўлиқ амал қилсагина, адолатли жамият асослари шаклланади. Адолатли жамият деганда эса, инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг таъминлаш масаласи тушунилади. Зотан, жамиятда демократияни таъминламасдан туриб ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

*Раъно ИБРАГИМОВА,  
Миробод саноат касб-хунар коллежи ўқувчиси*

## **ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ**

Қўлимга қалам олар эканман, фикр-хаёлимни жамлаб, сен ҳақингда ёзишга киришаман. Лекин қўлларим ногаҳон титрай бошлайди... Ожизлигимни ҳис қилиб хижолатга тушаман. Сени ифодалаш, тасаввуримдаги тасвирингни қоғозга тушириш учун луғатимдаги энг сара сўзларни ишлатишга ҳаракат қиламан, лекин қаламим ожиздек ҳис қилади ўзини, зарварақларим эса гўёки етмайдигандек туюлади менга. Чиройли сўзлар билан сени ифодалагим, сенга бўлган чексиз меҳр ва садоқатимни намоён этгим келаётгани сайин юрагим нурга тўлгандек бўлади.

Атрофга бир қур назар ташлайман, бегона сенга ҳасад ила боқишини ўйлаб, сени ёмон кўзлардан асрагим келади. Ҳар тонг сени куйлаб ойнаи жаҳонда фарзандларинг чиқишини томоша қилиб, ғурурим икки ҳисса ошгандек бўлади. Сен ҳақингда ҳар бир фарзандинг меҳр билан сўзлаши одамга бир олам қувонч ҳада этади. Ҳа, сен шундайин улуғсанки, дунёдаги жамики чиройли сўзлар билан безатса ҳам, инсонни энтиктира оладиган, ғурурга чўмилтира оладиган Ватан дея аталмиш гўзал номинг бор.

Эй бошим узра чарақлаган порлоқ қуёшим, сенинг қай жиҳатингни қоғозга туширай?! Чеккан заҳматларингними ёки қалбим қўрини ичаётган қалбинг ҳароратиними? Азиз Ватаним, сен бамисоли улкан боғсан. Мен ва мен каби ёшлар сенинг бағрингда униб-ўсаётган ниҳолларингмиз. Биз ниҳоллар келажакда бу улуғ боғни янада яшнатиш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳа, Ватан ҳақида қанча гапирсак, қанча қоғоз қораласак ҳам инсон кўнгли тўлмайди. Чунки инсон зоти Ватанини ўзидан ҳам қаттиқ севади. Ахир бу муқаддас маконда ҳар бир инсоннинг ота-бобоси, аجدодлари умргузаронлик қилишган.

Ватан, албатта, бешиқдан бошланади. Айниқса, биз ўзбек халқи Ватаннинг муқаддаслигини яхши англаймиз. Ахир, ҳаммага ҳам бундай муқаддас, гўзал чаманда олам юзини кўриш насиб этавермайди. Яқиндагина газетада бир мақолага кўзим тушди. Бу суриялик ота-ўғил суҳбати эди. Суриялик отага ўғлининг берган саволи қуйидагича:

“Дада, тинчлик нима?” – деб сўради ўғил. Ота бироз ўнғайсизланади. Ахир, мурғак гўдак тинчлик нималигини билмайди. Унинг наздида қўлида қурол бўлсагина, тинч яшаш мумкин, деган ўй бўлса ажаб эмас. Отанинг жавоби менинг кўзимга ёш келишига сабаб бўлди: “Тинчлик бу – Ўзбекистон, ўғлим!” Аллох жаннатмонанд қилиб яратган замин менинг юртимлигидан, шу Ватаннинг фарзанди эканлигимдан ҳамда олисдаги болакай хаёлидаги, балки орзусидаги тинч, гўзал чаманда яшаётганимдан, мен ва мен каби юртимиз фарзандларига бошқа халқ фарзандлари ҳавас ила боқишаётганидан фахрландим.

“Ҳа, мен ўзбекман, Ўзбекистон фарзандиман”, дея, баралла ҳайқиргим, виқор-ла бўй кўрсатаётган улкан тоғлар орасидан шу ҳайқириқ нидосини эшитгим келади. Албатта, Ватаним сени улуғлаш учун бу сўзлар ҳам кам. Бу кунларга етишинг ҳам осон бўлган эмас. Собиқ шўро даврида сенинг парвозингни, қучоғингдаги хур фарзандларингни кўришни истагувчи юрт фидойилари сенинг душманинг этиб қатағон қилинди. Бундан қанчалик изтиробга тушганинг фақат ўзинггагина аён.

Мустақиллик халқимизга улкан ислохотларни амалга ошириш учун замин яратди. Албатта, бунда Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб юритган сиё-

сати, халқимизнинг матонати таҳсинга сазовордир. Мустақиллик бизга тилимизни, эътиқодимизни қайтариб берди. Тилимизга бўлган эътибор уни давлат тили мақомини олишгача етаклади. Ахир, ўзбек тили бор экан, ўзбек миллати барҳаёт. Шундай экан, она тилимизнинг софлиги ва равнақи учун биз ёшлар доимо масъулдир.

Биз, ёшлар мукамал илм эгаллашимиз учун ҳеч бир давлатда бўлмаган тизим ўн икки йиллик бепул таълим тизими жорий этилди. Тўққиз йиллик мактабдан сўнг, фарзандларинг учун келгусидаги касб-хунар танлаш имкони туғилди. Бу эса биз ёшларга берилган улкан имкониятлар эшигини очди. Фарзандларинг соғлом бўлиши учун спортга ҳам катта эътибор қаратилди. Жаҳон ареналарида Алпомишдек келбатли ўзбек ўғлонлари, Барчинойдек саботли қизлари юрт байроғини кўкларга кўтараётганини кўрамиз. Бу ютуқлар халқимизнинг доимо ёруғ кунлар келишига ишонгани, уни интизор ва сабот ила кутгани эвазига мукофот тариқасида тақдим этилган бўлса, ажаб эмас.

Албатта, гуруч курмаксиз бўлмагани каби, орамизда юртини сотувчи кимсалар, афсуслар бўлсинки, ҳали ҳам топилади. Улар қалб кўзи сўқир бандалардир. Сени гўзал чаманга қиёсладим. Биз шу чаман ичидаги гул бўлсак, улар чақиртиканакдан ўзгаси эмас. Бу нокаслар учун, ҳаттоки, сўзларимни сарфлашни ҳам қизғаняпман, барча дилимдаги гаплар фақат ва фақат сен учун серқуёш ўлкам!

Баъзида ҳайрон бўлиб қоламан. Баъзи бир нокаслар юртимнинг тинчлигини кўра олишмайди. Биласизми нега? Чунки уларда тинчлик, юртга муҳаббат каби туйғулар умуман йўқ! Аллоҳим уларни шу азиз неъматдан Мосуво этибдими, демак, айб ўзларида. Оддий мисол, ота-оналар фарзандини юртга нафи тегсин, кексаларимиз диёримиз тинч, халқимиз фаровон яшасин, деб, дуо қилади, мард ўғлонларимиз сарҳадларимиз

дахлсизлиги йўлида жон фидо қилишга тайёрдир. Ҳар биримиз тонг саҳардан жонажон ўлкамиз равнақи йўлида хизмат қилиш ниятини дилимизга тутамиз. Шу билан юрт тинчлиги учун озгина бўлса ҳам ўз ҳиссамизни қўшгандек, бахтиёр сезамиз ўзимизни. Уларда-чи? Яъни бошқа айрим нотинч давлатларда огоҳ бўлишга унчалик эътибор беришмаса керак. Шу боисдан бўлса керакки, тез-тез қўпоровчилик ҳаракатлари амалга оширилади. Мана шунинг ўзи эмасми юртга бепарволик?! Бизнинг юртимиз эса бундан мустасно. Ҳар бир отаётган тонгга шукрона келтириб яшаш – халқимизга хос хусусият. Яна баъзи Европа давлатларида саксонни қарши олаётган қариялар кўчада уй ҳайвонларини етаклаб юришади. Сабаби эса, уларнинг фарзандлари ишлагани ёки яшагани бошқа давлатга ёинки қўшни шаҳарга кетган. Балки улар бутунлай ҳаёт йўллариини айро қуришган. Ота-оналарининг барча эҳтиёжларини қондириб қўйишгандир. Бироқ “Отам бор-ку, онам бор-ку”, деб уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олишмайди, меҳр кўрсатишмайди.

Фарзанди мустақил бўлгани, балки яхшидир, уларга ҳавас қилгувчилар ҳам топилар. Бироқ менинг эса уларга фақат ва фақат раҳмим келади! Бизнинг нурунийларимизга эса улар ҳавас билан боқишади. Улар ҳам бизнинг бобо ва момоларимиз каби уй тўрида, савлат тўкиб ўтирган ҳолда, кўзларнинг оқу қораси бўлган фарзандлари, набираларига ҳаёт сабоқларини насихат тарзда ўргатишни орзу қиладилар. Бизнинг халқимиз шундай меҳрибонки, ўзига етти ёт бегона бўлса ҳам, “Бир ўзи яшайди”, – дея ёлғиз кексалар иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб туришади. Шундай юрт фарзандлари яна қайда бор?! Шу ўринда фақат биргина жумлага жой бор деб ўйлайман: “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!”

## **МУСТАҚИЛЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ**

Мустақиллик биз учун, аввало, ўзлигимизни англаш, инсоний қадримизни урф-одат ва қадриятларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, азиз-авлиё ва алломаларимизнинг табаррук номлари ва меросини, ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби беқиёс имкониятлар очиб берди.

Мустақиллик боис ўтган давр мобайнида мамлакатимиз қиёфаси янгиланиб, ўзгариб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси амалга оширилаётган туб ижтимоий-ислоҳотлар кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини қуришга асосланган. Мустақил, суверен Ўзбекистон ўтган қисқа даврда, аввало, эл-юртимизнинг хоҳиш иродаси, машаққатли ва бунёдкорона саъй-ҳаракатлари эвазига ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини бугун дунё тан олмоқда. Шунингдек, Президентимиз томонидан инсон омили масаласи ижтимоий фазилатлар, қадриятлар тизими сифатида кўтарилганлига урғу берганлари ҳам шу ўринда аҳамиятлидир. Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва истиқлол йилларида изчиллик билан илгари сурган ҳамда ҳаётимизга чуқур татбиқ этиб келинаётган даъватлар ва ҳаётбахш ғоялар замирида инсон омилига энг олий мезон сифатида қаратилди. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижалар негизида турган асосий омил инсондир. “Ин-

сонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир”, деб таъкидлайди Президентимиз. Собиқ иттифоқ даврида фақат пахта етиштиришга ихтисослашган, аграр республика ҳисобланган Ўзбекистон, бугунги кунда ҳар томонлама ривожланиб, экспортбоп, юқори сифатли маҳсулотлари билан жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлди. Эндиликда Ўзбекистон жаҳон сиёсий саҳнасида ўз сўзи, ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда.

Шу ўринда, мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган фаровон демократик давлат ва жамиятни барпо этишга йўналтирилган туб ислохотлар сиёсатининг ўзига хос хусусияти унинг аниқ ижтимоий йўналтирилганлигида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол – жисмонан соғлом, ақлан етук, нафақат кўплаб билимларни, ҳозирги даврда талаб катта бўлган касбхунарларни эгаллаган, айна пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам экани табиийдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажиги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, биз, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишимизга боғлиқдир.

Мамлакатимизда юритилаётган кучли ёшлар сиёсати мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларида, ушбу соҳага те-



гишли 22 қонунда ўз ифодасини топган. Мамалакати-миз мустақилликка эришганидан сўнг қабул қилинган дастлабки қонун ҳужжатларидан бири 1991 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун эканлигида катта рамзий маъно бор. Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғояси, ўз Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, уни ҳар томонлама – жисмонан, маънан ва руҳан баркамол этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган. Айни пайтда кўплаб мақсадли давлат дастурлари ҳам ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Бу борадаги ишларнинг юқори самарадорлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоат тузилмалари, шу жумладан, ўз сафларида 5,5 миллион йигит-қизни бирлаштирган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ўртасида тобора кенгайиб бораётган ижтимоий ҳамкорлиги натижасида таъминланмоқда.

Шунингдек, бир қатор махсус стипендиялар таъсис этилган. Ёшлар салоҳиятини ривожлантириш борасидаги бундай ғамхўрлик ўз самараларини бераётир. Бу, жумладан, ҳар йили ўтказиладиган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ёш олимлар ва талабалар томонидан тақдим қилинаётган истиқболли янгиликлар сони тобора ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Мустақиллик йилларида демократик ва бозор ўзгаришлари талабларига мос равишда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ниҳоятда муҳим соҳадаги чуқур ислоҳотлар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, айни пайтда кўлами, қамрови ва мақсадларига кўра ўта ноёб

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилди. Мамлакатимизда таълим шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳа, деб эълон қилинган. Мавжуд таълим муассасаларини давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилишдан ташқари МДХ давлатларида ўқшаши йўқ янги турдаги ўқув юртлари – касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилди. Бундай бепул 12 йиллик умумий-мажбурий таълим дунёнинг етакчи давлатларида ҳам кўзга ташланмайди. Бу каби ислохотларнинг амалга ошиши ўз навбатида юртимизда саводхонликнинг 99% га ўсишига олиб келди. Шу тарзда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқлари учун юқори ма-лакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳар томонлама ижодий ривож-лантиришга йўналтирилган узлуксиз ўқув-илмий-ишлаб чиқариш таълимининг ноёб яхлит тизими шакллантирилди. Юртимизда жаҳоннинг машҳур уни-верситетлари ўз фаолиятларини юритмоқда. Буларга мисол қилиб эса: Вестминстер университети, Сингапур менежмент университети, Турин политехника универ-ситети ва бошқаларни олишимиз мумкин.

Бу эса биз ёшларга ўз имконият ва қобилиятимизни бемалол тўла кўрсата олиш имконини бермоқда. Мам-лакатимизда ёшларнинг саломатликларини мустаҳ-камлаш мақсадида ҳам бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Саломатликни таъминлаш, узлуксиз таълим ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш бўйича мамлакатимизда яратилган миллий моделлар бутун дунёда юксак баҳоланмоқда. Жумла-дан, 2011 йилнинг ноябрида “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзуида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда нуфузли халқаро ташки-лотлар томонидан бу борада амалга оширилган иш-

ларга юқори баҳо берилди ва улар бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида эътироф этилди.

2012 йилнинг февралда пойтахтимизда ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” халқаро конференциясида Ўзбекистонда яратилган узлуксиз таълим ва тарбия миллий тизими бошқа давлатлар учун эталон, деб эълон қилинди.

2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши, “Саве ве чилдрен” халқаро ташкилотининг рейтингига Ўзбекистон болалар саломатлиги бўйича дунёнинг ўнта давлатлари қаторига кириши буларнинг барчаси, Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, болалар ва ёшларнинг келажаги, демакки, мамлакат истиқболи ҳақида ғамхўрлик қилинадиган давлат эканидан далолатдир. Ҳозирги кунда ёшларга халқимиз, Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътиборни ёшларимиз ҳам бор кучлари билан оқлашга ҳаракат қилишмоқда. Буни биз спорт, илм-фан, саноат ва ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда кўришимиз мумкин.

Менинг фикримча, биз ёшлар энг аввало ўз аждодларимизга муносиб бўлишга интилишимиз керак. Чунки миллатимиз кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган эмас. Бу юрт ўзида Амир Темур, Алишер Навоий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий ва бошқа минглаб буюк зотларни дунёга берган. Биз бундан фақатгина фахрланиб қолмасдан, улар бошлаб берган ишларни давомчиси бўлишимиз лозим.

*Муҳаммадюсуф АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент педиатрия тиббиёт  
институту талабаси*

## **ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР**

Ватан... кимдир туғилиб ўсган ерини Ватан деса, яна кимдир киндик қони тўкилган заминни Ватан дейди, яна кимдир яшаётган ерини Ватан деб атайди. Ким нима деб аташидан қатъи назар, Ватан аجدодларимиз киндик қони тўкилган замин, қулоғимизга алла куйи билан кирган улуғ ҳис туйғудир.

Бола улағайган сари ушбу туйғу ҳам улғая боради, Ватан нима эканлигини тушуна бошлаймиз. Она ўз боласини асраб авайлаб ўстирса, Ватан ҳам бизни ўз онамиз сингари асраб-авайлаб вояга етказди. Янги туғилган чақалоқ учун Ватан бу унинг бешиги. Бешик болани ташқи муҳитдан худди онаси каби асраб-авайлайди. Негадир бешикни кўрсам юрагим алланечук ғалати бўлиб кетади. Билмадим, ёшлик чоғларимни эсга солиб юборса керак. Бу ҳали ҳаммаси эмас, бу ғалати ҳисни фақат бешикни кўрганимда эмас онанинг ўз боласига алла айтаётганида негадир юрагим тез уриб ғалати ҳислар қуршовида қоламан. Билмадим, бу ҳислар Ватаннинг ўз ўғлонига ҳадя қилган меҳридир. Ватанга бўлган меҳр болага ўз онасининг сути билан киради шунинг учун бўлса керак кексалик чоғимизда ҳам бу меҳр-муҳаббат бизни асло тарк этмайди. Шу муҳаббат туфайлими мен ўз туғилиб ўсган Ватаним Ўзбекистонни севаман. Балки унинг гўзал табиати туфайлидир, балки шириндан-шакар нозу неъматлар сабабдир. Балки онамни менга айтиб берган алласи туфайлидир. Билмадим, балки бу Аллоҳ томонидан берилган битмас-туғалмас муҳаббатдир.

Ўзбекистоннинг мустақиллигигача бўлган даврда аждодларимизнинг энг эзгу мақсади бу диёримизнинг мустақиллиги бўлган. Кимлардир бу ёруғ кунларга етиб келди, кимлардир эса йўқ. Мустақилликка эришишимизда, албатта, уларнинг ҳам хизматлари ниҳоятда беқиёс. Ҳатто улар бу йўлда ўзларининг жонларини ҳам фидо қилганлар. Улар ўз жонларини ўйлаганлари йўқ, ўзларини четга ҳам олмадилар, аскинча, ажалга юзма-юз келишдан қўрқмадилар. Улар ким, деган савол туғилиши табиий. Улар Абдулла Қодирий, Мунавварқори, Бехбудий, Чўлпон каби буюк аждодларимиздир. Улар халқни маърифатга ҳурриятга чорлардилар. Улар ёруғ кунлар келишига ишонишган ва қилган саъй-ҳаракатлари беҳуда кетмади. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Мустақилликка эришди. Мустақилликнинг илк йилларида миллийлигимизни, маданиятимизни тиклашга эътибор берилди. Президентимиз Фармонига мувофиқ “Шаҳидлар хотираси” майдони қуриб битказилди. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Мустақиллик йилларида ёш авлодни аждодларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида уларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида дарсликларда алоҳида саҳифалар ажратилди.

Ўзбекистон деганда бепоён далалар, гўзал диёр гавдаланади. Ўзбекистон деганда баланд тоғлар, тоғлар бағридан оқиб тушаётган зилол сувлар, мафтункор шаҳар ва қишлоқлар, ҳашаматли бинолар кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳозирда юртимнинг жамолига кундан-кун ҳусн қўшилиб бормоқда. Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида чекка-чекка қишлоқларда ҳам мафтункор қиёфа касб этмоқда. Илгарилари қишлоқ деганда пастқам уйлар, тор ва чанг кўчалар тушунилса, бугунги кунга келиб, аксинча ҳашаматли бинолар, кенг ва равон йўллар ақл бовар қилмайдиган гўзал маскан тушунилади. Бугунги кунга келиб қишлоқ ва шаҳар орасидаги фарқ қолмади. Мустақиллик йилларида

кенг ва равон йўллар қурилди. Ҳашаматли бинолар қад ростлади, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланди.

Юртимни гўзаллиги учунгина эмас, шу юртда етиштирилган шириндан-шакар мевалари туфайли жаннатга қиёсланса керак. Ушбу фикримни тасдиқлаш мақсадида оддийгина мисол келтираман. Самарқанд нонининг иссиқлигида ундан чиқаётган ҳидни эсланг. Эслашингиз билан Самарқанд нонини емасангиз ҳам ширин таъми ҳис қиласиз, балки ушбу такрорланмас жаннатмонанд заминда асраб-авайлаб етиштирилган буғдой уни ва зилол сув ва Самарқанднинг мусаффо ҳавосининг ўзаро уйғунлашиши мазкур таъми ҳосил қилади. Шунинг учун янги пишган нондан жаннат иси келади.

Ҳозирги тинчлик, осойишталик ҳеч бир давлатда топилмайди. Яқинда дунёдаги энг бехатар давлат дея Ўзбекистон эътироф этилди. Бунинг таг заминида катта машаққат, халқнинг метин иродаси ётади. Олдинлари тинчликни таг замирида катта машаққат борлигини билмас эдим. Ҳарбий хизматга борганимда эса шу тинчликни сақлашга ўз ҳиссамни қўшганимда билдим. Давлатимизда ўтаётган ҳар бир дақиқа таг замирида Ватан йўлида жонини фидо қилишга тайёр ўғлонларнинг хизмати катта. Бу Ватанни асрашда буюк аждодларимизга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламиз.

## МУНДАРИЖА

Ватан келажаги ёшлар кўлида.....	3
Мен “Адолат”га аъзоман.....	6
Меҳримиз бошланган макон.....	9
Ватанпарварлик туйғуси.....	12
Бахтиёр кунлар шукронаси.....	16
Тақдиримсан, бахтимсан, озод ва обод Ватан.....	19
Байрамлар ярашар юртимга.....	23
Чиройингга тилим лолдир, Ватан!.....	27
Ёвузликка қаршимиз.....	29
Кўрар кўзимсану айтар сўзимсан.....	31
Кўхна тарих шодасида битта маржон ўзбегим.....	35
Асрлардан ошган буюк ватаним – Ўзбекистоним.....	38
Мустақиллик берган имконият.....	42
Озод элнинг ғолиб фарзандлари.....	45
Истиқболи порлоқ ўзбекистоним!.....	48
Олам узра ҳилпираган озод байроғим.....	52
Азиз тупроқ.....	55
Қадди баланд юртда инсон қадри азиздир.....	57
Ватан ҳимоясига қодирмиз.....	60
Серқуёш диёрим гўзал, мафтункор.....	66
Англаш саодати.....	69
Ватан – адоғи йўқ дostonдир.....	72
Обод қишлоғим кўрки.....	75
Юрт туйғуси юракда.....	78
Аждодларга муносиб авлод бўлайлик.....	80
Бир ўлкаки.....	83
Муқаддас гўша.....	86
Нима қилдик, ватан учун?.....	89
Аждодларга муносиб авлод.....	93
Васфинг виждонимдадир ватан!.....	95
Она юртим, ота маконим.....	98
Аждодлардан мерос юрт меҳри.....	101
Юртга содйқ фарзанд бўлайлик.....	104
Тинчлик – қадри ўлчанмас неъмат.....	107
Истиқлолнинг имконлари кўп.....	110
Бу муқаддас ватанда азиздир инсон.....	113
Ватанни севиш – муқаддас туйғу.....	116
Комилликка етакловчи куч.....	120
Ҳамиша навқирон гулистонимсан!.....	124
Ўзлигини англаган инсон.....	127
Ватан – бетақрор маъво.....	129
Улуғлардан улуғимсан, ватаним!.....	132
Халқимиз буюк ишларга қодир.....	135
Конституция – менинг тақдиримда.....	139
Обод шаҳрим гулистонлари.....	142
Ушалган орзу.....	145
Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон.....	150
Муқаддасан мустақил Ватан.....	153
Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият.....	158
Ягонасан, Ватаним!.....	161

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ўзбекистон .....	167
Ватан остонадан бошланади .....	172
Қишлоғимга истиқлол берган файз .....	175
Ватаним, корингга ярасам дейман.....	179
Истиқлолнинг мустаҳкам таянчлари .....	182
Интилганга толе ёр.....	184
Мустақил фикрлайдиган инсон .....	187
Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан .....	189
Мағрурланиб айтар жавобинг бўлсин .....	192
Бу муқаддас ватанда азиздир инсон.....	194
Инсон қадри.....	197
Тинчлик – бебаҳо неъмат .....	200
Куч – адолатда.....	202
Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон!.....	204
Иқболи ёруғ юртим.....	206
Кўзим қароғидасан, Ватан!.....	208
Сени асрагаймиз, мустақиллик!.....	211
Инсон манфаатларининг олий ифодаси .....	216
Ватаним – қалбим гавҳари .....	219
Юртга садоқат туйғуси.....	223
Конституция – менинг тақдиримда .....	227
Мустақиллик – бебаҳо неъмат.....	231
Инсон ҳуқуқлари олий қадрият .....	234
Мустақиллик – бебаҳо неъмат.....	236
Мустақиллик – бу, энг аввало, ҳуқуқдир .....	239
Озод юрт – обод юрт .....	242
Азиз ва мўътабар .....	245
Қалбимда бир туйғу бор.....	247
Буюк аجدодларнинг ворисларимиз.....	250
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.....	252
Мустақил юртнинг – мустақил фарзандлари.....	256
Ватан келажаги ёшлар қўлида.....	259
Истиқлолдан бахт топган ватан .....	266
Ҳар гиёҳнинг меҳр уйғотар .....	269
Нон-тузингни оқлайман, элим.....	271
Эртанги кун умидлари.....	273
Ҳар қадами обод масканим .....	276
Ишончингни оқлаш – бахт бизга .....	278
Улуғимсан, ватаним.....	281
Ўзбекистон – келажаги буюк давлат.....	283
Юрт тараққиётига ҳисса қўшаман.....	285
Ватан келажаги ёшлар қўлида.....	288
Ёруғ келажак сари.....	292
Истиқлол нуридан мунаввар диёр .....	298
Ғурурим, оримсан ўзинг.....	301
Ўзбекистон – инсон манфаатлари улуғланган юрт .....	304
Инсон қадри улуғланган юрт.....	308
Мустақиллик – бебаҳо неъмат .....	312
Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.....	317





**Истиқлол  
шукуҳи**

ISBN 978-9943-4721-8-1



9 789943 472181